

Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Ғайбуллоҳ ас-Салом
Неъматуллоҳ Отажон

ЖАҲОНГАШТА БОБУРНОМА»

Тошкент-1996 йил


Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Ғайбуллоҳ ас-Салом
Неъматуллоҳ Отажон

Жаҳонгашта “Бобурнома”

- ♣ Бобур Мирзодин дуойи салом
- ♣ Тарих келажакка кафил ва доя
- ♣ Тоғнинг салобати узокдан кўринади
- ♣ Бобур-Арслон
 - ♣ Қилич ва Қалам
 - ♣ Мавлоно “Вақоеъ”
- ♣ Оёғи бормаган жойга қўли етди
- ♣ Таржиманинг ипак йўли
- ♣ Шоҳ ва Дарвеш
- ♣ Лйукас Уайт Кинг (Англия): “Бобурнома”га 4.000 шарҳ

Тошкент - 1996 йил



«Бобурнома» .. Мовароуннаҳрдан — Олмониягача, Афғонистондан — Буюк Британиягача, Ҳиндистондан — Франция, Покистон, Ҳолландия, Русиягача ўнлаб мамлакатларга ташир буюрган беш асрлик ноёб қомусий обида. Дунёда ҳеч бир фотиҳу жаҳонгир тилларда бунчалик дoston бўлган эмас. «Бобурнома» («Вақоеъ») таржималари орасида ҳолланд Витсен, англизлар Виллям Эркин, Жон Лейден, Лйукас Уайт Кинг, фаранг Паве де Куртейл, Жан Лйун Бакйе-Граммон, олмон Кайзер, форс Абдураҳимхон ибн Байрамхон, Рўшон Оро Бегим, турк Рашит Раҳмати Орат, рус Михаил Салйе, япон Кейжа Ману, покистонлик Мирзо Насриддин Ҳайдар Кўрағони, Рашит Ахтар Надвий, ҳинд Саид Аткиор Аббос Ризвон ва бошқаларнинг номлари учрайди. Қўлингиздаги китобда асарнинг англиз, турк, рус, қисман франсуз ва форс тилларига қилинган таржималари адабий-қийсий, тарихий-услубий назарий андозалар асосида ўрганилган. Бу ерда илк маротаба мавжуд мукамал таржималар асосида (Аннетта Сусанна Бевериж) асл нусха (оригинал)нинг кемтик қисмларини тўлдириш, кемтик ва сайёр сйужетларнинг юзага келиши, матн ва таржима вобасталиги, муншаот услуби ва таржимаси, таржимада илмий-бадий омухталашув (синтезлашув) ҳодисаси каби баҳслар илмий истифодага кiritилган. Бу каби мураккаб назарий масалалар барча ихтисос кишиларини ўзига жалб этадиган бир мароқли услубда таҳлил қилинган. Маърифатли китобхон. Сиз узоқ вақт кутган тадқиқот — «Бобурнома» таржималари тадқиқи қўлингизда. Сизга мунтазир Марҳамат, ҳазрати Бобур подшоҳнинг юрак қони билан ёзган қомуси, тарихи ва таҳлили билан танишинг.


Абдулла Қодирий номидаги

Халқ мероси нашриёти



Буюкликда якто ёхуд соҳиби салтанат (муқаддима ўрнида)

Ўзбек адабиёти жаҳоннинг қадимий ва бой адабиётларидан бири. Юксак умуминсоний ғоялар билан суғорилган ўлмас ёзма обидалар, кўплаб эртак ва дostonлар, қисса ва ҳикоятлар, саргузашт асарлар маънавий хазинамиз, илмий ифтихоримиздир. Мустақилликни қўлга киритган ўзбек халқи ўз маънавияти тарихига янгича кўз билан қараб, уни асраб-авайлаб ўрганиш имкониятига эга бўлди. Адабий меросимизни қандай бўлса шундайлигича, тўқис, бут ҳолда нашр этиш, холисона баҳолаш ва бугунги авлодни улардан баҳраманд этишга кенг йўл очилди. Энди ўз маънавий бойликларимизни ўзимиз янгидан таниб, идрок этибгина қолмай, балки жаҳон афкор оммаси, илм, маданият аҳли бизнинг тарихимиз, адабиётимиз ва санъатимизга қандай муносабатда бўлиб келганини ва ҳозир бу муносабатлар қандай эканлиги, ўзга элат ва миллатлар бизнинг адабиётимиз намуналарини қай тариқа қабул қилаётгани, қандай баҳолаётганига яқиндан қизиқишимизга тўғри келади. Шу мақсадда ўзбек адабиёти намуналарининг бошқа тилларга таржималари, тарғиб-ташвиқи ва ўрганилиш тарихини кузатиб, бу жараёни илмий тадқиқ этиш бугунги бирламчи вазифалар қаторида туради. Бу ишнинг илмий ва амалий аҳамияти шунда. Чунки бу орқали ўзбек адабиётининг жаҳоншумул миқёси тайин эти-



лади. Адабиётимизнинг бошқа адабиётлар билан алоқаси, ўзаро баҳрамандлик ҳамда ижодий вори-сийлик хусусиятлари ёритилади. Ўзбек адабиётига муносабат, нафосат туйғуси ва идроки, бу адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ҳолати, ўзбек халқининг жаҳон адабиёти тараққиётига қўшган маънавий ҳис-сасининг салмоғи муайянлашади. Ва ниҳоят, адабиётимизнинг тарқалиш жўғрофияси аниқланади, қилинган таржималарнинг аслиятга нечоғлиқ мувофиқли-ги, савияси ва сажияси, хусусияти кўздан кечирилади. Ўзбек адабиётининг мумтоз намуналари, неча асрлар-дирки, хорижий тилларга таржима қилинади. Чунон-чи, Аҳмад Яссавий (XI аср) ҳикматлари, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” (XII аср) асари, Хо-размийнинг “Муҳаббатнома”си (XIV аср), Лутфий, Отойи, Дурбек, Навоий (XV аср), Бобур, Абулғози Баҳодирхон (XVI аср), Машраб, Турди (XVII аср) асарлари, Амир Темур тузуклари, соҳибқироннинг ҳаёти ва ҳарбий юришларига оид ҳамда бошқа ўнлаб нодир китоблар неча бор инглиз, рус, франсуз, олмон ва бошқа тилларга ўгирилиб келинади. Дафъатан, булар ҳақида ёзилган кўплаб гоят қимматли илмий-тадқиқот ишлари диққатни ўзига тортади. Шунини алоҳида чуқур мамнуният ва шукроналик ила қайд этиш керакки, бир қанча туркиёна қадимий адабий ёдномалар овруполик тадқиқотчиларнинг саъй-ҳара-катлари туфайли топилиб нашр этилган, асраб-авай-лаб, тасниф ва таҳлил қилиниб, жаҳон илм-маданияти мулкига айлантирилган, бизга - мерос эгаларига қай-тарилган. Хорижий олимлар, таржимонлар, матншу-нослар ва шориҳларнинг меҳнатию ҳимматини биз, шу адабиёт соҳиблари, муносиб тақдирлашга, қадрлашга

тегишмиз. Ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин сиймоларидан Захириддин Мухаммад Бобурнинг ижоди дунё бўйлаб кенг тарқалган. Машхур “Бобурнома” (ёки “Воқеоти Бобурий”, “Вақоъе”...) тўрт марта форсийда, тўрт марта инглизчада, икки мартадан олмон, франсуз ва турк тилларида, тўрт топқир рус тилида, бир мартадан ҳолланд, италян, ҳинд, урду, япон, поляк ва уйғур тилларида чоп қилинган. Бобурнинг ҳаёти, шахси, ҳарбий ва давлатчилик ҳаракатлари, шажараси: аждод ва авлодлари, Бобурийлар салтанати тарихи Оврупо шарқшуносларининг диққатини XVIII аср ўрталаридан бери жалб этиб келади. Бобур Мирзо ҳақида турли тилларда рисола ва монографиялар, беш юзга яқин илмий мақолалар, адабий асарлар ёзилган, луғатлар тартиб берилган, ҳарбий юришлари ҳақида хариталар тузилган. Унинг меросини йиғиш, асарларининг матнларини аниқлаш бўйича қилинган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. “Бобурнома”ни Витсен, Д. Дербело, Жон Лейден, Вилйам Эрскин, Р. М. Калдекот, С. Лейн Пуул, Э. Холден, М. Элфинстон, Жан Лйуи Бакйе-Граммон, Г. М. Эллиот, В. Х. Мореланд, А. Паведе Куртейл, Ф. Г. Талбот, А. Денисон Росс, Аннетта Сусанна Бевериж ҳоним, Ҳенри Бевериж, Х. Лэмб, А. Шиммел, М. В. Кўпрулизода каби йирик ғарбий овруполик шарқшунослар ҳамда Н. И. Илминский, Н. Н. Пантусов, В. В. Вяткин, Н. И. Веселовский, В. В. Бартолд, А. Н. Самойлович, М. Салйе, А. А. Семёнов, А. Ю. Якубовский, И. В. Стеблева каби рус олимлари, афғон олимларидан: Аҳмад Али Кўҳзод, Абдулхай Ҳабибий, Гулчин Маъоний, ҳинд олимларидан: Зокир Ҳусайн, Нурул Ҳасан, Муни Лаъл,

С. А. Шарми, Р. П. Трипатхи, П. Саран, Канунга, Муҳиббул Ҳасан тадқиқ этганлар.

Бобуршуносликда ўзбек мутахассисларининг ҳам ҳиссаси кам эмас. Агар Сабоҳат Азимжонова бобурийлар давлатининг ташкил топиши ҳақидаги илмий ишларни юзага келтирган бўлса, Абдурауф Фитрат, Ҳ. Ёқубов, Я. Ғуломов, В. Зоҳидов, И. Султонов, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, Ф. Сулаймонова, Ҳ. Ҳасанов, . Маллаев, С. Ҳасанов, Х. Назарова, П. Қодиров, С. Жамолов, Б. Валихўжаев, Р. Набиев, А. Абдуғафуров, Б. Қосимов, Н. Комилов, Ж. Шарипов, М. Холбеков, А. Абдуазизов, Б. Маматов, С. Раҳимов, Ғ. Хўжаев, Л. Хўжаева, Ф. Салимова, С. Шукруллаева ва бошқалар Бобур асарларини тарихий, адабий, жўғрофий, таржимавий ва луғавий манба сифатида тадқиқ этганлар. Хусусан, “Бобурнома”нинг хорижий тилларга таржималари юзасидан бир қанча диққатга лойиқ тадқиқотлар амалга оширилди. Илло, бу ишлар асарнинг барча мавжуд таржималарини камраб ололмайди. Уларда таржималар, тадқиқотлар, шарҳлар ҳамда ватан адабиёти ва хорижий адабий муҳитни яхлит ҳолда олиб қиёсий тадқиқ этиш вазифаси қўйилмаган. Ҳатто муайян бир тилдаги таржималар ҳам бир бутун (комплекс) тарзда ўрганилмаган. Таржималар тарихи, уларнинг бир-бирларидан фарқи, “Бобурнома” устида олиб борилган илмий ишлар билан бадиий асарлар солиштириб таҳлил қилинмаган. Бундай олганда, номзодлик диссертациялари миқёсида бундай қамровдор ва салмоқдор вазифаларни қўйиб ҳам бўлмайди. Бу алоҳида мухтор масала эмас, балки бутун бир илмий ва ижодий йўналиш

бўлиб, улкан бобуршунослик мактабининг узвий бир қисмидир.

Шуни айтиш керакки, “Бобурнома”нинг хорижий таржималари тарихини тадқиқ этишга киришган эканмиз*, асарнинг инглизча таржимасига бағишланган илмий ишларда асосан таржима ва шарҳ устида тўхталиб, илмий талқинларнинг аҳамияти ёритилган, Лейден-Эрскин (1826) таржимасидан айрим намуналар таҳлил этилган эди. Биз 1979 йилдан буёғига ўн беш йил давомида “Бобурнома” таржималарини атрофлича ва чуқур ўрганишни изчил давом эттирдик. Илмий қидиришлар натижасида инглиз тилига қилинган янги қисқартма таржималар борлиги, инглиз олимларининг янги-янги илмий ишлари, асарнинг матни устида олиб борилган изланишлар мавжудлиги маълум бўлди.

“Бобурнома” таржимасида мукамаллик (адекватлик)ка эришиш тадрижиёти жараёни катта ижодий ва илмий-тадқиқий меҳнат. Бир неча ўн йиллар, асрлар давомида узлуксиз амалга оширилиб келаётган иш. Бинобарин, ҳар бир таржимага мазкур ноёб обидани бошқа халққа тақдим этиш йўлидаги бир босқич, Бобур ижодини англаш ва кашф этиш сари кўйилган янги қадам деб қараймиз. Шу маънода янги таржималарнинг юзага келиш сабабларини очиш ҳам муаллифларнинг диққат марказида туради.

Монографиянинг манбалари: “Бобурнома”нинг асл нусхаси, инглизча, туркча ва русча таржималаридан иборат. Адиб ва таржимонларнинг илмий ишлари,

* Қаралсин: Ғайбуллоҳ ас-Салом, Нейматуллоҳ Отажон. Арслон. “Халқ сўзи” газетаси, 1994 йил, 11 январ.

адабий-танқидий мақолалари ҳам имкон қадар қамраб олинди. Шунинг таъкидлаш керакки, форсча, франсузча, туркча, инглизча таржима, талқин ва шарҳлар аксар “Бобурнома”нинг бошқа Ғарбий Оврупо, рус ва қисман Шарқ тилларига қилинган таржималарига асос бўлган ёхуд таъсир этган. Кўп олимлар ўз кузатишларини мазкур таржималардан фойдаланган ҳолда олиб борганлар. Бу ҳол бизни, ўрни келганда, манбанинг бошқа тилларга қилинган таржималарига ҳам муурожаат этишга ундади.

Булар қуйидаги манбалар: туркий асл нусха, архив маълумотлари, инглизча таржималар (Лейден-Эрскин, Аннетта Бевериж хоним, Р. М. Калдекот, Ф. Г. Талбот), франсузча Жан Лйуи Бакйе-Граммон таржимаси, туркча Рашид Раҳмати Орат таржимаси, Михаил Салйенинг русча таржимаси нашрлари, Ҳарролд Лэмбнинг “Бобур-Йўлбарс” (Babur the Tiger), С. Лейн Пуулнинг “Бобур” (Babur) рўмони, Пиримкул Қодирнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар доवони” (Акбар) романлари, Муни Лаълнинг “Бобур” (Babur) рўмон-эссеси, хорижий шарқшунослар, ўзбек адабиётшунослари ва таржимашуносларининг мавзуга дахлдор ишлари.

Таҳлилда қиёсий адабиётшунослик ва чоғиштирма-типологик таҳлил табиатига таяниб иш кўрилди. Асосий текшириш дастурул амалимиз объектив илмий-тарихий йўналиш бўлди. Чунончи, адабий ёдгорлик ва муайян ҳодисани ўз тарихий даври талабидан келиб чиқиб, қиёсий мақомда таҳлил этиш, таржимонларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини мақсадларини улар яшаган давр хусусияти билан боғлаган ҳолда очиб беришдан иборат.

Монографияда жаҳон бобуршунослигида биринчи марта “Бобурнома” каби адабий-тарихий, жўғрофий-этнографик қомусий обиданинг тўртта инглизча таржимасига бақамти ҳолда қўл урилди. Бу таржималарнинг ҳар бирига хос хусусиятлар аниқланди. Инглиз олимларининг мазкур манбага бағишланган илмий-тадқиқот ишларининг аҳамияти очилди. Уларнинг Мирзо Бобур ижодига, унинг шахсига берган баҳолари, “Бобурнома”ни Оврупо муҳотида идрок этиш, англаш ва қабул қилиш тадрижиёти, таржимавий ўзвийлик, давомийлик ва ворисийлик жараёни кузатилди. Овруполик шарқшунослар ва сиёсатдонларнинг таржимадан кузатган мақсадлари, Шарқ халқларига муносабати ҳамда шу асосда ўзбек адабиётининг оламшумул шуҳрати юзага келганлиги тайин этилди.

Кўплаб олимлар қатори биз ҳам “Бобурнома”га дафъатан йирик адабий ёдгорлик деб қарадик, шунга асосан унинг таржималарига ҳам адабий-бадий таржима нуқтаи назаридан ёндошдик, шу йўналишда текшириш олиб бордик. Бинобарин, кўпроқ асарнинг ёрқин бадий лавҳалари, образларининг қайта яратилиши, тили ва услуби, бадий тасвир воситалари, шеърий парчалар таржималарига диққат қилдик. Шу билан бирга, “Бобурнома” чуқур, кўп қатламли қомусий илмий-тарихий манба ва ёднома эканлигини эсдан чиқармасдан, илмий таржима талабларига ҳам эътибор қилдик. Шундай тамойилга асосланган ҳолда, бу нодир асар таржимасида илмий ва бадий таржима хусусияти талаблари чирмашиб кетганини инобатга олиб, таржимонларга ҳам турли фанлар билимдони ва ҳам Шарқ бадий насри хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўрган тадқиқотчи ва адиблар деб қараш ғоясини

олдинга сурдик. Қилинган ишларга шу мавқедан қараб баҳо беришга ҳаракат қилдик. Бундан ташқари, Вақоеъ” магнини тўлдириш бўйича қилинган жаҳду-жадал алоҳида аҳамият касб этади: Буларнинг ҳаммаси ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ этиш, адабий алоқалар мундарижасини тайинлаш, мазмуни ва тийнатиини ёритиш, таржима вазифаси ҳамда хусусиятларини очишда муҳим илмий қимматга эга эканлиги шубҳасиз .

Қайд этилганлардан ташқари, кўйилган масаланинг ўзбек таржимашунослигида илк дафъа янгича тарх-тахлилига оид қуйидаги баҳсларни асослашга уриндик ҳамда илмий истеъмолга киритишга муваффақ бўлдик: матн ва таржима, матн ва талқин, матн ва шарҳ, кемтик, нутқ ва таржима, таржимавий ва ғайритаржимавий (экстралингвистик) муҳит, таржима ва табдил, кемтик ва сайёр сўжет, рисола ва рўмон мантики, муншаот услуби ва таржимаси, Шарқ билан Ғарб чорраҳасида: таржима, таржимада илмий-бадий мухталашув (синтезлашув) ходисаси.

Тадқиқотдан келиб чиқадиган хулосалар, қўлга киритилган илмий натижалардан ўзбек адабиёти тарихини ёзишда, қиёсий типология, адабиётлараро махсус муштараклик юзасидан олий ўқув юртлари учун янги дарсликлар, ўқув дастурлари яратишда қўлланишдан ташқари, давр талабига кўра микёсию қўлланиш жабаҳалари мунтазам кенгайиб, тармоқланиб ва чуқурлашиб бораётган таржима назарияси ва амалиёти бўйича махсус курсларда, ўзбек, хорижий Ғарб ва Шарқ филологиялари факултетлари дарсларида фойдаланиш мумкин. “Бобурнома”нинг ўзбекча янги тўлиқ нашрини вужудга келтиришда олиб борган из-


ланишларимиз бевосита амалда асқотди, яъни инглиз олимларининг ишларига суяниб, Бобур асари ўзбек тилида қайта нашрга тайёрланди. Олинган натижалар юзасидан бир қанча нуфузли илмий анжуманларда маъруза ва ахборотлар билан чиқилган:

- ЎзФАда Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишланган илмий сессияда (19.11.93),

- Буюк Британиянинг Оксфорд университетида (1986 йил, октябр),

- АҚШ нинг Принстон университетида (1988 йил, октябр-ноябр).

Темурийлар сулоласи



Биринчи боб

Матн ва таржима

Инъикос назарияси ва учинчи адабиёт


Кейинги вақтларда аслият (оригинал) матни ва уни таржимада қайта яратиш масаласига, бошқача айтганда, матн (текст) билан таржиманинг бир-бирига боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этишга махсус эътибор қилина бошлади. Зеро, аслият бирламчи манба, таржима эса унинг ҳосиласи. Аслият қандай бўлса, таржима ҳам шундай бўлиши лозим. Бас, таржимада (Т) аслиятга (А) нисбатан қиттай бўлса-да, ўннга ёки сўлга оғиш юз бермаслиги керак. Гўё: $T=A$ бўлиши даркор. “Қандай бўлса, шундай”! Аслида эса, амалиёт берган натижага қараб ҳукм қилинса, ҳар қандай мукамал таржимада ҳам, ўрнига қараб: давр, тил, адабий тур, анъана, маҳорат тақозосига кўра, ҳар хил услубий-ифодавий ўзгаришлар содир бўлиши табиий ҳол. Ўннга, сўлга, юқори қуйига, ичга, юзага қараб силжишлар юз беради. Бошқача айтганда: $T \# A$. Ёки: $A \Rightarrow T \Rightarrow A \leftarrow (2\dots$

$$\begin{array}{c} \uparrow \\ T : A = \leftarrow TA \rightarrow \\ \downarrow \end{array}$$

Йоҳанн Волфганг Гёте айтган ўша учинчи адабиёт - шу.

Шундай қилиб, аслият-таржима муносабати илмий тадқиқотлар йўналиши ва ривожининг ҳозирги палласида муҳим мавзулар қаторидан ўрин олмоқда. Бунга наинки кўламдор мавзу, балки бутун бир илмий йўналиш деб қаралмоқда. Айниқса, турғунлик даврининг устивор назарий руҳ ва арконлари, қарашлари, андозаларидаги (адабий синфийлик ва фирқавийлик, шахсларнинг адабиётга қарашларини адабий жараённинг ўзидан ҳам устун қўйиш ва ҳоказо) чекланганлик ва сохтакорликлар узил-кесил аён бўлиб, сўз санъати ҳамда сўзшунослик соҳаларида чуқур инкироз юз берганлиги аниқ бўлиб қолгандан сўнг, эндиликда янги талқин, қараш, мушоҳада ва назарий излашнишларига фавкулудда эҳтиёж туғилган бир шароитда мазкур масаланинг юзага қалқиб чиқиши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Шу тариқа Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида матн ва таржима минбаргоҳи тузилди. Тошкент Давлат дорилфунуни филология факултетиди ҳам янги ихтисослик ва бўлим - матншуносликни қарор топтириш устида саъй-ҳаракатлар бошланди. Бу ерда мазкур масала асосан бой мумтоз маданий меросимиз бўлган қўлёзмаларни ўқиш, уларни бу куннинг талаб ва эҳтиёжларига хизмат қилдириш тарзида қўйилаётган бўлсада, матн - талқин - таржима йўналишида ҳам кенгайтириш ва чуқурлаштириш назарда тутилмоқда. Зеро, матн матн учун эмас. Башарти шундай бўлганида, бу йўналиш ўзича олганда қанчалик ноёб ва мўътабар бўлмасин, бир ёқлама ҳамда номукамал бўлиб қолар эди. Масаланинг амалий тадқиқот жабҳасини кенгайтириш мақсади уни “ҳаракатга” келтириш, матн жўғрофияси


доирасида қайта яратиш, талқин, мантик, қиёс, шарҳ, луғат унсурларини ҳам киритишни тақозо этмокда.



Ўша-ўша ва ўша эмас

Шу муносабат билан баъзи бир қайдлар хусусида тўхтаб ўтишга зарурат бор. Чунончи, тараққиёт доиравий шаклда, такрорланувчан бўлади. Тараққиёт - таназзул - тараққиёт... Бундай йўналиш ва равиш-рафтор бардавом бўлиши мумкин. Ҳаётда ва илмда янги нарсанинг янгилиги унинг “бундан” муқаддам мавжуд бўлмаганлиги ва “эндигина” туғилганлиги билан, яъни шунинг ўзи билангина белгиланмайди. Вақт ўтиши билан муайян мавжуд, бор нарсалар ҳам янгилик мақомини олиши мумкин. Олайлик, матн ва таржима фақат шу куннинг муаммоси эмас. Балки таржимага эҳтиёж пайдо бўлган кундан бошлаб бу икки тушунча бир-бирига қовушган ва қойим бўлган. Бошқача айтганда, таржима матн қадар, таржима матни аслият матни қадар кўхна. Ундай бўлса, масаланинг нимаси ёки қай жиҳатлари янги? Агар ҳар бир янгилик айни замонда эскиликнинг такрорланиши, де-

ган ақидага риоя қилинса, биз шу нарсани алоҳида қайд этган бўлар эдикки, бу эскиликнинг “шунчаки” такрори эмас, балки янги давр талаби билан, янгича идрок, янгича талқин ва таҳлил ҳамда янгича тадбиқот негизида “такрорланиши” демакдир. Ахир, бундай олганда, Алишер Навоийнинг муборак “Хамса”си ҳам форс-тожик адабиётидаги ўша мавжуд “бешликлар”, “еттиликлар” ёхуд “сақкизликлар”нинг такроридай туйилади ва айрим илмий муҳитларда, айниқса Ғарб манбаларида худди шундай талқин қилинди ҳам. Бирок, айнан шу талқиннинг ўзи хато эди. Чунки масала шундай ва шундай эмас. Башарти, Навоийда ўша Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомийлар яратган Хамсаю, Ҳафт аврангу, Ҳашт беҳиштлар қандай бўлса шундайлигича туркийга (эски ўзбек тилига) ўгирилган тақдирда, шунинг ўзи ҳам мислсиз улкан маънавий воқеа бўлар эди. Ва бу хизмат, ҳеч шубҳасиз, барча туркийзабон раъиятлар учун чуқур маъно ва мазмун касб этарди. Йўқ, ҳазрат Навоий бундан-да юксак ва фараҳли мавқени забт этдилар. “Ўша-ўша” андоза, анъана, адабий удум ва ҳатто аксарият “ўша-ўша” сйужет, образ, ривоят ва тимсоллар негизида асло “ўша” бўлмаган, ўз даври учун замонавий, тиниқ фалсафий талқин, том маънода янги силсилот (концепсия), янги ижодий асар яратилди. Шу муносабат ила қуйидаги муаммога тўхталишга тўғри келади. Бу турли маданий-маърифий муҳитлар ва адабий анъаналар мулоқоти масаласи. Бу жараённи жуда ҳам умумий бир тарзда шундай шартли ифодалаш мумкин (1-чизмага қаранг). Бирок ҳозир баҳсимиз хамсачилик анъанаси ва таржима хусусида. Чунончи, “Бобурнома”да ўқиймиз: “Султон



1-чизма



Хусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл а беназар элдин Хуросон, батақсис Хири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллиғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эди ким, ул ишни камолға текурғай” (6- бет).

Хамсачилик ана шундай анъана ўлароқ ўзига йўл очди. Навоий ана шу “ишга” “машғуллиғ” ва “ғараз” раъй этди ва бу санъатни интиҳойи ҳиммат билан камолға етказди. Профессор Абдуқодир Ҳайитмат ўғлининг фикрича (барча ўзбек навоийшуносларининг ҳам раъйи шундай), XV аср адабий анъаналарига кўра назира унсурлари бўлсада (дарвоқе, буюк Навоийнинг ўзлари ҳам камоли камтарлик билан буни қайд этганлар),... моҳият эътибори” ила у том маънода ўзига хос янги асардир”.

Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айб

Талай ғарб шарқшунос олимлари Алишер Навоий ижодига бир қадар нописандликка ўхшаб кетадиган мақомда муносабат билдиришади. Чунончи, америкалик адиб Ҳаролд Лэмб (Harold Lamb) ўзининг “Бобио - Йўлбарс. Буюк мўғуллар салтанатининг бобокалони” (Нйу-Йорк, 1961) номли романида куйидагиларни ёзади: “Indeed Ali Shir was an incomparable person. He was not so much Sultan Husain’s minister as his friend. No other man has written so much and so well in the Turki language. He also completed a divan in Persian, and some of its verses are not bad, but most of them are poor. He imitated the book of the Letters of

Moulana Jami, collecting some of them and writing others himself, with the idea of furnishing every reader with a letter to suit his own need. His life he passed alone and unhindered, having no son, no daughter, no wife or family (possibly being a monastic)(151).

Мухтасар мазмуни: Алишербек беназир киши эди. Садоқатли дўсти Султон Хусайннинг министри ўларок, унга ўхшамасди. Туркийда унингчалик кўп ва хўб ёзган бошқа одам йўқ. Форсийда девон ҳам тартиб берган. Айрим шеърлари унчалик ёмон эмас. Лекин кўпчилиги ғариброк. У мавлоно Жомийнинг хатларига (иншоларига) таклид қилиб кўпларини жамлаган... Ўғил-қизларию аёли йўқ, дунёда якка-ёлғиз умр кўрди.

P. M. Caldecott (P. M. Caldecott) мазкур воқеаноманинг “Бобур ҳаёти” номи остида қисқартирилган инглизча таржимасида (1845) Алишер Навоий ҳақида Мирзо Бобур таъриф-тавсифини қуйидагича берган: Another was Ali Shir, who was more than his friend than his Ameer; in their youth they had been intimate with each other at school. Ali Shir was admired for the elegance of his demeanour which some ascribed to the conscious pride of high fortune; but that refinement was natural to him. Indeed, he was an incomparable person. From the time that poetry was first written in the Toorki language, no man has written so much and so well; he composed four odes, “The Singularities of Infancy”, “The Wonders of Youth”, “The Marvels of Manhood”, “The Benefits of Age”. He also wrote a treatise on Prosody, which is very incorrect. His Persian verses are for the most part heavy and poor. He has left some excellent pieces of music.

There is not upon record a greater patron of talent Ali Shir. At first he was keeper of the signet; in his middle age he held the government of Asterabad. He afterwards renouced the profession of arms, and, instead of receiving any thing from the Mirza, he made him an anual present of money. He passed through of money. He passed through life single and unincumbered (103-104).

Мазмуни: Яна Алишербек эди. Бек эмас, кўпроқ дўст, суҳбатдош эди. Ёшликлариди яқин улфат бўлиб, мактабга бирга қатнар эдилар. Алишербекнинг ми- жозлари нозик эди... Хуллас, у кишига монанд одам йўқ. Туркий тилда ижод қилина бошлагандан буён у кишичалик кўп ва хўб ёзган одам бўлмаган. Тўртта поэма ёзган. Булар: “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш- шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар”. Баъзи бир таснифлари борки, нуқсонли. Айрим форсий байтлари борким, кўпи оғир ва ғариб. Ул зот мусикада ҳам яхши нарсалар қолдирган. Алишербек- чалик буюк мураббий йўқ. Аввал муҳрдор, ўрта яшар чоғларида Астрободда ҳукмронлик қилдилар. Кейин- чалик аскарликни тарк этди. Мирзодан бирон нимарса олиш ўрнига, ҳар йили ўзлари Мирзоға маблаг бериб турарди. Бутун умри давомида ёлғиз ва сўққа бош ҳаёт кечирди.

Иллатнинг илдизлари

“Бобурнома”нинг бошқа бир қисқартирилган инг- лизча таржимасида эса Ф. Г. Талбот (F. G. Talbot, 1879) ўша-ўша парчани қуйидагича талқин этган: Ali Shir Beg was the author and patron of many and useful inventions, every man who made any discovery

invention in his art of profession ,in order to give it credit or currency ,called it the Ali Shiri. Some carried their imitation of him to such an excess, that Ali Shir Beg having tied a handkerchief round his head, on account of an ear-ache, that style of tying a handkerchief came to prevail ,under the name of the Ali Shiri fashion. When Binâi left Heri for Samarkand, as he was setting out he ordered rather an uncommon sort of pad for his ass, and called it the Ali Shiri (112).

Мазмуни: Алишербек кўплаб фойдали ишларнинг муаллифи ва хомийси эди. Хар киши хар ишда бирон нарса пайдо қилса, ул нарсанинг ривожини ва равангига тавсифида “Алишерий” дер эдилар. Баъзилар Алишербекни тахқир қилишарди. Алишербекни қулоғи оғриганда, бошига рўмол боғлагани учун бундай мақомда қийиқ боғлашни “Алишерий истиғноси” деб атадилар. Биноий, Хирийдан Самарқандга равона бўлиш олдидан эшагига антиқа тўқум буюрганида, бунинг номини “Алишерий тўқум “ деб машҳури галат қилди. “Бобурнома”нинг турли муносабатлар билан қилинган қисқартма таржималари, роман ва мақола-ларда асарнинг мазмунига алоқадор бу сингари “ғалатлар” баҳсига ўтиш олдидан уларнинг манбаи ва сабаби тафсилида асарнинг 1826 йилда чоп этилган Лейден-Эрскин (J. Leyden-Erskine) қаламига мансуб инглизча тўла таржимасига ҳавола қиламиз. Бу ўринда эса мазкур мукамал таржиманинг 1921 йилда жаноб Лйукас Уайт Кинг (Lukas White King) томонидан тўла шарҳланган иккинчи аъжойиб нашрида (Оксфорд университети босмаси) Мирзо Бобурнинг ҳазрат Алишер Навоий сиймосига доир айтган ғоят қимматли фикрлари ҳамда, ниҳоят, туркий аслиятга мурожаат этамиз.

"Indeed Ali Sher Beg was an incomparable person. From the time that poetry was first written in the Turki language, no man so much and so well. He composed six masnevis in verse, five in imitation of the Khamsah (of Nizami), and one in imitation of the Mantik-ut-teir (the Speech of the Birds)." This last he called Lissan-ut-teir (the Tongue of the Birds). He also composed four divans of ghazels (or odes), entitled, The Singularities of Infancy, The Wonders of Youth, The Marvels of Manhood, and The Benefits of Age. He likewise composed several other works which are of a lower class and inferior in merit to these. Of that number is an imitation of the Epistles of Moulana Abdal Rahman Jami, which he partly wrote and partly collected. The object of it is to enable every person to find in it a letter suited to any business on which he may desire to write. He also wrote the Mizan-al-azan (the Measure of Measures) on Prosody, in which he is very incorrect; for, in describing the measures of twenty-four rubais (quatrains), he has erred in the measures of four; he has also made some mistakes regarding other poetical measures, as will be evident to any one who has attended to the structure of Persian verse. He besides completed a diwan in Persian, and in his Persian compositions he assumed the poetical name Fani. Some of his Persian verses are not bad, but the greater part of them are heavy and poor. He has also left excellent pieces of music; they are excellent both as to the airs themselves and as to the preludes. There is not upon record in history any man who was a greater patron and protector of men of ingenuity and talent than Ali Sher Beg. Ustad Kuli Muhammed, the celebrated Sheikhi, and Hussain Udi,

who were so distinguished for their skill in instrumental music, attained their high eminence and celebrity by the instructions and encouragement of Ali Sher Beg. Ustad Behzad and Shah Muzaffer owed the extent of their reputation and fame in painting to his exertions and patronage; and so many were the excellent works which owed their origin to him, that few persons ever effected anything like it. He had no son, nor daughter, nor family: he passed through the world single and unencumbered. At first he was keeper of the signet; in the middle part of his life he was invested with the dignity of Beg, and held government of Asterabad for some time. He afterwards renounced the profession of arms, and would accept of nothing from the Mirza; on the contrary, he annually presented him with a large sum of money as an offering. When Sultan Hussain Mirza returned from the Asterabad campaign, the Beg came out of the city to meet him; between the moment of the Mirza's saluting him and his rising, he was affected with a sudden stroke, which prevented his getting up, and he was obliged to be carried off. The physicians were unable to render him an assistance, and next morning he departed to the mercy of God" (299- 300-301).

Жаноб Лйукас Кинг чукур шархлаган Лейден-Эрскин таржимаси дунёнинг 8 мамлакати, 14 шахрида босилиб чиққан (булар 1921 йилга қадар чоп этилган нашрлар).

Memories of
Zehir-eddin
Muhammed
Bābur.
Oxford, 1921
“Бобурнома”,
Оксфорд, 1921



1. Оксфорд
2. Лондон
3. Эдинбург
4. Глазго
5. Копенгаген
6. Нью Йорк
7. Торонто
8. Мелбурн
9. Кейптаун
10. Бумбай
11. Калкутта
12. Мадрас
13. Шанхай
14. Пекин

“Назири йўқ киши”

Ниҳоятда турли-туман талқинлар ва чалкашликларга сабаб бўлган асл туркий нусха эса қуйидагича жаранглайди:

“Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳам, мактаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима билан Султон Абусаид мирзо Ҳиридин ихрож қилди. Самарқандға борди, неча йилким, Самарқандта эди. Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эди. Алишербекнинг мижози нозук била машхурдур. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур.


Алишербек назирӣ йўқ киши эди. Туркий тил би-
ла то шеър айтубтурлар ҳеч ким онча кўп ва хўб
айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур,
беши “Хамса” жавобида, яна бир “Мантикут-тайр”
вазнида “Лисонут-тайр” отлик. Тўрт ғазалиёт девони
тартиб қилибтур: “Ғаройибус-сиғар”, “Наводируш-ша-
боб”, “Бадойиул-васат”, “Фавоидул-кибар” отлик. Ях-
ши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти бор-
ким, бу мазкур бўлгонларға боқа пастроқ ва сустроқ
воқия бўлубтур. Ул жумладин иншоларини Мавлоно
Абдурахмон Жомийға тақлид қилиб жамъ қилибтур.
Ҳосили калом, ҳар кимға ҳар иш учун ҳар хатким би-
тибтур, йиғиштурубтур. Яна “Мизонул-авзон” отлик
аруз битибтур, бисёр мадҳулдур: йиғирма тўрт ру-
бойи вазнида тўрт вазнида ғалат қилибтур. Баъзи
бахурнинг авзониди ҳам янгилибтур, арузға мутаваж-
жих бўлгон кишиға маълум бўлгусидур. Форсий девон
ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда “Фоний” тахал-
лус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксар
сул ва фурудтур. Яна мусиқиди яхши нималар
боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари
бордур. Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча му-
раббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо
бўлмиш булғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи
ва Хусайн Удийким, созди саромад эдилар, бекнинг
тарбият ва тақвияти биладунча тараққий ва шуҳрат
қилдилар. Устоз Бехзод ва Шоҳ Музаффар тасвирди
бекнинг саъй ва эҳтимоми биладундоқ машҳур ва
маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайр ким, ул қилди
кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш булғай. Ўғул
ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламини тавре фард ва жарийди
ўткарди. Авойил муҳрдор эди, авосит бек бўлуб, неча

маҳал Астрободта ҳукумат қилди, авохир сипоҳи-
ликии тарк қилди. Мирзодин нима олмас, балки йил-
да мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди. Сул-
тон Хусайн мирзо Астробод черикидин ёнғонда
истикболға келди, мирзо била кўрушуб кўпкунча, бир
ҳолати бўлди, кўполмади, кўтариб элтдилар. Табиблар
асло ташхис қила олмадилар. Тонгласиға-ўқ тенгри
раҳматиға борди. Бир байти ҳасби ҳол воқиб бўлуб-
тур:

Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балоға не чора қилғойлар (233).

Юқорида келтирилган парчалар тор даъвога далил
учунгина хизмат қилмайди. Бу ўз йўлига. Бизнинг
асосий муддаомиз таржима бу шунчаки матний (текс-
тологик) юмуш, муаллифга ёки аслиятга тақлид эмас,
балки турли тарихий даврлар мулоқоти, миллатлар-
нинг маънавий-ақлий мусоҳабаси, жонли маданий
ҳамкорлик, авлодларнинг ҳамдўсту ҳамкорлиги ифода-
си эканини намоёиш этиш. Бунинг миқёси матн ҳа-
жмига нисбатан беқёси кенг (2- чизмага қаранг).

Бироқ! Қайд этилган таърифлар мавҳум мақсад
бўлолмайди. Билъакс, булар барчаси ўзининг “мод-
дий” негизига эга. Моддий негиз эса матндир. Зеро,
ғайритаржимавий матн бўлиши мумкин (аслият ас-
лиятлигича қолаверади), аммо “гайриматний таржи-
ма”ни ақл бовар қилмайди. Аслият - асос, таржима
- ҳосила.



Тарихий мухит
Адабий мухит
Лисоний мухит
Миллий мухит
Таржима
Миллий мухит
Лисоний мухит
Тарихий мухит
Адабий мухит

2-чизма

Ифтихор ва ҳамд ёки шафқатсиз ҳақиқат

“Бобурнома”... Ўзбек адабиётида, наинки ўзбек, умумтуркий адабиётлараро бутун дунё микёсида бунингчалик маълум ва машҳур ёзма обида кам топилади. Бу қомусиймазмун-мундарижага эга бўлган асар. У ўзида уч мамлакат: ҳозирга Ўзбекистон, Афғонистон ва Ҳиндистонни бирлаштиради. Бунда табиат, иқлим, ҳайвонот, махлуқот ва наботот олами, турлитуман халқлар, қабилалар, уруғ ҳамда табақаларнинг кишилари: ҳарбийлар ва деҳқонлар, табиблар ва ҳунармандлар, ҳокимлар ва уламолар, фуқаро ва зодагонларнинг ҳаёти, уларнинг моддий ва маънавий тмуш шароитлари, урф-одатларини маҳз росимлари ўзининг ниҳоятда ҳаққоний ифодасини топган. Муҳими, китоб ўз даврининг қиёфасини майда-чуйда тафсилотларигача аниқ ва тўғри тасвирлайди. Унда мавҳумот ёки пуч тахмину фаразиялар учрамайди. Муаллиф ҳақиқатни ифодалашда на ўз шахсини ва яқин хеш-акраболарини, на ўзгаларни, на дўстнию ва на муҳолифларини аямайди. Барчага бирдай шафқатсиз. Унга барча баробар. Бундан ташқари, “Вақоеъ” муаллифи қомусий билим эгаси бўлиши баробарида, зукко ва инсонпарвар адиб, саркарда ва салтанат соҳиби, подшо ва фақир, фотиҳ ва дарवेशликка толиб, ҳоким ва маҳкум бўлган нозиктабъ шахс томонидан ёзилган. Илмий ва бадиий бунёдкорликда ниҳоятда кам учрайдиган ҳодиса: аниқлик билан тасвирийлик, тафаккур билан қалб самараси омухталашган. Бу китобда

ғалати бир ҳол содир бўлган: унда юқорида зикр этилганидай, машриқ кишиларига хос тасвирийлик, яъни таъриф тавсифлар ила мағриб мардуми таффақурига хос аниқлик қўшилиб кетган. Шунинг учун ҳам “Бобурнома”ни фақат туркий асар эмас, балки умуминсоний маданий обида дейиш жоиз. Бобур сингари инсонлар фақат муайян бир иқлим ёки ҳудуд намоён-даси эмас, балки умумбашарий сиймолар қаторидан ўрин олади.

Қилич ва қалам

Андижондан-Бенгалиягача...

“Бобурнома” чинакам ҳайратангиз бир асар. Бундай ишларни ўзини бусбутун илмга, ижодга бағишлаган кишиларгина ярата олади. Ва ўзининг шу каби биргина асари билан номи жаҳон фани ва маданияти тарихида абадий қолиши мумкин. Ҳолбуки, Андижондан то Бенгалиягача чўзилиб кетган неча минглаб чақирим тупрокни, тоғу-тошу, сахрою чўлларни, қуруклик ва сувларни гоҳ отлик, гоҳи пиёда одимлаб ўтган, қўлида қиличу шамшири билан урхор, сурхо-сур курашган фотих, енган ва енгилган тадбиркор саркарда ёзган бу хотиротларни. Ёзганда ҳам, фақат “воқеанома” эмас, ҳар бири дард билан суғорилган бениҳоя пурмазмун ва гўзал шеърлар, диний ва дунёвий рисоалар, ажойиб-ғаройиб таржималар ҳам яратган улкан бир мутафаккир ёзган. Ўзига Тангри ато этган бор-йўғи 47 йилу 10 ой ичида шундоқ маҳобатли бир мерос қолдирган. “Бобурнома” ...

Мовароуннаҳрдан - Олмониягача, Ҳиндистондан - Франсиягача, Буюк Британиядан - Покистонгача ўнлаб мамлакатларга ташриф буюрган ва ниҳоятда илиқ кутиб олинган беш асрлик ноёб адабий-тарихий обида. Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғон замини ва муаззам ҳинд тупроғида танилган, бу мамлакатларни забт этган қудратли темурийзода, подшоҳ Захириддин Муҳаммад Бобур бутун бир бобурийлар деб аталмиш улуғвор салтанатни ўз ижоди, шеърляти, илми, маърифати, алалхусус “Бобурнома”си билан мустаҳкамлади. Қилич кучи билан забт этолмаган қалбларни ўз сеҳрли каломи, инсоний самимияти-ла банд эта олди. Дунёда қайси бир фотиҳу жаҳонгир тилларда бунчалик дoston бўлибди! Ҳа, Бобур подшоҳнинг қадами етмаган жойларга, иқлим ва кишваристонга шоиру инсон, ҳазрат Бобурнинг овози, қалами ёғдусидан таралган асарлари етиб борди. “Бобурнома” Фарбий Овруподаги асосий тиллар: ҳолланд, инглиз, фаранг, олмон тилларига, шунингдек, Осиё қитъасида япончага ҳамда Овросиёда туркчага, русчага, аксар бир неча марталаб ўгирилгани ҳамда қайта-қайта чоп этилганини кўз олдимизга келтирсак, жуда камровдор бир манзара ястаниб ётади. Фақат таржимагина эмас. Мазкур воқеаноманинг бир қанча қўлёзмалари, айниқса Ҳайдаробод ва Қозон нусхалари устида олиб борилган илмий тадқиқотлар, беш юздан зиёд мақолалар, луғатлар, рисоаларни ҳисобга олинса, дунёда асарнинг ўзидан юз баробар зиёд илмий маҳсулот босилиб чиққан. Эҳтимол, хорижий ўлкаларда яқин вақтларгача ўзбек миллати, Ўзбекистон диёрини танишмагандир ҳам. (Бу ерларни Русиянинг маҳрига тушган деб билишган!). Аммо халқимизнинг отаси шавкатли Амир Темур би-

лан унинг еттинчи зурёди бўлмиш мард, алп баходир Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, уларнинг оламшумул тарихий ишларини билмаган инсонни дунёнинг маърифатли мамлакатидан топиш қийин.

Ўзингсан ва ўзинг эмассан

Буларни хотирга олганимизда, турли қитъаларнинг халқлари, ҳар хил эътиқоддаги миллатлар, турфа замин у замонларни “якқалам” қилиб уюштиришга қарамбаста бўлиб келаётган Ҳазрати Одамнинг ўзидай кўхна Таржима жаноби олийларига, заҳматқаш мавлоно Мутаржимларга таҳсин ва тасанно ўқигинг келади кишининг! Ана шу таржимонлар орасида ҳолланд Витсен, инглизлар Вилйам Эрскин, Жон Лейден, Лйукас Уайт Кинг, фаранг Паве де Куртейл, Жан Лйуи Бакйе-Граммон, олмон А.Кайзер, форс Абдурахимхон ибн Байрамхон, Рўшон Оро Бегим, турк Рашид Раҳмати Орат, рус Михаил Салйе, япон Кейжа Ману, покистонлик Мирзо Насриддин Ҳайдар Кўрагоний, Рашид Ахтар Надвий, ҳинд Саид Аткиор Аббос Ризвон ва бошқаларнинг номлари бизга яхши таниш.

Бу жаҳоншумул таржимачилик фаолиятининг ёруғ томони. Аммо таржима ишининг айрим соя ва нуқсонли тарафлари ҳам борки, буни ёритиш учун юқорида келтирилган парчалар таҳлилига ўтишга тўғри келади. Умумий тарзда эса бир муаммога ҳам муносабат билдириб ўтайлик. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи Гулбадан Бегимнинг “Ҳумойуннома” асарида қуйидаги рубойи ва унинг таржимаси келтирилган:

Дар оинаи тарче худ намоий бошад,
Пайвасте з хиштан жудойи бошад.
Худро бемисоли ғайр дидан ажаб аст,
Ин бульажаби коре худое бошад.

Ойнада ўзингни кўрганинг билан
Бу барибир ўзингдан бошқадир.
Ўзингни бошқача кўришинг, бу ажабдир
Лекин бу ажаблик (худонинг) қилган ишидир. (61).

Хумойун Мирзо қаламига нисбат берилган худди шу тўртлик ёзувчи Пиримқул Қодирнинг “Авлодлар довони” романида ҳам тилга олинган.

Дар ойина гарчи худнамои бошад,
Пайваста зи хийштан жудойи бошад.
Худро бамисоли ғайр дидан ажибаст,
Интавр ажиби ҳам кори худойи бошад.

Таржимаси:

Гарчи ойнада ўзингни кўрурсен,
Вале ул кўрганинг ўзинг эмассен
(яъни, сурат билан сийрат орасида фарк,
жудолик бор),
Ўзингни ўзганинг ўрнида кўриш ажибдир,
Аммо бу ажиблик ҳам худонинг ишидир (202).

Биз инъикос назариясини хорижий Ғарбдан қидирдик. Мана - Шарқ. Бу ёқларда фалсафа фақат шарҳланмаган, куйланган. Биргина рубоийда бир дунё маъно. Ойнада ўзингни кўриб турибсан. Лекин бу ўзингсан ва ўзинг эмассан... Инъикос назариясининг

моҳияти шу. Қилни қирқ ёрган моҳир рассом ҳам тасвирга олаётган кишининг айнан ўзини айнан ифода эта олмайди. “Бобурнома” таржималари ҳақида ҳам гап шу.

Ҳийлаи шаръий

Ҳаролд Лэмбнинг “Бобур-Йўлбарс” (Babur The Tiger) асарида ҳазрат Алишер Навоий ҳақида мавлоно муаллиф - Бобурнинг ўзидан гўё далил келтирган: айрим форсий шеърлари унчалик ёмон эмас. Кўпчилиги гариброқ. Аммо бир муҳим фикр бу ерда тўғри акс этган: У Жомийнинг ўз хатларини (иншоларини) тартиб беришга тақлид қилган. (Дарвоқе, устод Жомийнинг ўзлари ўз муншаотларини қай тахлитда тартиб беришни Навоийнинг маслаҳатига кўра амалга оширганлар). Бундай қараганда, Лэмб жанобларига эътироз қилмаса ҳам бўлади. У Навоий ҳазрат ижодининг кучли ва заиф томонларига баҳо бермоқда. Зўрми - зўр. Заифми - заиф... Муҳими, жаноб Лэмб Бобур подшоҳнинг тилидан сўзламоқда. Бундан зиёд далил бўлиши мумкин эмас. Барчани бирдай ишонтиради. Даъвода ғарбона худбинлик унсури йўқ. Заҳириддин Муҳаммад жаноби олийларининг сўзларига ишонмай бўладими! Лекин шунга қарамай, Навоийнинг сиймоси тасвири тўла ишонарли эмас. Сабаби, Бобурнинг сўзлари умумий маъновий иқлимдан (контекстдан) юлиб-юлқаб олинган. Натижада Алишербекнинг қиёфаси чала, хира, қинғир-қийшиқ бўлиб қолган. Ғарб Навоийни унинг ўз асари орқали билмайди. Бинобарин, бу сингари ҳар хил “узунқулоқ” гапларга лаққа ишонади. Инглиз ўқувчиси яна билмайдики, Бобур хотираларида

Навоийнинг қиёфаси қандоқ бўлса шундоқлигича, холисона чизилган. Лэмб талқинида эса бу чала ва бир ёқлама чиқиб қолган. Зеро, инглиз ўқувчиси билмайдики, Навоийни Навоий қилган Фоний эмас. Фонийни Фоний қилган Навоий. Унинг туркона ижоди. Туркий газаллари, беназир туркий “Хамса...” Бобур тилга олган форсий ижоди-чи? Форс тилида яратган газаллари шунчаки “шунчалик ёмон эмас”ми? “Кўпчилиги гариброк”ми? Шандай ва шундай эмас. Шоҳ ва шоир Бобур форс тилини ҳам мукамал эгаллаган, ундан таржималар қилган. Бироқ форсий девони йўқ. Бу билан биз “Девони Фоний”даги айрим газалларнинг сажияси хусусида Бобурнинг мулоҳазаларига раддия бермоқчи эмасмиз. Демокчимизки, ҳар икки тилда баробар ижод қилиш, зуллисонин шоир бўлиш фавқуллодда ноёбу нодир адабий ҳодиса. Камдан-кам ижодкорларга насиб этадиган мислсиз истеъдод ва қобилият. Навоийнинг номи бу билан яна улуғ, яна шоён, яна табаррук. Ундай бўлса, Бобур Мирзонинг фикрларини қандай тушунмоқ керак? Тўғри тушунмоқ керак. Чунончи, улуғларнинг улуғлиги уларнинг умуман бенуқсон эканлигини англамайди. Дунёда бирон-бир инсон йўқки, унинг ушоғ жиҳатлари бўлмаса. Шундай бир забардаст адиб йўқки, ожизликлари бўлмаса. У ёзган асарларнинг барчаси бирдай мумтоз ва юксак бўлавермайди. Орасида аълоси ҳам, бундайроқлари ҳам бўлади. Ҳеч кимда ҳеч қачон ижодий жараён бир текисда, силлиқ кечмайди. Мирзо Бобурнинг ўз шахси ва ижодлари ҳам бундан мустасно бўлмаса керак. (Бу инсон ўзига ҳам, ўзгага ҳам ниҳоятда талабчан бўлганини қайд этдик): Бундан ташқари, унитмаслик керакки, бу ерда бир забардаст улуғ ижодкор

бошқа бир буюк мутафаккир ва унинг асарлари хақида муҳокама юритмоқда. Бинобарин, бу омилни назардан соқит қилиш, фикрни суиистеъмол этиш, масалани жўнлаштиришдан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш даркор. Башарти, ҳозирги инглиз мардум Навоий билан Бобур ижодини, уларнинг шеърий салоҳиятини мукаммал билганида бошқа гап эди. Бундай тақдирда, яъни, мабодо ҳақиқий аҳволни билганида, Навоийнинг форсийдаги ўша нисбатан “сует ва фуруд” деб баҳоланган абёти ҳам асло Фонийнинг қандайдир “ўрта-миёна” шоир эканини англамайди!

“Худойберди”ми ёки “Додхудо”?

Бу танлар юз чандон тўғри. Бироқ хорижий адабиёт мухлислари, жумладан инглизлар бунини билишмайди. Уларнинг хотирасида ўша “Weak and poor” (сует ва фуруд) сўзлари қолиб кетади ва шундай бўлиб кетди ҳам. Аслида, Алишербекка нисбатан Бобур Мирзонинг кўнгли тўғри, ҳукми одил, мавқеи холис. Гап шундаки, жаноб Ҳ. Лэмб Бобурдан иктибос келтирганида кўчирма матнини шундай олганки, бу ҳақиқий аҳволни тўла ва тўғри ифода этмайди. Маълум ривоятда айтилганидай... Бир одамни ўлим жазосига мустаҳиқ қилишганида, у айтган экан: “Берди”сини айтгунча ўлдирасанми!” деб. Сабаби, исминг нима деб сўрашганида, у “Худо...” дейиши биланок ҳибсга олишган. Аслида номи “Худойберди” экан. Ҳаролд Лэмбда эса бунинг акси бўлган. У баайни “берди”сини айтган-у, “Худо”си ёдидан чиқиб қолган. Бизга шундай туйиладики, башарти, олийҳиммат ва мар-

хаматли шох Бобур Мирзо, бир замони келиб, ўзи ҳақида бир англиз олими романга ўхшаш нимарса ёзиб, ундан ўзларининг буюк Навоий ҳазратларининг форс тилидаги ижоди ҳақида “Бобурнома”да айтган сўзларини бузиб-чатиб келтиришларини билсаларми эди, ажабмаски, ўша сўзларини ёзмаган ҳам бўлармидилар...



Зеро, ҳозирги англизлар шундан ҳам беҳабар ва бебаҳраки, ҳазрати олампадох, нурул қудс, форс-тожик адабиётининг стунларидан бири Абдурахмон Жомий Алишер Навоийнинг форсий шеърлари ҳақида азбаройи фахр этиб, шу мазмунда дебдурлар: Яхшиямки, Алишер Навоий туркийда ижод қилибдурлар. Башарти, ўзларининг беназир фасиҳ асарларини форсий тилда ёзганларида, биз форсигўй шоирларнинг қиладиган ишимиз қолмас эди.

**“Яхшиямки туркийда ёзмишлар.
Йўкса...”**

“Ҳафт пайкар” хотимасидан

Биё, Жомий зи умрҳо бурда ранж,
Зи хотир берун дода ин “Панж ганж”,
Шуд ин “панжат” он панжаи зўрёб,
К-аз дасти дарёкафон дода тоб...

Вали бинам из килки ҳар ганжсанж,
Пӯр аз панж ганж ин саройи сипанж.
Ба он панжхо қай расад панжи ту,
Ки ек ганжашон беҳ зи сад ганжи ту.
Батахсиз панжике сарпанжа зад,
Ба шери ки сарпанжа аз ганжа зад.
Ба турки забон нақши омад ажаб,
Ке жодудамонро бувад муҳрлаб.
Зи чарҳ офаринхо бар он килк бод,
Ки он нақши матбуъ аз он килк зод.
Бибахшид бар форси гавҳарон,
Ба назми дари дурри назмоварон.
Ки гар буди он ҳам ба назми дари,
Намонди мажולי сухангустари.
Ба мизони он назми муъжазнизом,
Низоми ки буди-ю, Хусров қудом?
Чу ӯ бар забони дигар нукта ронд,
Хирадро ба тамизашон раҳ намонд.
Зиҳи таъби ту устои сухан,
Зи мифтоҳи қилмат қушоди сухан.
Суханро, ки ас раувнақ уфтода буд.
Ба кунжи ҳавон рахт бинҳода буд,
Ту доди дигар бора ин обрӯй,
Кашиди бажавлонгаҳи гуфтугӯй.
Сафоеб аз нури ройи ту шуд,
Навойи зи лутфи навойи ту шуд.

Таржимаси:

Кел, Жомий, умр бӯйи машаққат тортиб, кўнг-
лингдан шу “бешганж”ни дунёга чиқардинг. Сенинг
бу “Беш”инг (“Ҳамса”) шундай кучли панжа бўлдики,
дарёкафлар кўли буралиб кетди... Бироқ ҳар хазина

ўлчовчи (яъни етук шоир) қаламидан ўтар бу дунё “Беш хазина” билан бойигандир. У “Беш”ликларга сенинг “Беш”инг қачон тенглашарди? Уларнинг бир хазинаси сенинг юз хазинангдан яхшидир. Хусусан у панжаки, ганжадан сарпанжа урганга шер каби ўз сарпанжасини урди, туркий тилда бир ажойиб кў-шик куйладик, жоду нафаслилар оғзи муҳрланди. Бу қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратган ва форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тизувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий киму Ҳисрав ким бўлди? У бошқа тилда сўз юритганидан ақлга орадаги фарқни ажратиш учун йўл қолмади. Эй (Навоий), сенинг табъинг сўз устодидир. Қаламинг очқичи билан сўз эшигини очдинг. Равнақдан қолиб кетган ва хорлик бурчагидан ўрин олган (туркий) сўзга сен янгидан обрў бердинг. Уни ижод майдонига олиб чиқдинг. У сенинг раъинг нуридан сафоли бўлди, лутфинг навоиси (бойлиги)дан наволи (бахраманд) бўлди (12-13).

Мунофиқлик нима?

Р. М. Калдекотнинг “Бобурнома”дан қилган қисқартма таржимасида Алишербекка мунособат ижодига берилган баҳо янада чала, чалкаш ва зиддиятли. Албата, таржима нашрларининг хили ва тури кўп. Бу нарса мақсад ва мўлжалга қараб белгиланади. Чунончи, эркин таржима, сўзма-сўз таржима (таглама), филологик таржима, соддалаштирилган таржима (мас.,

мактаб ўқувчилари учун), қисқартирилган таржима, изоҳли таржима, табдил ва ҳоказо. Бундай ҳол фақат таржимавий нашрларгагина эмас, балки аслий (оригинал) асарлар босмасида ҳам учрайди. Олайлик, урушдан кейин (1948) Навоий “Хамса”сини устод Садриддин Айний қисқартириб чоп эттирган эди. Бу нашр ўша давр ўзбек ўқувчиларини Навоий ижоди билан таништиришда ниҳоятда фойдали иш бўлди. Бироқ унитмайликки, бирон асарни қисқартириб нашр этиш жуда масъулиятли ва хатарли иш. Гоҳида бу муайян нопок мафкуравий мақсадни кўзлаши ҳам мумкин. Олайлик, ўша “Хамса”нинг кейинги даврларда пайдо бўлган аллақанча нашрларида Навоийнинг ғоявий мавқеи бузиб кўрсатилган: гўё ҳозирги ўзбек ўқувчисига ортиқчалик қилади, ҳатто унинг тарбиясига (қанақа - “тарбия”?!), зиён етказди деган баҳона билан шоирнинг дин ва илоҳиётга дахлдор зариф, чуқур ва ноёб фикрлари олиб ташланган. Русча нашрларнинг аксариятида ҳам аҳвол шу. Мазкур мавзу ўзбек матбуоти саҳифаларида бир неча марта кўтарилган ва ўзининг тегишли баҳосини олди ҳисоб. Бироқ таржимавий адабиёт жабҳасидаги бу сингари қисқартирилган нашрларга холис баҳо берилган эмас. Ваҳоланки, бу ерда гап мумтоз адабиётимизнинг улкан обидалари хусусида бормоқда. “Бобурнома”нинг хорижий таржималари нашрлари хусусида юқорида жуда илиқ гаплар айтилди. Дарҳақиқат, Ж. Лейден, В. Эрскин, Аннетта Сусанна Бевериж, Паве де Куртейл, Бакйе-Граммон, Рашит Раҳмати Орат сингари таржимонлар ҳақида гап борганда, иқроп бўлайликки, булар матнни туркийдан инглиз, фаранг, турк тилларига ағдарган ўғирмачи ёхуд тилмочларгина эмас, балки

ўзбеклар, афгонлар, ҳиндлар ва бошқа ўнлаб халқлар, эл-элатлар, қабилаларнинг ҳаёти, тарихини ўзида акс эттирган қомусий асарнинг ер юзи бўйлаб тарқалишига камарбасталиқ қилган улкан маърифатпарвар олим, адиб, тадқиқотчилардир. Улар фидойи инсонлар. Ўзларини илм-маърифатга, адабиёт ва санъатга бахшида этган маданият арбоблари. Бу ҳазрати инсонлар “Вақоеъ”ни ўгириш ва қайта яратиш учун буюк Бобурнинг машаққатли йўлини босиб ўтдилар, унинг ҳаёти ҳамда юриш ларини чуқур ва муфассал ўргандилар, баъзан хариталар туздилар, қўлёзмаларни йиғдилар ва таҳлил қилдилар, луғатлар тартиб бердилар. Улар Бобур Мирзо учун курашдилар. Ҳатто бу буюк инсон, шоир, сайёҳ, саркарда ва фотиҳни айрим нокас “ватандошлари” унинг ўз она диёрида қоралаб, оёқ ости қилиб турилган мудҳиш турғунлик йилларида ҳам бу ҳазрати таржимонлар ўз эътиқоди ва садоқатидан қайтган эмас. Булар бобуршунос тадқиқотчи-мутаржимлар эди. Инсоф юзасидан айтайлик: бизнинг ҳозирги иймони бутун бобуршуносларимиз ҳам улардан ҳали жуда кўп нарсаларни ўрганиши вожиб. Биз, соҳиби мерос аҳли, улур қилган ишни қила олганимиз йўқ, улар билган нарсаларни билолганимиз йўқ, улар амалга оширган мукамал нашрларни ҳатто такрорлай олганимиз йўқ. Қанчалик аламли ва аччиқ бўлмасин, бор ҳақиқатни эътироф этишга тегишимиз.

“Таржимон - хоин”?

Жаноб Калдекот таржимасига қайтайлик. Афсуски, унинг хизмати ҳақида буни иқрор қила олмаймиз.

Унда чалкашлик шу даражага бориб етганки, Навоийнинг Бобур қайд этган асосий хизмати - “Хамса” ва бошқа асарлари (рубойлари, “Лисонут-тайр”...) ҳақида лом-мим дейилмаган. Қайд этилганлари эса хато ва чалкаш. Чунончи, “Ғаройибус-сиғар” (“The Singularities of Infancy”), “Наводуруш-шабоб” (“The Wonders of Youth”), “Бадоеул-васат” (“The Marvels of Manhood”), “Фавойидул-кибар” (“The Benefits of Age”) каби тўрт ғазалиёт девонини “поэма” деб атайдди. Майли, Калдекот Навоийни билмайди. Лекин у нега қўли остидаги ўзи ўгираётган матнни тўғри етказмайди? Форсий байтларининг кўпи оғир ва ғариб, дейди. Матнни “эркин ўгириш” намунаси шуми?

Яна бир ғалат гап. Калдекот жаноблари ўзича “Американи кашф этади”: инглиз ўқувчиларига маълум қиладикки, гўё ҳазрат Навоий кейинчалик аскарликдан воз кечганмиш (profession of arms). Қандай “профессионал аскарлик” экан бу? Аслиятга мурожаат этамиз: “... Авохир сипоҳилиқни тарк қилди”. Сипоҳ сўзининг икки маъноси бор: 1. Аскар, қўшин; 2. Амалдор (НАЛ, 562). Сипоҳилиқ - Амалдорлик, ҳукумат хизматида бўлиш (НАЛ, 562). Масала равшан. Аввалида ҳукумат ишларида юрган Алишербек умрининг сўнги чоғларида амалдорлик хизматини ўзидан соқит қилган. Аскарлик эмас, амалдорлик хусусида гап бораяпти бу ўринда. Хуллас, аслият матнини қисқартириб ўгирганда нимани қандай қисқартиришни, муаллиф ва асарни, давр тили ҳамда миллий хосликни билиб иш кўриш керак.

Қинғир тадбир сўқир ниятга вобаста

Бошқа бир қисқартирилган инглизча таржима нашрида Навоий зоти покларини сийқалаштириш ҳаммасидан ошиб тушган. Айнан нимани қандай ихчамлаштиришни билмаган Ф. Ж. Талбот домла Бобур тасвирини шу қадар кўримсиз бир ҳолга келтирганки, натижада Алишербекнинг қиёфаси ҳажвий ва таҳқи-ромуз бир йўсинда бузилган. Бундай олиб қараганда, бирон катта жинойт содир бўлмагандай. Ҳаммаси Бобурда бор: Алишерий истиғно, Алишерий тўқим ва ҳоказо. Бирок, агар Бобур Мирзо бутун туркий адабиётнинг фаҳри бўлган Навоийдай буюк зотга таъзим қилган, унга таҳсин ўқиган бўлса, инглиз таржимони муаллифнинг ўз тилидан ул зотга бўлмағур сифатларни ёпиштирган. Бобурда Навоий ҳақидаги жиддий ва холис ижобий баҳодан кейин, нари бориб ул инсон ҳақида муҳолифларни енгил ҳазил мутоибаларию, фитнаангиз сўзлари келади. Натижада Бобур услубига хос инсоний самимият бетарафлик, холислик ва жилмайиш ярқ этиб кўзга ташаланади. Талбот эса муаллифга хиёнат қилган, унинг услубини сохталаштирган. Меъёрлар бузилган. Матн шундай “ихчамлаштирилганки”, айниган. Чунончи, у муаллиф тасвирининг ижобий палласидан воз кечиб, салбий чизгиларни тўла сақлаган. Бу билан таржимон нимага эришмоқчи? Унинг мақсади торлиги аниқ. Китобнинг “завқбахш” ва “ўқимишли” бўлишига эътибор бера-роқ, ҳақиқатга хиёнат қилинаётганини унитган.

Хуллас, Калдекот ҳамда Талботнинг нашрлари Жон Лейден ва Вилйам Эрскин томонидан инглиз тилига ағдарилган ва 1826 йилда пайдо бўлган босма

асосида амалга оширилган. Ана шу қисқартирилган нашрларнинг юзага келиш сабаблари сифатида Талбот ўз сўз бошисида “кўп йиллардан бери чоп этилмаганлиги сабабли мемуарлар Англияда деярли маълум эмас”лигини баён қилади. Нима учун Р. Калдекот билан Ф. Талбот Ж. Лейден ва В. Эрскинларнинг таржимасини тўлдириб, тузатиб қайта нашр қилиш ўр-нига, “Бобурнома”нинг мухтасар нусхасини яратишга қўл уришди? Унда нималар қолдирилди ёхуд олиб ташланди? Ушбу таржималарни кўздан кечирилганда, кўз ўнгимизда аксарият харбий юришлар, жангу жадал, ур-йиқит, таъқибу тазйиқ ҳамда олишувлар, улар билан боғлиқ манзаралар гавдаланади. Бунда кўпинча инглизларнинг ўзга ерларни босиб олиш, бўйсундириш, истилочилик сиёсати намоён бўлади. Қисқартма таржималарда қолдирилган лавҳалар инглизларнинг Ҳиндистонни забт этишлари учун диққатга лойиқ эди. Ф. Талбот ўз нашрларида асардаги нималарни тушириб қолдирганлиги ва не сабабдан матнни қисқартирганлиги хусусида шундай дейди: “Мемуарларнинг ўзида қайтариқлар ва икир-чикир тафсилотлар жуда кўп. Шунинг учун баъзилари ташлаб кетилди. Шу билан бирга, айрим жойларда таржиманинг ўзи ҳам бироз ўзгартирилди” (10).

Воқеалар тафсилотини баён этишда Талбот, Бобур каби, уларни йилларга бўлиб баён қилади. Масалан, “Саккиз юз тўқсон тўққизинчи йил воқеалари”ни “1494 йил воқеалари” деб беради. Калдекот эса ҳар бир йил воқеаларининг асосий тафсилотларинигина олади ва улардан келиб чиқиб, қуйидагича бобларга бўлади: “Фарғона тафсилотлари”, “Умар Шайх”, “Кобулнинг забт этилиши”... Таржимон Бобур услуби-

га риюя этмаса-да, асардаги кўплаб киши номлари, воқеалар тасвири орасида энг муҳим маълумотларни тезда топишга интилади. Бу икки нашрнинг бир-биридан яна фарқи шундаки, Талбот саналар номини ўзгартирмасдан, Бобур берган ҳижрий-қамарий тақвими таомилида берса, Калдекот қавс ичида уларнинг насроний тизимини ҳам дарж этади. Масалан, Бобур "... Рамазон ойининг бешида тарих секкиз юз тўқсон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум" (59) деса, In the month of Ramzan (June 1494, in the year 899, and in the twelfth year of my age, I became King of Ferghana (3)) деб ҳижрий ва мелодий йилларни баробар келтиради.

Кўнглингиз нимани тусайди?..

Таржимон Талбот 1494 йил воқеаларини шарҳлашга киришар экан, Фарғона вилоятининг жўғрофий тасвирини тўла келтирмайди. Андижон, Ўш, Марғилон, Исфара, Конибодом, Аҳси, Косон қасабалари ҳақида маълумот берган, холос. Бошқа маълумотлардан ўқувчи маҳрум бўлган.

Маълумки, "Бобурнома"да саркарда, бек ва ўзга зодагонларнинг, ўнлаб тархону амалдорларнинг тийнати ва хусусиятлари ҳам ҳар тарафлама очилган. Умар Шайх, Султон Аҳмад Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо ва бошқа йирик тарихий шахсларнинг мизожу аъмолини очишда муаллифнинг моҳирлиги шундаки, у ниҳоятда хилма-хил рухий ҳолатлар ва сажияларни ўзига хос услубда ярата олган. Талбот эса фақат бир неча хусусиятларни очишга уриниб, жуда кўп нарсаларни таржима килмай ташлаб кетади. Масалан, китобда

Умар Шайх Мирзо ҳақида гапирилиб, унинг “ҳимматлик ва улуғ доялик подшоҳ”лиги, “валодат ва насаби”, “шакл ва шамойили”, “ахлоқ ва атвори”, “масоф ва урушлари”, “вилояти”, “авлоди”, “умароси” каби кичик-кичик бўлимларда ул зотнинг таърифи келтирилади. Асарда бу таъриф-тавсифлар олти саҳифани (63-70) эгаллайди. Инглиз таржимони эса ҳамма бўлимларни бирлаштириб, атига ярим бетда бу таърифни умумий тавсифнома тарзида беради. Бу каби ихчамлаштириш усулини таржимон барча йирик шахслар тасвирида ҳам қўллайди. Муаллиф йирик ҳукмдорлар тийнатини тўла очишда уларни ўраб турувчи муҳит, бек-умароларнинг ҳулқ-атвори ва қилиқларини беришда ҳам фойдаланади. Ф. Ж. Талбот бу тафсилотларни ҳам қисқартириб, Султон Аҳмад Мирзонинг 16 умаросидан олтитасини қолдиради, Султон Ҳусайн умароларидан ҳеч бирининг хусусиятини оча олмайди. “Бобурнома”да фақат ҳарбийлар, амалдорлар, ақобир ва ашрафларнинг ҳаёти тасвирланиб қолмасдан, XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод этган шоирлар, рассомлар, илм-фан ва маданият арбоблари ҳам қаламга олинган. Талбот улардаги энг яхши инсоний фазилатларни улуғлайдиган адабий оқим ва илм-фан соҳиблари тавсифини ниҳоятда қисқартириб юборган. Унинг таржимасида Мулло Усмон, Абдурахмон Жомий, Бехзод, Ҳусайн Удий, Биноийлар ҳам қисқартирилган ҳолда ўрин топган, холос. Таржимадан Алишер Навоийга берилган тафсилотлардан унинг фақат Ҳиротдаги бир неча боғ-роғларнинг қурувчиси эканлигигина тушунилади. Мирзо Бобур услубининг диққатга молик томонларидан яна бири шундаки, у бирон воқеани

шарҳлар экан, албатта унинг қачон, қаерда содир бўлганлиги ва кимлар иштирок этганлигига алоҳида тўхталиб ўтади. Натижада ўқувчида воқеа ҳақида аниқ тасаввур туғилади. Муаллиф бу каби майда унсурлар воситасида тасвирланаётган шахс ёки воқеанинг бир бутун ва жонли чиқишига эришади. Талбот ана шу хусусиятни ҳам сақлай олмаган.

Бадхоҳликка раддия

Кузатишлар шундан далолат берадики, қисқартма нашрлар аслият ҳақида тўла ва тўғри маълумот бермайди. Уларда ҳоким ва амалдорлар, ҳарбийлар, зодагонлар, илму фан соҳиблари, шоиру мусаввирлар, фозилу фузалоларнинг образлари тўла очилмаган. Бобурнинг ўзига хос ёрқин баён услуби бирмунча ўзгартирилган. “Бобурнома” ҳаётнинг турли томонини қамраб олувчи қомусий илмий-адабий обидадан қуруқ далиллар берувчи ахборотнома, жангу жадал, муҳорибалар баёни билан тўлиб-тошган бир мемуарга айланиб қолган. Асар мазмуни ва хусусиятининг бу йўсинда ўзгартирилишида таржимонлар мансуб бўлган инглиз мустамлакачиларининг равиш-рафтори, аломатлари ўз аксини топган. Баъзи қисқартиришлар натижасида шарқона турмуш тарзига оид тамом нотўғри фикр-мулоҳазалар, чалкашликлар ҳамда бўлак маъновий курсурлар содир бўлган. Таржималарда кўплаб миллий моҳиятни ифодаловчи хос сўзлар реалий, атамалар шарҳланмаган, изоҳланмаган. Грамматик нуқсонлар ҳам истаганча топилади.

Таржима умумий маърифий ва дониший аҳамият қозонадиган улкан хайрли, хосиятли иш эканлиги ҳа-

қида бизда жуда кўп гап бўлди. Унинг халқларни бир-бирини таниши ва билиши, бир-бирларининг онги, тили, маданиятини ривожлантиришнинг омили эканлиги қайта-қайта таъкидланди. Бу баёнот ҳамда даъволарга ҳеч қандай эътироз йўқ. Умуман олганда, инсоният тарихида таржимачилик ҳаракати тараққий-парварлик аҳамиятига эга.

Шу билан бирга, олайлик, “Бобурнома”нинг инглиз тилига қилинган қисқартирилган таржималари ҳақида ҳам шундай иддаони айтиб бўладими? Йўқ, негаки булар гоҳо маълум тор, зикна, ғаразли мақсадларни назарда тутди. Бу қандай “мақсад” экани юқорида айтиб ўтилди. Шарқни Шарқнинг ўзидан ўрганиш. Ҳар жойнинг тулкисини ўша жойнинг тозиси олади, деган мақол бор. Шарқ кишисининг рухий дунёси ғарбликларникидан тубдан фарқ қилади. Оврупо жаҳон тараққиётига сезиларли таъсир ўтказганлиги ва ўтказиб келаётгани барчага маълум. Олмонлар, фаранглар, амриқоликлар дунёнинг модий ва маданий қиёфасини ялпи тараққиёт сари ўзгартираётгани таҳсинга лойиқ. Буни тан олмаслик ғофиллик ҳамда жоҳиллик бўлур эди. Етмиш йил сармоя қудратига таянган Ғарбий Оврупо ва Амриқони ялпи бадном қилиб, бировларга эргашган ҳолда гумроҳ бўлиб яшадик. Юқорида номлари тилга олинган маданий миллатлар орасида инглизлар алоҳида марказий мавқени эгаллаши ҳеч кимга сир эмас. Бироқ, шуниси ҳам сир эмас: Улуғ Британия сиёсатдонлари ва давлат арбоблари ҳеч қачон ўзлари учун катта наф келтирмайдиган ишни қилмайди. Ҳар гал бирон фаолиятга киришишдан олдин: мен бундан нимага эга бўламан? деган саволни кўндаланг қилиб қўйишади. Мусулмон

кишисининг тасавури ва тарбиясидаги ялпи савоб
ғояси уларга ҳамма вақт ҳам қойим тушавермайди.

“Мен бундан қандай наф кўраман?..”

Уларда рағбатсиз иш, мақсадсиз хайрия йўқ.

(3- чизмага қаранг)

“Нур борки, соя бор”

Албатта, бу билан ҳар қандай эзгуликдан ғараз,
ёруғ ниятдан қабоҳат қидириш, қилдан қийиқ ахта-
риш керак, демоқчи эмасмиз. Ҳошо ва куллаҳ! Мана,
қўлимизда Лейден-Эрскин, Паве де Куртейл, Аннетта
Бевериж, Жан Лйуи Бакйе-Граммон таржималари. Бу-
лар “Бобурнома”нинг дунёвий қиёфасини чизишда
жуда катта хизмат қилди. Таржималарнинг жиддий
нуқсонларию, “ножиддий” қусурларидан қанча ран-
жимайлик, таржимачилик сеҳрининг ғаройиб жозиба-
дор қуввати бизни ўзига тортиб кетаверади. Эҳтимол,
баҳсли бўлса-да, шу ерда бир мулоҳазани билдиришга
жазм этамиз.

Муртад фалсафа

Кейинги вақтларда биз ўзбекларнинг жуда кўп
моддий ва маънавий бойликларимиз, тарихий обида-
ларимиз, фан, адабиёт ва санъат намуналари, айниқса
бебаҳо қўлёзмаларимиз ўтмишда Ғарбга ташиб кети-
лганига матбуотимиз саҳифаларида қаттиқ норозили-
қлар билдирилмоқда. Умуман олганда, бу тўғри. Уму-
ман олганда! Лекин, фараз қилайлик, ўша Париж,



3-чизма

Лиссабон, Лондон, Оксфорд, аё-Сўфия, Берлин ша-
ҳарларининг китоб жамғармалари ва музейларида
сақланаётган ва дунёга кўз-кўз қилинаётган бойликла-
римиз, бебаҳо нодир кўлёмаларимиз у ёқларга ташиб
кетилмасдан, ўз қўлимизда қолганида нима бўлар эди?
Бойликларни яратиш бир масала, лекин эгалик қилиш
тамом бошқа гап. Эгалик қилиш туйғуси эса бизда
йўқотилган эди. Машъум йўқсулий жаҳонгирлик ўп-
қони шароитида фақат бизда эмас, балки бутун собиқ
мамлакат миқёсида ялпи, умумий тўмоғил шундай
эди: ҳамма нарса ҳамманики, ҳеч нарса ҳеч кимники
эмас. Ўша машҳур “Баённома”даги “йўқсулларнинг ўз
кишанларидан бўлак йўқотадиган матоҳи йўқ” деган
таъриф кимлар учундир, аниқроғи, ҳеч қандай мулкка
эга бўлмаган, ўз қиёфасини йўқотган, танбал, ношуд
бир тўда ялангоёқлар учун тўғри эди. Аммо бу жуда
дахшатли даъват. Йўқотадиган нарсанг йўқми, демак
ҳамма нарсага эгалик қилишга интил, дегандан кўра,
йўқотадиган нарсанг йўқми - ҳамма нарсани йўқот,
деган мантиқ устиворлик қилди. Лекин биз Мовароун-
наҳр фуқаросига бундай “мантиқ” асло тўғри кел-
масди. Бизнинг халқимиз тарихан кўриб-кечириб кел-
ган, бойликларни йўқ қилишга эмас, яратишга интил-
ган халқ. Бу ялпи авом оломон эмас.

Фараз қилайлик, кўзларга тўтиё бўлгуси ёзма та-
рихий, илмий-адабий кўлёмалар бутун XIX аср, Ўрта
Осиёнинг рус истилочилари томонидан босиб олини-
ши, айниқса 1917 йилги машъум тўнтариш ва маъна-
вий турғунлик даврида ўз тупроғимизда “сақлаб” қо-
линганида нима бўларди? Алҳазар, маълум нима бўли-
ши: ҳаммаси бир йўла йўқ қилиб юбориларди - ерга
кўмиларди, сувга чўктириларди, ўтда ёқиларди. Вас-

салом! Микёсни янада кенгайтирайлик. Сўнги уч аср давомида Мовароуннахр, жумладан Марказий Осиёда феодал тарқоқлик ҳукм сурганлиги, парокандалик, тушкунлик, жаҳолат кутурганлиги рост. Қаттол ганки ганимдан ҳам кўра ички бошбошдоқлик, алчоклик, тарқоқлик ўлканинг тинқасини қуритди. Тарққийётни бир неча аср ортга суриб юборди. Бирлашини ғояси адоват ва парчаланиш мусибати билан алмашти. Агар буюк ва қудратли соҳибқирон Амир Темурнинг бирлашишга асосланган шавкатли салтанатини темурийзодаларнинг ўзаро тожу-тахт таллашишлари нидан емирмаганида, дунёда бундан-да қудратлироқ, ҳар қандай қаттол душман ҳам қўлга кирита олмайшан метин кўрғонни асло олиб бўлмасди. Башарти, барча туркий халқларнинг отаси, баҳодир бобомиз Амир Темур тўплаган ва ўлканинг ўз модий ва маънавий жавоҳирлари ўзимизда сақлаб қолинганида ҳамда оқилона бир тарзда сарфланганида, ошириб боришганида борми, улар фақат ўзимиз эмас, бутун Марказий Осиё ва Мовароуннахр халқларининг етмиш пуштига етарди ва ортарди ҳам!..

“Зафарнома”, “Бобурнома”, “Ҳумойуннома”, “Ақбарнома”ларни бугун мутолаа қилар эканмиз, буларнинг нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ҳаётимиз ва келажакимиз, тақдир-қисматимизнинг ёрқин ва муҳим қузғунари эканига иқрор бўламиз. Уларда инсоннинг турур билан бирга таҳқир, олийжаноблик билан баробар тубанлик, садоқату сотқинлик, фидойилик ва хизнат, инсонпарварлик ила одамқушлик ва бирор-бирқушлик, саодатмандлигу шум ғиятлар тантанасини қуриб ўзимизнинг ўтмишда ким бўлганлигимиз ва ке-

дажакда ким бўлишингиз хамда ким бўлмаслигингиз лозимлигини уқамиз.

Сен ўлдирмасанг, сени ўлдирдилар. Водариг!

Бир томчи қон-у, минг бир андиша. Инсон зотига қанчалик муҳаббату оқибат! Айни замонда каллалардан миноралар кўпорилгани ҳам рост. Қанчалар қабоҳат ва даҳшат! Тарих ҳамда бошқа эл-элатлар олдида бугунги ўзбегимни гоҳо мулзам ва гунгалак қилиб кўядиган, манглай қашлашга маҳкум этадиган нохуш хабар. Зиддиятли ўтмишимиз қаъридан келаётган сандолар... Бугун буларнинг қай бири муҳим ва дол-зарб, қай бири чиркин? Одамсеварлик ва падаркушлик, ватанпарварлик ва мардудлик, муҳаббат ва нафрат, зиё ва зулмат, ҳақиқат ва риё, инсон бахт-саодати ва шўриши савдолар... Бари замон ва макон ичра алмашиниб туради. Бугун жаҳон миқёсида шундай бўлиб келган ва шундай бўлаяпти ҳам. Қайси бир иқлим ёки кишвар, қай бир минтақа ёхуд кент халқи бундан мустасно? Бормикин инсоният тарихида шундай бир орол ёки “оқ доғ”?

Аммо баний одам ҳайратомуз бир зайлда камол топди ва... мунофиқлашди. Амир Темур (“Темур тузуклари”), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (“Бобурнома”), Гулбадан Бегим (“Ҳумойуннома”)лар қисмат ва тарих, ўзлари ва ўзгаларнинг юзига тик қарай олдилар. Уларда зафар қувончию мағлубият алами, бир томчи қон қайғусию қирғин барот уруш ва тинчлик тўлғоқлари... Ҳаммасидан бисёр. Лекин қандай бўлса

шундайлигича. Оллоҳдан яшириб бўлмайдиган гапни бандасидан, биз авлодлардан ҳам пинҳон тутишмаган. Зеро, барибир бунинг иложи ҳам йўқ. Улар тинчлик деб урушга отланмаган, ободлик деб вайрон этишмаган, дўстлик деб ғанимлик қилмаган, тараққиёт деб жарга улоқтирмаган. Ўз ғояси, салтанати учун, курашган, хиёнат қилган лафзсиз, субутсиз, мунофиқ ғанимларини шафқатсизларча жазолаган.

Мунофиқлик, риё! Инсон табиатидаги ва уни охир оқибатда инқирозга, ҳалокатга маҳкум этувчи, ибтидосию интиҳоси бўлмаган даҳшатли офат.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз ҳаёти қисмати ва муҳитидан рад этиб бўлмайдиган бир тарзда келиб чиққан сабоқ шу эди: сен ўлдирмасанг - сени ўлдирадилар. Ғалат: бир инсон қиёфасида буюк фотиҳлигу, ўз қонуний она Ватанини, унинг бир сиқим тупроғини мудом қўмсаб туришлик, саркардалигу шоирлик, подшоҳлик асъасасию дарвеш бўлишни орзу қилиш туйғуларининг қўшилиб, омукталашиб кетгани ҳайратангиз нарса. Уни Юлий Сезарга менгзайдилар. Йўқ, агар у кимгадир бировга ўхшаса, ўзига ўхшайди. Инсонлар ҳар хил бўлган. Биров давлатманд, биров мулкдор, биров шаҳаншоҳ, кимлардир мутафаккир олим, беназир шоир, қилни қирқ ёрувчи ҳунарманд... Аммо барча шундай сифатларнинг бир шахсда жамулжам бўлиши нечук худо ёрлақанган инсонга насиб этади. Ана ўша Оллоҳ алқанган инсон Бобур Арслон эди.

Тасаннолар бўлсин Ҳақиқат жаноби олийларига!

Эвоҳ, бул зоти шариф билармидики, унинг тўғри сўзлиги, инсоний самимияти, дуруғ сўзлай олмаслиги, Ҳақиқат жаноби олийлариға чексиз садоқати, нафақат ёғийга, ҳатто садоқатли дўстига, нафақат дўсти, боринги ўз падари бузургворига ҳам шафқатсизлиги замонлар оша аждодларига, биз авлодларнинг бошимизга ҳам, эҳтимол, таънаю маломат тошларини ёғдиришлигини? Тағин етти ёт бошқа бировлардан ҳам, кўра ўз ватанида ўзларини салкам Ануширвони Одил деб санайдиган манқурт қизил номурод шахслар шундай қилишлигини наҳотки пайқамаган бўлса? Албатта биларди. Яна билардики, ҳар қандай ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат афзал. Тўғри, балки ўзининг яхши ишларини айтиб, баъзи “қилмишлари” ва пушаймонлари ҳақида сукут сақлаши мумкин эди. Аммо бундай тақдирда у Бобур бўлмасди. Бутун маърифатли дунёни ўз қалами билан, эҳтимолки, бунчалик забт эта олмасди. Замонлар келар, ер юзида Бобур Мирзонинг номини, “Бобурнома”ни эшитмаган ва ўз тилида ҳайратланиб ўқимаган бирон кимса қолмас.

Кори хайр. Охири қабоҳат билан тугаган хайр хайр эмас. Хайрли яқунланган қабоҳат эса қабоҳат эмас. Начора. Афсус ва надоматлар бўлсинким, бошлар кесилди, қонлар тўкилди, исёнлар бостирилди... Аммо буларнинг ўрнида бирлашган, қудратли, ягона Ҳинд диёри билан асрий бидъат ва хурофотлардан озод бўла бошлаган, аксари Бобур ҳамда унинг аждоду авлодларидан миннатдор ҳинд халқи юксалди.

Эзгулик билан қабоҳат ҳамон курашади...

Инглиз мустамлакачилари 332 йил хукмфармолик қилган бобурийлар салтанатига хотима берди. Не ажабким, бунда улар ҳазрат соҳибқирон Амир Темур бин Тароғой Муҳаммад Баҳодир (1336-1405) билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) меросидан, бул саркардаларнинг ҳарбий тадорик ҳамда тадбирларидан кўп нарсани ўргандилар ва қабул қилиб олдилар.

Бу тиниб-тинчимас инглиз мардум...

Орадан неча замонлар ўтди. Такдирни қаранги, Бобур Мирзонинг номини дунё афкор оммасига танитган, ишларини жаҳон миқёсида шоён этган ҳам бошқа бирор халқ эмас, худди шу инглизларнинг ўзи бўлди. Мабодо уларнинг энг фидойи ва ҳалол, мард шарқшунос олиму умаролари, мунаққидлари, ҳаммадан аввал Эрскин, Лейден, Бевёриж сингари таржимонлари бўлмаганида, ватандошимиз Бобур-Йўлбарснинг табаррук номини бугунги мустақил Ўзбекистонимизда ҳам ким биларди, балки ким билмасди ҳам. Наридан-дан, эҳтимол, унинг шаън-шавқати жумҳурият ёхуд Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон худудларидагина маълум бўларди, холос.

Инглизий, фаранжий ва олмоний таржималар, жаҳоншумул маърифат элчилари янглиғ, буюк фотиҳ ва шоирнинг номини дунёнинг етти иқлимига ёйдилар... Шуниси борки, таржима санъатининг ёруғ томонлари билан бирга соя ва доғлари ҳам борки, баъзан бу айрим воқеалар, муаллиф, аслият ёхуд шахслар, уларнинг ишлари ё бўлмаса ўй-ниятлари ҳу-

сусида нотўғри, номатлуб, сохта маълумотларни тарқатиши ҳам мумкин. Шу муносабат билан яна узоққа бормай. Навоий ва Бобур мавзусига қайтамиз. Мирзо Бобур Алишер Навоий ҳақида фикр айтар эканлар, буни бир улуғ инсоннинг бошқа бир табаррук зот, барча туркий қавмларнинг ғурури ва ифтихорига айланган сиймо ҳақидаги нозик кузатиш, камоли эътироф ва ҳамда эътироз деб тушунмоқ, бу фикрга шундай юксак мавқедан туриб ёндашмоқ лўзим. Бу, таъбир жоиз бўлса, “ҳамма учун” айтилган гап эмас. Биз танқидий мулоҳазаларни назарда тутамиз. Акс ҳолда, муддао, таъриф тавсиф майдалашиб, саёзлашиб, сийқалашиб ҳам кетади. Биз таржима жараёнига санъат деб қараймиз. Бироқ унутмаслик керакки, таржима санъатини “оммавий таржимон” эмас, моҳир сўз усталаригина ярата оладилар. Кўп ҳолларда “оммавий таржима” нодир сўз санъати бўлмиш аслиятни ўртача, гоҳи пайтларда, ҳатто зерикарли бир қиссага айлантириб қўяди. Начора, бошқа илож йўқ. Ҳар бир нарсанинг ўз кам-кўсти бўлганидай, бу ҳам қочиб қутулиб бўлмайдиган таржима чикитидир.

Оврупо ҳазрат Навоийга мунтазир

Аввало, гапни шундай бошлайлик. Нима сабабдан маърифатли Оврупода Навоий билан Бобурнинг тақ-дири ҳар хил талқин ва хотима топди? Алишербек бутун туркийзабон адабиётда ва қисман форсийдонлар орасида ҳам камолот чўққисини забт этган сиймолардан бири. Балким ўз мақомида буюклар буюги. Беназир. Аммо бирини Оврупо эътироф этди, иккинчисини - танийлмади. Нима учун? Эҳтимол, бунда

уларнинг ўз даври ижтимоий муҳитида тутган ўрни сабаб бўлгандир? Ажабмас, уларнинг қайси алабий турда (жанрда) ижод қилганиги шунга олиб келгандир? Бобурнинг ғоят латиф ва зариф ашъори гарчи унча кўп бўлмаса-да, фасоҳат эътибори билан унинг насридан зиёд бўлса зиёд, асло кам эмас. Бирок Ғарбда Бобур-шоирдан кўра Бобур-носирни кўпроқ танийдилар. Ва ниҳоят, Алишер Навоийнинг ғазалларини Ғарб тилларига ўтириш янада мураккаб, ҳатто ноимконий бир зайлда қийин эканлиги шундай натижага олиб келгандир. Нима бўлганда ҳам, ўйлаймизки, моҳир Ғарб мутаржимлари бизнинг ифтихоримиз, сўз мулкининг султони Алишер Навоиймиз олдида бурчдор бўлиб қолмоқдалар. Бу мулоҳазалар-ку асосли. Аммо яна бошқа бир муҳим омил ҳам борки, бу тарафдан биз мавжуд таржималар ва таржимонларга жиддий даъво қилишимиз мумкин. Италияликларда “таржимон - хоин” деган нақл бор. Юз йилдан ортиқ давр мобайнида Ғарб мамлакатларида буюк ўзбек мутафаккири Алишёр Навоийни ўзининг форсигўй салафларига (Низомий, Хисрав Дехлавий, Аттор, Жомий...) тақлидчи шоир деган мутлақо асоссиз бир қараш расм бўлиб келди. Булар: фаранг шарқшунослари Лусйен Бува, М. Белен, Блоше ва бошқалар (14-15). Бобур Мирзонинг юқорида келтирилган матн парчасидан қуйидаги сўзларни такроран эслайлик: “Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши “Хамса” жавобида, яна бир “Мантукут-тайр” вазнида “Лисонут-тайр” отлик”. Лейден Эрскинда - “He composed six masnevis in verse, five in imitation of the Khamsah, (of Nizami), and one in imitation of the Mantik-ut-teir (the

Speech of the Birds). This last he called Lissan-ut-teir (the Tongue of the Birds)" (300).

Ўзларидан ранжиган бўларми эдилар ?

Агар ҳар бир сўз ва жумла, имло ва иншо, ҳатто сукутнинг маъносига ҳам ниҳоятда эҳтиёт бўлган, ўз атрофидагилардан, жумладан фарзандларидан ҳам буни қаттиқ талаб қилган олампаҳо Бобур Мирзо ҳозир ҳаёт бўлиб, юқоридаги инглизча талқин ва таржимага гузар қилганларида борми, бундан қаттиқ ранжиган бўлур эдилар. Негаки, муаллиф Бобурнинг номларидан бизнинг инглиз таржимонлари Жон Лейден билан Вилйам Эрскин ҳамда Лйукас Уайт Кинг жаноблари ҳазрат Алишербекка “ғарбона”, тўғрироғи, ғарибона нописандлиғ ила салбий баҳо беришиб, буюк Навоийни Низомий Ганжавий ила Фарииддин Атторнинг тақлидчисига айлантириб қўйишган. Imitation - имитация инглизча тақлид дегани. Анъанавий “жавоб”, “жавобия”, “назира” ёки “татаббу” сира ҳам тақлид эмас! Орадан қарийб бир аср ўтгандан сўнг, мазкур кўпол хатони таржимон-халаф, марҳаматли Бевериж хоним тузатишга муваффақ бўлди.

Хўш, Навоий тақлидчи шоир деган совуқ гап қаёқдан пайдо бўлди ўзи? Наҳотки, Арслон-Бобурдай нозиктаб маликул калом бир инсон, инглизлар ул зотнинг номларидан даъво қилаётганидек, “Навоий тақлидчи шоир” деган бўлсалар? “Бобурнома”ни очамиз. Мана! “...Иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур” (233). Хим... Гап ўзимиздан қочган экан... Бобур Мирзо демишлар:

таклид. Бирок! Кимга таклид? Абдурахмон Жомийга. Қай йўсинда таклид? Иншо тартиб беришликда. Иншо ўзи нима?

Иншо - 1. Пайдо қилиш, юзага келтириш;
2. Ижод, сочма асар; 3. Ёзув, хат (277).

Иншо - 1. Ёзув, хат; 2. Ижод, асар (54). Демак: Алишер Навоий умуман ижодда эмас, балки иншо тартиб беришликда Абдурахмон Жомийга таклид қилган эканлар. (Юқорида эслатиб ўтилганидай, гарчи Муншаот тартиб бериш низомини Жомий - Навоийга эмас, Навоий - Жомийга маслаҳат берганлар). Бу жуда тўғри таъриф. Дуруст, иншо ёки шу сўзнинг кўплик, жамловчи шаклидаги Муншаот ҳам ўзига хос ижод. Мактубнавислик.

Муншаот - майда насрий асарлар; хатлар тўплами (416).

“Имитейшн” нима?

Матнни тўғри ўқиш ва уқиш, фаҳм-фаросат, талқин ҳам ўзи бир илм. Мактабда савод чиқаришни ўқиш китобидан бошланиши ва мактаб сабоғини тўла хатм қилишни иншо билан яқунлашни эсланг. Яна Лейден-Эрскин таржимасига мурожаат этайлик: Of that number is an imitation of the Epistles of Moulana Abdul Rahman Jami, which he partly wrote and partly collected (300).

Epistles! Сўзшунослик (журналистика) соҳасида махсус адабий тур (жанр) бор - эпис толяр жанр дейлади. Бунда ҳозиргича биз Оврупо адиблари ва жамоат арбобларининг мактубларини ўрганиб келдик. Мактубнавислик ўзи миллий тил учун етуклик, фасоҳат ва назокатни ифодалашда жиддий сабоқ ва

синов эканлигини айнан Алишер Навоий (“Муҳокамату лугатайн”), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (“Бобур-нома”) ва А.С.Пушкин (“Евгений Онегин”) асослаганлар.

Қисқаси, ўз иншоларини жамлаш тартиби йўриғида Навоийнинг Жомийга таклид қилганлиги ҳақида Бобур берган ахборот ва бунинг инглизча таржимаси умуман тўғри. Ундай бўлса эътироз нечун? Гап шундаки, биринчидан, Бобурда атиги бир ўринда тўғри қўлланилган таклид калимасини таржимонлар тўрт ўринда такрорлайди. Ҳаммаёқ imitation “имитейшн” бозликка айланиб кетган. Иккинчидан, таржимоннинг зўр бериб уқдиришича, рўйроқ фақат мактубнависликда эмас, балки “Ҳамса”ю “Лисонут-тайр”ни яратишда ҳам Навоий нуқул бошқаларга таклид қилаверган экан! Учинчидан, таржимонларнинг ғирт номатлуб мавқеи ва талқинига матнни шарҳлаган жаноб Лйукас Уайт Кинг ҳам ўзининг “салмоқли” ҳиссасини кўшиб, матн ичида ҳам, сатр остида ҳам Навоийнинг айнан кимларга ва қандай таклид қилганлигини бирма-бир қайд этади. Чунончи: хамсанависликда - Низомий Ганжавийга, мактубнависликда - Абдурахмон Жомийга, “Лисонут-тайр”да - Фаридиддин Атторнинг “Мантикут-тайр”ига, “Ҳайратул-аброр”да - “Маҳзанул-асрор”га, “Фарҳод ва Ширин”да - “Хусрав ва Ширин”га, “Лайли ва Мажнун”да ҳам Низомийнинг шу номли достонига, “Садди Искандарий”да - “Искандарнома”га, “Сабъаи-сайёра”да - “Ҳафт пайкар”га таклид қилган бўлиб чиқади. Яна бунинг устига, буюк озарбойжон шоири Низомий машҳур форс шоирларидан бири деб писанда ҳам қилинади. Яна ва яна - “имитейшн”: таклид ва таклид-

бозлик... Таржима матнини қандай шарҳлаш - илмий тадқиқотчининг виждонига ҳавола. Аммо таржимонлар "Воқеанома"ни ўтиришда аслиятда бўлмаган нарсаларни ўз ёнидан қўшиб юборишга журъат этгани кизиқ. Ё балогардон! Бу Алишер Навоийдай буюк шоирга ҳам, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдай лафзи ҳалол адибга ҳам тухматдан бошқа нарса эмас. Бу ҳар уччала инглиз жанобининг ҳам инсон, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодидан бутунлай беҳабар эканлиги, у яратган асарларни асло ўқимаганлигини кўрсатади. Ҳозир бир муаммони аниқлаш мушкул бўлиб турибди: Навоий - тақлидчи шоир деган ақида Оврурога, Шарқдан, айрим мутаассиб форсийдонларнинг қарашларидан ўтиб урф бўлиб кетганми ёхуд бу Ғарбнинг ғофиллигидан келиб чиққанми? Агар бу иллатнинг илдизи Ғарб заминида бўлса, бундай сохта қараш таржималарга таъсир этганми ёки таржимавий хиёнат "илмий урфга" айланганми? Таассуф билан қайд этиш керакки, мана шундай саёз, чиркин қараш Алишер Навоий ижодининг Оврурога, Ғарбий дунёга чиқишида шоир учун тақдирга айланиб қолди. Инглизлар, фаранглар, олмонлар ва руслар тасаввурида Навоий гўё шунчаки бир тақлидчи шоир бўлиб гавдаланди. Ҳамонки тақлидчими - демак, ўртамиёна, балки ундан ҳам паст шоир деган сўз. Бундай адибни таржима қилиб ўтиришдан не ҳожат!..

Бадбинлик яхшиликка олиб келмайди

Шуниси борки, мазкур сохта қараш Навоийнинг Ғарбдан ажралиб қолишидан ҳам кўра, бутун маърифатли Ғарбнинг ўзини Навоийдай улкан бир мутафак-

кирдан маҳрум этди. Зеро, Навоийсиз дунё дунё эмас. Биз аминмизки, XXI аср Навоий асри бўлади. Зеро, унинг ижодидан хабардор бўлган ҳар бир киши билмаслиги мумкин эмаски, ўзининг ўша тўрт улкан ғазаллар мажмуаси - “Ҳазойинул маоний” (Маънолар хазинаси) билан, беназир бир шоир, мугафаккир сифатида, унинг номи жаҳон адабиётида зарҳал ҳарфлар билан абадий нақшланиб қолишга муносиб. Лекин у анъанавий адабий таомилда “Хамса” ҳам яратган экан, буни, таъбир жоиз бўлса, фақат ўзи учун эмас, Ватани, миллати, халқининг келажаги учун ёзди. Зеро, ўз даврида туркийзабон адабиёт учун бу ўзига хос тақдир эди. Баайни: “ха” ёки “йўк” кабилда ҳаёт-мамот масаласи эди. Буёқ Низомий (1141-1209) илк дафъа “Хамса” ёзган экан, у қайбдир. Зеро, бу билан бутун бир адабий дарак ёзишга келишга - хамсачилик анъанасига асос қўйди. Билан, рабобатин овар шоири Низомий Ганжавий ҳам “Хамса”нинг бей ва фасих форс тилида яратди. Туркийзабон Ақшер Навоийдай даҳо ҳам, орадан ўн асрдан охиригача “Хамса”нинг форсийда бина қилди. Бу борада биз Абдурахмон Жомийдай туркийзабон шоирнинг ўзбек тилида сўзларини, “Девонини” Фозилнинг туркийзабон тилида уворхлик бера олади. Аммо бу фозилнинг туркийзабон шариф шундай қилмастлар. “Ҳазойинул маоний”нинг туркийзабон тилида аслида олти аср давомида туркийзабон тилида туркийда яратди! Таъин бир муҳим вақти айниб уташди. Алишер бек ёзиб беназир беназир панжа панжа - фақат Низомий Ганжавийнинг “панжасига панжа урмоқ” эмас, айни вақтда бу билан туркий тилининг форс тили панжасига ҳам панжа уриниш эди. Яна бир сатр. Навоийнинг

умумтуркий маданият олдидаги фавкулудда хизмати шунда эдики, у ўзининг бу янгилиги билан гўё форс тилига соя ташламоқчи эмасди. Бундай шаккоклик икки мухташам маданият - туркий ва форсий мерос чашмаларидан бирдай бахраманд бўлиб, ҳар иккаласига ҳам бирдай содиқ қолган, улкан зуллисонайн шоир Низомиддин мир Алишер Навоийнинг асло шаккоклиги эмас. Аксинча, ўзининг бутун ижодида, алалхусус хамсанависликда у кўкўпар форс ада бий қояларининг этагидан эмас, чўққисидан туриб қанам сурди. Низомийдан кейин, ўтган асрлар давомида хамсачилик айрим шоирларнинг ижодий анъанасига айланиб қолган бўлса, Навоийда эса бу Низомий Ганжавий - Хусрав Деҳлавий - Абдурахмон Жомий ораларидаги “шахсий” ижодий баҳсгина эмас, айна замонда форсий-туркий тиллар, маданиятлар ва адабиётларнинг ҳам беллашувига айланди. Ўзининг худди шу сифати билан Навоийнинг хизмати беқиёс. Зеро, унинг туркийда ижод қилган бешлиги навбатдаги “яна бир “Хамса” эмас, балки ўз салоҳияти, довуғи, том маънодаги янгича талқини, ғояси, мазмуни ва мундарижаси билан ҳам, бадий қувватию фасоҳати билан ҳам, - тўртинчи тажриба эмас, - бирламчи туркиёна бунёдкорлик намунаси эди. Жаҳон адабиёти тарихи бундай миллий-адабий жасорат тажрибасини билмайди.

* *

*

Биринчи бобнинг мазмуни ва мундарижасидан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳозиргача ёзилган илмий рисолааларда матн ва таржима мавзуи ё махсус ўрга-

нилмади. Ё жудаям умумий бир тарзда ёндошилди. Таржимашуносликда матн шундай бир “учиш майдончаси”ки, у айни вақтда ўша матнни ўгираётган муҳит учун “қўниш майдончаси” ҳамдир. Шуниси борки, ҳар қандай талабчан, илмий-бадий пухта таржимада ҳам таржимавий матн аслиятдаги дастлабки, бирламчи матннинг айнан ўзи бўла олмайди.

$$M^a \neq M^T: \pm M^T/2/$$

Бунда: M^a - аслият матни; M^T - таржима матни; $M^a \neq M^T$ иккиламчи таржима матни; \pm қўшилади ёки қисқаради; $M^a /2/$ иккиламчи таржима матни.

Бошқача айтганда, таржимада аслият матни ҳажман, мазмунан ва маъновий (семантик) тарафдан муқаррар ўзгаришга учрайди.

Матн таржиманинг асосий омили, ашёси ҳисобланади. Бадий таржима муаммоларини қандай назарий дастур ва ақида негизида таҳлил этиш борасида ҳам айнан шу матн мутахассисларни бирлаштиради ва бир-бирдан ажратади. Чунончи, бадий таржимани лисоний (лингвистик) ва адабий-эстетик асосда ўрганиш тарафдорлари, матн баҳсида, яъни унга нетахлит ёндошиш масаласида бир-бирига зид мавқени эгаллайдилар. Олайлиқ, тилшунос-тадқиқотчи аниқ мантикий таҳлил тарафдори. У таржимада матн майдончасига ўрнашиб олиб иш кўради. Унинг учун матн қонун ва шу матндан ташқарида ҳеч нарса йўқ. Адабий таржиманинг асоси аслият матни бошқа тилга ўгириш билангина иш битмайди, деб ҳисоблайди. Унинг назнида ва давросида, матн билан баробар матн ости маъноларини (“коса тагидаги нимкосани”) ва айни ўгирилаётган

матнни юзага келтирган кенг миллий, тарихий, илмий ва маданий муҳитни билиш бирламчи аҳамиятга эга.

Аслида, ҳар иккала ақида ҳам мухтор даъво бўлмайди. Зеро, матндан ташқарида ўгирилаётган нарса йўқ. Ғайриматний, ғайрилисоний мавҳум муҳит эмас, балки айнан: матн таржима қилинади. Таржимавий номукаммаллик матнни ўгиришдан эмас, балки уни тушунмасликдан келиб чиқади. Матнни билиш матн муҳитини билишга монелик қилмайди. Бу маънода лисоний-таржимашуносларнинг талаб ва даъволари тўғри.

Айни вақтда, бадий мутаржимнинг вазифаси фақат матнни ўгиришдан иборат деб тушунилган тақдирда, таржима жараёни гоҳо анчайин бир юмушга, матндан-матнга ўгириш жараёнига айланиб қолади. Бадий адабиётда шундай нодир обидалар борки, уларни қайта яратишда фақат матн доирасида ўралашиб қолиб бўлмайди. Олайлик, Бобурнинг кимлигини билмай туриб “Бобурнома”ни таржима қилиб бўладими? Бундай ҳолларда ўгирилаётган муайян асарларнинг адабий, илмий, ижтимоий-сиёсий, тарихий, инсоний муҳитидан ташқари, ҳатто табиий, жўғрофий иқлимни ҳам билишга тўғри келади. Сўздан ҳам кўра маънони таржима қилиш муҳим. Бу маънода таржима жараёнига илмий мунособатда Ўзбекистонда қарор топган ва кенг эътироф қилина бошлаган умумфилологиявий дастурни энг самарадор ва мақбул деб ҳисоблаш жоиз.

Бобнинг янгилиги шундаки, биз “Бобурнома” таржималарини худди шу мавқедан туриб кузатдик ва матнни талқин, таржима, луғат ва шарҳни қўшган ҳолда таҳлил этдик. Худди шу нуқтаи назардан тар-

жиманинг тур ва хилларига мунособат билдирдик. Чунончи: қайта таржима, қисқартирилган таржима, шарҳланган таржима, филологиктаржима ва хоказоларда матн ҳолати қандай ўзгаришларга дучор бўлиши ҳамда бунинг табиий ва ноҳолис сабабларини аниқладик.

Иккинчи боб

Матн ва талқин:

таржимавий ва ғайритаржимавий муҳит


Матндан ташқарида таржима йўқ

Асарни қандай таржима қилиш уни қандай ўқишга, тўғрироғи, қандай ўқишга, қандай талқин этишга боғлиқ. Шунинг учун юқоридаги уч унсур бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Матнни қандай таржима қилишни уни қандай талқин этиш белгилайди.



Талқин матний ёхуд ғайриматний бўлиши мумкин. Айни ҳолда эса бу ғайриматний, яъни ақи-давийдир. Бишарти, матний бўлганида, бундай қўпол хато содир бўлмаган бўларди. Чунки тақлид (“имитейшн”) тушунчасининг қўлланиш жўғрофияси атайин кенгайтириб юборилгани сохта нотўғри қарашдан келиб чиққан (тўртинчи чизмага қаранг).

Адиб ёки мунаққид асарни қандай талқин этса, бу унинг иши. Муайян талқинни адабий жамоатчилик қабул қилиши ёхуд рад этиши мумкин. Аммо асарни бир тилдан бошқасига ўгиришда мутаржим бу зайлда



4-чизма

эркинликка изн беришга ҳақли эмас. Аслият қандай бўлса, ўшандай ўгириш шарт. Муаллиф мавқеи ва талқини мутаржимга ёқадими ёки ёқмайдими, таржимон муаллиф фикрига қўшиладими ё қўшилмайдими - бундан қатъий назар. Акс ҳолда хиёнат содир бўлади. Таржимавий хиёнатнинг даҳшати яна шундаки, бунда ўқувчининг кўзига парда тўсилган бўлади. У аслиятни ўқишдан маҳрум. Китобхон талқинида бусбутун ўзини таржимон ихтиёрига топширишга мажбур. Таржимоннинг алдаши ҳам мумкинлигини у хаёлига келтирмайди.

Ғайрилисоний омил, ғайритаржимавий муҳит жиддий муаммо ва баъзан шу қадар муҳимки, бу адиб ёки мутаржим, аслият ва таржиманинг ўзидан ҳам зўрлик қилади. Муайян таржиманинг сифатини ўша асар ўгирилаётган даврда ҳукмрон ёки урф бўлган анъана ёхуд қараш, таомил белгилайди. Таржимада матн бирламчи, дедик. Тўғри. Лекин таржима фақат матн-матн юмуши эмас. Бу ғайриматний маданият ҳамдир. Албатта, “матндан чиқишни” Лейден - Эрскин - Кинг тажрибаси маъносида тушуниш яра-майди. Таъбир жоиз бўлса, матндан чиқиш аслиятдан узоқлашиш ёки уни бузишга эмас, балки унга яқинлашиш, кириш, асарни тўғри тушуниш, тўғри қабул қилишга хизмат қилмоғи даркор.

Таржимашунослик қомусий фан

Асарни тўғи таржима қилиш шартларидан бири у қандай бўлса, шундайлигича ўгиришдан иборат. Қандай бўлса - шундай. Бу нисбий тушунча. Қадимул айёмда яратилган “Илиада” билан “Одиссея”ни ёки

“Махабхарата” билан “Рамайна”; “Манас” билан “Ал-омиш”ларнинг ҳозирги замон тилларига қилинган таржималарини айнан ўша-ўша юнонча, ҳиндча, қирғизча ва ўзбекча дostonлар деб бўладими? Бошқа-бошқа замонлар, бошқа-бошқа миллий муҳитлар, бошқа-бошқа тиллар ва бошқа-бошқа адабий анъаналар заминид асло сидирга бирхилликка эришиб бўлмайди. Масофани берирокдан олган такдирда ҳам, қарийиб бир даврда яшаган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда Вилйам Шекспир асарларининг инглизча ва ўзбекча (Пьесалар) таржималари билан уларнинг асл нусхалари орасига тенглик аломатини қўйиб бўлмайди. Талқин ва таржима сифатига давр маданияти, адабий тилларнинг ишланиш даражаси, миллатнинг камолот босқичи, тилларнинг ривожланишидаги нотекислик, тушуниш ёки тушуниксизлик, оддийлик ва сирлилик, муаллиф - мутаржим - ўқувчи муносабатлари, аслият - таржима - аслият тақозодорлиги каби омиллар таъсир этиши муқаррар.


Таржимада миллий тафовутлар муаммоси назарияда марқазий мавзулардан бири бўлиб келаётгани бежиз эмас. Миллий тафовутлар тушунчасининг бағри кенг. Модомйки, миллийлик муайян аниқ-таниқ либос, ашъёлар - кийим-кечак, озик-овқат, моддий маиший асбоб-ускуналар, жўғрофий-худудий маънолар, ўлчов бирликлари ва ҳоказоларда зухур этар экан, бундай атамалар ҳамда хос сўзларни (буларни аксарият “номуқобил луғатлар” дейилади) таржимада бериш масаласи жуда муҳим. Бироқ миллий ҳослик тушунчасининг бундан-да мураккаб жиҳатлари бор-ким, булар онг, тафаккур, шуур, маънавият, мантик, идрок, ғайрилисоний омиллар, дин, ирк, халқ оғзаки

ижоди, турфа удум, ирим-жирим ва таомиллар, маросимлар билан боғлиқ (5-чизмага қаранг).

Турли маданий минтақалар, улар ўртасидаги тафовутлар ҳам таржима санъатига сезиларли таъсир ўтказди. Шу маънода мамлакатшунослик илмини ҳам таржима санъати ва илми таркибига киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Зеро, таржимашунослик бу қомусий фан. У ўз таркибига тарих, назария ва танқид, адабиёт назарияси, қиёсий адабиётшунослик ва типология, тил, грамматика, услубиёт, луғат, халқ оғзаки ижоди, атамашунослик, иборасозлик (фразеология), мақолшунослик ва маталшунослик (паремиология); фалсафа, мантик, этнография, руҳшунослик (психология), баён ва иншо, матншунослик, мамлакатшунослик каби фанларни қамрайди.

Инсоншунослик зикрида

Шарқ билан Ғарб ўртасидаги маданий, адабий ва илмий муносабатлар, ўзаро таъсир таржима санъатига бевосита ёки билвосита таъсир ўтказди. Бу фақат таржима назарияси ва амалиётигагина алоқадор масала бўлмай, жуда кенг миқёсдаги инсоншунослик (ҳуманитария) муаммоси ўлароқ, олий мактаб таҳсилга киритилиши лозим. Бинобарин, инсоншунослик асослари фани яратилиши ва у барча олий мактабларнинг таҳсил режаларидан ўрин олиши керак. Сабаби, Шарқ-Ғарб муносабатлари тарихини билмай туриб, мустақил Ўзбекистон диёрининг бугунги ташқи ва ички иқтисодиёти ва сиёсати йўналишларини тайин этиш қийин.



5-чизма

Русиянинг мустамлакасига айланган Ўзбекистон ўлкаси аста-секин ўзининг том миллий қиёфасини йўқота бориб, бошқа аллақанча республикалар катори, ўз аҳолисининг таркибий қисми тарафидан қурама, “интернасионал” маънога айлана бошлади. Овросиёвий қиёфа қарор топа бошлади. Аммо бу жараёнда маҳаллий туркий мазмун-моҳият қаттиқ қаршилиққа учраб, славян ва рус таъсири устун бўлди. Гўё “шаклан миллий, мазмунан социалистик” деб таърифланмиш маданиятларда, аслида, социалистик моҳият чуқурлашиб, миллий шаклларга ҳам социалистик “сайқал” берила бошлади. Бунинг устига, социалистик ва интернасионал (байналмилал) деб аталмиш мазмун ҳам аслида зўр бериб руслаштиришга айланиб кетди. Шундай бўлиб чикдики, ҳамма ва ҳар қандай русиявий ҳодиса ҳамда тушунчалар - “прогрессив”, барча туркиёна миллий мафкура - қоқоқлик, “осиёвийлик” рамзига айланди, рад этила бошлади, зимдан ўлимга маҳкум этилди. Аҳли Турон ўзининг туркий сиймосидан маҳрум бўла бошлаб, тор миллий “ривожланиш”, ўз қобиғига ўралиб қолиш палласига кирди. Биз мазкур манфур жараённинг иқтисодий ва сиёсий сабабларини айтиб ўтирмаймиз. Бу бизнинг вазифамизга кирмайди. Аммо айрим лисоний-маъновий (семантик) ҳодисалар борким, уларни қайд этишга тўғри келади.

Инсон ҳамма жойда ҳам инсон.

Бовужуд...

Бизда таржима жараёнида маъновий силжиш ҳодисасини асослаган мутахассислар етишиб чикди. Бу

жуда камровдор тушунча. Чунончи, азалий Шарк-Ғарб маданий мулоқотида, айниқса, кейинги даврларда мағрибнинг таъсири кучайгандан кучайиб борди. Натижада аксари ҳолларда, ҳатто чуқур инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган улуғвор кадриятлар, маънавий бойликлар ҳам ўзимиз сезмаган ҳолда биқиқ бир муҳитга кириб, тор худбинлик мафқураси билан бўяла бошлади.

Масалан, ҳадъя, совға-салом, садақа, хайр-эҳсон, одамгарчилик, орият, меҳмондўстлик туйғуларини олайлик. Бу инсоний фазилатлар бирданига пайдо бўлмаган, балки неча юз йиллар давомида қарор топган. Бунда, айниқса, устивор ислом диний ақидалари: Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ҳамда бу муътабар манбаларнинг бевосита ёки билвосита таъсири остида ривожланган муаззам Шарқ маданияти ҳамда мумтоз адабиётнинг ўрни катта, Булар: Хўжа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Дурбек, Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулқодир Бедил ва бошқаларнинг ижоди.

Совға, ҳадъя нималигини билмайдиган халқ бўлмаса керак. Ҳадиси Шарифларда мусулмонлар бир-бирларига вақт-вақти билан совға-салом қилиб турсунлар, деб айтилган. Бу ўзаро ҳурмат, илтифот ва меҳр-оқибатни кучайтиради. Совға-салом, хайр-эҳсон, садақа (тасаддук) асли шаръийдир. Турган гап, бунинг остида қандайдир ғараз ёки бирон “мўлжал” бўлмаса. Аммо Шарқда дин туфайли қон-қонига тўғрилиқ, диёнат, иймон сингиб кетганлиги боис, ҳозир ҳам биз-

нинг кишиларимизда саховат, очикқўллик, дастурхондорлик, меҳмондўстлик кучли. Хайриятки, ўша тў-постурғунлик даврида бу сингари олийжаноб инсоний сифатларнинг қадри тушмади, “эскилик сарқити”га айланиб улгурмади. Бироқ барибир бу мусаффо туйғуларга ҳам оғу кўшилди. Инсоний самимият йўқолган жойда одамлар ўртасидаги муносабатларга дарз кетади.

Пир

Хусайн Бойқаро билан Алишер Навоийнинг ўзаро муносабатлари синфийлик ва фирқавийлик тамойилларига асосланган янги давр адабиёти, адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги бир қадар уйдирмаю сохталикларга ҳам йўл қўйди. (Навоий - Гули - Бойқаро манзараси ва бошқа талқинларни эсланг). “Бобурнома” бу масалага ҳам ойдинлик киритади: “Мирзодин нима олмас, балки йилда Мирзога куллий маблағлар пешкаш қилур эди”. Алишер Навоийнинг “Хамса”сини биринчи бўлиб ўқиб чиқиш бахтига ким мушарраф бўлган? Абдурахмон Жомий, яъни форс-тожик адабиётининг стунларидан бўлган буюк мутафаккир шоир илк дафъа ўқиган ва унга юксак баҳо берган. Алишер Навоийнинг кичик замондоши Зайниддин Восифий Навоийнинг “Хамса”ни ёзиб тугатганидан сўнг, Хусайн Бойқарога тақдим этган вақтида рўй берган воқеалар ҳақида бир лавҳа келтиради. Унда ҳикоя қилинишича, шоҳ “Хамса” асарини қўлида тутиб, “пир киму мурид ким?” деб савол беради. Шунда Алишер Навоий “пирнинг тилаги муриднинг тилаги”, деб жавоб қайтаради. Хусайн Бойқаро ўзининг оқ отини Алишер минишини илтимос қи-

либ, ўзи отнинг жиловидан ушлаб пиёда боради!..” (66-67). Алишер Навоий ижодига баҳо беришда бир-бирига қарама-қарши икки қутб: буюк ўзбек мутафаккирининг замондошлари, кўпчилиги уни ҳаётлиги чоғида кўрган, ҳамнафас бўлган, асарларини ўз кўзи билан ўқимаган инсонлар: Абдурахмон Жомий, Хусайн Бойқаро, мавлоно Хондамир, Зайниддин Восифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар - бир тараф бўлса, “Бобур-нома”ни инглизчага ўгирган ва шарҳлаган Жон Лейден, Виллям Эрскин ва Лйукас Уайт Кинг ҳамда Ғарб шарқшунослари - иккинчи тарафда туриб, бирлари ўзбек шоири қаршисида таъзим қилсалар, иккинчи тоифа, қизиғи шундаки, унинг асарларини ўз кўзлари билан кўрмаган, ушлаб ҳам бокмаган, ўқимаган кимсалар уни... тақлидчига айлантириб қўйишган. Юқорида бир карра қайд этилганидай, Лейден-Эрскин таржимаси ҳали 1921 йилдаёқ бутун дунё халқларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб турган Оксфорд, Лондон, Эдинбург, Глазго, Копенгаген, Нйу-Йорк, Торонто, Мелбурн, Кейптаун, Бўмбай, Калкутта, Мадрас, Шанхай, Пекин сингари йирик марказларда чоп этилгани инобатга олинса, мазкур таржима Навоий ижоди ҳақидаги ёлгон маълумотни бутун ер юзи бўйлаб тарқатгани яна бир марта ошкор бўлади.

Ҳозир баҳс бир-бирига муқобил (эквивалент) ҳисобланмиш сўзлардаги маъновий силжишлар ҳақида бораётган экан, Ғарб билан Шарқ, Оврупо билан Осиё, Шимол билан Жануб, мусулмонлар билан насронийлар, славянлар билан туркларнинг тилларидаги сўзларнинг бир-бирига “тенг қийматлилиги”, яъни эквивалентлиги ҳақида гапирганда эҳтиёт бўлиш ке-

рак. Маданият, маънавият, одоб-ахлоқ ўргасидаги фарқлар баъзан шу қадар сезиларлики, юқорида айтилганидай, кўп ҳолларда ўша-ўша сўз ёки атама, аслида, “ўша-ўша” бўлмай қолади. Бу айни бир нарса ёки ҳодисага қарашда, уни баҳолашда тафовутлар катталиги боис келиб чиқади. Бошқача айтганда, ўзига хос “сохта муқобиллик”, “таржимоннинг сохта дўстлари” пайдо бўлади. Бу ўринда мазкур сохтакорлик тиллараро ҳодиса бўлишдан ташқари, бир герман тилининг славян-рус маданияти орқали бошқа туркий тил - ўзбекчага таъсири натижасида юз беради.

Ғарб Шарқ минтақалари кесишган жойда...

Назира ва татаббу боғлаш, таржима сингари адабий жараёнлар Навоийга бегона эмас. Буни унинг ўзи эътироф этади. Ғарб шарқшуносларининг наздида бундан ортиқ далил бўлиши мумкин эмас. Ахир муаллифнинг ўзи эътироф этаяпти-ку! Фақат улар билмайди ва тушуна олмайдики, ўз даврида Шарқда умуманъанавий силсила ҳисобланмиш Хамса яратиш тамомила “теша тегмаган” бир мавзуда асар ёзишдан чандон-чандон муҳим бўлган. Бу гоҳо тиллараро, маданиятлараро, адабиётлараро ҳаёт-мамот масаласи эди. Ғарб тафаккури буни ҳазм қила олмайди. Ундай десак, Ж.Боккаччо, А. Данте, В. Шекспир, И. Гёте сингари испан, италян, инглиз, олмон даҳолари ижодига хос анъанавий сўжетлар асосида ижод қилиш тажрибасини қандай тушуниш керак?

Бундан ташқари, Навоийнинг таржимон бўлганлиги хусусидаги “эътирофини” тушуниш учун ҳам Шарк одоби бўлиши керак. Бу маданий минтақада муршид-мурид, устод-шоғирд муносабатларидаги фидойлик кейингиларининг камтарона мақомда бўлишлигини тақозо этган. Буни ҳам Ғарб шарқшуносларига ва ўқувчиларига тушунтириш амри маҳол.

Яна тақлид баҳсига қайтиб...

Тўғри, imitation - тақлид. Лекин тақлид эмас ҳам. Чунки инглизча сўзда салбий маъно кучли. Унда ижодий руҳ деярли йўқ. Ўзбекча тақлидда эса жилла ундай эмас. Дуруст, ҳозирги вақтда бу сўзда ҳам салбий маъно кучайган. Инглизча imitation ва ўрисча подражание сўзларининг таъсири остида сўлга томон маъновий силжиш аниқ кўзга ташланади. Аслида эса, тақ-лид сўзининг қиммати ва маъноси нимага тақлид қилишлик билан белгиланади. Бу сўзларнинг ғарбона маъноси билан шарқона тушунчаси ўртасида қандай тафовутлар борлигини англаш учун мавжуд луғатларга мурожаат қиламиз.

Имитация - lat.imitative 1) подражание; 2) подделка; 3) повторение мотива, появившегося в одном голосе, другими голосами в точном или обратном воспроизведении и в иных разнообразных вариантах (243).

Туркча-русча луғатга мурожаат этайлик. taqlit (-çi) - 1) подражание (кому-чему-л.); имитация; ср.benzet 2) подделывание, подделка; фалсификация; притворство; уку~i жартак притворяться (принуться) спящим; 3) передразнивание кого-л.); - in&ini

уартак çikarmak а) подражать кому; б) копировать кого; - i etmek а) подражать кому; имитировать кого-что; следовать чьему-л. примеру; б) подделывать; - in imzasini~etmek подделать чью-л. подпись; в) передразнивать, копировать кого; taqlitçi (-gi) 1. подражатель; имитатор: 2. копирующий (кого-л.) taqlitçilik (-gi) подражательство, имитирование, имитация (822).

I Имитатор. Человек, к-рый имитирует кого-что-н. **Имитация** 1.см.имитировать. 2.Подделка подо что-н. 3. Повторение музыкального мотива в другом гелесе на какой-н. интервал выше или ниже (213).

Имитировать. Воспроизводить с возможной точностью, подражать кому-чему-н.

II Подражание. 1.см.подражать. 2. Произведение, подражающее какому-н. образцу. Стихотворное п. народной сказке. Подражатель. Тот,кто подражает кому-чему-н. Подражательный. Представляющей собой подражание.

Подражательная литература.

Подражательство. Несамостоятельность в творчестве, подражание. **Подражать.** Делать что-н. по какому-н. образцу.

I Имитатор. Имитатор, таклидчи, ўхшатувчи (худди ўзи бўлиб кетувчи одам ёки артист). Имитаторский. Имитаторга, таклидчига оид, хос; таклидчилик... ~ талант-таклидчилик таланти. **Имитация.** 1.См.имитировать; 2.~чего-ўхшатиб ишланган (ясалган) нарса, ясама; ~ жемчуга - ясама марварид; 3.Муз.имитация (куйнинг бошқа овозда пастрок ёки баландроқ такрорланиши). **Имитировать.** 1.Имитация (таклид) қилмоқ, ўхшатмоқ, худди ўзи бўлмоқ; ~пение птиц - қушларнинг сайрашига таклид қилмоқ;

2. Ҷхшатиб ясамоқ, ишламоқ; ~ мрамор-мармарга Ҷхшатиб ясамоқ (ишламоқ); 3. Муз.куйни бошқа овозда пастроқ ёки баландроқ такрорламоқ (388). Подражание. 1.Таклид, таклид қилиш; ~е пению птиц - қушларнинг овозига таклид (қилиш); дети склонные к ~ю-болалар таклид қилишга мойил бўлишади; 2.Ҷхшатма, таклид; ~е народной сказке - халқ эртагига Ҷхшатма. Подражатель. Таклидчи, таклид қилувчи. Подражательность. Таклидийлик, таклиддан иборатлик. Подражательный. Таклидга (Ҷхшатмага) оид, таклидий, таклиддан (Ҷхшатмадан) иборат бўлган; Ҷхшатиладиган; ~ая литература - таклидий адабиёт, Ҷхшатмалардан иборат адабиёт. Подражательство. Таклидчилик. Подражать. Таклид қилмоқ, Ҷхшатмоқ; эргашмоқ; ~пению птиц - қушларнинг овозига Ҷхшатмоқ (таклид қилмоқ) (98).

Рус тилида имитация ҳамда подражание сўзлари деярли бир хил маънони англатиши келтирилган луғавий талкинлардан шундоқ кўриниб турибди. Имитациянинг фарқи биргина мусикий маънодаги атама сифатида қўлланишида (учинчи маъно) кўзга ташланади, холос. Қолгани деярли Ҷша-Ҷша. Шунинг учун бўлса керак, гарчи русча-ўзбекча луғатда имитация билан боғлиқ сўзлар акс этган бўлса-да, ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилмаган. Таклид. 1.Иш-ҳаракатда, юриш-туришда, ижодда ўзгага эргашиб, Ҷхшаш ёки Ҷхшатиш ва унинг натижаси; Ҷхшатма.

Адабий таклид. Таклид қилмоқ. Булбулга таклид қилиб сайрамоқ. Ёмонни танқид қилади, яхшига таклид қилади. Мақол. 2.Тахлид, тарз. Таклидан. Ўзгага Ҷхшаб ёки Ҷхшатиб, таклид қилиб...

Таклидий. Таклиддан иборат бўлган, таклид натижа-сида юзага келган. Таклидий шеър.

Таклидчан. Таклид қилиш қобилятига эга бўлган, таклидга мойил, таклидга уста. Болалар жуда таклид-чан бўлади.

Таклидчи. Ўзгаларга таклид қилувчи, таклид йўлидан боровчи. Таклидчи шоир.

Таклидчилик. Ўзгаларга таклид қилиш; таклидий йўл (мас., ижодда) (147).

Бу ерда биргина мақол мантиқи ва ҳукми бўлса-да, ижобий маъно акс этган. Ёмонни танқид қилади, яхшига таклид қилади. Ёмонни - танқид, яхшига-так-лид!

Муштарак сўжетлар манбаи

Ёмонлардан қочиш, яхшиларга эргашиш азал-азалдан аҳли мусулмон ахлоқининг негизини ташкил этади. Бу ниҳоятда жиддий масала. Фарбу Шарқ, насроний, яҳудий ва ислом маданиятларига дахлдор муаммо. Гап фақат Алишер Навоий ижодининг таби-атидагина эмас. Балки умуман дин, ахлоқ, маънавият-га оид баҳс. Масалан, Таврот, Инжил, Зобур ва Қуръонда бир-бирига ўхшаб кетадиган ёки айнан бир сиймолар, пайғамбарлар, авлиёлар ҳамда афсона ва ривоятларга айланиб кетган воқеа ҳамда ҳодисалар ҳақида гап боради. Олайлик: Авраам ва Иброҳим, Ии-сус Христос ва Исо Масих, Мария ва Биби Марйам... Хўш, бу “ўхшаш сўжетлар”да бирламчи манба бу-ларнинг қай бири? Яҳудийлар Таврот, дейди. Насро-нийларнинг даъвосича бу Инжил. Мусулмонлар бўлса мазкур муқаддас китобларнинг барчасини ҳам илоҳий

деб тан олади. Фақат охир замоннинг муқаддас китоби - Куръон, сўнги пайғамбар - Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам бўлиб, бу ҳақда ваҳий этилган асл Таврот, Инжил ва Зобур ҳозирги нашрларда ўзгартирилган, бузилган деган фикрни тасдиқлайди. Аслини олганда, ҳозирги нашрларда ҳақиқатан ҳам бир-бирини инкор этувчи, чалкаш фикрлар хийла кўп. Чунончи, Инжилнинг ҳатто ҳозирги нусхаларида ҳам ҳазрати Исо алайҳиссалом ўзларидан кейин Аҳмад (айнан: Муҳаммад) исмли пайғамбар келиши, бу пайғамбар ўзи билан дунё аҳлига нажот олиб келиши ҳақида башорат қилинган.

Баҳс “ўхшаш сўжетлар” ҳақида, Бунга асосланиб, яҳудий ва насроний уламолар Куръонни гўё “кўчирма китоб”, “тақлидга ўхшаган бир нарса”, унда аслийлик (оригиналлик) кам, деган жиддий даъволарни илгари суришади. Бу мутлақо тўғри эмас. Башарти шундай бўлганида, ўша танқидчиларнинг ўз мантиқи ва далиллари билан ҳукм қилинса, бирламчи манба бошқа бировларга эмас, яна араб тупроғига, араб маданиятига, араб заминига бориб тақалади. Негаки, ҳали Таврот, Инжил, Зобур ва Куръон ҳам ваҳий этилишидан (нозил қилинишидан) неча минг йиллар муқаддам кўчманчи араб қабилаларининг маънавий ҳаётида, тафаккурида ҳамда тилида “халқ оғзаки ижоди” шаклида бу ҳодисалар, ҳозир ўхшаш бўлиб қолган сўжетлар мавжуд бўлган. Буни айнан христиан уламолари, тадқиқотчиларининг ўзлари эътироф этадилар. Зотан, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Гарчи илоҳий, муқаддас китоблар Оллоҳнинг ўзи томонидан ваҳий этилган бўлса-да, қандайдир мавҳум, ғайриинсоний тилда баён қилинмайди. Балки барчага англа-

шиларли, гушунарли, таниш бўлган заминий тушунчалар ва тамойиллар негизида баён қилинади. Зеро, моҳият қай бир нимарсанинг бошқа қандайдир нарсага қанчалик моҳандлиги ва ўхшашлигида эмас, балки олға сурилаётган, даъво қилинаётган мантиқ, ғоя, фикр, маслақдадир. Чунончи, Куръон тавҳидга, яъни Оллоҳнинг биру борлигига асосланар экан, бу инсонларнинг маънавий ҳаётида ғоя ва далил эканлигини ҳозир ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бундан чиқадики, Навоий - тақлидчи шоир деган даъвонинг илдизи чуқур. Бу Ғарб маънавиятининг Шарқ маданий кадриятларига, барча шарқона маънавиятга нописандлик билан қарашининг бир қисмидир.

Биз илгари сураётган даъво: Шарқона талқин, Ғарб тамойили ўзича қанчалик тўғри бўлмасин, бу улкан минтақаларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсирсиз, буни эътироф этмай туриб, чуқур маданий юксалишни тасаввур қилиш қийин. Бунинг ажойиб намунасини биз тагин Алишер Навоийда, унинг даставвал араб, юнон, ҳинд, форс манбаларига мурожаати ва бадий тараннумида кўрамиз.

Адабиёт кимнинг мулки?

Ғарбнинг шарқона осор-атиқалар ва бадий обидаларга муносабатидаги бирёқламалик, такаббуруна яғравлиги ўз диёримизда, Шўролар даврида янада расмийлашди ва жиддийлашиб кетди. Адабиётнинг машъум синфийлиги, фирқавийлиги ва халқчиллиги ниқоблари остида жамики исломий мерос таъқиб остига олинди, адабиёт гўё зодагонлар адабиёти ва йўқсуллар адабиёти сингари “хил” ва “тоифаларга”

бўлинди. Аксар мумтоз адабиёт намуналари “сарой адабиёти” деб баҳоланиб, энг нодир асарлар ҳам тақлидчиликдан иборат ижод деб кўрсатилди. Диний адабиёт бусбутун қораланди, арузга гўё ёт адабий вазн деб қаралди. Шу тариқа ўзбек адабиётининг хаётий тарихий илдизлари қирқилиб, насроний, славян ва русиёна мазмун ва шаклга йўналтира бошланди.

Бобур ва “Бобурнома” синфий-фирқавий исканжада

Кези келганда айтиш лозимки, даврлар ўтиши билан маънавий қадриятларнинг мазмуни ва мундарижасида тадрижиёт асосида табиий суратда юз берадиган бу сингари маъновий силжишларга хоҳ хорижий нашрларда бўлсин, хоҳ ўзимизда бўлсин, шарҳ, изоҳ, тарихий-этимологик маълумотлар, адабий-танқидий мақола ва эскартмалар берилмаса, бу сингари тушунмовчиликларнинг келиб чиқиши муқаррар. Бу жиҳатдан кейинги вақтларда ўзимизда икки марта чоп этилган бир жилдлик Навоий асарлари луғати ҳамда тўрт жилдлик Навоий асарлари изоҳли луғатлари, Мирзо Бобур асарлари луғатлари жуда катта маданий ҳодиса бўлди. Алишер Навоий асарларининг луғатини тузиши иши жуда мураккаб ва бу иш бизда эндигина бошланди. Бунинг устига, аксари мавжуд луғатларда “синфий ёндашув” оқибатида буюк шоиримиз лафзида учраган кўпдан-кўп сўз ва тушунчалар ўз ифодасини топмаган. Бобур асарларининг мукамал изоҳли луғатини тартиб бериш, мумтоз адабиёт асарлари юзасидан тузилган қадимий луғатларимизни, тайёр манбаларни қайта чоп

этиш вазифаси ҳам кун тартибда кўндаланг бўлиб турибди.

Бутун маърифатлик Оврупо неча юз йиллардан буён “Бобурнома”ни таржима қилиш ҳамда уни тадқиқ этиш билан банд. Русияда ҳам Ўктябр тўнтаришигача бўлган давр мобайнида ўз мустамлакасига айлантириб олган Фарғона водийсидан чиққан шундоқ буюқ фотих, саркарда ва беназир истеъдод соҳибининг шоҳ асарини айрим парчалар ҳолида ўгиришга майл сезилган бўлса-да, биринчи марта “Воқеот”ни тўла ҳолда 1948 йилда чоп этишга муваффақ бўлинди. У ҳам бўлса Тошкентда амалга оширилиб, бор-йўғи беш минг нусхада босилиб чиқди. Мазкур таржимага ўзбек тилидан мутлақо хабарсиз, маҳаллий зиёлиларга нафрат билан қараган Михаил Швердин муҳаррирлик қилган. Ана шу таржима айрим жузъий тузатишлар билан қайта-қайта босилиб келинди. Ҳозиргача тўрт маротаба нашр қилинган. Иккинчи, тўлдирилган нашр деб аталмиш 1993 йилги сўнгги босма Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Беруний номидаги Халқаро мукофот совриндори Сабоҳат Азимжонованинг умумий таҳрири ва қайта ишлови билан амалга оширилган. Афсуски, ҳозирга қадар янги русча таржима пайдо бўлган эмас. Мазкур янги нашр С. А. Азимжонованинг “Бобур ва унинг “Бобурнома”си номли мақоласи билан бошланиб, 90 саҳифада изоҳлар, киши, жой номлари илова қилинган.

Шубҳасиз, М. Салйенинг қирқ беш йил муқаддам чоп этилган таржимасидаги аллақанча қусурлар янги нашрларда тузатилган бўлса-да, кўпгина нуқсонлар ҳалигача сақланиб келмоқда. Сабаби, улар шунчаки қайта ишлаш, таҳрир, тузатиш, тўлдириш билангина

бартараф қилиб бўладиган кам-кўстлар эмас. Русча нашрнинг сифатини тубдан яхшилаш учун асарни янгидан ўгириш даркор. Биз Михаил Салиенинг хизматини йўққа чиқармокчи эмасмиз. Аксинча, у урушдан кейинги жуда оғир шароитда асарни ўзбек тилига жонбозлик билан таржима қилди. Салие гарчи ўзбек тилини билмаса-да, атоқли шарқшунос олим эди. Ўзбек адибларининг бир қанча йирик асарларини, жумладан, Ойбекнинг “Навой” романини ҳам русчага ўгирган инсон шу М. Салие бўлади. Бу шарқшунос олим моҳир мутаржим ва зукко таржима танқидчиси ҳам эди. “Бобурнома”ни рус тилига қилинган тағлама (подстрочник) орқали ўгириш баробарида, ўз ишида Лейден-Эрскин ва А. С. Бевериж таржималаридан ҳам истифода этгани сезилиб туради. Хуллас, қомусий асар “Бобурнома”ни рус тилига янгидан таржима қилиш фурсати аллақачон етган.

Янги нашрлар орасида энг мукаммали “Бобурнома”нинг турк тилига қилинган таржимаси нашридир (1987).

Муҳаббат фарзанди*

“Бобурнома” ёзилганидан қарийб 400 йилча вақт ўтгач, аслият соҳибига қардош бўлган туркий тилга таржима қилинди. (Туркия туркларининг тилини “усмонли турк тили” деб аташ расм бўлган. Бирок турк -

* Қаралсин: Ғайбуллоҳ ас-Салом, Неъматуллоҳ Отажон. Туркийларда таржима-муҳаббат фарзанди.- Ўзбекистон газетаси. 1994 йил, 24 феврал.

олимлари бу истилоҳни ҳозирги XX аср турк тилига нисбатан қўллашдан воз кечганлар.). Бу ишни таникли бобуршунос олим Ҳикмат Бойир даъвати билан турк-ўзбек мумтоз адабиётининг билимдонларидан профессор Рашит Раҳмати Орат жаноблари амалга оширди.

Китоб икки жилддан иборат. Мундарижаси:

I жилд. Сўз боши (1-21 саҳифалар), икки қисмдан таркиб топган тарихий маълумотлар (23-38). Муаллифи Ҳ. Бойир. Таржимон сўзбошиси (139-143). Вақоеъ. Биринчи бўлим: Фарғона (1-128) (аслият матни алоҳида саҳифаланган). Илова: Темур Кўрагон ва Чингизхон сулоласининг чизмаси. Ҳар икки сулолани Бобуршоҳ бирлаштиради.

II жилд. Бобурнинг Тўп қоғози саройи музейидаги (Истанбул) миниатюраси. Асосий матн: иккинчи бўлим. Кобул (129-294). Учинчи бўлим: Ҳиндистон (285-432). Тўртинчи бўлим: Иловалар. Таржима Қозон босмаси нашри асосида тўлдирилган. Шахс ва жой номлари кўрсаткичи, Бобур қўллаган истилоҳ ва таъбирларнинг алифбо тартибидаги луғати (ноتلар) берилган. Иқтибослар, яъни Бобур келтирган туркча, форсча ва арабча шеърӣй парчаларнинг мазмуни таъдил этилган. Ниҳоят, Бобур қадамжолари, яъни Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари харитаси келтирилган. Нашрнинг умумӣй ҳажми 43 босма табоқдан мўлроқ.

Таржимага Бобур подшоҳ даврига нисбатан яқин замонларда номаълум котиб томонидан Ҳайдарободда кўчирилган нусха асос қилиб олинган. Бу нусха факсимиле усулида 1905 йили Лондонда қайта нашр қилинган. Таржимоннинг фикрича, мазкур манба фото-нусха бўлгани учун ҳам, унда янглишлар нисбатан кам

ва тил жихатидан эски, яъни Бобур даври тилига яқин. Таржимон машхур бобуршунос Аннетта Сусанна Бевериж хоним мана шу матн асосида 1922 йили асарни англиз тилига ўгирганини айтади.

Гарчи бу даврга қадар “Бобурнома” бир неча хорижий тилларга (инглизчага - 1826 да, олмончага - 1828 да, сўнгра Қозон нусхаси асосида 1871 йили - франсузчага) ағдарилган бўлса-да, уларнинг ҳеч бирига Хайдаробод нусхаси таянч матн қилиб олинмаган. Бу таржималар асосида Шоҳ Акбар даврида Абдурахимхон томонидан форсчага ўгирилган нусха ётади.

Қиёсий тадқиқот маҳсули

Сўзбошидан маълум бўладики, туркча таржима жараёнида 1857 йили Н. Илминский томонидан чоп қилинган, тарихга “Қозон нусхаси” номи билан кирган нашрга солиштириб иш кўрилган. Асар ҳозирги замон турк тилининг Истанбул лаҳжаси аталмиш ўрта турк тилига яқинроқ ифодага ўтказилгани учун барча туркий халқларнинг (жумладан, ўзбекларнинг) ҳам тушуниши енгиллашади. Тили содда, услуби текис ва раван. Таржимон ҳатто Бобур таъбирларига муқобил сўз ёки ибора танлашда ҳам туркий тилларда кенг тарқалган сўзлардан фойдаланади. Асар руҳини синдириш учун Бобур таъбирларининг аслини сақлаганда ҳозирги вақтда тушуниш қийин бўлиб қолган сўзлар луғатини алифбо тартибиде илова қилади. Таржимада, асосан, икки нусха манбалари чоғиштирилиб, қавс ичида Хайдаробод нусхасининг саҳифалари рақамлар билан, Қозон нусхаси саҳифалари эса рақам ва ҳарфлар билан (Ia, Ib тарзида) келтирилган. Таржимоннинг

бу заҳмати ҳар икки маттни қиёсий ўрганувчилар ишини енгиллаштиради. “Бобурнома”нинг 1960 йилги ўзбекча нашрида раҳматлик устод Порсо Шамси ҳам ана шу йўлдан бориб, ҳар икки нусхани баробар қиёслаган эди.

Асарда дарж этилган иқтибослар (шеърӣй парчалар) кўрсаткичи кўп нашрларда учрамайдиган ҳол. Таржимон форсча ва бошқа шеърӣй парчаларни араб ёзуви билан (яъни, аслидагидай) ўша саҳифа ичида келтиради ва туркча таржимасини ҳам беради. Буларни қиёсий ўрганиш учун таржиманинг сифатини кузатиш қулай бўлсин деган мақсадда китоб охирида иқтибослар кўрсаткичи келтирилади. Таржима “Вақоеъ”нинг асл матни, унинг бошқа таржималари билан солиштирилса, таржимашунослар ҳамда қардош тиллар тадқиқотчилари, айниқса Бобур ижодий мероси билан қизиқувчи олимлар учун жуда қулай манба бўлиши мумкин.

Мазкур туркий нашрнинг нуқсонлари шундаки, асарнинг Ҳайдаробод нусхасида 936 (1529) йил-воқеалари тўла эмас. Таржимон бу ўринда Қозон-босмасидаги воқеалардан истифода этган, бобни мукамал деб бўлмайди. Нашрнинг бу қусурини раҳматли Порсо Шамси домла сезган кўринадики, у 1960 йилги ўзбекча нашрда бобни нисбатан тўла беришга интилган. Асарнинг форсий таржималари, айниқса, Абдурахим ибн Байрамхон томонидан ўгирилган, нисбатан тўла ва пухта нусха назардан қочирилган бўлса керакки, форсча нашрдаги иловалардан таржимон деярли фойдаланмаганга ўхшайди. Чунончи, ўзбекча нашрга илова қилинган “Бобур қўл остига кирган жойлар даро-

мадининг ҳисоби” ва “Бобуршоҳ фармони” киритилмаган.

Айрим ўринларда баён ёки тасвири соддалаштиришга интилиш натижасида матнга бир қадар путур етган. Жой номлари берилишида ва ўқилишида (айниқса, Ҳиндистонга тааллуқли атамаларда) сакталиклар бор. Бундай камчилик ўзбекча нашрда ҳам мавжуд. Ҳижрий-қамарий йил ҳисобини (кун ва ой ҳисобида) мелодий йилга кўчиришда ҳам ноаниқликлар йўқ эмас.

Бу таржима дастлаб Туркияда босилиб чиққунга қадар, “Бобурнома”нинг тўла матни ҳеч қайси туркий халқнинг қўлида оммавий нашрда йўқ эди. Қўлёзма, тош босма ва литография усулида тарқатилган нусхаларда хатоликлар жуда сероб бўлиб, улар асар ҳақида хира ёки чалқаш тасаввур бериб келган. Бобурнинг ўз она тилидаги наشري ҳам унинг ватанида мазкур туркча босмадан уч-тўрт йил кейин амалга оширилди. Асарнинг ўзбекча нашрида кўплаб форсий ва арабий ифодалар, ҳозир эскирган сўзлар мавжуд бўлиб, буни барча туркий халқлар ҳам шаррос ўқиб тушуна оладиган даражада эмас эди. Шунинг учун ҳам бу нашр турк дунёси учун катта амалий ёрдам бўлди.

Туркчага ўгириш давомида асарнинг барча таржималари тажрибаси умумлаштирилди. Гарчи Бобурнинг ўз лаҳжасида бўлмаса ҳам, унга томирдош бўлган гўзал бир тилда биринчи марта танқидий матн яратишга интилиш сезилди: Илмий жамоатчиликка асар ҳақида нисбатан тўла маълумот бериш мақсадида асосий матнга илова сифатида луғат ва шарҳлар тузилди.

Ушбу нашр ва таржиманинг афзалликлари ўзбек матншунослари учун ҳам ўрнатқ. “Вақоъ”нинг тўла

ўзбекча нашрлари (1948-49, 1960) вужудга келишида турк олимлари тажрибасидан фойдаланилгани ҳеч кимга сир эмас. Бу нашрни изчиллик билан ўрганиш ва бошқа нусхалар билан солиштириш Бобур Ваганида, Бобур тилида унинг шоҳ асарининг танқидий матнини тайёрлашда мўътабар манба бўлиб қолиши мумкин. Турк олимлари гарчи эҳтиёт билан бўлса-да, бу нашрда “Бобурнома”га кирмай қолган йиллар воқеаларини тиклашга уринишган.

Нашрдаги изоҳ ва сўзликлар кейинроқ ўзбек тилида “Бобур асарлари лугати”нинг (тузувчи Х. Назарова) вужудга келишига ҳам кўмаклашган.

Сўзлар - мухтасар, маъно - фаровон

Мирзо Бобур бирон кишини тасвирга олар экан, унинг бошдан-оёқ ҳар бир зоҳири ва ички, ботиний сифатлари, яхши-ёмон томонлари, феъл-атворини нозик нуқталаригача батафсил чизади. Бу баён эмас, балки баайни мусаввир мўйқаламига ҳос тасвир. Айни вақтда у сўзамолликдан бутунлай холи. Услуби қанча қисқа бўлса, шунча таъсирчан ва ширали.

Бобур ўз ҳаётида Навоийни кўрмаган. Такдирни қарангки, ҳаётлик чоғида улар бир-бири билан учрашмаган. Бироқ, шуниси кишини ҳайратга соладики, у Навоийни атиги бир саҳифада ғойибона, ниҳоятда аниқ ва нозик тасвирлайди. Ўйлайсизки, бу икки улуғ зот азал-азалдан худди Ҳусайн Бойқаро билан Алишербек сингари ажралмас қалин дўст-биродар бўлган. Навоий қиёфаси ҳамда ички дунёсини у билан доимий ҳамроҳ ва ҳамсуҳбат бўлиб юрган зотлардан ҳам ҳеч бири бунчалик самимий ва латиф чиза олма-


ган бўлса керак. Бунда чин инсоний ҳайрат ва афсус ҳам, эътироф ва инкор ҳам, фахрия ва надомат ҳам бор. Охир-оқибатда ўқувчининг кўз ўнгида шундай бир сиймо ўзининг бор бўйи билан гавдаланадики, ҳар қандай одам ҳам унга ҳавас қилмай, таҳсин ўқимай, ҳақиқа дуо қилмай қололмайди.

Таржима муҳаббат фарзандидир. Нафрат билан таржима қилиб бўлмайди. Бобур қалами остидан чиққан Навоий тасвирини истаган бошқа тилда қайта тиклаш учун бу табаррук зотга ўзга шундай бир ҳазрати инсон - Бобур Мирзо мавқеидан туриб қарамоқ, унинг кўзлари билан қарай билмоқ керак. Акс ҳолда... Меҳр ёлқини ўрнига совуқ лоқайдлик, эътироф ўрнига эътироз, тасдиқ ўрнига инкор туйғуси ҳосил қилиш, ўзни ва ўзгани алдаб қўйиш ҳам мумкин. Юқорида Навоий ижодинининг қалби, унинг зуллисонайн шоир эканлиги ҳақида айрим инглизча таржималарда ёлғон ёки ҳақиқатга унчалик тўғри келмайдиган маълумотлар бериб юборилгани гувоҳи бўлдиқ. Бунинг учта хатарли томони бор. Биринчидан (буни юқорида ҳам айтиб ўтилди), инглизларда лисоний-жуғрофий майдон ниҳоятда кенг. Бу хусусда бошқа бирон тил инглиз тили билан беллаша олмайди. Бинобарин, ахборот ташиш ва таъсир доираси беҳад ва бе-ҳудуд. Зеро, олайлик, ўзбек тилига қилинган таржимани ўзбек ўқийди, туркманча таржимани-туркман, қирғизча таржимани қирғиз ўқийди. Вассалом. Инглизча таржимани эса бутун жаҳон, маърифатли дунё ўқийди. Иккинчидан, бу билан, яъни бузуқ таржима ёки муҳамлик оқибатида ҳар иккала буюк зот - Навоийга ҳам, Бобурга ҳам хиёнат қилинган бўлади. Албатта, бўхтон ёхуд сохтакорлик қанчалик улкан бўл-

масин, бу билан ўз-ўзича олганда ҳақ ноҳақ бўлиб қолмайди: Навоий ҳам, Бобур ҳам ўз мавқеида, ўз шуҳрати шоҳсупасида тураверади. Аммо уларни танимаган-билмаган, ишларидан беҳабар, асарларини ўқи-маган миллион-миллион инглиз ёки инглиззабон инсонлар шафқатсизларча чалғийди. Учинчидан, бундан фақат инглиз маданий муҳитигина эмас, балки асарни туркий аслиятидан ёхуд ҳатто унга яқин форсий таржимасидан эмас, балки инглизча таржималардан ўгирган ёки мутолаа қилган қарийб бутун Оврупо ва бошқа минтақалардаги афкор омма ҳам алданади (6-чизмага қаранг).

“Хусусият бисёр экандур”

Алишербек ҳақида гап борганда, аввал бошдан, иккинчи жумладанок қайд этилади: Хусусият бисёр экандур. Қизиғи шундаки, Навоий асарлари луғатида ҳам, Бобур асарлари луғатларининг биронтасида ҳам хусусият берилмаган. Ажабланарли жойи йўқ. Бир ўзакдан ясалган хос, хосса, махсус, хусус, хосият, хусусият каби сўзлар ҳозирги ўзбек тилида ҳам бор. Бу сўз нимани англатишини барча билади. Билармикан? Билса ҳам, шу калиманинг луғавий маъносини билади. Лекин ҳаммага баббаравар “таниш” бўлган хусусият Бобур тилида ўзгача, шоҳона мўъжизавий маъно касб этаётганини ҳамма ҳам сезармикан? Сўзлар ўша-ўша ва ўша эмас, маънолар ўша-ўша ва ўша эмас. Туркча таржимага қарайлик: Hususiyetleği çokmuş. Хусусият ўша ўзимизнинг муштарак хусусият. Бисёр ўрнида кўп келади. Сабаби, хусусият бисёр деганда арабий ва



Бунда: РТ - ўрисча, ФТ - форсча, ТТ - туркча, ОТ - олмонча. ФРТ - франсузча, ИНГТ - инглизча таржима 6-чизма

форсий калима ёнма-ён келган. Туркларнинг майлини биламиз. Иложи бор қадар соф туркий сўз ва ибораларга мойил. Русча таржимага назар ташлаймиз. Берилмаган. Лейден-Эрскинга қараймиз. Ажаб... Уларда ҳам йўқ. Демак, чиқазган ҳукмимиз тўғрилигига яна бир далил: Михаил Салие русча таржимада туркий аслиятдан кўра кўпроқ инглизча таржималарга таянган.

Билмон, жарима, муқаввий, ҳосили калон, турк тилига *Bilmiyorum, kabahat, hami, velhasil* деб берилган. Алишербекнинг миждози нозук ила машҳурдир. НАЛда: миждоз-кишининг табиати темперамент (391); БАЛда: кишининг вужудидаги табиий хусусият (78); ЎТИЛда: миждоз-миждоз (463). Проф. Рашид Раҳмати Оратда: *Ali Şir Bey tabiatinin nezakati ile meşhurdur* (186-187).

[НАЛ - Навоий асарлари луғати; БАЛ - Бобур асарлари луғати; ЎТИЛ - ўзбек тилининг изоҳли луғати].

Лисоний қардошлик ва таржима муаммолари

Асарнинг туркча таржимасига тўхтаганда бир гапни айтиш лозим. Нима сабабдан туркийда Бобур сўзлари ёки иборалари мавжуд бўлса ҳам, улар бўлак “шунга ўхшаш”, маънодош ёхуд синонимлар билан алаштирилишининг бир сабабини айтдик. Бу лисоний-услубий майл ва таомил (норма) билан боғлиқ. Чунончи, рабий-форсий каломлардан қочиб, соф туркий сўзларни истифода этишга интилиш. Бундан ташқари,

якин қардош тиллардан ўгиришга алоқадор жиҳатлардан бири шуки, лисоний қардошлик тақозоси билан муайян сўз ва атамалар ўгирувчи тилда бўлса-да, баъзан унинг ўрнига бошқасини қўллашга ҳаракат қилинади. Бундан ташқари, бир хиллик, айният, ўхшашлик ва монандлик гоҳида сохта ва қалтис бўлади. Масалан, Алишербек - Ali Şig Bey тарзида ёзилган. Наҳотки, шер сўзи турк тилида бўлмаса? Тожик тилидан кирган шир бизда “сут” маъносида келади. Бинобарин: туркча Ali Şig Bey ўзбекчага айнан хижжалаб ўгирилса, “Али Сут Бек” бўлади. Ана холос! Туркча-русча луғатга қараймиз. Şeg (-rği) 1) зло, злодеяние, злое дело; 2) вражда, рас-при. ~ ine lanet чёрт бы его побрал!.. Şeg см. şeriat (807).

Биринчи şeg маъноси бутунлай қабоҳат, иккинчиси ҳам бизнинг мақсадга бутунлай якин келмайди. Демак, турк тилида асло “Ali Şeg Bey” деб бўлмайди. Туркча şeg билан ўзбекча шер сохта муқобил. Яна қараймиз: Şig Исм. şiiг: Şig II 1)лев; 2)храбрец; Şig III молоко. ~и mader - материнское молоко (TRS,811). Маълум бўладики, туркча şig сўзининг уч маъноси бор: шеър, шер, баҳодир, сут. Ўртадаги икки маъноси - шер ва баҳодир - Алишербек номига қойим. Век (бек) сўзи ҳам турк тилида бор. Аммо бутунлай бошқа маъноларни англатади: футболда-ҳимоячи; газ ёндиргичи; шевада-кузатувчи...

Биздаги бек маъносида турк тилида bey қўлланилади. Чунончи: 1)бей, господин; 2) глава рода и племени (112).

“Бобурнома”да бек (bey) атамасининг қандай маъноларда келиши профессор Рашит Оратда яхши очилган.

1. hükümdar veya beyin yanında ve daha çok onun şahsi hizmetlerinde bulunan içkiler... 2. içkiler arasında cesâreti, tedbiri ve liyâkati ile temâyüz eden ve daha çok askeri teşkilâta bağlanmış olan yigitler...

3. yigitler arasında, gösterdikleri liyâkat ve işe mukabil, terfi gören, fakat askeri teşkilâta bağlı kalan içki beyler ve. 4. içki beyler arasında, hükümdara ve devlete karşı gösterdikleri yararlıklar yüzünden, terfi gören ve devlet idarasında ayrı bir mevki alan büyük beyler (590).

Сўз - маъно - тийнат

Мизожи нозук ибораси турк тилига tabiatinin nezakati (590) деб ўғирилган экан, нозик-назокат бир маънодаги сўзлар. Туркчада мизож калимаси йўқ экан, деб ўйлайди киши. Бор! Бўлгандаям, анча маъновий тармоқланган сўз. Miçaz 1)характер; натура; темперамент; 2) состояниe здоровья; miçazgig человек настроения; miçazli 1)имеющий какой-л. характер (натуру, темперамент); tez~ с пылким темпераментом, горячий, вспыльчивый; 2) имеющий какое-л. здоровье; zaуif~ слабого здоровья, хилый, тщедушный; miçazsizlik недомогание, нездоровье; плохое самочувствие, плохое настроение.

Инглизчага (Лейден-Эрскинда): Ali Sher Beg was celebrated for the elegance of his manners (299) деб берилган экан, elegance, manners сўзларидан кўриниб турибдики, “манера элегантлиги” хақида гап бормоқ-

да. Русчада бу фикр щикотливость нрава деб ифода қилинган.

Бу сифат анга жибилий экандур. Жибилий туғма, табиий (225); Bu sifat onda fitry imiş. Фитрат - яратилиш; табиат, туғма табиат (640).

Алишербек назир и йўқ киши эди: Ali Şir bey emsâlsiz bir adamdi. Emsal-ot misil... Emsalsiz 1) бес-примерный, неподобный, единственный в своем роде; 2) необыкновенный, прекрасный, великолепный (272). Мисл-мисол, тимсол, ўхшаш. Мислсиз-мисли, ўхшаши йўқ; бекиёс (467). Мисл-бир нарсанинг ўхшаши, монанди, тенги (394).

Ҳосили калом, ҳар кимга ҳар иш учун хатким битибтур, йиғиштирибтур: Velhâsil her kez ve her iş için bir makale yazmış ve onlari toplamistir.

“Мизонул авзон” отлиқ аруз битибтур: Mizanül-evzân adli bir aruz risâle yazmış.

Яна мусикида яхши нималар боғлабтур: Musikide de iyi şeylar bestelemiştir.

Мирзодин нима олмас, балки йилда Мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди: Mirza`dan hiç bir şey almazdi. Bilâkis kendisi her sene Mirza`ya mühim mikdarda hediye verirdi.

Табиблар асло ташхис қила олмадилар: Hekimler hiç bir teşhis koyalmadilar.

Ажаб. Қанча яқин бўлса, шунча йироқ. Ва аксинча

Туркча таржима билан яқиндан танишиш шуни кўрсатадики, бу фақат нашр сифатининг бениҳоя юқори савияси билангина эмас, илмий-танқидий тарҳ-тароватининг ниҳоятда бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Буни юқорида ҳам қайд этдик. Бу ҳам эмас. Мазкур таржима умумтуркий маданият обидасининг кадр-қиммат қилиниши намунаси ўлароқ, биз ўз қон ва жон қардошларимиз билан жуда узоқ вақт мутлақ ҳижрат да, ҳатто гўё мафкуравий ётлик шароитида яшаш, ўзаро дўстлик ва биродарлик алоқаларидан маҳрум бўлиш оқибатида, тарихий, маънавий, лисоний ва адабий кадриятларимиздан ажралиб, қашшоқлашиб қолганимизни англаб етамиз. Биз ўзбеклар ўз тилимизни ёт сўз ва атамалар билан тўлдириб-тошириб юбориш эвазига, ўзимизнинг минг йиллик асл туркий, арабий-форсий истилоҳларимиз, таъбирларимиз, иборасозлик манбаларимиздан маҳрум бўлаёздик. Ўзгаларга, ёт кимсаларга яқинлашиш, улар билан “чатишиш” ёхуд баъзан ҳатто кўшилишиб, маҳв бўлиб кетиш ҳисобига ўзимиздан, ўзлигимиздан ётлашдик.

Фикрни тигиз ифодалаш, мухтасарлик, қисқалик, оз сўз айтиб кўп фикр изҳор этиш санъати шу қадар мукамалки, агар бунга кўр-кўрона риоя қилинса, гоҳи ўринларда дудмаллик ёки англашилмовчилик келиб чиқиши ҳам мумкин. Худди шу боисдан яқин тиллардан таржима қилишнинг нақадар мураккаб ва зиддиятли, машаққали, бундан кўра узоқ тиллардан ўгириш анча қулайлиги ҳақидаги фавқулодда антиқа

фикрнинг нақадар тўғри эканлигига шубҳаланган одам “Бобурнома”ни ҳозирги ўзбек тилига ағдариб кўрсин. Жуда кўп ҳолларда Бобурога гўзал мухтасар услубни ёйиб, муддаога аниқлик киритиб таржима қилишга тўғри келади. Олайлик, юқорида келтирилган мисоли-мизда “Мизонул-авзон” отлик аруз битибтур гапини айнан ўғирилса, ҳеч нарса чиқмайди: Аруз битиш нимаси?! Шунинг учун туркчада *aruz risâle yazmîş* деб берилганким, Навоий “Мизонул авзон”да аруз битмаган, балким аруз ҳақида “Мизонул-авзон” отлик рисо-ла ёзганлиги англашилади.

Бобур тилининг жозибadorлиги унинг ўз даври учун соддалиги, аниқлиги ҳамда услубининг интихойи қисқалигида ўз ифодасини топади. Лекин буларнинг остида ҳозирги ўқувчи учун шундай мураккаблик ётадики, турли-туман таржималарни кузатганда бунга иқ-рор бўламиз. Чунончи, кўпгина ҳолларда Бобурни ҳар хил тушуниш оқибатида бир-биридан хийла фаркланувчи талқин ва баъзан ҳатто бир-бирини инкор этувчи таржималар пайдо бўлган.

Тангри раҳмати ва кори хайр

Алишер Навоийнинг вафоти ҳақида ўқиймиз: Тонгласиға-ўқ тенгри раҳматиға борди: *Ertesi gün Tanrı rahmetine kavuştu.*

Раҳмат-раҳмдиллик, марҳаматлилиқ. Оллоҳ~ига восил бўлмоқ, Оллоҳ~ига бормоқ-ўлмоқ (231). Вафот этган одам ўзбекона ифодада Тангри раҳматиға “борса”, туркча таъбирда - “қовушади”. Инглизчада... next morning he departed to the mersy of God. “Депорта-

ция”, “мерси”, “Год” сўзларидан кўриниб турибдики, бу ерда ҳам ўша гап. Бироқ русча таржимада, 1948 йил нашрида, на следующее утро он отправился к милости аллаха (213) деб бериларкан, борди-отправился тарзида айнан ағдалириши канчалик тўғри бўлса, шун-чалик кўпол. Кейинги нашрларда бу яхши тузатилган: На следующее утро он представился к милости Ал-лаха (179). Бу ерда услубий қусурнинг қандай тузатилгани ҳақида гап бораяпти. Бошқа бир қанча ҳолларда эса бундай мубҳамлик анча жиддий тус олади.

Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай: Bu kadar hayırlı işlerde pek az kimse bu derece muvaffak olabilir. Русча таржимада (барча нашрларда) шундай берилган: Мало кому удалось построить столь полезных зданий, сколько построил он.

Бинойи хайр нима? Турк таржимони буни hayırlı işler, рус таржимони эса полезные здания деб талқин этади. Агар Бобур хайрли иш демоқчи бўлганида, бундай ҳолда кори хайр деб айтган бўларди. Бинойи хайр... Башарти, хайрли ишларни бино (бунёд) қилиш бўлса, туркча таржима дуруст. Айни вақтда Алишер Навоий ўзининг толмас қурувчилиги, бунёдкорлиги (боғлар барпо этиш, сув чиқариш, кўприк қуриш, масжиду мадрасалар тиклаш...) билан ҳам машхур эди. Агар шундай бўлса, русча талқин тўғри бўлиб чиқади.

Бекор гап

Ўгул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жарийда ўткарди: Ogulsuz-kiʒsiz ve karisiz-ailesiz olarak dūnjada tek başına ve bekâr yaşadi.

Ниҳоятда таъсирчан ва аламли бир оҳанг ғолиб. Аксари сўзлар ҳозирги ўқувчига нотаниш. Тавр - 1. Сурати ҳол, тарз, равиш, йўсин, навъ. 2. Одат, қилиқ, адо, усул, тартиб (583); кўплиги атвор - юриш-туриш, хулқ (264); 1) ажиб, яхши; 2) равиш, йўсин, одат, қилиқ, тарз, усул, тартиб (136).

Фард-1. Якка, ёлғиз; 2. Ажралган (632). Жарийда - якка, танҳо,(43). Русча таржиманинг илк нашрида (1948) шундай: Без сына, дочери, жены и семьи прошел он в мире, одиноко, без помехи (213). Кейинги нашрларда шундай тузатилган: Без сына, без дочери, без жены и без семьи прошел он прекрасно (свой путь) в мире, одиноко и налегке.

Туркча таржима кишида жуда маҳзун, сўник ва умидсиз бир кайфият туғдиради... “Векâr уаъадî”? Наҳотки Навоийдай улуғ зот дунёда... бекор яшаган бўлса?.. Бекор - ишсиз, бекорчи; беҳуда, бефойда, яроқсиз (262). Ҳолбуки! Туркларда бу калима тамом бошқа маънони англатади: Векâr - ~erkek - холостяк; коса ~ старый холостяк... (105). Бас, ўзбекча бекор билан туркча ~bekâr бир-бирига сохта муқобил.

Иккинчи бобдан келиб чиқадиган хулосалар. “Матн ва талқин: таржимавий ва ғайритаржимавий муҳит “ - мазкур масала бундай кўламдор миқёсда биринчи марта тадқиқ қилинди, бошқача айтганда, умумфилологик тарзда таҳлилдан ўтказилди. Ихтиёри-

миздаги кўптармоқли, кўптилли тажриба майдони муаммони мана шу тарзда мушоҳада этишга яхши қулайлик туғдирди. Чунки узоқ ва яқин “таржимавий масофалар”, таржимавий муҳит ҳамда тафовутлар (қар-дош ва қардош бўлмаган тилларнинг таржимавий қовушиши), хилма-хил лисоний ва адабий анъаналар дучлашуви сатҳида юзага келган таржималарда мукамаллик адекватлик) ва номукамаллик (ноадекватлик) кўринишлари, аллақанча зиддиятли назарий тугунларпайдо бўладики, биз бу муаммоларга муайян ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик. Пировардида бир қанча янги натижаларни кўлга киритдик.

1. Таржима шунчаки “тил-тил”, “матн-матн” сарҳадларида дучлашадиган юмуш бўлмай, ўз хусусиятига кўра бундан чандон кенг ва чуқур ижод маҳсули, қайта яратиш санъати эканлиги, бу жараёнда фақат лисоний воситалар эмас, ғайрилисоний омиллар ҳам таъсир ўтказишлиги ҳақидаги назарий ақидаларга “Бобурнома” таржималари негизида ойдинлик киритилди. Бу натижалар асосида ўз мазмуни, талқини ва мундарижасига кўра тамомила янги ўқув дастурлари, сабоқ ва қўлланмалар яратиш қулай.

2. “Бобурнома” таржималари, талқинлари ва нашрларини ўзаро чоғиштириб ўрганиш натижасида шундай тўхтамга келдикки, талқин ва таржима сифатига давр маданияти, қарор топган таржимавий анъаналар, адабий тилларнинг ишланиш меъёрида миллатнинг мустақиллик ва камолот босқичи, миллий ва лисоний ривожланишдаги нотекислик, тасвирий-услубий тушуниш-тушунуксизлик, оддийлик ва сирлилик, муаллиф-мутаржим - шорих-ўқувчи муносабатлари, ҳаёт-адабиёт, муҳит, аслият - таржима - аслият тақозодор-

лиги каби шарт-шароитлар ҳамда омиллар таъсир этади.

3. Турмуш тарзи ва миллий маданиятларнинг гўё байналмилаллашуви, маданиятларнинг гўё шаклан мил-лий, мазмунан социалистиклигидан иборат устивор тамойиллар, шунингдек, миллатлар ва тилларнинг гўё тенгҳуқуқлилиги, адабиётнинг синфийлиги ва фирқавийлиги ҳақидаги даъволар (буларнинг айримлари ўз-ўзича олганда ёхуд ўзининг том,асл маъносида талқин этилганида ,эхтимол, тўғри бўлиши ҳам мумкин) тур-ғунлик даврида адабий айирбошлаш ва таржимачилик ишини боши берк кўчага олиб кирди ёки уларга аста-секин барҳам бера бошлади. “Бобурнома“ тақдирига тадбиқан айтганда, асар хорижий тилларга бир неча топқир мукамал ўгирилган ҳолда (бу бутун бир жараён ва тарих!), рус тилига урушдан кейинги даврда бор-йўғи бир марта ағдарилди, холос. Мазкур якка-ягона таржима ҳам (М.Салйе) то ҳозирга қадар бир қанча жузъий камчиликлар, шарҳ ва талқинлар билан чоп этилмоқда .

4. Ишда таржима жараёнини тор “матнни матн билан” (матн-матн) “айирбошлашдан“ иборат тарса деб талқин этишнинг ҳам (соф лисоний ёр а дув) аниқлик маъносида ўз афзалликларини эътироф этган ҳолда, кенг миллий-маданий, катта адабий-эстетик ҳодиса эканлиги ғоясига изчиллик билан содиқ қолинди. Айни вақтда матн таҳлили ва талқинини кенг миқёсли таржима маданияти, таржима санъати хусусиятлари билан кўшиб олиб бориш самарадор эканлиги даъво-си билан чиқдик.

5. Таржимавий нашрлар шарҳи, ички ва остки шарҳ-изоҳлар табиатини очишга ҳаракат қилдик. Тар-

жимон-шорих ёки адабий, илмий шорихнинг ўзбошимчалиги баъзан муаллиф иддаосига ва ҳақақатга кўндаланг келиб қолиши мумкинлигини ҳар тарафлама асослаб бердик. Илмий шарҳ ҳар қандай таржиманинг беазаги. Айниқса, “Вақоеъ” сингари комусий асарлар нашри ва таржимасида шарҳсиз иш битмайди. Бу тарафдан инглизча (А.Бевериж), франсузча (Павел Куртейл, Жан Лйуи Бакйе-Граммон), туркча (Рашид Раҳмати Орат) таржималари аъло нашрлардир. Бироқ ортиқ даражада “шарҳбозлик” қилиш баъзан аслият ҳақиқатининг юзига соя ташлайди, майлбозликни юзага келтиради (Р.М. Калдекот, Ф.Ж. Талбот, қисман Л.У.Кинг таржималари ва изоҳлари назарда тутилади).

6. Бобда таржима таржима учун бўлмаслиги, у даврнинг маданий талаб ва эҳтиёжларига хизмат қилиши лозимлиги уқтирилади. Майлбозлик, жазава, жирттакилик таржимоннинг ҳамроҳи бўлмаслиги керак. Айниқса, муайян таржиманинг тақдири иркий, миллий мумтозликка даъвогар шахс кўлига тушиб қолса, талқин, баҳс, таъриф меъёрлари бузилади. Бу эса таржимани касод қилади. Бундай майлбозликнинг илдизлари чуқур бўлиб, баъзан Ғарб билан Шарқ, насроний ва ислом маданиятлари муносабатларининг сажияси ҳамда ҳолатига вобаста бўлади. Шу муносабат ила биз “сайёр сйужетлар” муаммосига таржимавий тус ва маъно беришга эришдик. Бирламчилик, манба, аслийлик ғояларига аниқлик киритдик. (Таврот-Инжил-Зобур-Қуръон; Иисус Христос>> <<Исо Масих; Мария >> <<Биби Марйам...)

7. Проф. Рашид Раҳмати Оратнинг туркча таржимаси нашрини (“Вақоеъ”, 1943-46, 1987), айниқса

кейинги нашрни аъло таржима сифатида алоҳида ўрганиб, қуйидаги масалаларга муносабат билдирдик:

-яқин ва узоқ тиллардан таржимада мукамаллик (адекватлик) ҳолати;

-сохта муқобилот: beu <бек; bekâg<бекор>> ёлғиз,сўққа... (“таржимоннинг сохта дўстлари”);

-муштарак манбаларда (“Вақоеъ”) лисоний-миллий яқин-йироқлик ҳолати;

-қардош-жондош халқлар ҳаётига ижтимоий-сиёсий эҳтирослар таъсири остида йироқлашиш-яқинлашиш ҳолатларининг маънавий, тил, луғат, ибора-созлик ва таржима санъати имкониятларига таъсири.

Учинчи боб

Бобур таржимачилигида узвийлик, давомийлик ва ворисийлик

(матн ва шарҳ)

Истиклол маънавияти

“Бобурнома” нинг туркча таржимаси билан яқиндан танишар эканмиз, бу умумтуркий маданият тарихини яратиш, умумтуркий салоҳият, унутилган ва яқин ўтмишда рўйроқ ёки турли-туман хуфъяки, сохта синфийлик ақидалари билан ман этилган хоҳ моддий бўлсин, хоҳ ижтимоий-сиёсий ва адабий обидаларни эндиликда қандоқ бўлса шундоқлигича қабул қилиш, тадқиқ этиш ва кенг афкор омманинг онгига етказиш бугуннинг энг долзарб вазифалари қаторидан ўрин олишига иқроқ бўламиз. Биз бугун мустақиллик маънавияти яратиш ҳақида тинмай гапирмоқдамиз. Тўғри қилмоқдамиз. Чунки ҳар хил етти ёт ғоялар миллион-миллион кишиларнинг онгини, қалбини ҳавойи ва пуч, мавҳум тушунчалар билан тўлдириб келди. Бизга қанчалик ёмон бўлса, кимларгадир шунчалик яхши бўлди. Чунки ўз тарихий илдиэлари қирқилган инсон ўзгаларнинг измида бўлади, уларнинг иродасини сўзсиз бажараверади.

Истиклол маънавиятини яратиш... Бироқ биз яратишдан олдин, аждодларимиз бир неча асрлар, минг йиллар муқаддам бизни деб, биз учун бунёд этган, ўз авлодлари учун қолдирган беназир ва бебаҳо ёдгор-

ликларимизни лоақал муносиб бир тарзда қабул қилиб олишимиз, уларга эғалик қилиш ҳуқуқини қўлга кири-тишимиз керак. Бизнинг “Бобурнома” мизни биздан икки йил олдин 1946 йилда турклар ўз тилларига таржима қилиб чиқардилар. 1948 йилга келиб мазкур асарнинг биринчи қисмини ажойиб инсон, таниқли матншунос олим Порсоҳон Шамси билан Содик Мирзо нашрга тайёрладилар. Улкан тарихшунос ҳам-да қадимшунос аллома, академик Яҳъё Фулом билан Рашид Набиларнинг меҳнатлари ва саъй-ҳаракатлари билан китоб босмадан чиқди (улар масъул муҳаррир эдилар).

Мавлоно “Бобурнома”

Энди турк тарихи ва насрининг бу беназир намунаси, қомусий манба бўлмиш “Бобурнома”нинг Ғарб мамлакатларида нашр этилиш саналарига эътибор қўлайлик.

- “Бобурнома”
- 1. Ж.Лейден, В. Эрскин. Эдинбург, 1826 (инглиз тилида).
 - 2. А. Кайзер. Лайпсиг, 1828 (олмон тилида).
 - 3. А. Паве де Куртейл. Париж, 1871 (франсуз тилида).
 - 4. А. Бевериж. Лондон, 1905 (инглиз тилида).
 - 5. Ж. Лейден, В. Эрскин (Л. У. Кинг) Оксфорд, 1921(инглиз тилида)
 - 6. А. Бевериж. Лондон, 1922 (инглиз тилида).
 - 7. Ж. Л. Б. Граммон. Париж, 1987 (франсуз тилида).

Асарнинг ғарб тиллари: инглиз, олмон, французчага тўла таржима қилиниш тарихи бир ярим асрлик даврни камраши кўриниб турибди. Қиёс қилайлик: 1926 ва 1848 йиллар. Лисоний ифодага айлангирсак, Мавлоно “Бобурнома” Оврупода кенг тарқалиб, жаҳон кезиб юрибдилару, биз, унинг қонуний ворислари, нақ 162 йилдан кейин асарнинг атиги биринчи қисмини ўз ватанимизда чоп этишга эришибмиз...

Айтиб ўтилди: Ғарбда пайдо бўлган барча нашрларни ҳам бирдай баҳолаб бўлмайди. Улар орасида мақсад ва нашрлар сифати ҳар хил. Аммо бир нарса аниқ. Нима бўлгандаям, айнан Ғарб бобуршунослиги ҳаракати туфайли бизнинг диёримизда, ҳатто энг тарихий бадбин ва турғунлик йилларида ҳам бу оламшумул қимматли манбага бир қадар эътибор берилди. Улуғдавлатчилик даъволари, ашаддий манкуртизм фалсафаси бирмунча изн беришга мажбур бўлди.

Ғарб шарқшунослигида “Бобурнома” талқини ва таржималарининг сифати бир хил эмас, дедик. Аммо бу, ўз-ўзича олганда, тамомила табиий ҳол. Таржиманинг такомиллашуви, сифатининг ошиб бориши тадрижий сажияга эга. Ғарб бобуршунослиги, агар нашрларнинг ёшини эътиборга олинса, камида уч авлод олимлар ва таржимонлар томонидан барпо этилган, қачонки, ўзимизда бу бор-йўғи бир пушт авлоднинг меҳнати самараси бўлиб қолди. Ғарб бобуршунослигида бу азамат тарихий, маърифий таржимавий иш муайян аниқ узвийлик, изчиллик, давомийлик, ворисийлик асосида такомиллашиб борди. Чунончи, бир авлод мутахассислари, бир тил намояндалари

бошқаларидан тажриба ўрганди, такомиллашиб борган илмий инкишофлар, тархлар, тадорикларни қабул қилиб олди. Уларни янада такомиллаштирди. Қиёмига етказди.

Изланишлар давом этади...

Бу саъй-ҳаракатларда янада бир хусусият борки, қайд этайлик. Гоҳи ҳолларда “Бобурнома”ни ўз тилига ўгириш айрим шарқшуносларнинг бутун онгли умрининг мақсади, мазмуни ва мундарижасини ташкил этди. Масалан, Ж. Лейден, В. Эрскин, А. Бевериж, Паве де Куртейл, М. Салйе, Рашит Раҳмати Орат. Шу билан баробар, улар учун таржима “бир марталик ижро” бўлиб қолмади. Бу шарқшунос-таржимонлар бутун умр бўйи манба қидирди, топган қўлёзмаларини таҳлил қилди, саралади, чоп қилдирди, тил ўрганди... Чунончи, Бевериж хоним қаламига мансуб илк таржима санаси 1905 йил бўлса, кейингиси - 1922. Андан ўтган ўн етти йиллик кузатиш, изланиш, мушоҳада, муноқаша ва инкишофлар сўнги таржиманинг мундарижасига ҳам, мазмунига ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатди.

Фикримизнинг исботи учун “Вақоеъ”нинг туркча таржимасига (“Vekayi”) Й. Ҳикмат Бойур томонидан ёзилган кириш сўз билан тарихий муқаддима (önsöz ҳамда tarihi özet) га берилган манбаларни дарж этайлик (дарвоқе, бу икки иш Анқарада 1941 йилда ёзилган бўлса-да, ўз илмий ҳамда маърифий-дониший қимматини ҳозиргача сақлаган. Улардан кейин берилган Рашит Раҳмати Оратнинг муқаддимаси Анқарада

1940 йилда ёзилган). Булар: Бобур Мирзо. “Ва-қоеъ”. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихи. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Мирза Махмуд Ҳайдар Дуғлот. Тарихи Рашидий. Мирхонд. Равзатус сафо. Хондамир. Ҳабибус сийар. Гулбадан Бегим. Ҳумойуннома. Абулфазл Алломий. Акбарнома. Хўжа Низомиддин Аҳмад. Табақоти Акбарий. Абдулқодир ал-Бадавий. Мунтахабут таворих. Фиришта тарихи. Саид Жамол. Тархоннома ёки Арғуннома. Аҳмад Йодгор. Тарихи Салотини Афғони. Неъматуллоҳ. Тарихи хони жаҳони Лўди. Абдурразок Самарқандий. Матлаус саъдайн. (Қайд этиб кетайлик. Амир Темур номига нисбат бериладиган сифат туркчада Gurkan (Гуркон) деб ёзилади. Бизда икки хил: Гурагон ва Курагон).

Мутаржим профессор Рашит Раҳмати Орат беш саҳифалик мухтасар муқаддимасида асарнинг қуйидаги мўътабар таржималарини санайди: Annet S. Beveridge. The Bábar-Nama, being the autobiography of the emperor Bábar, the founder of the moghul dynasty in India, written in chaghatáy turkish: now reproduced in facsimile from a manuscript belonging to the late Sir Sálár Jang of Haydarábád, and edited with a preface and indexes, London-Leyden, 1905: J. Leyden, W. Erskine. Memoirs of Zehir-ed-din Muhammed Babur emperor of Hindustan, Edinburg, 1826. A. Kaiser. Denkwürdigkeiten des Zehir-Eddin Muhammed Baber. Keisers von Hindistan, von ihm selbst im Dschagatai Türkischen verfasst und nach der englischen Uebersetzung des Dr. Leyden und W. Erskine deutsch bearbeitet, Leipzig, 1828: A. Pavet de Courteille. Mémoires de Baber (Za-hir-ed-din Mohammed) fondateur de la dy-

nastie mongole dans L'Hindoustân. Traduits, pour la première fois sur le texte djagatai, Paris, 1871; Sir Lucas King, Me-moires of Zehir-ed-din Muhammed Babur, Emperor of Hindustan, Written by himself, in the Chaghatai Turki and translated by John Leyden and Whilliam Erskine, annotated and revised, Oxford, 1921; Annete S. Be-veridge, The Babur-Nama in English (Memoires of Bâbur), translated from the original Turki. Text of Za-hiru'd-din Muhammed Babur Padshah Ghazi, London, 1922.

Таржима тадрижиёти

Йўл-йўлакай бўлса-да, бир масалага муносабат билдириб ўтайлик. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг исми, асарининг номи, миллат ва аслият тилининг ёзилишида ҳар хиллик сезилади. Бу ҳам тадрижийлик (эволютсийа) аломатидир. Шуни эътироф этайликки, мана шу имло ва иншоларга қараб ҳам нима сабабда Бобурийлар салтанати “Буюк Мўғуллар империяси” бўлиб кетгани, бунинг тарихий илдизларини билиб олса бўлади. Яна: йиллар ўтиши билан хатолар тузатила борганини ҳам кузатиш мумкин. Чунончи:

Аннетта Бевериж (1905): Бабар, Бабар-Нама, император, Ҳиндистондаги мўғул династияси, чифатой туркийси;

А.Бевериж (1922): Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ғози, Бобур-номе, туркий оригинал.

Лейден-Эрскинда: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳиндистон императори.

А.Кайзерда: Захириддин Муҳаммед Бабер, Ҳиндистон кайзери, чигатой туркийси.

Паве де Куртейлда: Захириддин Моҳаммед Бабер, Ҳиндистонда мўғуллар династияси, чигатойча матн.

Л. У. Кинг: Захириддин Муҳаммад Бобур, Ҳиндистон императори, чигатой туркийси.

Чингизбачча чигатойнинг қавмлари кимлар?

Хуллас, ўзини ўзбек деб атаётган бутун бир миллатга Чингизбачча Чигатойнинг номини нисбат бериш, “чигатой туркийлари” деб аташ, ўзбек тилини “чигатой туркийси” деб талқин этиш, Мовароуннаҳр, Марказий Осиёдан чиққан, Фарғона водийси, алалхусус Андижонни ўзига она Ватан билган, temuрийзода сифатида Фарғона ва Самарқандда қонуний ва шаръий тахт вориси бўлган ғози Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистонда бунёд этган, 332 йил ҳукмронлик қилган Бобурийлар салтанатини “Буюк Мўғуллар империяси” деб юритиш тарихий ҳақиқатга зид. Биз бу баҳсга қўшилмоқчи эмасмиз. Негаки, бу тарихчи ва наслшунос, шажарашунос, этнографларнинг вазифаси. Аммо мавзу тақозоси билан бир қадар муносабат билдириб ўтамиз, холос. Юқорида қайд этганимиз тарихий нохушликларни фақат сиёсий жазава ёки эҳтирос билангина рад этиб бўлмайди. Сабаби, биз туркий халқларни бўлак “росмана” туркийлардан фарқлаш учун қандай аташ керак? Турган гап: Ўзбек деб. Бироқ муаммо шундаки, Бобур ўз асарининг бошидан-охиригача ўзбакларга ўзининг... энг ашаддий

душмани деб караган. Бирон жойда у ўзини “ўзбек” деб атамайди ҳам! Бундан фойдаланган Ғарб шарқшунос олимлари ва ўшаёқларда “ғарбиёна тарбия” олган ўзимизнинг баъзи бир кўлбола тарихчи олимларимиз ҳам Амир Темур, Мирзо Бобур ва бошқа барча темурийзодаларни “ўзбек халқига дахлсиз” шахслар қилиб кўрсатишга уриниб келдилар. Бу жуда жиддий тарихий хато, кечириб бўлмайдиган янглишиш. Миллатнинг асосий белгилари ҳудуд, ватан, тил, руҳият аломатлари, буларнинг бари ул зотларда муҳайё. “Бобурнома”нинг тили айтарли бусбутун бугунги ўзбек тилининг ўзи. Уни ҳеч қандай таржимасиз ҳам ўқиб тушунамиз. Асарнинг руҳи, услуби, фахрияси, маҳобати, бари-бари соф ўзбекона. Бунга мўғул, хитой, пушту ё бўлмаса бўлак халқларгина эмас, бирон ўзга туркий халқ дахл қила олмайди. Ҳатто ўқиб тушуна олмайди ҳам. Булар барчаси ўзбекнинг ва ўзбекнинг маънавий мулки. Хўш, ундай бўлса, Бобурнинг ўз “эътирофи” ўзбакларга нафратини, ҳар қалай, нечук тушунтирмак керак? Бу қанчалик мураккаб бўлиб кўринмасин, ечими дудмал муаммо эмас. Дунёда муайян биргина уруғ ёки қабиладан таркиб топган миллат йўқ. Миллатлар аксарият ўз таркиби тарафидан “курамадир”. Чунончи, ўзбек миллатининг таркибида тўксон икки уруғ ва қабиланинг кишилари бор. Мўғул, хитой, кипчок, барлос, манғит, турк, араб, кенагас... Ўзбекнинг қиёфаси, сиймоси, ҳатто хатти-ҳаракатига қараб ҳам “асли кимлигини” билиб олса бўлади (Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”ига қаралсин). Бас, мазкур миллатнинг негизида ётган ана шу кўп сонли уруғлардан бири - ўзбеклардир. Ижтимоий ҳаётдаги мавқеи, салоҳияти, фаолияти ва микдори тако-

зоси ила миллатнинг номи ўзбек бўлиб кетган. Бу жараён айнан Бобур замонидан - XVI асрдан бошлаб янада кучайган. Бундан ташқари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “ўзбакларга” салбий муносабат билдирар экан, бу биз, яъни бутун бир халқ эмас, ҳатто ўзбек уруғи ҳам эмас, балки унинг бош рақиби ва қаттолганими бўлган, ўз-ўзича олганда ҳозир биз талқин қилаётгандай унчалик яграв золим ҳам эмас, балки муайян тоза ғоя йўлида курашган Шайбонийхон бошлиқ дашти қипчоқ аҳлидир. Тож даъвогари Бобур Мирзо ана ўша “ўзбаклардан” қаттиқ домангир ва аламзада эди. Буни тўғри тушунмоқ ва дуруст тушунтирмоқ керак. Аслида, биз ўзбеклар, таъбир жоиз бўлса, қанчалик Бобурий бўлсак, Бобур ҳам шунчалик ўзбекидир. Ўз даври ўзбекларига муносабати унинг табақавий ёхуд миллий-этник нафратидан эмас, балки ўзининг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий аҳволдан келиб чиқадиги, бундай олганда, у худди шу ўзбеклар бошлиқ Шайбонийхон таъқиби туфайли Самарқанддан ва умуман Марказий Осиёдан мосуво бўлган.

Мўғул эмас, турк

Биз ўзбек мардумни “Чигатой турклари” деб атаб юборишган экан, ички машриқий гуруҳлар билан ташқи мағрибий шарқшунослардан ҳам балки “гинахонлик” қилишга унчалик ҳаддимиз сиғмас. Рост-да, бутун бир миллатга бир законлар унга ҳукмронлик қилган мўғул Чигатойнинг номи нисбат берилсинми? Хўш, ундай бўлса нечук аташ керак эди бизни? Туркия фуқаролари - турк. Озарийлар - турк. Туркману, қозоғу, қирғизу, татар ҳам - турк. Шарқий Туркистон

халқи уйғурлар ҳам турк. Жумладан биз ҳам. Ҳали у замонларда ўзбекни унчалик танимайдилар. “Ўзбек” деган ном у қадар урф бўлмаган. Шу сабабли бизни “чиғатой турклари” деб ажратишган. Бобурнинг, ҳалигидай, ўзбек деганларга нодуруст муносабати ҳам, эҳтимол, бунга сабаб бўлган кўринади. Аммо бу гаплар бари тарихнинг ҳукмида ва ихтиёрида қолди. Ўзбек халқи Амир Темурни ўз доҳийси, отаси, аجدод ва бобокалонларидан деб билган, Темурнинг барча наслларини ўз пушти паноҳи деб ҳисоблаган яхлит бир миллат бугун ўз тарихий салоҳиятини теран англаб, метин салтанати негизларини яратмоқда.

Бобурийлар салтанати

Ҳиндистонда Бобур асос солган салтанатга мўғулий нисбат берилишининг сабаби нима? Тўғри, Заҳридин она тарафдан тошкентлик мўғул Юнусхонга... буёғи - Чингизхонга уланиб кетган тарафи бор. Аммо XVI асрдаги “бу” мўғуллар не тахлит “миллат”? Уларнинг асли мўғулларга, ҳозирги Мўғулистон ҳудудида яшаётган эл-элатларга қанчалик алоқадор?.. Бундан ташқари, қачондан бери “бугун” қарор топган салтанат ва шажарага мавҳум ва узоқ она уруғига қараб ном бериш керак? Гоҳида, унда-бунда, ҳатто айрим кезларда ўзимизда ҳам “Буюк мўғуллар империяси” деган атама учраб қолаётган экан, бу қўпол хато. Бобур ўзини ҳеч қачон ва ҳеч қаерда “мўғул” деб атамаган. Мўғул халқига ҳеч қандай эътироз йўқ. Аммо Бобур мўғул эмас. Темур ва барча темурийлар қиёфасини нукул “мўғулсифат” қилиб тасвирлашни уларнинг шахсига ҳам, ўзбек халқига нисбатан

ҳам, тарихга нисбатан ҳам буткул хилоф иш, ғайирлик ва бӯхтон деб билмоқ керак. Зеро, Ҳиндистонда Бобур асос солган салтанат Бобурийлар салтанати ва Бобурийлар салтанатидан бошқа ҳеч нарса эмас. Тарихий ҳақиқатни узил-кесил тиклаш вақти етди. Умуман, ўз буюк аждодларимизни, бу хоҳ амирул-мўминин, хоҳ олиму-уламо, фозилу-фузало, шоиру-шуаро, бўлсин, хотамтойлик юзасидан, бошқаларга “улашиш” тажрибасидан буткул воз кечиш зарур. Бошқа барча халқларга ҳурматимиз тоабад сарбаланд, аммо бу ўз миллий нафсониятимиз ва тарихий мавқеимизга путур етказиш ҳисобига бўлмаслиги даркор.

“Бобурнома” мисолида, - изланиш, ўрганиш, идрок этиш, тиклаш, таржима қилиш, аслиятдан таржимага мукамаллашиш, таржимадан аслият сифатини яхшилашга ўтиш, таржимадан таржимага ўтган сайин чуқурлашиш, кўтарилиш, софланиш, - “тиллар ва таржималар” баҳсида туркийзабон халқларнинг ўзаро илмий ҳамда маданий айирбошлаш, бойиш ва бойитиш жараёнини тадқиқ қилиш бениҳоя ибратли ҳамда ҳолис, чинакам инсоний моҳиятни зуҳур этиш самарали, узвий ва давомий бўлиши лозим. Бобур мероси, “Бобурнома” бизники ва дунёникидир. Асл манба маъносида бизники, таржимавий адабиёт сифатида дунё мулки. Бунинг дунёвий мулк касб этгани уни миллий мансубликдан маҳрум этгани йўқ, балки тағинам кучайтирди. Биз шарқиюнлар, турк улуси ва жамии туркийзабон эл-элатлар Ғарб олимларининг жаҳоншумул ишларидан баҳраманд бўлганимиз сингари, уларнинг ўзлари бу хосиятли ишни Шарқ манбаларига таяниб туриб амалга оширдилар.

Бобурийлар сулоласи

Б о б у р
1483-1494-1530

Хумойун
1508-1530-1556

Жалолиддин Акбаршоҳ
1542-1556-1605

Жаҳонгиршоҳ (Салим)
1569-1605-1627

Шоҳ Жаҳон (Хуррам)
1592-1627-1658

Аврагзеб Оламгир
1618-9-1658-1707

Баҳодиршоҳ I
1645-1707-1712

Жаҳондоршоҳ
1668-1712-1713

Фарруҳ Сияр
1688-1713-1719

Муҳаммадшоҳ
1692-1719-1748

Аҳмадшоҳ
1711-1748-1754

Оламгир II
1727-1754-1759

Шоҳ Олам II
1743-1759-1806

Акбар II
1759-1806-1837

Баҳодиршоҳ II
1776-1837-1858

Янги франсузча таржиманинг тарихий негизлари

Мана асарнинг 1980 йилги ЮНЕСКО франсузча таржимаси нашрига асос бўлган манбалар: Абдулбоки Нахованди, Маъассири Раҳимий, Абдулҳамид Лоҳурий. Подшоҳнома; Абдуллоҳ. Тарихи Довудий; Абдуллоҳ бинни Валий Насруллоҳ. Зубдатул осор; Абдулқодир бинни Малик шоҳ Бадавуний. Мунтахабут таворих; Абулфазл Алломий. Акбарнома; Халили Афгон. Оромгоҳи Бобур; Ҳожи Низомиддин Аҳмад бинни Муҳаммад ал-Ҳиравий. Табақоти Акбаршоҳи; Аҳмад Йодгор. Тарихи шоҳий; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Вақоеъ номаи подшоҳи (Бобурнома: Baber name: Бабар-нама...); Ж. М. Банержи. Ферузшоҳ Туғлуқ тарихи; Искандар Бек Мунши. Тарихи оламорои Аббосий; Гулбадан Бегим. Ҳумойун тарихи (А. Бевериж таржимаси); Ҳумойуннома; Хайдар Малик. Тарихи Кашмир; Муҳаммад Хайдар Мирзо. Тарихи Рашидий; Гиёсиддин Хондамир. Тарихи Ҳабибус-сийар; Х.Лэмб. Бобур-Арслон; Саййид Маъсум. Тарихи Синд; Н.Д.Миклухо-Маклай. Хондемир и Записки Бабура; П. Шамсиев. Бобур; С. Азимжонова. К истории Ферганы второй половины XV века...

Кўлимиздаги франсузча таржима: *Le Livre de Babur. Mémoires de Zahiruddin Muhammad Babur de 1494 á 1529 (traduit du ture Tchaghatay par Jean - Louis Vasqué-Grammont)* ҳақида профессор Муҳаммадҷон Холбеков қуйидаги маълумотларни беради: асарнинг мазкур янги франсузча таржимасини 1980 йили Париждаги Пйубликасион ориенталист де Франс Франс

нашриёти ЮНЕСКО топшириғига кўра чоп этган. Уни Париждаги машхур Сорбонн университетининг филология фанлари доктори Жан Лйуи Бакйе-Граммон ўгирган. Бу таржима Халқаро Таржимонлар Федерацияси ФТТнинг юксак “Гран при” соврини билан тақдирланган. ФТТнинг собиқ президенти, мархум Пйер Франсуа Каййе номидаги бу соврин 1980 йили таъсис этилган бўлиб, фан, техника, маданият ва адабиёт соҳасидаги энг сара тўртта таржимага муносиб кўрилган. Шулардан бири - “Le Livre de Babur”.

Янги туркий таржима

1987 йилги туркча нашрда ёзилган Önsöz ҳамда Й. Ҳикмат Бойурнинг мақоласи Tarihi özet шу билан эътиборни қозонадики, бунда ёлғиз манба ҳақида эмас, балки уни ўраб турган кенг ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий ва, қисман, адабий муҳит, шажаралар, амир, султону салотинларнинг ҳаётию сулоласи ҳақида ниҳоятда нодир ва муҳим маълумотлар берилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, унинг то Амир Темурга бориб қадаладиган ота-боболари ва бобокалонлари, авлоди, фарзандлар. салтанати қаламга олинади. Бу маълумотномада умумтуркий зодагоний ифтихор туйғуси сезилиб туради. Муҳими, бунда “Бобурнома”га ўз-ўзича муҳим тарихий манба, қомусий хотира дебгина эмас, балки у қандай иқлимда, нечук сабаблар билан пайдо бўлди, асар барча туркий халқларнинг ўтмиши ва келажаги учун нима беради, деган оғриқли сўровларга ҳам жавоб беради.

Бу ерда Бобур Темур авлодида бешинчи пуштдан кейингисида турганлиги айтилади: Темур-Мироншоҳ-Султон Маҳмуд-Абусаид- маршайх. Профессор Орат таржимасининг сифати хусусида ўқиймиз: Bay Rahmeti Ara'in yaptiji bu çevirme görmüş oldugum Fransisca ve İngilizce çevirmelerden çok üstündür (06). Фикр таржимасиз ҳам тушунарли. Асарнинг номи хусусида мазкур хотираларнинг ўзидан ҳамда Абулфазл Алломийнинг “Акбарнома”сидан (“Vākīati Baburi”), Заҳридиннинг холаваччаси Мирзо Маҳмуд Ҳайдар Дуғлотнинг “Тарихи Рашидий” рисоласидан (“Vekaū'i yāni Turki Tarih”), Гулбадан Бегимнинг “Хумойунома”сидан, бошқа айрим манбалардан (Tüzük-i Baberi) (А. С. Бевериж) далиллар келтирилади. Муаллиф номининг ёзилишида ҳам, юқорида айтилганидай, хилма-хиллик кўп учрайди: Бабар-Бабер-Бобир-Бобур...

Номлар, номлар...


Бобур қаламига мансуб шоҳона асарнинг турли-туман тилларга қилинган таржималарини кузатган олимлар қизиқ бир ҳодисани қайд этишган. Китоб йигирмадан зиёд ном остида босилиб чиққан. Чунончи: “Воқеоти Бобурий”, “Воқеаномаи подшоҳи”, “Табақоти Бобурий”, “Тузуки Бобурий”, “Вақоеъ”, “Воқеанома”, “Бобур подшоҳнинг таржимаи ҳоли”, “Бобурия”, “Бобур мемуарлари”, “Эсдаликлар”, “Бобур тарихи”, “Ғаройиб таржимаи ҳол”, “Шарҳлар”, “Маъ-мурнома”, “Бобурнинг ҳаёти”, “Бобурнома”, “Тузук”, “Подшоҳнома”, “Бобур хотироти”, “Бобур

битиклари”, “Бобурнома инглиз тилида” ва ҳоказо. Бу ҳол асарнинг ҳар бир янги таржимасида айрича бир тамойил билан унинг бағрига кириб борилганини кўрсатувчи далилдир.

Яна бир масала. “...Babur`un ve Hindistan`da kurmuş olduğu devletin Türkmü, Mogolmu...” эkanлиги хусусида Й. Ҳикмат Бойур ҳеч бир иккиланмайди: “Vekayi, in birçok yazıları bu iddialara karşılık verir, ve Babur`un kendisini, ordu`ve devletinin yalnız ve yalnız Türk bildigini gösterir” (011).

Тадқиқотчининг фикрича, Бобурнинг онаси Чиғатой авлодларидан бўлмиш Йунусхоннинг қизи эkan. Унинг шажараси шундай: Йунусхон-б.Вайсхон-б.Шерали ўғлон-б.Муҳаммадхон-б.Хизирхўжахон-б.Туғлуқ Темурхон-б.Эсон Буғахон-б.Дувахон-б.Бароқ-б.Йисун Тева-б.Мотугон-б.Чиғатойхон-Чингизхон.

Шажарага дах. дор



Мўғуллар

Лекин, шунга қарамай, Заҳириддин Могollari his sevmezdi (012). Асарнинг ўзида бунга далил жуда се-роб. айна вақтда, жаноб Бойур инглизча таржимадан (Лейден-Эрскин) олинган яна бир тўртликка ишора қиладики, “Бобурнома жаҳон кезади” номли китобда худди шу нарсага эътибор қаратилган эди:

if the Moghul race were a race of angels, it is a bad race;
And were the name Moghul written in gold, it would be odious.
Take care not to pluck one ear of corn from a Moghul's harvest;
The Moghul seed is such that whatever is sowed with it is execrable
(150)

Туркча таржимаси:

Mogollar melek de olsalardi kötü olurlardi.
Mogol ati altindan da yazilsaydi kötü olurdi.
Mogol biçmelerinde bir başak bile kapmamaga bak
Mogol tohumu ile ekilmiş her şey kötü olur
(013).

Номи тилга олинган рисолада: “Бобурнома”нинг 145-бетида “Иброҳим тархонни ва яна хили ўбдон-ўбдон йигитларни мўғул талаб оттин тушуруб зойиё қилдилар” деган жумла бор.

Инглизча таржимада эса мазкур жумла ўрнида... мўғуллар тўғрисидаги тўртлик берилган:

Гар фаришга ирқидан бўлса мўғул ирқи разолатдир,
Ёзилган бўлса гар олтин бирла номи қа боҳатдир.
Узмагил бир бошоқ мўғул ҳосилидан, эҳтиёт бўл,

Мўғул уруғидан экилган ҳар бир дона даҳшатдир.

Бу шеърый банд асл нусхада ҳам, бошқа таржималарда ҳам учрамайди (90).

Бу ўринда профессор Рашит Раҳмати Орат билан бизнинг нуқтаи назаримиз бақамти келиб, мувофиқлашгани дуруст, албатта. Бироқ мазкур ичимиздан кўнгил тўлмай қолган баъзи жиҳатларни аниқладикки, бунга танқид ва танбиҳ бериб ўтмоқчи бўламиз.

Биринчи масала. Мазкур тўртлик аслиятда ёхуд ўзга таржималарда бўлмаса, Лейден-Эрскинда қаёқдан пайдо бўлиб қолди?

Иккинчи масала. Ғайримўғулий тўртликни келтиришдан мақсад нима? Бу билан нима демоқчи бўлинганди?

Ҳар иккала сўроққа ҳам ўша манбадан жавоб тополмайсиз. Тўғри, биринчи масала ўн йил олдин ҳам бизга аён эди. Аммо бу китобда ёхуд бошқа ишларимизда айтилмаган. Мубҳамлигича қолган. Хайриятки, ҳар иккала масала ҳам профессор Р. Р. Оратда мантиқан асосли ва ишонарли бир тарзда ёритилган.

Биринчи масалага жавоб шуки, гарчи аслиятда (оригиналда) ўша тўртлик бўлмаса-да... Қайси “аслиятда”? Ҳар хил қўлёзмалар сони кўп. Уларнинг қайси бири - “асл нусха”? Ҳозирги даврда ҳар хил қўлёзмалардан ва ҳар хил таржималардан таржима қилиш натижасида матний хилма-хилликлар кўпайиб кетган. Лекин, вожаб, аслиятдан ўгирганда ҳам чалкашликлар сероб. Сабаб? Чунки бир-биридан тафовут қилувчи қўлёзмалар бисёр.

Энг нуфузли манбалардан Ҳайдаробод ва Қозон қўлёзмалари, эътиборли таржималардан бири Абдураҳимхон ибн Байрамхоннинг форсча таржимасидир.

Лейден-Эрскин эса муайян бир нусхадан эмас, бир қанча туркий нусхалар ва форсий таржимадан ўғришган. Бас, ўша тўртлик Қозон ёки Ҳайдаробод қўлёзмаларидан эмас, балки бошқа бир туркий нусха ёхуд форсча таржималардан ўтиб қолган бўлиши керак.

Тарихий мантиқсизлик

Иккинчи сўроққа жавоб шуки... Амир Темур ўз ватанида мўғул босқинчиларига қарши курашиб, уларнинг кучини синдириб, қон қақшатиб ўз салтанатини ўрнатган бўлсаю... Темурий шажаранинг еттинчи бўғинида дунёга келган баҳодир Бобур Мирзонинг мўғулларга муносабати бу қадар рад этиш, ётлик ва нафратга асослансаю, Ҳиндистонда ўрнатилган Бобурий салтанатга... “Буюк Мўғуллар империяси” деб ном бериладими? Тарихий воқеалар ҳамда атачалар замирида ҳам мантиқ ётиши керакми? Ne yazık ki, Tanrı onun hayat yolunu türk vataninin dışına çevirmiş (0139). Не тақдир эканки, Тангри таоло унинг ҳаёт йўлини турк ватанидан хорижга буриб юборибтир.

Кишининг жониға душман, балодур бошиға бу эл,
Агар бошин туфайл айлаб ва гар жонин нисор этса.
Диёру ёрдин Бобур жафову жавр кўп кўрди,
Хуш ул ким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.

Рашид Раҳмати Орат ёзган беш бетлик маълумотномада бир қанча қўлёзмалар асосида асарни нашрга тайёрлаш ва бир туркий тилдан иккинчи бир туркийга таржима қилиш билан боғлиқ душворликлар тилга

олинади. Бу фикр, ва мулоҳазалар биз эскартиб ўтган таҳлил ва хулосаларга жуда ҳамоҳанг.

Профессор Рашид Оратнинг туркча таржимаси чуқур билим, заковат, нозик таҳлилдан ташқари, “Бобурнома”га муносиб бениҳоя оғир меҳнат самараси эканини ва бу меҳнат барча туркий ҳамда жамии туркигўй халқлар учун узоқ замонларгача ўз заргарона кадр-қимматини сақлашлигини яна бир марта писанда қилиб ўтайлик. Бу меҳнат биз туркий халқларга ўзимизнинг соф миллий бисотимиздан ташқари, муштарак тарихимиз, бир-бирига вобаста тақдиримиз, илму урфонимиз, маданий мулкимиз ва, Оллоҳ насиб этса, ҳеч ким ва ҳеч қандай куч пароканда эта олмайдиган мустаҳкам сафларимиз ҳамда залворли келажагимиз борлигини эслатиб туради. Тарих келажак учун кафил ва унга доя. Мазкур салмоқдор асар, бой тарихимиз ҳамда моддий ва маънавий меросимизнинг кўп сонли намуналари қаторида, туркий халқларнинг ифтихор этишга арзигулик ишлари борлигини, унинг ўзга ҳар қандай маърифатли халқниқидан қолишмайдиган куч ва қудратга эга эканлигини ҳам яққол кўрсатади.

Биз ўзбеклармиз ва биз туркмиз. Биз туркмиз ва биз ўзбеклармиз. Бошқа миллатларнинг инсоний нафсониятига асло шикаст етмагай. Биз қандайдир иркий ёхуд миллий мумтозликка даъвогар ҳам эмасмиз. Дунёнинг бирон бир иқлимида яшаётган бирон бир соғлом турк ҳеч қачон бировга ўз-ўзича, бесабаб даҳл қилган эмас. Агар Алишер Навоийдек улуғ бир инсон ўзининг, ижодининг, тилининг ва қалбининг туркий мансублигини қаттиқ туриб даъво қилган экан, бу унинг қанчалик “мизожи нозук” (Бобур) бўлмасин, ўз халқининг содиқ фарзанди ва мушфиқ мураббийси,

тогдай таянчи бўлганидандир. Бунга унинг маънавий ҳаққи бор эди.

Мирзо Бобурнинг кимлигини, келинг, ўзларидан сўрайлик

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Унинг ўзини, аждод-авлодларини, шажарасини, дунёвий салтанатини тарихда ва ҳатто ҳозир ҳам қандай номлар билан атамади: мўғул, татар, саҳройи... Ҳа, ўн икки авлод нарида, она томонидан шундай бўлган. Бу Чингизхон. Бироқ Юнусхон, Вайсхон, Муҳаммадхон, Хизрхўжахон... Булар қандай қилиб “мўғул” бўлсин! Бобур ўзини, мағрур, турк деб билди ва ўз она тили - туркийда сўзлади, куйлади, Ҳиндистонда туркий салтанатга асос солди, бебаҳо исломий мерос қолдирди.

Тоғ зарралардан таркиб топади

Туркча нашрда асарга ёзилган муқаддима ва мухтасар тарихда Амир Темур ва темурийлар, Бобур Мирзонинг Фарғона, Самарқанд ҳамда Афғонистон ва Ҳиндистон учун олиб борган урушлари, қилган улуғвор, хайрли ишлари, Афғон ва Ҳинд диёридаги туркий салтанат ҳақида нодир маълумотлар билан танишасиз. Бошқача айтганда, жуда зарур умумий тарихий манзара яратилган. Илова қисмида эса Индекс берилган. Унда асарнинг қиёфаси майда-чуйда тафсилотларигача очилган. Ўз-ўзича олганда бу 235 саҳифалик салмоқдор китоб. Индекс ортида аждодлар ва авлодлар, турли халқларнинг маданиятлари, иркий, миллий, ди-

ний, ғоявий, мафқуравий, тарихий муштаракликлар ва тафовутлар, дахшатли қирғинбарот урушлар, омон-омонлик, бузғунчилик ва сулҳ, садоқат ва хиёнат, саналар, улуглар ва ушоқларнинг сиймолари, турфа инсоний тийнатлар ва разил эҳтиросларнинг сувратлари ётади. Ўқувчи бу тафсилотларни кўриб ҳайратланади. “Бобурнома” чинакам қомусий мундарижага эга бўлган китоб эканлиги шунинг ўзиданоқ кўриниб туради. Аммо бу шунчаки айни асарнинг ичидан териб олиб алифбо тартибига келтирилган рўйхат эмас. Индексни тузиш учун ўнлаб тилларда ёзилган ниҳоятда кўп бошқа нашрлар, луғатлар, қомуслар, таржималардан фойдаланилган. Унда зикр этилган ҳамма маълумотларни ҳам топиш амри маҳол. Бирон нарсанинг жуда оддий эканлиги, аммо шу “оддий” нарсани билмай ҳайратланишни истаган киши мазкур Индексни ва-ракласин...

Бахши - 1.Халқ дostonларини куйловчи шоир, оқин; 2.Дуолар ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар қилиб даволовчи табиб; 3.Бухоро хонлигида қурилиш учун белгиланган маблағларнинг ҳисоб-китобини юритувчи лавозимли киши (ЎТИЛ, I, 86). Бу сўзнинг биринчи маъносини деярли ҳамма билади. Иккинчи ва учинчи маъноларидан барча хабардор деб бўлмайди.

Проф. Рашит Орат уйғур матнларида бу асли “чин по-ши”, “пак-ши” талаффуз этилиб, диний маънода ўргатувчи, йўл кўрсатувчи, тўғри йўлга солувчи эканлини айтади. Бундан бўлак маъноларни ҳам билишни истаганларни Фуод Кўпрулузоданинг “Ислom энциклопедияси”даги бахши мақоласини ўқишни маслаҳат беради. Шунингдек, асл уйғурча бақши калимасининг шундай маънолари борлиги қайд этилади:

1. Котиб ёки уйғур ҳарфларини, ундан истифода этган тилларни билувчи котиб. 2. Мухим хизмат ва-зифалари ва мол-мулк ишларини идора қилиб турувчи маъмурлар. 3. Табиб, халқ табиби, жарроҳ. 4. Диний урф-одатлардан хабардор ва шу йўриқ ила ҳақимлик (табиблик) ишини ҳам уддалайдиган шаман. 5. Ша-манлик билан алоқадор ўларок, куйловчи ва чолғувчи.

Бобурда бу сўз ўрду (қароргоҳ)да мол-мулк ишла-рини назорат қилувчи маъмур маъносида қўлланилган бўлиши мумкинлиги айтилади (584). Мумтоз адабиёт-да эл-улус сўзи кўп учрайди. Эл, эл-юрт нималиги маълум. Улус-чи? Улус-эл, халқ (624).

Улус - мўғулча сўз: 1. Ўрта Осиёда йирик феодал давлат, Чиғатой улуси; 2. Халқ, халойик. Иккинчи маъноси эскирган деб қайд этилади ЎТИЛда (272). Турк тилида бу: миллат. Эскирган маъноси - қабила (880). Индекса: асл туркча шакли uluş (улуш) бўлиб, ер, мамлакат, диёр... Устида ёки ичида ўтириладиган ерни ифода этади. Кейинчалик, балки Чингизхон дав-рида ё бўлмаса халифлар замонида, мўғуллар таъсири остида, улус шаклига келиб, муайян бир ерда яшаган ҳамда катта-кичиклигига кўра қавм, ашраф, тоифа, жамоат маъноларини ифода этадиган бўлган. Жанубий элатлар шеваларида, Сомийнинг қайд этишича, “қавм, уммат... Улус-элатларга, эл-аймоқларга ва аймоқ-уруғларга бўлинган” (659). Бу каби тушунчаларнинг кўпчилигини ҳозирги луғатлардан топиб бўлмайди. Мас., ашроф TRSда ҳам, ЎТИЛда ҳам берилмаган. НАЛда: ашроф сўзининг бирлик шакли шариф бўлиб, шараф ва эътибор эгалари, олий табақа деб берилади (69). НКЛда: ашроф шарифнинг кўплиги (31); шариф - кўплиги ашроф- азиз, шарофатли, тоза

(325). Мирза сўзини кўпчилик биледи. Тарихий маънода: ёзув-чизув ишларини олиб борган лавозимли киши; котиб. Кўчма маънода: саводли, ўқимишли ёш кишиларга мурожаат этиш шакли; эскирган маъноси: юқори табақаларга мансуб киши; жаноб (466). TRSда: *mirza* (630). Бор-йўғи шу. Бу сўз ҳатто НАЛда ҳам қайд этилмаган. НАЛда: мирзо - ота томонидан шахзода бўлғуси киши (169). БАЛда қайд этилмаган. Индексада кўрсатилишича, мирза “амирзода” сўзинининг қисқартма шакли эканлиги кўрсатилиб, қайд этиладики, Бобурда Амир Темур сулоласига мансуб шахсларга бериладиган махсус унвон маъносида қўлланилган. Ҳар қалай, Темурнинг амир унвонига алоқадор атама. Бобур Кобулга ўрнашгандан сўнг (913-1508), ўша вақтга қадар Темур сулоласидан тахтга ўтирганлар учун бу унвон ўрнига ўзига подшоҳ деб мурожаат этишлари лозимлигини буюрган. Олтин Ўрда тасарруфида бўлиб келган ёки уларга дахлдор ўлкаларда сулолавий шахслардан бўлак мамлакат беклари ва нуфузли соҳиблар учун ҳам бу калима қўлланилган. Бугунги кундаги шеваларда (Қозон татарлари, қозоқ ва қирғизларда), В. В. Радловга кўра, бек, амирзода; қолмиқ хонларида - бек ҳамда қозоқлар ва қирғизларда жўмард, саховатли, мусофирпарвар кишиларни ҳам мирза (мурза) деб тушунишган (Veкае, 632). Худди шунингдек, индексда *ateke* (атка) (579-581), *devon* (603), *oʻftobachi* (575), *oʻga*, *oʻgacha* (576), *axtachi* (577), *aymoq* (581-582), *botmon* (586), *begim* (587), *baqovul* (590), *bek* (590-591), *zhirga* (596-597), *doruʻga* (601-602), *ark* (605), *eshik oʻgasi* (606), *ilʻfor* (611), *ichki* (612), *erovul* (614), *qorovul* (615), *qozoq* (616-617), *kalontar* (618), *kʻukaltoʻsh* (622-624),

қур ва қурчи беги (625), қўргон (626-628), қушбеги (628), қушчи (628-629), лак (630), муча (634-635), муҳрдор (635), навкар ва навкарлик (636-637), пешкаш (639-640), рана (640), сир (644), шоҳ-уҳи (648), тамға (651), таноб (651-652), тархон (652), танга (654), тўлғама (655-656), туғ ва туғчи (657), туман (658), тузук (659), урук (659-661), ём ва ёмчи (661-662), ясок (662-666), ясавул (666), йигоч (667-668), йигит (668-669), йукунтурмоқ (669) сингари жуда кўп сўзлар, атамаларга изоҳ берилган.

Туркистон - умумий хонадонимиз

Турган гап, бу маълумотлар бугунги турк ўқувчисига Бобур даврини, асрлар давомида бардавом бўлиб келган туркий салтанатни чуқур идрок этишида жуда катта ёрдам беради. Тарих, тафаккур, маънавият ва маданият бизнинг бобою бобокалонларимиздан мерос экан, булар барчаси сўзда, каломда, таъриф ва таъбирда, атамаю истилоҳотларда, луғатларда ўз ифодасини топади. “Бобурнома”нинг ҳозирги турк тилидаги мукамал адабий-илмий нашри фақат Туркия турклари ёки озарбойжон ва татарлар, барча туркий халқларга, биринчи галда биз ўзбекларга кўзга суртиб ўқийдиган бир манба бўлиб етиб келди. Шундай масала ёки эътироз туғилиши мумкинки, “Вақоеъ”ни ўзбекчада бир неча бор нашр этганмиз-ку, туркча таржима кимга керак? Гап шундаки, ўз мулкинг ва салоҳиятинг, шуқуҳинг ва шавкатинг, бахтинг ва, эҳтимол, мусибатинг, равнақинг ва инқрозингга узоқ масофадан туриб разм солиш, ўзинг ва ўзлигингга дўст нигоҳи, қардош-жондошлар назари билан қараш бир ўзгача туйғу пай-

до қилади кишида. Бу нашрнинг бугунги кунимиз учун
ғоят муҳим бир жиҳати ҳам бор. Ҳозир биз сурункали
маънавий инқироз, турғунлик даврини бошимиздан
кечиргандан ёўнг, энди мустақиллик палласига қадам
кўяётган эканмиз, минбаъд янги “мустақуллик” ҳола-
тига тушиб қолмаслик учун қандай йўлни танлашимиз
керак, деган муаммога жавоб кидиришимиз зарур.
Бизнинг узоқни кўзлаган бугунги валломат сиёсати-
миз, ўз шуқуҳли тарихимизда бусбутун муносиб азамат
ишларни оғишмай амалга ошираётган доно сиёсатдон-
ларимиз бунинг тамал тошини қўймоқда.

Тилимиз ночор деганларнинг ўзлари ношуд

Истиклол қандай кадрятларда ўз ифодасини то-
пади? Конституция, Байроқ, Пул, Давлат мадҳияси
(Гимн), Иқтисодиёт ва Сиёсат билан баробар ва, би-
ринчи галда, Тил бирлигига эгалик қилиш. Ўзбек ти-
лини давлат тилига айлантириш ҳақида махсус қонун
чиқарилди ва бу Асосий Қонунга киритилди. Шундай
ҳуқуққа эга бўлдиқ, Аммо муайян ҳақ-ҳуқуққа эга
бўлиш билан ҳақиқатда, амалда бунга эришиш ўрта-
сида фарқ бор. Ўзбек тилини том маънода давлат ти-
лига айлантириш учун узоқ йиллар давомида ҳормай-
толмай, мунтазам иш олиб бориш керак. Мавҳум, ил-
дизига болта урилган ватан ва ватанпарварлик, соғлом
миллий гурурни тиклашда “Бобурнома” ҳам ҳозир
бизга ёрдамга келади. Ўзгаларнинг ер-сувиға, ҳудудига,
мол-мулкига кўз олайтириш, қон тўкиш, бошқа би-
ровлардан ўтмиш “бобо меросларни” талаб қилиш

маъносида эмас, балки ҳозир ўзимизни ўзга, ёт сиёсатлардан халос қилиш, муҳофаза этиш йўриғида иш олиб боришимиз лозим. “Миллий мумтозликка” эришиш учун, айрим ҳовлиқма сиёсатдонларнинг мантиқига кўра, йўқотилган мавқеларни тиклаш, тарих ғилдирагини ортга буриш, ўзгаларнинг ерларини истило қилишга янгидан даъват этиш ҳалокатлидир. Тил қурилиши, алифбо, атамасозликда тайёрга айёрчилик маслагидан халос бўлмагунча миллий тараққиёт, лисоний мустақилликка эришиб бўлмайди. Бирон нарса, жараён ёки ҳодисани аташда кўпчилик тилшунос олимларимиз бугунги тилимизнинг ночорлигини пеш қиладилар. Ҳўш, ҳозирги тилимизда бўлмаса, Қуръон, Ҳадислар, “Девону луғотит турк”, “Ғиёсул луғот”, “Санглох”, “Зафарнома”, “Темур тузуклари”, “Тарихи Рашидий”, “Равзатус сафо”, “Ҳамса”, “Муҳокаматул луғатайн”, “Мубаййин”, “Табақоти Акбарешоҳий”, “Ҳумойуннома”, “Деххудо”, “Тиб конунлари”, “Ҳиндистон” сингари ва бошқа, ўзимизда ва Ғарб мамлакатларининг жамғармаларида босилиб ётган Шарқ бисоти, қўлёзмалар, Кўпрулизода қомуси, В.В. Радлов, В.В. Бартолд, Л.З. Будагов, К.К. Юдахин, А.К. Боровков луғатларидан олайлик. Бир неча юзлаб манбалар бор. Айниқса - “Бобурнома”! Бу китобни синчиклаб ўқиган, айниқса мана бу туркча таржима билан танишган одам “Вақоеъ”да йўқ нарсанинг ўзи йўқ экан, деган хулосага келиши тайин-бартайин.

Кучли шахсларни давр туғади

• Бу масалага диққат қилишга тўғри келади. Турли даврларда ҳар хил таржималарга ёзилган муқадди-

ма, сўнгсўз ва шарҳларда муайян таржимага ундаган сабаблар билан бирга, давр руҳи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, у яратган сулола ва салтанатга муносабат ўз аксини топган. Бу муносабат хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, ҳар бир таржима ўз даврининг маҳсули. Бобурнинг ўзи ҳам ўз даврининг фарзанди бўлгани сингари, кучли шахсни давр яратади. Уларнинг фаолиятига баҳо беришда, у ёки бу асарнинг дунёга келиши ва бошқа тилларга таржима қилиниши сабабларини очганда мутлақ ҳолислик бўлиши қийин. Тўғри, илм оламида миллат бўлмайди. Олимлар, таъбир жоиз бўлса, умуминсоний миллатга мансуб кишилардир. Шунга кўра, ўз даврининг виждони бўлган йирик олимлар, мутафаккирлар, гарчи таржимага киришишдан олдин, бирон сабабга кўра (ё маҳорат етишмаслиги, адашганлик, сароб таъсири, ғоявий ва ёки диний чекланиш...), ҳақиқий аҳволдан кўз юмган бўлсалар, кейинги таржималарда ўз хатоларини тушунади ва тuzатади. Хуллас, аксар ҳолларда муносабат мақсадга қараб белгиланади. Чунончи, машриқ таржималарида (мас.,туркча) миллий, тарихий воқеалар, шахсининг ўтмишдаги ўрни, салтанат ва шажарани ёритишда ҳаюллик ва ижобий туйғу уфуриб туради. Мағрибий таржималарга ёзилган муқаддималарда эса (мас.,Лейден-Эрскин таржимасига берилган “Муҳаррир муқаддимаси” ҳамда Кириш мақоласида), асосан, асарнинг ҳолати, қўлғезмалар билан бирга, ўлканинг муфассал жўғрофий вазияти, Мовароуннаҳрга кириш ва чиқиш йўллари, тоғлар, даралар, водийлар, дарё ҳамда сув ҳавзалари, қоялар ва пасттеккисликлар, ерларнинг ҳосилдорлик даражаси, табиий бойликлар, конлар, аҳолининг жойлашиш тартиби, ички дунёси, руҳияти,

урф-одатлари ва ҳоказолар майда-чуйдасигача ўрганган. Бирида - тарихий-қадимий қиёфа, иккинчисида - табиий-жўғрофий ҳолат. Шунинг ўзига қараб, кимнинг мақсади нима эканини белгиласа бўлади.

Илк мукамал инглизча таржима

Лейден-Эрскин ишига ёзилган Лйукас Уайт Кинг мақоласида мазкур 1826 йилги инглизча таржима “тўлиқ ва жозиб” деб баҳоланади. Бобур замонасида, дейди у, ўткир зеҳнлилик, форс мумтоз адибларининг асарларини билиш, рубоийнавислик санъати ва рубоийхонлик ҳар қандай қаҳрамонлик ва жасоратдан ҳам кўпроқ қадрланган. Бобур жуда қийин пайтларда рубоийлар ёзар, хатарнок, танг кезларда маҳзун ғазаллар (Кингда: ода-қасида) битиб, уларга куй басталаб, ором олган. Жаноб Лйукас Кинг (Sir Lucas King) “Бобурнома”ни франсуз тилига ўгирган Паве де Куртейлнинг (A. Pavet de Courteille) сўзларини келтиради: Бобур барча синовлардан матонат билан ўтар, табиатан жасур, жуда қув (муғомбир), либерал ҳамда, айни вақтда, ўта қобилиятли, қанчалик жазоласа, шунчалик авф эта билар, чапдаст жангчи, эҳтиёткор, зукко кўмондон ва ўз аскарларини рағбатлантириб, узокни кўра оладиган генерал (сардор), хушёр раҳбар бўлган. “Унинг матлаби забт этиш эмас, балки асос солувчилик эди.”

Муҳаррирнинг маълумот беришича, Вилйам Эрскин таржимаси учта кўлёзмага асоланган: 1. Абдурахимхон ибн Байрамхоннинг форсча таржимаси. 2. Меткалфнинг иккинчи форсий нусхаси, 3. Элфинстоннинг туркча матни. Паве де Куртейл фикрича,

Эрскининг туркча билими жуда саёз бўлган. Ҳар қандай илмий ёки ижодий ишда ҳам муаллифлик ода- тий ҳол ҳисобланади. Аммо таржимачиликда бу кам кўзга ташланади. “Бобурнома”да Жон Лейден билан Виллям Эрскин ҳамкорлик қилган. (Лейден вафотидан кейин Эрскин унинг чала қолган таржимасини ўз таржимаси билан кўшиб, ишни ниҳоясига етказган). Мен Эрскин, Лейден ҳамда Паве де Куртейл таржима- ларини жуда синчковлик билан қиёслаб чиқдим ва улар туркча матнга асосланганини аниқладим, дейди муҳаррир жаноб Л. У. Кинг. Сўнгра таҳрир давомида у шарқшунос-табиийон мутахассисларга мурожаат эт- гани, нечук қўлёзмалардан фойдалангани, қандай ил- мий ва қомусий манбаларни кўриб чиққанини бирма- бир, номма-ном қайд этади. Бундай ҳалол меҳнат ҳар қандай ўқувчида ҳам ишонч ва ҳурмат туйғусини пай- до қилади.

Изланиш, умидсизлик, ишонч

Эрскин муқаддимасида, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзи ёзган “Вақоеъ”дан ниҳоятда мамнун бўл- ганлиги, ўз ҳаётининг ниҳоясида асарнинг бир нусха- сини Ҳиндистондан Кобулга жўнатганини эслатади. Бобур вафотидан сўнг “Бобурнома” Дехли ва Огра са- ройларида жуда эътибор ва шуҳрат топади. Ҳумойун тахтга чиққанидан сўнг ва ўлимидан аввал бу китоби ўз қўли билан кўчирган. Жалолиддин Мирзо томони- дан, яъни Акбарнинг подшоҳлик даврида илк бор форс тилига таржима қилинган. Бу таржима Ҳумойун ва Акбар ҳукмронлиги даврида яхшигина нуфуз орт- тириб, ҳурматга сазовор бўлган Байрамхоннинг ўғли

машхур Мирзо Абдурахимхон қаламига мансуб. Лейден-Эрскин инглизча таржимасининг тарихи изланиш, умидсизлик ва ишонч билан тўла самарали иш бўлиб қолган. Марҳум доктор Жон Лейден адабиётнинг ҳамма соҳаларидан пухта хабардор бўлган киши эди, дейди В. Эрскин. У жаноб М. Элфинстон ёки Форт Вилйам кутубхонасидан асарнинг бир туркча асл нусхасини топган ва дарҳол уни инглизчага ўгиришга киришган. Лекин кўп ўтмай унга тиши ўтмаслигини пайқаган. Ўқитувчиси, Ганжлик бир эронли турк ҳам ожизлик қилиб қолган. Жон Лейден бундан бироз илгари Бўмбайдан Абдурахимхоннинг форсча таржимасини олиб келган бўлади. Худди шу нусхани Эрскин Бенгалиядан беҳуда ахтариб юрган экан. Мазкур форсча таржима Оврупо кутубхоналаридан ҳам топилган. Хуллас, В. Эрскиннинг илтимосига кўра, Ж. Лейден кўлидаги ўша форсча таржимасидан бир нусха кўчиртириб, унга - Хиндистонга юборади. Афсуски, Ява оролига жўнаб кетиши орқасида иш тўхтаб қолади. Оқибат, 1811 йил августда Жон Лейден вафот этиши билан инглизча таржима ниҳоясига етмай, чалалигича қолиб кетади. Бу орада жаноб Лейден куйидаги форсча таржимадан анчагина қисмини инглиз тилига ўгирган бўлади. 1813 йилнинг охирида энди таржимани тугатди деганда, марҳум дўстининг ишлари унинг кўлига келиб етади. Хуллас, қўлга киритилган бир туркча аслият, Деҳлидаги Британия қароргоҳидан (резиденциясидан) тўлиқ форсча таржима нусхасидан кўчирма асосида ўзида мавжуд барча манба ва таржималарни қиёслаганда, анча жиддий тафовутлар борлигини аниқлаб, ишни тубдан қайта кўриб чиқади. Туркий билими етарли бўлмагани тўғрисида, форс тилида-

ги нусха асосида таржимага аллақанча ўзгартишлар киритади. Шу тариқа жаҳонгашта қўлёмалар асосида антиқа инглизча таржима юзага келади. Бу Лейден-Эрскин таржимаси деган ном остида шуҳрат қозонади.

39° 41'

Мазкур таржима нашридан Англия Шарқий Ҳиндистон компаниясининг муҳандиси Чарлз Ваддингтоннинг Фарғона ва Бухоро харитасига эскартмаси ҳам ўрин олганки, унда қайта яратиш санъатининг ғайрилисоний қийинчиликлари ақлни лол қилади. Бунда Фарғона ва Бухоро хариталарини яратишда ҳаётдан олинган маълумотлар, жўгрофий ўлчовлар билан баробар, “Бобурнома”да келтирилган аниқ кузатишлар, жой номлари ва бўлак маълумотлардан фойдаланилган. Зеро, Бобур ўз таваллуд топган юрти Андижондан бошлаб бу ёғи то Ҳиндистонгача фавқулодда катта масофани босиб ўтган. Шу орада кўрган-кечирган нарсалари борки, диққатга арзигулик ҳар бир ашё қоғозга туширилган. Шу нарса таҳсинга сазоворки, номи тилга олинган ҳар икки вилоят харитасини чиқишда Чарлз Ваддингтон “Вақоеъ” маълумотларидан фойдаланаркан, ўзи қўлга киритган ҳисоб-китоблар билан уларни муқояса қилади... “Аниқ кузатишларга кўра мен Самарқандни 64° 53' узунликда ва 39° 40' кенгликда чизганимдан кейин бошқа жой ва юртларни аниқладим, - деб ёзади жаноб Ч. Ваддингтон. - Менинг маълумотларимга кўра берилган ўлчовлар кейинчалик Бобур берган маълумотлар билан қиёслаганда жуда ҳам тўғри ва мос келганлиги мени қувонтирди”.

Татарлар?..

Ҳайратомуз эътироф. Китобда берилган кириш мақоласининг номига диққат қилинг: “Татарлар ва ўзбек Туркистонининг жўғрофияси ҳақида мулоҳазалар”. Татарлар нима қилиб юрибди бу ерда! Тағин гап шундай бошланади: “Бобур татар қабиласида туғилган, унинг “Бобурнома”си Каспий денгизининг шарқ ва шимолидаги чўлларда яшайдиган қабилар тилида ёзилган”. Ана холос! Бу, бамисоли, Вилйам Шекспир Нидерландияда таваллуд топган, унинг “Макбет” фожиаси Африқо китъасидаги бир занжи қабиласининг тилида битилган, дегандай бир гап!

Сўнгра муаллиф Заҳириддин Муҳаммаднинг аждодларини қидириб бориб, навбатда яна кўп “кашфиётлар” қилади: “Бобур ўша шимол томонда яшайдиган қабилаларнинг бирида дунёга келган”. Ундан нари Бобур шажарасини излаб бораётган ўша “наслшунос” тадқиқотчимиз иттифоқо... мўғуллар, ўрислар, қандайдир оқ танли овруполиклар ва манжурлар устидан чиқиб қолади. Гап шунга бориб етадики, ўша “чўлқувар” майда қабилалар, яъни Заҳириддиннинг уруғ-аймоқлари, майда қабилалар... “ўзларининг кимликлари ва умуман номларини ҳам билмаганлар” экан. Яна ўқишда давом этамиз: “Темур билан Чингизхон ўзларининг келиб чиқишларини мўғул шахзодаси Тавменехондан деб билган, лекин Темурнинг ота-боболари деярли икки юз йил шу етакчи қабила билан Самарқанднинг жанубида жойлашган Кешда (Шахрисабзда.- Ф.С., Н.О.) Турклар орасида яшаганлар ва уларнинг урф-одатларига кўникканлар. Шундан бош-

лаб Темур авлодлари ҳам, мўғуллардан келиб чиққанлигига қарамай, ўзларини доимо турклар деб ҳисоблайдилар. Бобур иккала халқ билан ҳам яқин қариндош бўлган, чунки ота томондан буюк Темурбекка қарашли бўлган, шунинг учун ҳам ўзини турк деб ҳисоблаган. Она томондан эса Чингизхонга, яъни машҳур мўғул шаҳзодаси Юнусхоннинг набираси бўлган. Бобур ёлғиз туркларга таъзим қилган, уларни эъзозлаган. Мўғул тилида гаплашмаган, улардан жирканган”.

Уйдирма

Ҳақиқий аҳвол аслида қандай бўлганлиги олдинги саҳифаларда ёритилди. Бинобарин, на Темур ва унинг шажараси, на Бобур ва у яратган доврўғли бобурийлар салтанатининг мўғулий мансублиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Булар барчаси айтарли асоссиз гаплар ва Ғарб шарқшуносларининг уйдирмасидир. Мақсад қандай қилиб бўлмасин бу буюк тарихий шахсларнинг гўё ғайри туркий, ғайри исломий эканлигини даъво қилишдан иборат. Шу ўринда қонуний бир савол туғилади: наҳотки, Амир Темур билан Бобур Мирзолар ўзларининг кимлигини билмаса? Ахир бу уларга ҳақорат эмасми? Наинки қандайдир ғарблик шарқшунослар ва уларга дум бўлиб эргашиб юрган ўзимизнинг айрим думбул тарихчиларимиз Темур билан Бобур шахсини уларни ўзларидан ҳам кўпроқ билсалар! Сўнгра Туркистонда лисоний вазиятга тўхталган Л.У.Кинг дейди: Қаратегин тоғли вилоятларида ҳозир ҳам форс тилида гапирадилар. Бу нарса Мовароуннаҳрда форс тилининг узок замон-

лардан буён кўлланиб келинганига бир далилдир. Зеро, форс тили Хоразмшоҳлардан берига, ҳатто ундан ҳам илгари бўлган деб қараш мумкин. Бобур даврида ҳам форсий тил муштарак тил бўлган. Балх, Бадахшон, Хутлон, Қоратегин, Ҳисор, Кеш, Бухоро, Ўратепа, Фарғона ва Тошкентнинг обод жойларида шу тилда гапиришганлар. Жуда ғалат “тарих”! Хўш, ундай бўлса, бутун Туркистонда туркийзабон халқлар қаёққа кетиб қолишганикин? “Турк қароқчи қабилалари ўша пайтларда атрофдаги чўлларда қароқчилик қилиб кўчиб юрганлар”, деган хулосага келади инглиз шориҳи. Минг афсуски, бундай ғалат тарихий аҳолишунослик кузатувлари айрим маҳаллий “ғайри турк” муаррихлар томонидан кейинги вақтларда пуфлаб шиширилди, оқибатда бу нарса келиб-келиб ўлкада чиркин фикрларга ҳамда хатти-ҳаракатларга сабаб бўлди ва охири азал-азалдан бир-бири билан ёнма-ён тинч-тотув яшаб келган айрим қабилалар ва халқларнинг ўзаро тўқнашувларига ҳам сабаб бўлди.

Қийшиқ мўридан қийшиқ тутун

-Мовароуннаҳрда доно шоҳнинг ўлими уруш-дан дарак берган, - деб ёзади у. - Ҳар хил гуруҳлар ўз рақибларига қарши ҳаракат қилишган. Ҳар қайси кўшнни ҳоким ўлжанинг яхши улушини олишга интилган. Биз “Бобурнома”дан сарой аҳлларининг ўзлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган одамларга унчалик ишонмасликларини биламиз. Ҳеч бир сабабсиз улар ўзларининг собиқ душманлари томонга ўтиб кетадилар ва улар ҳам биз давлат хоини деб атайдиган жиноятчиларни бепарво қабул қиладилар, уларга ишонадилар.

Йиллар давомида бурчга содикликни кўп марталаб кўрсата олган Бек аткани жуда ва тез алмаштирмаслик садоқатнинг сиёсий ва фуқаролик томонини юзага чиқармайди. Бирор киши бошқа бир томонга ўтишни ихтиёр этса, буни фақат ўша аснодаги манфаат белгилайди. Она ватанга муҳаббат туйғуси эмас. Шоҳга бўлган садоқат ҳам қуруқ гап. Фақат шахсий фойда ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир.

Бундай бебурдликнинг таъсири шоҳлар орасида ҳам учрайди, - давом этади жаноб Кинг. - У ўзининг атрофида фақат давлатнинг қурол-аслаҳаларини кўради. Худди шу қадар шоҳнинг содик кишилари ҳам унинг кўнглини хушлаш йўлини қидирадилар. Бундай бошқарув мақомида умумий аҳамиятга эга бўлган қонунлар ҳеч қачон муваффақият қозонмайди. Ҳеч қачон.

Масалани мана шу тарзда қўйган ва асослаган муҳаррир ва шориҳ унга жавоб қидираркан, тағинам ўзининг энди яширишни иложи қолмаган муддаосига кўчади. Хўш: она ватан тақдирига бунчалик лоқайдлик қилаётган Муҳаммад дини ўзи эмасми? Унинг даввосига кўра мусулмон кишиси ўз дини ҳукмфармолик қилган ҳамма жойда ва ўз ватанида эркин юради. Хорижга чиққанда эса кўрқоқ ва қашшоқ бўлади. Мабодо бошқа бирор жойга бориб, ҳомийлари орасида ўзига суянчиқ топиб олса, дафъатан унда оила қуриш истаги пайдо бўлади. Дин уни бошқа бирон кимса билан боғлаб турувчи якка-ягона алоқа воситаси. Умуман, дин унинг иши ва фаолияти билан шунчалик боғланганки, бу Шарқнинг кўп жойларида урф - одатни бир хиллигидан келиб чиқади.

Кўринадик, Лйукас Уайт Кинг жўгрофия илмида - аҳолининг миллий таркиби ва миллий руҳиятига, миллийликдан тилга, руҳиятдан - ирқка, ирқдан - динга, диндан - сиёсатга кўчади. Гўё ватанга лоқайдлик, миллий беписандлик, бебурдлик, вайронагарчиликлар, тож-тахт ва мол-мулк талашишлар фақат Муҳаммад умматларига хос экан. Насронийлик, бутпарастлик, мажусийлик, яҳудчилик гўё бундан мустасно. Афсуски, у 1914 ва 1939 йилларни кўрмай ўтиб кетди. Ўктабр тўнтариши, қонли “револтўтсия”, қулоқларни синф сифатида тўгатиш, маданий инқилоб (қаранг-а, “маданий” инқилоб!..), шахсга сиғиниш даврларида содир бўлган ялпи қатли омлар, сургун ва қатағонлар қайси дин ва қайси мансаб кишиларининг жинояткорона иши эканидан воқиф бўларди. Аттанг, Ўтиб кетмагани борми, эсизки, ўтиб кетмаганида... жаҳон уруши, инсоният тарихида мисли кўрилмаган миқёсларда қирғин ва одамқушлик, мурдор улуғ давлатчилик ғоялари негизида даҳшатли қирғин қуроқларини чиқариб, бутун дунёни ва башариятни йўқ қилиб юбориш хавфи остига солганлар қайси пайғамбарларнинг умматлари эканини ўз кўзи билан кўрган бўларди...

* *

*

Боб хотимасида қуйидаги хулосаларга келинди. Бу ерда Ғарб ва Шарқ манбалари, талқин ва шарҳлари муқояса қилинди. Шу нарса аниқландики, ҳар бир мутаржим, муҳаррир ва шориҳ асарни ўз ўқувчисига узатар экан, уни ўз даври, муҳити ва маслағи нуқтаи назаридан тушунтирган бўлади. Аммо бундан қатъий

назар. сўзбоши, сўнгсўз, луғат, индекс, сурат, чизма, хариталарда берилган маълумотлар биз учун аксарият янги ва қизиқарлидир. Бу шорихларнинг фикрига, даъвосига, мавқеига қўшилиш ёки қўшилмаслик мумкин, аммо уларнинг меҳнатини муносиб тарзда баҳоламасликка ҳаққимиз йўқ. Илмда, баҳсда ҳаммаслақ кишиларнинг ҳам, мутасаддиларнинг ҳам, муҳолифларнинг ҳам фикрини тинглашга тегишмиз. Ғарб Бобуршунослиги, таржима маъносида, бир ярим асрдан зиёд тарихга эга. Бу давр ичида инглиз, фаранг, олмон ва форс, турк тилларига қилинган таржималар савия ва сифат жиҳатдан сидирға ва бир текис эмас. Улар орасида ибтидоий даражада жўн ва ниҳоятда пухта, мукамал таржималар ҳам учрайди. Аслиятдан ҳамда воситачи (иккинчи, учинчи) тиллардан қилинган таржималар ҳам кўп. Масалан: туркий-форсча-инглизча, туркий-форсча-инглизча-олмонча ва ҳоказо. Аммо эътиборга лойиқ бир фикрни алоҳида қайд этишга тўғри келади. Бобурдан қилинган таржималар тарихида ўзининг назарий пухталиги билан форс таржима мактаби (Абдураҳимхон ибн Байрамхон), инглиз таржима мактаби (Лейден- Эрскин. Аннетта Сусан Бевериж хоним), франсуз таржима мактаби (А.Паве де Куртейл, Ж. Л. Бакие-Граммон) ҳамда турк таржима мактабини (проф. Рашит Раҳмати Орат), рус таржимачилигини (Михаил Салие) алоҳида ажратишга тўғри келади. Жаҳон бобуршунослигининг қалбини мана шу мактаблар негизида яратилган ажойиб таржималар ташкил этади. Бу жараёнда муайян таржимавий тадрижиёт (эволютсия), таржимавий тамойиллар қарор топди. Булардан ташқари, таржимавий узвийлик ва ворисийлик анъаналари юзага келди (Лей-

ден-Эрскиндан - А. Беверижгача, Паве де Куртейлдан - Ж. Бакйе-Граммон - Рашит Рахмати Оратгача, Абдурахимхон ибн Байрамхондан-Лейден-Эрскингача...). “Бобурнома” таржималари негизида юзага келган Шарқ-Ғарб ҳамда илмий ҳамкорлигига хос аломатлардан бири шуки, улар мазкур қомусий манбага ноёб ёзма адабиёт обидаси деб қараб, уни умумтуркий мансубликдан умуминсоний мулк даражасигача кўтардилар. Халқаро маданий ҳамкорлик намунасига айлантирилдилар. Натижада “Вақоеъ” қанчалик туркий, афғоний, ҳиндий бўлса, шунчалик форсий, инглизий, франсавий манбага айланди. Инсоний маданий камолот ва тараққиётнинг маслағи, матлаби ва тимсоли ўзи шу эмасми?


Яна бир кузатиш. Ғарбий таржималар бусбутун шарқона манбаларга (қўлёзмалар ва тарихий рисо-лалар) таянган бўлгани каби (Мирзо Махмуд Ҳайдар Дуғлот, Мирхонд, Хондамир, Гулбадан Бегим, Абул-фазл Алломий...), шарқий таржима ёки табдиллар (проф. Рашит Рахмати Орат) Ғарб таржимачилиги эришган ютуқлардан (Паве де Куртейл, Лейден-Эрскин, Аннетта ҳамда Ҳенри Бевериж, Элфинстон, Лйукас Уайт Кинг...) фаровон истифода этди. Учинчи бобда, шунингдек, Ҳиндистонда Бобур Мирзо асос солган Бобурийлар салтанатининг нечук тақдир ила “Буюк Мўғуллар империяси”га айланиб кетганининг тарихий ва ижтимоий-сиёсий илдизларини очишга ҳаракат қилинди. Яна шунга эътибор қаратилдики, ҳозирги вақтда гарчи бу тарихий чалкашлик бир қанча Ғарб шарқшунос олимлари, илмий доиралар томонидан эътироф қилинган бўлса-

да, мазкур англашилмовчиликка узил-кесил барҳам берилгани йўқ.

Бобур ва “Бобурнома”нинг асл туркий мансублигини чуқур англаб етишда унинг профессор Рашит Раҳмати Орат қилган туркча таржимаси ва бу таржимага Й. Ҳикмат Бойур ёзган *Önsöz* ҳамда *tarihi özet* салмоқдор илмий тақиқот саҳифасида жуда зарур эканлиги алоҳида уқтирилади. Бизнингча, ўн босма табокдан иборат мана шу тадқиқот ўзбек тилига ўгирилиб, алоҳида рисола ҳолида чоп этилса яхши иш бўлар эди. Ахир бу бизнинг тарихимиз. Бизда адабий-тарихий йўналишда оздир-кўпдир ишлар, тадқиқотлар йўқ эмас. Яхши ишлар ҳам талайгина. Уларнинг кўпчилиги тадрижиёт ва тараққиёт манзараларини ёритишга хизмат қилди. Аммо танқидий-матний тадқиқотлар, хусусан илмий шориҳлик ишлари етарли эмас. Русча нашрларга берилган муҳаррир муқаддимаси ва изоҳларда чалкашли ҳамда англашилмовчиликлар ҳам бисёр. Уларни тузатиш бугуннинг асосий вазифаларидан биридир. Бобда қўйилган масалалар таҳлилидан келиб чиқадиган яна муҳим хулоса шуки, Туркия турклари, умуман туркийзабон халқлар, жумладан ўзбеклар ҳаммамиз учун муштарак маданий мерос ҳисобланмиш “Девону луғотит турк”, “Кутадғу билиг”, “Китоби дода Кўркүт”, “Манас”, “Гўрўғли” силсиласидаги дostonлар, “Маънавийи маснавий” (Жалолиддин Румий), “Хамса” (Алишер Навоий), “Санглох”, Юнус Эмре ғазаллари, Бобораҳим Машраб куллиёти, “Бобурнома”, “Ҳумойуннома”, “Ак-барнома”, “Зафарнома” сингари юзлаб асарлар, Ислom Қомуси ва бошқа қомусий манбалар, зижлар, хариталар, кўп тилли умумтуркий луғатларни биз учун

янги лотин, шунингдек араб алифболарида тайёрлаш ва нашр этиш, таржималарини яратишда турклар ва туркийзабон республикалар, араблар ва тожиклар билан қўшма илмий муассасалар, нашриёт ва босмахоналар барпо этиш кечиктириб бўлмайдиган ишлардан бири.

Умаршайх Мирзонинг авлодлари



Умаршайх Мирзонинг уч
ўғли, беш қизи бор эди

Тўртинчи боб

“Қайта яратиш” тажрибаси

(кемтик таржимаси)

I-фасл

Манбага қайтиш сўқмоқлари

Оёғи бормаган жойга қўли етди...

Матншунослик таржимавий илмий-тадқиқот ишларимизнинг бир қисми. “Бобурнома” таржимонлари Лйукас Уайт Кинг каби тадқиқотчи олимлар матншунослик бўйича анча ишларни амалга оширишган. Жумладан Вилйам Эрскин, Абдурахимхон ва бошқаларнинг форсий таржималаридан ташқари, асл нусханинг туркий қўлёзма манбаларидан ҳам қиёсан фойдаланган. Вилйам Эрскин ва Жон Лейден фойдаланган манбаларни жаноб Л. У. Кинг батафсил ўрганиб чиқади ва “Бобурнома”нинг эътимодли бешта қўлёзмасини алоҳида таъкидлайди. Уларни матний қиймат нуқтаи назаридан таҳлил этиб, Паве де Куртейл фойдаланган Илминский нашрининг фазилатию нуқсонларини аниқлайди. Аннетта Бевериж хоним эса Англия, Афғонистон ва Ҳиндистон шаҳарларидаги қўлёзма жамғармаларини бирма-бир кидириб, “Бобурнома” нусхаларидан қарийб элликтасини махсус ўрганади. Қўлёзмалар орасидан ўнбештасини ажратиб, уларнинг хусусиятлари ҳақида инглиз тилида чоп

этилиб турган “Royal Asiatic” журналида мақолалар бостиради. Таржима пайтида улардан фойдаланади. А. Бевериж Абдурахимхоннинг форсий таржимаси кўлёмаларини ҳам кўздан кечиради. Унинг “Абдурахимхон “Бобурнома” таржимоними?” номли мақоласида ўнлаб манбаларни тадқиқ этган ва мазкур форсча таржиманинг юзага келиши, сифатлари ҳақида батафсил гаъиради. Абдурахимхоннинг ўзи киритган иловалар ва ўзгартишлар, тушиб қолган жойларни ҳам аниқлайди. Бундан ташқари, форсий таржиманинг котиблар кўлида ўзгарган жойини тайин этади. Л. У. Кинг фикрига кўра, “Бобурнома”нинг аслияти кўлёмалари орасида Илминский нашр этган Қозон нусхаси, Эрскин ўз таржимасида фойдаланган Манстйурт Элфинстон (M. S. Elphinstone) кўлёмаси ва А. Бевериж топган Хайдаробод нусхаси эътибор қозонади. Толмас ва заковатли Бевериж хоним бу нусхани 1905 йилда Лондонда нашр эттирди.

Таржима ва матншунослик масаласи икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан, аслият матни устида ишқлаш, унинг аниқ илмий-танқидий бутунлиги, ишончли нусхасини (варианти) яратиш бўлса, иккинчиси таржималар матнини такомиллаштириш, таржима матнини аслиятнинг ишончли матнига яқинлаштиришдир.

Таржимонлар миллий маданиятларнинг фавқулодда ва мухтор элчилари

Инглиз таржимонлари ва олимларининг иши икки томонлама олиб борилган. Масалан, жаноб Кинг

этиборига кўра, у Лейден-Эрскин таржимасини аслият кўлёмалари билан қиёслашдан ташқари, Паве де Куртейлнинг франсузча таржимаси билан ҳам чоғиштирган. Шу асосда, бир томондан, инглиз таржимони йўл қўйган хатоларини тузатган, матнни тўлдирган, фарқлари хошияда қайд этган бўлса, фарангча таржимаси камчиликларини очиб, Илминский нухасидаги хатоларни ҳам топган. У ёзади: “Паве де Куртейл матнида тўртта узун парча борки, уларнинг ҳақиқий эканлиги шубҳасиздир, бу парчалар Лейден-Эрскин таржимасида тушириб қолдирилган. Назаримда, бу парчаларни фақат илова тариқасида бу нашрга (1921) киритиш мумкин”. Мазкур парчаларнинг биринчисида Бобурни Кирмонда хавфдан халос этиш, иккинчисида Хумойуннинг онаси томонидан Ҳиндолнинг фарзанд килиб олиниши, учинчисида Канваху учун жанг воқеаси охири, тўртинчисида Хумойуннинг бетоблиги ва Бобурнинг жон фидолиги (тасаддуқ) баён этилган.

Эрскин-Лейден ва Бевериж таржималари орасида матний фарқлар анча. Биз 1494 йил (ҳижрий 899) воқеаларидан бошлаб 1527 йилгача ҳижрий 934) кечган воқеаларга қадар қиёслаб чиқиб, орадаги тафовутларни аниқладик. Бир-икки мисол. Бобур Умаршайх ҳақида ёзади: “Бурунлар кўп ичар эди, сўнгралар ҳафтада бир-икки қатла суҳбат тутар эди, хушсуҳбат киши эди” (65). Михаил Салйеда бундай: “В прежние времена он много пил, но позднее устраивал попойки раз или две в неделю”. Лейден-Эрскин таржимасида “кўп ичар эди” жумласидан кейин “у “бўза” ва “талар”га муккасидан кетган эди” деб қўшиб қўйилган. Кейин таржимон бўза сўзига

изоҳ бериб, талар калимасининг луғавий маъносини топа олмай, “кўкноридан тайёрланса керак”, деб тахминий фикр билдиради. Лейден билан Эрскин фойдаланган форсий қўлёзмада эса бўза ва талар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Паве де Куртейл бу ўринда “у кўп ичар эди” деб кўя қолган. Нима ичишини аниқлаб ўтирмаган. Ёки Бобур алам билан ёзган “Андижонға бўла Самарқандни иликдин бердук. Андижон ҳам иликдин чикмиш эди. Бизга гофил “аз инжо ронда ва аз онжо монда” дегандек бўлди (гофил бу ердан қувилган, у ердан ажралган, яъни аро йўлда сарсон бўлиб қолишдан киноя). Эрскин бу гапнинг ярмини ўгириб, юқоридаги кинояни тушириб қолдирган: “Андижон туфайли Самарқандни кўлдан бердик, бирни сақлаб қоламан деб, иккинчиси кўлдан чикди” (1-қисм, 93). Нуқсонни Бевериж хоним баргараф этган. Матний хатолар, шундай қилиб: 1) жумлаларни қисқартириш; 2) кераксиз иловалар қилиш ва 3) маъно қусурларига йўл қўйиш, нотўғри изоҳлар беришдан иборат. Бевериж олдинги таржимадаги матний ортиқчаликларни тузатган бўлса-да (худди У. Кинг каби), аммо кейинги таржима ҳам бу нуқсонлардан холи эмас. Масалан, “Бобурнома”даги форсий фармонлар, айрим хужжатлар, хабарлар Лейден-Эрскин таржимасида ҳам, Аннетта Беверижда ҳам йўқ. Паве де Куртейлда булар мавжуд.

Даврий фарқлар ва услубий тафовутлар

Маълумки, асарда XV аср охиридан XVI асрнинг 30-йилларига қадар рўй берган воқеалар, ўн икки ёшга қадам қўйган Заҳириддин Муҳаммад Бобур-

нинг тахтга чиқишидан - Афғонистон билан Ҳиндистонни эгаллаб, катта салтанатни вужудга келтиришигача содир бўлган воқеалар изчиллик билан баён этилади. Муаллиф ҳар қайси йил воқеаларини алоҳида бир боб сифатида ҳикоя қилади. “Вақоеъ”нинг ёзилиши ва тартиб бериш вақти ҳақида турли хил мулоҳазалар мавжуд. Муаллифнинг бу тўғрида аниқ бир ишораси йўқ. Шунга қарамай, асарни мутолаа қилиш, хорижий таржима ва тадқиқотларни ўрганиш, аслиятда келтирилган далиллар, ёзилиш услубини диққат билан кўздан кечириш шундан шаҳодат берадики, у 1518-1519 йилларда ёзила бошлаган ва 1525-1530 йиллар орасида интиҳосига етган. Фаранг таржимони Паве де Куртейл инглиз шарқшунослари Лейден билан Эрскинларнинг фикрига кўшилиб, “Бобурнома” фотиҳ ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган, асар чала ҳолда қолган деган фикрни илгари суради. “Бунга асл нусха ва форсий таржималарнинг тўла эмаслиги далилдир”, дейди таржимон (13). А. С. Бевериж: “Тузуки Бобурий” ёки “Бобурнома” Ҳиндистонда ёзилганга ўхшайди” (441). “Бобурнинг мемуарлари ҳар-хил вақтларда битилган кўринади. Асарнинг Фарғона хотира қисмида тикланиб, Ҳиндистонни ишғол қилингандан кейин таҳрирдан чиққан бўлса, қолган қисмлари хомаки матн асосида ёзилган бўлса ажабмас”, дейди Лейн Пуул (13-14). Фикримизча, бундай мулоҳазаларнинг келиб чиқишига “Бобурнома”нинг ёзилиш нуқтаи назаридан икки хил услубга эга эканлиги сабаб бўлган. Бошқача айтганда, даврий фарқлар услубий тафовутларни юзага келтирган. Чунончи: Бобурнинг ворислик туфайли Фарғона вилояти тахтига ўтиришидан токи Шайбо-

нийхондан шикаст еб, Афғонистонга юзланганигача бўлган давр - ўн икки йилни ташкил қилса, Ҳиндистонни эгаллаб, катта империяни вужудга келтиришигача бўлган воқеалар баёни - 22 йилни, ҳаётининг сўнгги дамларигача бўлган давр эса - 4-5,5 йилни ўз ичига олади.

Ўн саккиз йиллик кемтик


Бу икки хилликнинг боиси шундаки, биринчи давр воқеалари маълум даражада умумий тарзда баён қилиниб, айрим пайтларда кейинги йил воқеаларида содир бўлган ҳодисалар ҳам тилга олиниб борилса, навбатдаги давр воқеа ва ҳодисаларини (айниқса, асарнинг Ҳиндистон қисмини) ёзишда вақтнинг аниқ кўрсатилиши, ҳафтанинг қайси куни эканлиги, айрим ҳолларда эса воқеа куннинг қайси пайтида содир бўлганлиги алоҳида таъкидланиши асар 1525 - 1530 йиллар орасида, Фарғона ва Кобул қисмлари эса хотира асосида битилганини кўрсатади. Масалан, муаллиф 909 (1503 - 1504) йил Афғонистон воқеалари тўғрисида сўзлар экан, Ҳиндистонда Султон Иброҳим Лўдийни енгганини ҳам таъкидлаб, уни қуйидагича баён этади: “Мен аксар Ҳиндустон черикларигаким келдим, гузарлар била ўттим. Бу навбатким, келиб Султон Иброҳимни босиб олиб, Ҳиндустонни фатҳ қилдим, Нилоб гузаридин кема била ўттим” (189). Бу ҳижрий 909 (1503 - 1504) йил воқеаларини муаллиф Ҳиндистонда ёзганини ёки аввалги ёзганларини таҳрир қилганини кўрсатади. “Тарих санаи 925 даким, Чағонсаройниким келиб олдим, тавоф қилиб эдим”. Бу ерда ҳам Бобур

Афғонистон воқеаларини ўқувчига эслатиб ўтган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 47 йилу 10 ой (14.2.1483 - 26.12.1530) умр кўриб, шундан 36 йили давлат арбоби бўлиб турган. Бас, “Вақоеъ”нинг асл нусхаси ва кўчирилган қўлёзмаларида ана шу 36 йил мобайнида содир бўлган воқеалар акс этиши керак эди. Лекин шуниси ачинарлики, ҳамма йилларнинг воқеалари китобда ўз ифодасини топмаган. Ган шундаки, ора-орадаги воқеаларнинг қисман, айрим ҳолатларда тўла етишмаслиги туфайли 18 йилга яқин йил воқеалари баёни ўз ифодасини топмаган. Бунинг натижасида воқеот хронологик жиҳатдан кемтикрок бўлиб қолган. Масалан, унда 910 ҳижрий йил воқеалари, 915 йилдан 924 йилгача, 927 йилдан 932 йилгача бўлган воқеалар ва 936-937 йиллардаги воқеаларнинг баёни қисқа ёки умуман акс этмаган.

Таржималар ва тажрибалар

Асардаги узилишлар олимларни турли тахминларга, гипотезаларга чорлайди. Турли хил фикрлар ўртага ташланди. Бу орада, юқорида тилга олинганидай, инглиз шарқшунослридан Ж. Лейден, В. Эрскин, Л. У. Кинг, А. С. Бевериж хоним ҳамда фаранг таржимони Паве де Куртейлнинг “Бобурнома” воқеаларини давр, мазмун ва мундарижа тарафдан ўзига хос тарзда қайта тиклаш (реставрация қилиш) йўлида олиб борган меҳнатлари таҳсинга сазовор. Булар ичида Бевериж хоним таржимаси ва тажрибаси алоҳида ўрин тутди. Олима хронологик узилишлар давомида бўлиб ўтган йил воқеаларини тиклашда тарих, эт-

нографияга оид 30 дан ортиқ, ҳайвонот ва ўсимликлар оламига оид 20 га яқин, 15 дан ортиқ ишончли луғат ва бошқа ноёб манбаларни ҳамда Бобурнинг ҳарбий юришларини акс эттирувчи харитани чизишда 20 га яқин ишончли жўғрофий манбаларни ўрганиб чиқиб, асарни матний ва мантиқий далиллаш томонидан яхлитлигини таъминлашга эришган. Шунингдек, У. Кингнинг ҳам бу борадаги хизмати диққатни ўзига тортади. У Лейден-Эрскин таржимаси матнини тўлдириш, пухталаш, жиддий таҳрирдан ўтказиб, аниқликлар киритишдан ташқари, асарнинг узилиб қолган йил воқеаларини тиклашга бел боғлаб, хийла илмий ишларни амалга оширади. Чунончи, “Хумо-йун Мирзони бетобликдан кутқариш учун подшоҳ ҳазратларининг қурбон бўлиши”, “Бобурнинг ўз ўғилларини меросдан четлаштириш режаси”, “Бобурнинг вафоти” боблари шулар жумласидандир. Булар Бобур ва бобурийлар тарихини ўрганишга хизмат қилувчи гоят муҳим манбадир.



Бу ерда: $A^{сл}$ - аслият, $M^{но}$ - манба, $T^{дк}$ - тадқиқот, $T^{рж}$ - таржима.

Бормикан бу дунёда бир бағри бутун...

Замон - Адабиёт - Таржима, Муаллиф - Мутаржим, Аслият - Таржима муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда “Бобурнома” жуда яхши манбадир. Ҳеч шубҳасиз, мана шу чала ҳолида ҳам “Вақоеъ” беназир ва мукамал бир асар. Шуниси бор-

ки, башарти тўла-тўқис ҳолда етиб келганида, бунинг савоби ва каромати тагин бир бошқача бўларди. Чунончи, кейинги 3 йил ичида Қозон шаҳрида топишган ва профессор Бегали Қосим томионидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да эълон қилинган (19.10 .90) “Насихатномаи Бобуршоҳ ба фарзанди худ” мактубининг (Бобурнинг Комрон Мирзога хати) мазмуни билан танишиш, шу кичик бир далилнинг ўзиёқ биз ҳали-ҳануз қандай шоҳона нимарсалардан маҳрум бўлиб турганимизни кўрсатади. “Бақоеъ”нинг мана шу кемтик жойларини қандай қилиб бўлмасин қидириб топиш, тўлдириш, жилла бунинг иложи бўлмаган тақдирда турли-туман бўлак манбалар: номалар, тарихлар, рисоалар, хотиралардан фойдаланиб, лоақал ўша даврда, ўша йил, ўша кун ёки ўша онда қандай воқеалар содир бўлганини тайин этиш иштиёқи маърифатли дунё олимларини ҳозирги дақиқага қадар банд этиб келмоқда. Биз қуйида ана шу самимий инсоний ва илмий интилишнинг ажойиб намуналарини келтирар эканмиз, булар ҳеч қачон аслият ўрнини, Бобур даҳоси билан яратилган қалб иҳори, изтироб ва нидони тўла ифодадай олади, деган фикрдан йироқмиз. Зотан, вақтнинг емирувчанликдан иборат ёвуз ишининг оқибатига қарши туриш мақсадида маҳобатли, буюк ўтмиш обидалари, осори атиқалар: мачит ва мадрасалар, расадхона ва дасхоналарнинг кўчиб кетган қисмлари, узвлари ҳамда ранг-бўёқларини “тиклаш” мақсадида монанд тадбирлар қидираётганимиз сингари, “Бобурнома”нинг ҳам воқеий яхлитлигини таъминлашга бўлган уринишларни табриклаш баробарида, мана шу жараён табиати билан яқиндан танишиш, бундай ишни ўзи-

миз ҳам беш аср кечикиб бўлса-да, бошлашимиз зарурлигига илм аҳлини иқрор қилишдир.

Шуни айтиш керакки, Аннетта Бевериж, Паве де Куртейл таржималари ҳам, сўнги мукамал таржималардан бўлишига қарамасдан, баъзи камчиликлардан холи эмас.

Қаламларига ҳасанот

Инглизча Лейден-Эрскин, А.С. Бевериж ҳамда Паве де Куртейл таржималарининг таҳлили хорижий таржималарнинг бир қанча манбалар ёрдамида даврий (хронологик) жиҳатдан хийла тўлдирилганини кўрсатса-да, ўз навбатида, улар ҳам аллақанча жиддий нуқсонлардан холи эмаслигидан далолат беради. Инчунин, Паве де Куртейлнинг шаҳодат беришича, йиллар изчилигидаги узилишлар асл нусхада ҳам, форсча таржимада ҳам мавжуд. Булар инглизча таржималарда ҳам ўз аксини топган. 1921 йилда Дублин университетининг араб ва форс тиллари факултети профессори, ҳинд тарихи мутахассиси, шарқшунос олим Лйукас Уайт Кинг томонидан “Бобурнома”нинг баъзи бир янгиликлар билан бойитилган, қайта таҳрир қилинган, тавсифланган нашри юзага келди. Олим инглизча таржимани нисбатан мукамал бўлган франсузча таржима билан қиёслаб чиқиб, анча тўлдиришлар қилади, кўпгина жойлариша аниқлик киритади. Асарнинг яхлитлигини аъминлашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, у забардаст фотиҳ Бобурнинг Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон бўйлаб юришларини акс эттирувчи харита тузиб, китобга илова қилади. Биргина Л.У. Кинг ўзи тузган изоҳ ва шарҳлар 4000 дан ошиб

кетганлигини юқорида қайд этиб ўтдик. У асардаги шеърӣй парчалар кимнинг қаламига тааллуқли эканини, манбаини излаб топиб, аниқ изоҳлаган.

Ҳижрий 936-937 (1529 - 1530) йил воқеаларига А. С. Беверижнинг қайдлари (Translator's note on 936 to 937 AH-1529 to 1530 AD). "Вақоеъ"даги узилиш бу 936 ҳижрийнинг муҳаррам ойига ўтган куннинг учинчисидан (7.9.1529), ҳижрий 937 жумадул аввалнинг олтинчи кунигача (26.12.1530), яъни Бобур вафот этган кунига қадар, ҳаммаси бўлиб 15 оғни ўз ичига олади.

Бу *Lacuna*, яъни кемтикни (китобнинг, матннинг тушириб қолдирилган, етишмайдиган қисмини) керакли манбалар билан тўлдириш анча мушкул иш бўлиб қолди. Бизга маълум бўлган манбалар эса ниҳоятда оз бўлиб, улар ҳам таржимаий ҳол баёнига оид маълумотлардир. Керакли далил тўпласа ҳам бўлар эди, бироқ бунинг ўрнига Аҳмад Йодгордаги (*Ahmad-i-Yadgar*) қўшимча иловалар, афғон султонликлари орасида яшаган теурийлар тарихига оид тўпланган материалларга дуч келасиз.

Манбашунослик ва таржима

Ҳижрий 936 йил воқеаларида тушиб қолган жойларни тўлдиришда қўл келадиган дастлабки манба бу Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий" (*Tarikh -i-Rahidi*) китоби бўлиб, ҳижрий 948 (1541) йилда ёзиб тугатилган. Шу китобнинг иккинчи қисми Бобурнинг таржимаи ҳолини ўзичига олади. Бу ҳижрий 936 йил воқеаларидаги узилишдан кейинги ўн икки йиллик

воқеалардир. Бадахшонда содир бўлган ишлар ҳақида келтирилган бебаҳо маълумотлар муаллифнинг ўттиз йиллик шахсий ҳаёт тажрибалари самараси бўлиб, Абулфазлнинг (Abul Fazl) “Акбарнома”си (Akbar-nama) ҳам шу жумладандир. Аслият (original) ўрнини босадиган кейинги муҳим манба бу Гулбадан Бегимнинг (Gulbadan Begim) “Хумойуннома”си (Humayun-nama) бўлиб, бу китоб оилавий сулолалар ҳақидаги тарихий ҳужжатдир.

Ўз жияни Акбарнинг фармонини бажо келтирган ҳолда, Гулбадан Бегим отасининг вафотига 57 йил тўлиши муносабати билан, ҳижрий 995 (1587) йилда, Акбарнинг падари (Хумойун) ва бобоси (Бо-бур) келажак авлод билишини хоҳиш этиб ҳамда бу муҳим манбадан Абулфазл ўз рисолаларида фойдаланар деган умидда “Хумойуннома”ни ёзди. Бу китоб оила аъзоларининг эсдаликлари ва аънъаналарини, саройда Бегимларнинг хотираларини ўз ичига олади. Ҳижрий 936-937 йил воқеаларида “Акбарнома”да келтирилган кўпгина далиллар Ҳайдар Мирзо ва Гулбадан Бегимдан олинган.

“Акбарнома” ва “Табақоти Акбарий”

Шуниси ажабланарлики, “Акбарнома”да ҳижрий 936-937 йилларда Ҳиндистонда бўлиб ўтган ғалаёнлар, Раҳимдод ва Абдул Азиз исёнлари, шижоатли Бибан ва Боязид ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Нимаики айтилган бўлса, бу Аҳмад Йодгорнинг хотираси туфайлидир. Бироқ Бобурнинг ўлиmidан кейин ордан 50 йил ўтган эди. Уз-ўзидан маълумки, ўша

пайтларда “Бобурнома”даги кемтик ўринларни тўлдириш машаққатлари кейинги 300 йилга нисбатан озроқ эди. “Акбарнома”да нимаики Бобурга тааллуқли бўлса, бу муаллиф (Абулфазл)нинг 15 йиллик тинимсиз меҳнати маҳсулидир.

Ҳижрий 936-937 йил воқеаларидаги узилишларни тўлдиришда яна бир муҳим манба Низомиддин Аҳмаднинг “Табақоти Акбарий”сидир (Tabaqat-i-Akbari). У ўз рисоласида Хумойуннинг подшоҳ бўлиши ва Хожа Муқим Ҳаровийнинг (Khaja Muqim Harawi) подшоҳликдан воз кечиши ҳақидаги ажойиб ва ғаройиб латифалар билан чегараланган. Кейинги кўшилган улуш китобнинг еттинчи қисмида бўлиб, унда Кашмир шоҳи Муҳаммад тарихи ҳақида сўз юритилди, аниқроғи, Бобурнинг ўша мамлакатга қилган хужуми тўғрисида. “Бобурнома”да бу сафар тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган. Ҳижрий 936 йилда Бобурнинг Лохурга ва у ердан қайтиб келаётган сафари вақтида бу кўшин юборилганга ўхшайди. Агарда у Ҳимолай чегараларида теурийлар ҳокимиятини давом эттириш ниятида юриш қилган бўлганида, у ҳолда Аҳмад Йодгор қайд этганидек, Бобур қароргоҳига қилган расмий ташрифида Қаҳлур Рожаси (Raja of Kahlur) бу ҳақда сиёсий маслаҳат берган бўлур эди. “Табақоти Акбарий” Абулфазлнинг “Акбарнома” устида ишлаётган вақтидан кейинроқ ёзилган бўлиб, 9 йил эртароқ 1002 (1593) ҳижрий йилида тугатилган. Афтидан, Абулфазлнинг ўз ҳисобидан Кашмирга қилган сафарида олиб келинган кўринади.

Яна уч бебаҳо манба

Асосий ва муҳим манбалардан тагин бири бу Аҳмад Йодгорнинг “Тарихи салотини Афғон” (Tarikh-i-salatin-afaghana) асаридаги илова бўлиб, у Бобур Мирзонинг ҳижрий 936 йилда Лоҳурга қилган юришини тасвирлайди. Самона қозисининг Мундахир Ражпутга (Mundahir Rajput) қарши норозилик билдириб Сихриндга юборган шафқатсиз қўшини ҳақида муфассалроқ тўхталиб ўтади. Бунинг аниқ тафсилоти шоҳиди ўша даврда ёзиб қолдирилган манбалардир. Аҳмад Йодгор китобининг ёзилиши тарихига тааллуқли бўлган баъзи бир мулоҳазаларга кўра ва Самоналик Хайбат Хоннинг (Haibat Khan) ёрдамчиси Неъматуллоҳнинг кўрсатмаларига биноан, “Тарихи Хони жаҳон Лўдий” (Tarikh-i-Khan-i Ludi) китобини ёзишда шахий ёрдамчиси Хайбатхон қозининг нотўғри эканлигини ва ундан ўч олиш учун олдиндан мўлжаллаб қўйган режалари қайд этилади... Аҳмад Йодгор Ҳумойуннинг ҳисоботини ҳам ёзиб қолдириши бу очиқчасига “Та-бақоти Акбарий”дан кўчирмачиликдир... Биринчи ҳи-коянавис ким бўлишидан қатъий назар, ҳамма нарса Бобур фойдасига ҳал бўлган эди.

Муҳаммад Қосим Ҳиндишоҳ Фариштанинг (Firishta) “Тарихи Фаришта” асари Бобур ҳақида ажойиб маълумотлар беради. Шуниси борки, 936-937 ҳижрий йил воқеаларидаги узилишларни тўлдириш учун олдинги манбаларга кўра озроқ бўлса-да, баҳарнав маълумот беришга ярайди. М. Жйулз Молнинг (M. Jules Mohl) фикрича, бу сўнгги тадқиқотлардан биридир.

Хумойун ва Бадахшон (Humayun and Badakhshan)

Эътимодли натижаларга эга бўлган яна бир ҳодиса - бу Бадахшоннинг узоқ қишлоқларидан бири - Ограга (Агра) Хумойуннинг қилган сафари бўлиб, Бобур уни инобатга олмаган. Бу воқеа 936(1529) йилнинг бошларида бўлиб ўтганди. Хумойун Кобулга келган кунларининг, 935 йилнинг адоғида, биринчи ўн кунликда рўй берган. Ажабланарли томони шундаки, бу хусусда синглиси Гулбадан Бегим ҳам лом-мим демаган. Балки бу ҳодисани четлаб ўтган ёки бунга аҳамият бермаган бўлиши мумкин. Эҳтимол, “Вақоеъ”нинг асл нусхасида бу йўқолгандир ҳам. Ҳозирда бу китоб Британия музейида сақланмоқда. Абулфазл ўз битикларида ўша юриш ва унинг мақсадини ҳар томонлама тасвирлаб берган. Ажабмас, Гулбадан Бегим буни эътиборга олгандир. Хумойуннинг Ограга келиши ака-укалик оқибатининг натижаси бўлиши ҳам мумкин.

“Акбарнома”да қайд этилишича... Бобур Ҳиндистонни қўлга киритганида ўғиллари Хумойун ва Комрон вояга етишган эди. Улардан бирини (Хумойунни) давлатпаноҳ ўлими олдидан ёнида бўлиб туриши истагида ўз ҳузурига чорлаганди. Комронни эса Қандаҳорда қолишга буюради. Ҳеч шубҳа йўқки, ўз замондошларининг таассуротларидан Ҳайдар ҳам баҳраманд бўлиб... кейинчалик 12 йил ўтгандан сўнгра улардан рисоласида истифода этади. Шундай бўлса ҳам бу ҳақда икки хил мулоҳаза илгари сурилади. Бири - Хумойуннинг Қалъаи Зафарни (Qila'-i-zafar) тарк этиши учун ҳеч қандай фармон берилмаганлиги. Иккинчиси шуки, ҳеч ким Хумойунга Ограга келгунига

қадар ёрдам қўлини чўзмаганлиги. Абулфазлнинг мулоҳазасига кўра, у ҳеч қандай чорлаш эмас, балки отасини кўриш истагида ўз қароргоҳини тарк этган. Шунини айтиш жоизки, Моҳим ўз ўглининг Ограга тезроқ келишини истаб ёзганди, бу эса Бобурнинг хоҳиши деб қабул қилинди. Бироқ шамол бўлмаса дарахт шохи тебранмас дегандай, 935 йилдан кейинги ривоятларга кўра, гўё Бобур ёхуд Халифа (Khalifa) Хумойуннинг муваффақиятсизликка учрашини истагани ва Моҳим уларни муросага келтиришга аҳд қилган эканлиги ҳақида миш-мишлар ҳам юради. Мирзонинг Қалъаи Зафарни тарк этиш ниятидан воқиф бўлган лашкарбошилар у йўқлигида чегарада турган Авазбекка бас келолмасликларини айтишади. Хумойун бу гапларни тасдиқлаб, етиб бориши биланоқ биринчи имкониятдан фойдаланиб, биронта Мирзони ўз ўрнига юборажагини билдиради. Кейин бир кун ичида Кобулга от чоптириб келиши ва бу шошилинич сафари ҳақида Абулфазл китобида ишончли далил келтирган.

Хумойуннинг Қалъаи Зафарни тарк этиши шундай саросимани юзага келтирдикки, ҳаммаси бўлмасаям, баъзи бир бадахшонлик сардорлар, ўша пайтдаги Кошғар (Kashghar) ҳокими Саидхон Чигатойнинг (Sa'id Khan Chaghatai) хизматида юрган Хайдар Мирзо ҳузурига келиб, ҳокимиятни ўз қўлларига олишни таклиф қилишади. Улар мутавалли Фақир Алининг (Faqir-i'ali) кучсизлиги ва Авазбек билан беллаша олмасликларини айтиб, Саиднинг келишини илтижо қилишади ва илтимосларини инобатга олиш учун Шох Бегим Бадахшийдан (Shah Begim Badakhshi), ҳатто меросни унга олиб беришни раво кўрадилар. Хонни (Бадахшийни) шошилтирганлари мамлакат учун ҳам

хавф туғдирарди. Хижрий 936 йилнинг муҳаррам ойида у Кошғардан отланади (9.10.1529). Шу пайтда Хумойун Кобулдан Ҳиндолга юборган, унинг кўрғонга (Қалъаи Зафарга) етиб келганига 12 кун бўлган эди. Бундай олганда, ғарбий ерлар Бадахшоннинг баландрок худудларидан, Абобакр Мирзо Дуғлотнинг (Aba -bakr Mirza Dughlat) ери бўлиб унга қўшилган эди. Ҳайдар бу вақтда Қалъаи Зафар йўлини билиб келиш учун кетган эди.

Кўрғонни Бобур лашкарлари қўлга олган эдилар. Бу эса, ўз навбатида, кошғарийларни (Kashgharis) танг аҳволга солиб қўйган, қиш тугамагунча уларнинг тоғдан ўтиб уйга келишларига қор тўсқинлик қилар эди. Қишни ўтказиш учун бошпана керак эди. Ҳайдар баъзи бир ўзига маълум худудлардан Помир йўли очилгунга қадар жой сўради. Аммо унинг илтимоси қондирилмади. “Улар бизга ишонмайдилар”, “буни муғомбирлик деб тушунмоқдалар”, деб ёзади у. Ҳайдарнинг таъкидлашича, Мирзо Хоннинг (Khan Mirza) ҳукронлик даврида, Саиднинг Бадахшонга қилган аввалги (925:1519) хужумидан сўнг, бадахшонликлар кошғарийларга ишонмай қўйган эдилар. Мирзонинг нияти рўёбга чикмагандан кейин, кўрғон атрофидаги қишлоқларни талон-тарож қила бошлади. Бир неча кундан кейин бу ерларга Хон келди ва Ҳайдардан қолган қутган нимарсаларни унинг одамлари таладилар. Хужжатларда ёзилишича, Саидхон кўрғонни 3 ойгача қуршаб турган, бироқ уруш эълон қилгунга қадар ҳеч қандай хужум ёки тажовузга йўл қўйилмаган. Хон қишгача ўзини таклиф қилганларни кутди, аммо улар Ҳиндол Мирзонинг кўрғонга етиб келгани сабабли, таклиф этолмаганларини айтиб, узр сўрадилар. Хон

Бобур подшоҳга қарши бориш мумкин эмаслигини, даъватга биноан келганини яна бир бор уқдириб, Авазхоннинг Бадахшонда бўлиши подшоҳга ва унга қанчалик аянчли бўлганини айтиб, энди одамлари уй-уйларига қайтишларини билдирди.

Бадахшонни Султон Вайс Кўлобий (Sultan Wais of Kul-ab) каби бақувват кўшинга эга бўлганлардан эҳтиёт қилиш ўзининг ҳам бурчи эканлигини яна бир эслатиб ўтди. Шундай деб у Кошғарийга қайтди ва баҳор фаслининг бошларида Ёркандга (Yarkand) етиб келди.

2. Хумойуннинг кейинги хатти-ҳаракатлари (Humayun's further action)

Хумойун Кобулга ҳижрий 935 йил зулҳижжа ойининг ўнинчиларида (26.8.1529) етиб келди. Комрон Мирзони учратди. Кобул ийдгоҳида (байрам ўтказиладиган жойда: 'Id-gah) икковлон ўша куни бошлаган ийдул кабирда ('Idul-kabir), катта совға-саломлар бериладиган байрамда қатнашишди. Катта ийд байрамни ўтказиш учунми, балки Хумойуннинг Бадахшондан келгани туфайлими, кейинчалик “Бобурнома” ва бошқа манбаларда айтилганидек, эҳтимол, ўзғаришларни олдиндан пайқабми, Мирзо Комрон Қандаҳордан Кобулга келган эди. Абулфазлнинг маълумот беришича, Комрон Мирзо Хумойундан ташриф сабабини сўраганда фармонга чора йўқтур, падари бузургворим дийдорини кўриш истаги билан келдим, деб жавоб қайтарган. Ажабмас, иккала Мирзо Бадахшон қай аҳвол

да, қай вазиятда қолганини андиша ҳам қилишган чиқар. Натижада Ҳиндол Мирзо Қалъаи Зафарга юборилди. Ҳолбуки, фармонга мувофиқ у Ҳиндистонга бориши лозим эди. Ҳумойун Кобулда бир неча ҳафта туриши мумкин эди, аммо Ёрканд ва Қалъаи Зафар орасидаги шов-шувларни, Ҳиндолнинг шимол томонга жўнаб кетган куни турли шубҳа-гумонларга озик бериши мумкинлигини, барисини Ҳумойун кутарди. Саиднинг муҳаррам ойида жўнаши, унинг сафари Сариг Чўпонгача (Sarigh-chupan) етиб олиш муддати ва Ҳиндолнинг кўрғонга етиб келганига 12 кун бўлганлиги ҳақидаги Ҳайдар берган маълумот ҳам унга маълум эди. Абулфазлнинг таъкидлашича, Ҳумойуннинг Ограга келиши Алвар (Alwar) фуқароларининг ўлимига аза тутган сарой аҳлининг кўнгли тоғдай кўтарилган ва отаси ҳам бундан хушнуд бўлган. Аммо шу вақтда Бобур Ҳумойунга юборган хатида, агарда у ўз лавозимидан воз кечиб қочиб келса, қавм-қариндошлари, падари бузургвори ундан норизо бўлажакларини ёзган эди.

... Хуллас, Ҳумойун ўрнига бошқа киши тайинланиши эҳтимоли ҳам йўқ эмасди. Айтишларича, Халифага бу лавозимни таклиф қилишган экан, у рад жавоби берибди. Ҳумойун қайтиб келади деган мишмишлар ҳам тарқалганди, аммо у хоҳиши йўқлигини билдирган. Шунда Бобур барчага ибрат бўладиган мардонавор жасорат кўрсатди. Хижрий 926 йилда отасиз ўсган 16 ёшлар чамасидаги Мирзо Сулаймонни ўз хузурига чақиртириб, унинг отаси Хон Мирзо бир вақтлар ҳукмронлик қилган ерларга бошчилик қилишни буюрди. Аҳмад Йодгорнинг тасдиқлашича, Су-

лаймоннинг Оградан у ёкқа равона бўлишини асло кечиктириб бўлмасди.

Қалъаи Зафардаги кишки кўрғондан газаб отига минган Саиддан Сулаймонни кўриқлаш учун, Бобурнинг ўзи кўшин олиб, у билан бирга ёки ортидан Лоҳурга бориши керак эди. Айни пайтда Хумойуннинг Санбалга (Sanbhal) (бу унинг жойгири эди) кетишига рухсат берилди.

Мирзо Сулаймон бу мансабга тайинлангандан сўнг, Бобур Султон Саидга нома битиб юборади. Бунинг мазмунини Ҳайдар шундай шарҳлайди: - Бунда Султон Саиднинг Бадахшондаги кирдикорларидан хай-ратланиб, Мирзо Ҳиндолни чорлаб, ўрнига Мирзо Сулаймонни тайинлаб юборгани ҳақида хабар беради. Агарда Саиднинг меросга кўз олайтиргани рост бўлса, “Сулаймон шоҳ мирзо” иккови ҳам унга (Бобурга) ўғилдай эди. Мулкани қолдиргани бир ҳисобда дуруст бўлибди, ақс ҳолда у (Бобур) ўз бурчини меросхўрига (Сулаймонга) нисбатан қайта кўриб чиқиши мумкин эди. Қолгани ўзингизга аёндир, деб эскартма беради А. С. Бевериж хоним.

3. Бобурнинг Лоҳурга қилган сафари (Babur visits Lahor)

Бобурнинг Лоҳурга ва Панжобга қилган сафари ҳақидаги Аҳмад Йодгор маълумотларини тўғри деб ҳисобланса, унда ҳижрий 936 йил воқеаларидаги кемтикларни тўлган деб фараз қилинса бўлади. Бобурнинг Ҳиндистон фатҳининг учинчи йилида ҳукмронлик қилаётган вақтида, яъни ҳижрий 935 йил ражаб ойининг ўн бешида (26.3.1529) Дехлида жаноби

Мирзога хутба ўқилган кундан бошлаб бу юришни муаррих Аҳмад Йодгор қайд этган эди. Бобурнинг 935 йилдаги хотироти охиригача мукамал бўлганлиги сабабли, Оградан Лоҳурга жунаб кетган вақтини ҳижрий 936 деб кўрсатилган. Бобур подшоҳ вафоти олди-дан маълум бўлган воқеалардан аввалроқ, йилнинг бошидаёқ жунаб кетган бўлиши мумкин. Унинг юриши муддатини Аҳмад Йодгор бир йил дейди, аслида эса эртароқ бошланган бу сафар Хумойуннинг Лоҳурга келиши ва Сулаймоннинг Бадахшонга жунаб кетишига дахлдор ҳодисаларнинг кетма-кетлигига тўғри келади. Ҳайдар ва Аҳмад Йодгор замондошлари бу тарихий саналарни маъқуллаб тасдиқлайдилар. Ўша вақт ҳодисаларини шарҳлаш учун шимоли-ғарбга юришнинг сабаби аниқ. Биринчидан, Абдул Азизнинг Лоҳурда кўтарган исёни. Иккинчидан, Саидхоннинг Бадахшонга қилган ҳужуми ва Сулаймонни қўллаб-қувватлаш учун Бобур томонидан юборилган ҳарбий ёрдам эди.

Каҳлур рожаси (Raja of Kahlur) бу пайтда Сихринда, Симла тепалигида жойлашган қалъаларнинг бирида еттига тўп-тўпхоналарини тайёрлаб туришга буйруқ бериб, 3 минг отлиқ аскар билан Бобурни кутиб турарди.

Баъзи бир муаррихларнинг шаҳодат беришича, Лоҳурда Комрон Мирзо (Kamran) падари бузургворини ўз боғида кутиб олиб, уни маҳаллий сардорларга Лоҳурнинг ҳокими деб таништирган. Бироқ асосий манбаларда Комронни Қандаҳорда қолган, деб келтирилган. Ограга Аскарини чақиртирилган вақтда у (Комрон) Мўлтонга (Multan) тайинланган эди. Аслини олганда, Комрон Мирзо нинг у ерга боргани ҳақиқатга

тўғри келмайди. Абулфазлнинг таъкидлашича, бир неча ойдан сўнг (зулҳижжа ойининг 10 ида, 935 йил) у Қандаҳордан Кобулга келган. Отаси вафотидан бир йил ўтгач, ҳижрий 935 (1531) да акаси Хумойундан иккала давлатни, Мўлтон ва Лоҳурни зўрлик билан тортиб олган. Шунинг учун Лоҳурда отасини кутиб туриши ишонарлироқ. Хиндол (Hind-al) ҳам Кобулга келишида худди шундай қилди. У Қалъаи Зафарни Сулаймон Мирзога топширгандан сўнг Лоҳурга қайтган эди. Отасининг Лоҳурдан жўнаб кетишидан олдин, қишнинг охирида келиб мукофот (gifts) тарзида 2та фил, 4та от, камар ва заррин ханжарларни олди. Айтишларича, Бобур Лоҳурни ражаб ойининг тўртинчисида тарк этган.

4. Мундоҳирларнинг жазоланиши (Punishment of the Mundahirs)

Бобур сафардан қайтаётиб Сихриндга келади. амнон қозиси, Моҳан Мундахир (ёки Мундҳар) Ражпут унинг ерига ҳужум қилгани, талон-торож қилиб ҳамма жойни ёндиргани ва ўглини ўлдириб кетгани ҳақида Бобурга арз қилади. Подшо ҳазратларининг буйруғи билан Али Қулихон Ҳамадо ний (Ali-quli of Hamadan) 3 минг отлик би лан қозининг мулкини қайтариш ва ўч олиш учун Кайтал туманига (Kaital) Моҳаннинг қишлоғига келади. Бу ерда эрталаб ҳаво шунчалик совуқ эдики, ҳатто кўз очиб бўлмасди. Ушал кеча одамлар никоҳ тўйини нишонлашарди. Қишлоқдагилар иссиқ уйларида шундайин ўқ отардиларки, пөлшоҳ кўшини унга бардош беролмади. Кўп қурбонликлар бўлди. Ҳеч қандай чора қор қилмади. Улар чака-

лакзорга чекиниб, олов ёкиб исинишди, бошқатдан хужумга ўтишди. Лекин барибир яна мағлубиятга учрадилар. Уларнинг мағлуб бўлганларини эшитган Бобур Сихринддан Тарсамбек Баҳодир (Tarsam Bahadur) ва Навранг Бекни (Naurang Beg) 6 минг отлиқ ва филлар билан жўнатди. Бу лашкар тўйнинг энг авжиди, тонгга яқин қишлоққа кириб боради. Тонгга яқин кўшин уч қисмга бўлинади: режа бўйича бир қисм сипоҳийлар қишлоқнинг ғарб томонидан ҳамла қилиши керак эди. Шундай бўлди ҳам. Қишлоқдагилар илк муваффақиятларидан мағрурланган ҳолда, қарши хужумга ўтдилар. Подшоҳ Бобур кўшинлари, аввал келишиб олганларидай, орқага чекина бошладилар. Мундаҳирлар эса икки фарсангача уларни қувиб кетишди. Шу пайт Тарсамбек Баҳодир қишлоққа ёпирилиб, хонадонларга ўт қўйди ва кўпгина маҳаллий аҳолини ўлдирди.

Таъқибловчилар уйлари гуриллаб ёнаётганини кўриб, орқага югуришар ва йўлда қўлга туша бошладилар. Минглаб эркагу аёллар, болалар ҳибсга олинди. Катта хунрезлик бўлди. Каллалардан миноралар кўпорилди. Моҳан қўлга тушди. Кейинчалик уни кўкрагигача ерга кўмиб, ёйдан ўқ отиб ўлдирилди. Бу воқеаларнинг хабари подшоҳга етказилди.

Сихринддан кейин Бобур Деҳлида икки ой чамаси қолиб, ов қилиб кўнгил очган. Ўша ҳудудда жойлашган, темурийларнинг севган ва сўлим жойларидан бири Карнал (Karnal) вилоятининг Кайтал (Kaital) туманида Нардакда (Nardak) ҳордиқ чиқарган.

Шундай қилиб, 936 ҳижрийдаги кемтик ва 937 ҳижрийнинг биринчи оyi ҳам Бобурнинг Деҳлининг ғарб томонига қилган “йиллик” саёҳати билан тўлди-

рилди. Бу йил давомида ҳукмдорнинг қаерда бўлгани, саройдагилар қандай ҳодисаларни унга айтиб бериш учун олдига борганлари ҳақида айрим маълумотлар ҳам кўзга чалинади. Сўнгра у ёқлардан қайтиб кетгани маълум бўлади. Кашмирга қўшин юборган бўлиши ҳам мумкин...

5. Ҳумойун Мирзони бетобликдан халос этиш учун подшоҳ ҳазратларининг ўз ҳаётини бахшида этиши

(Babur's self-surrender to save Humayun)

Бобур Мирзонинг Оградан қайтиши унинг шимоли-ғарбга қилган юриши ва ўлиmidан сўнгги тўрт-беш ой орасидаги воқеаларни қизи Гулбадан Бегим ва тарихчи Абулфазл фақат оилага дахлдор бўлган воқеалар билан тўлдиришга ҳаракат қилишган. Муаллифлар қайд этиб ўтган шун дай воқеалардан бири Ҳумойун Мирзонинг бетоблиги бўлиб, подшоҳ ҳазратлари бутун бир давлатини, тахт ва салтанатини жаҳонда ягона нодири замон, севимли ва бахтли ўғли Ҳумойун ҳаётини сақлаб қолишга бағишлаган эди. Мазкур воқеанинг тафсили шундай: Ҳумойун Санбалда бўлган пайтида қаттиқ асаб касаллигига чалинади. Уни дарё ор-қали Ограга олиб келишади. Опаси Митҳарада кутиб олади. Ҳеч қандай табобат, дори-дармон қор қилмаганидан кейин, Бобур Шарқ таомлига кўра, касалга чалинган одам ҳаётини кутқариш учун эътиқод юзасидан бажариладиган анъанага бўйсунди. “Ғараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским (Қоҳи нур)

(Koh-i-nur) Муҳаммад Хумойунга иноят қилиб эрдигиз, тасаддуқ қилмоқ керак. У гуноҳсиз қизларининг пок номларига қасам ичиб, тўшакда ётган Хумойуннинг атрофида уч марта айланиб, Худога илтижо қила бошлади: “Худоё, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўлса, менким Бобурмен, умри-жонимни Хумойунга бағишлаймен”. Бу маросимни бажариш вақтида жаннатмакон ҳазратнинг тоблари қочиб қолди. Титроқ босиб ва муножоти ижобат бўлганини тасдиқлаб, йиғлаб деди: “Мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Мен оғир юкни олдим” (bardashtan). Шу куннинг ўзидаёқ жаннатмакон ҳазратни тоблари қочиб қолди. Хумойун подшоҳ эса ўз бошларидан сув қуйиб, ташқарига чикдилар ва ўзларини кўргани келганларни қабул қилдилар. Подшоҳ бобомнинг касалликлари туфайли ичкарига олиб кирдилар. Яқин икки-уч ой ётиб қолдилар”, деб таъкидлайди Гулбадан Бегим. Ҳеч шубҳа йўқдур ким, Бобурнинг маросим вақтида сидқидилдан Тангри таолога муножот этгани ва ишонч билан ҳаётини қурбон қилгани ижобат бўлган эди. Бундан ташқари, кўплаб далиллар ҳам унинг садоқати ва ишончини тасдиқ-лайди. Кузатувчилар ҳам унинг худога илтижо қилиб қурбонликка ҳаётини бағишлаганига ишонишлари керак эди. Чунки Хумойун Санбалдан қайтиб келганида подшоҳ ҳазратларининг касали оғирлашиб, уч кундан кейин ўткинчи дунёдан абадий дунёга рихлат қилган эдилар.

6. Бобурнинг ўғилларини тахтга ворисликдан четлаштириш режаси

(A plan to set Babur's sons aside from the succession)

“Акбарнома”ни ўқиганда Бобур Ҳиндистонни Хумойунга бағишлаши ҳақидаги барча кишида ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Бироқ бошқа манбалар айрим зиддиятли фикрларни келтириб чиқарадигандай туйилди. Наинки Абулфазл, Низомиддин Халифа, ҳатто Бобурнинг ўзи ҳам, саройдаги айрим шахслар билан ҳамфикр ҳолда, Ҳиндистонга бошқа киши ҳоким бўлишини хоҳларди. Бундай қарорнинг далили “Табақоти Акбарий”да келтирилган ҳикоят бўлиб, тафсилоти “Акбарнома”да ҳам қайдланган. Хумойун билан унинг уч инисини Халифа оталарининг меросидан маҳрум этишни режалаштириб қўйган эди. Воқеанинг индаллоси шундай: “Бобур вафот этган вақтида Низомиддин Аҳмаднинг отаси Хожа Муҳаммад Муқим Ҳаравий” дар хизмати девонии буётот (*dar khidmat-i diwani-i-buyutat*), яъни сарой хизматида ишларди. Амир Низомиддин Али халифақим, шайхурраис бўлиб, Хумойундан ўлгудай кўрқар, унинг подшоҳ бўлиши тарафдори эмас эди. Бобурнинг бошқа ўғилларини ҳам унча хуш кўрмасди. У “Бобур подшоҳнинг куёви (домодий) (*damad*), Хонзоданинг эри Мир Муҳаммад Маҳди Хожа олийҳиммат ва ёш, унга (халифага) нисбатан дўстона муносабатда бўлгани учун уни подшоҳликка тайинлашга ваъда беради. Бу ваъда тез орада ҳаммага аён бўлиб, баъзилар Хожага салом (*salam*) бера бошлайдилар. Бундан димоғи кўтарилган Хожа мавқеидан фойдаланади; Кунларнинг бирида ха-

лифа Муқим ҳамроҳлигида Маҳди Хожани кўргани хаймасига (чодир) боришади. Бу вақтда Бобур ўлим тўшагида ётган бўлиб, Маҳдини хузурига чорлаш учун чопар юборган эди. Халифа чиқиб кетганидан кейин Муқим уни тавозеъ билан кузатгани боради. Хожанинг ёшлик қони қайнаб, соқолини силаб туриб дейди: “Худо хоҳласа, биринчи шуни терисини шиламан! “Шу заҳоти орқасига ўгирилиб Муқимни кўради, ва уни кулоғидан тортиб, таҳдид билан огоҳлантиради: “Забони сурх сари сабзро мебуррат” - “Қизил тил сабз бошни қурбон қилар”. Шу пайт Муқим халифанинг олдига шошади ва Хожанинг таҳдидини айтиб, Бобурнинг ҳамма ўғилларини меросидан четлаштириш (хонводаи бегона: *khanwada-i-biganah*) режасига қарши чиқади. Буни эшитган халифа тезда Санбалга, Хумойунга чопар юборади. Бир вақтнинг ўзида Хўжага ҳам соқчи юбориб, Хожани тановул қилаётган жойдан ҳеч қандай иззату икромсиз олиб келишни буюради. Шу билан бирга, халифа у билан иш юзасидан дўстлик муносабатларига чек қўйиш учун фармон чиқаради ва қозихона ҳайъатидан (махкамасидан) ҳайдаб, Бобур вафотидан сўнг Хумойунни қўллаб-қувват-лайди. Низомиддин Аҳмад Бобурнинг вафотидан йигирма йил ўтгандан кейин туғилгани учун, бу ҳикоя дунёга келишидан олдинроқ ёзилгани, қадрига етиб уни “Табақоти Акбари”га, озроқ тафсилотлар билан “Акбарнома”га киритиш учун ҳаракат қилган пайтида орадан олтмиш йил ўтган эди. Бор воқеани шундайи-ча қабул қилиш ақлга сўғмайдиған иш кўри-нади. Сабаби, фақат халифанинг ўзи Бобурнинг тўрт ўғлонлари меросини Маҳди Хўжага режалаштириб қўйгани ҳақида сўз юритилмоқда, ҳолбуки Маҳди

темурийлардан ҳам, сарбадорлар сулоласидан ҳам эмасди. 1529 йилнинг куз ойларида жияни Раҳимдод билан бирлашиб кўтарган исёни Бобурни анча ғазаблангирган бўлиб, икковини ҳам ўлим жазосига маҳкум қилгани ҳақида ҳар хил миш-мишлар юрарди. Иккала шароитда ҳам Маҳди Хожа ва Бобурнинг тутган ишлари мазкур воқеага қойим келмаётгандай туйилади. 1530 йилларда у ёш ҳам эмас, Бобурга домод (қизининг куёви) ҳам бўлмай, у анчайин язна (yazna) (подшоҳ синглицининг, яъни Хонзода Бегимнинг эри) эди, холос. Баъзи бир муаллифлар уни Саид Маҳди Хожа деб айтишади, бунинг сабаби Хонзода Бегим макбараларида охириги Термиз (Tirmiz) саидларидан бири Шоҳ Абул Маолий (Shah Abu'l-ma`ali) дафн этилган бўлиб, ўша шаҳардаги саид авлодларига бориб тақалади, дейишади. Аммо гарчанд Термиздан бўлса ҳам, унинг хонвода (khanvada) бўлиши шубҳа уйғотилади, чунки “хонвода” бу сарбадорлар сулоласига мансублигини билдиради. Унинг номи Низомиддин Аҳмад ҳикояларида гарчанд янглиш келтирилган бўлса-да, жаранг-лаш учун “домод” (синглицининг эри) сифатида қайд этилган бўлиши мумкин. Бобурнинг замондошлари учун “Бобур подшоҳнинг домоди” аниқ эди, чунки ўлимидан 11 йил олдин унинг ягона куёви - Муҳаммад Замон Мирзо Бойқаро, яъни Маъсума Султонбегимнинг эри бўлган. Агарда Маҳди Хожа номининг ўрнига Мирзоники келтирилган тақдирда, эҳтимол, мазкур ҳикоя ҳақиқатга яқинроқ бўлур эди.

Халифа Бобурнинг маслаҳати билан ёки маслаҳатсиз темурийлар авлодига дахлдор бўлмаган ҳар қандай шахсни меросга эгалик қилишини режалаштириб қўйгани ишонарли эмасга ўхшайди. Менимча, фақат

Ҳиндистонга тааллуқли бўлган бу режа Бобурнинг Кобулга қайтиш нияти билан боғлиқ, чунки шундай мураккаб ва қийин давлатни назоратсиз қолдириш хавфли бўлиб, уни бошқариш ҳар қандай кишининг ҳам қўлидан келмасди. Шу боис ўзга бир хил одамларга давлатни бошқариб туришларига хоҳиш билдирган бўлиши мумкин. Албатта, бундай одам Хумойун эмасди. Инглиз таржимони ўз даъвосини куйидагича асослайди:

1). Бобур Ограга бутунлай бошқача қарарди. Чунончи, 1587 йили Абулфазлга “Бобурнома” материаллари топширилган пайтда Деҳли темурийлар давлатининг марказига айланган эди. Шу нинг учун Ҳиндистонни бошқармаслик бу подшоҳ бўлмаслик далолати эди. Бобурнинг Ҳиндистон тўғрисидаги мақомоти, яъни мавқеи тамоман бошқача бўлган. Бу ўринда у Деҳлини эмас, Кобулни марказ деб танлаган ва Кобулдан нафақат шимоли-ғарбга, балки унинг шарқига ҳам кўз тикарди. Агар у ўша вақтда замонавий бирлашган вилоятлар бўлмиш Ҳиндистонни қўлдан бой берганида, унинг гарбида жойлашган Қандаҳорни ушлаб туролмасди.

2). Вафотидан олдин, бир неча йил давомида у Кобулга қайтишни орзу қилиб юрарди. Унинг кундалиги, ёзган мактублари ва иккинчи “Девон”идаги (Diwan) (Ражпур қўлёзмаси) бир қанча шеърлар бунинг исботидир. Ўз ўғилларига бир неча бор такрорлаб айтганидек, у Кобулни ўзи учун сақлар эди. Ограда эмас, балки Кобулга қайтиб келиб, у ерда вафот топганида, - Бадахшон ёки Самарқанд орқали келганида, - унда ўша ерлардан бирини ўз ўғли Хумойунга тақдим этган бўлур эди. Таомил ва ривоятларга кўра,

Ҳумойун ва унинг укалари Ҳиндистонни бошқара олмайди, деган қарашлар ғалат туйилади. Халифа билан биргаликда у аждодлари Чингизхон (Chingiz Khan), Темур (Timur) ва Абусаиднинг (Abu-sa'id) меросни тақсимлаш тажрибаларига амал қилганди. Унинг режаси бўйича Ҳумойун Ҳиндистонни эмас, балки Тирмухоний (Tirmontane) ҳокими бўлиши керак эди. Комронда Қандаҳор бор эди. Ҳумойун Бадахшондан кетса, у ерни Сулаймон оларди ва Ҳиндистон “Бобур подшоҳнинг домод”ига қоларди.

3). Муҳаммад Замон (Muhammad-i-zaman) ҳар томонлама Ҳиндистонга лойиқ бўлиб, темурийлар вори-си, Султон Хусайн Мирзонинг невараси ва меросхўри, икки томонлама темурийлар авлодига мансуб бўлган Маъсуманинг эри эди. Ҳиротда Бойқаронинг (Baikara) фожиасидан кейин Бобур ўз ҳимоясига олган ерсиз ва қочоқлар Муҳаммад Султон Мирзо, Одил Султон ва Қосим Хусайн Султонким, ҳаммалари бир томондан ярим темурийлар авлоди эдилар. Улар Ҳуронга черик тортиш чоғида Кобулда Бобурнинг меҳмони бўлган, муҳтожлик маҳалларида унга ўз ёрдам қўлларини чўзиб, 932:1525 йилда Ҳиндистонга ўтишига ёрдам берган эдилар. Бу Бойқаро табақаси ҳокимиятга жойлашиши лозимлигини тақозо қиларди. Шунинг учун кейинчалик Муҳаммад Замон ва унинг Маъсумасига нигоҳбон керак эди.

4). Эътиборга олиш керакки, 1529 йилнинг апрел ойида (ҳижрий 935 йилнинг шаъбонида) Бобур Муҳаммад Замоннинг ҳокимлик қилиши учун унга соябон шаклли давлат тамғасини (the umbrella-symbol of sovereignty) тақдим этган эди. Бу “Бобурнома”да тилга олинмаган. Бикҳарга қарши чикқанидан сўнг Муҳам-

мад Замон Мирзога берилган эди. Улар ғолиб келганларидан кейин тамға такдим этилган. Холбуки, ҳарбий сабабларга кўра, бу мансабни у ўзига лойиқ кўрмаган бўлса-да, шундоғам давлат арбоби сифатида машҳур эди. Кейинги ҳаракат бу тарқалиб кетган Шарқий сулоланинг пойтахти - Жўнпурга (Junpur) қаратилган эди. Бобур тамға беришдан бошқа ҳеч қандай ҳокимликни назарда тутмаган.

5). Бу подшоҳ ҳазратларининг ворис танлашдаги маҳоратидан дарак беради. Улар Ҳумойун ва халифа бўлиб, халифанинг Ҳумойунни “кўллаб-қувватлагани” ва “сайлаган”лари ҳақидаги Аҳмад Йодгорнинг қизиқ бир латифаси эътиборга лойиқ. Кўлга киритилган жойларни тақсимлаш учун эркинлик берилгани ҳақида Низомиддин Аҳмаднинг қиссаси бунга яхшигина мисол бўла олади. “Домод” учун нечук мулк ажратилган бўлса ҳам, бу подшоҳнинг мулки. Ҳиндистоннинг мустақиллиги Бобурга қандай маълум бўлган бўлса, халифага ҳам шундай равшанлигига ишониш қийин. Илк режалари қандай бўлишидан қатъий назар, Ҳумойуннинг касалга чалиниши унинг фикрини ўзгартириб, пировардида подшоҳликка олиб келди.

“Домод”нинг сайловдан тушиб қолгани, Олийҳазрат Ҳирот Муқими ёинки халифанинг териси шилиниб қолиш кўркувидан халос бўлгани улар учун катта бахт эди.

Ҳумойуннинг Ҳиндистонга қилган юриши, у ерда қолиб кетиши, тахт ворисининг Бадахшондаги ҳолатидан яна бир томонини очиб берди. Унинг ҳаттиҳаракатларидан нима учун Бобур ҳижрий 936 йилда Кобулга эмас, Лоҳурга кетгани аниқ бўлиб қолди. Аввалги режага биноан, мулк Бойқаро Мирзога теги-

шли эди. Бу ҳақда Моҳим Бегим хабардор бўлиб, ўғлини Ограга юборган, у ерда ушлаб турган, чунки мўлжалдаги “домод” Бойқаро Мирзо эканини пайқанган эди. Ҳумойуннинг Ограда кийин аҳволда қолгани, Бобур Ҳиндистон тақдирини “домод”га ҳавола қилиб, Кобулга борганлиги ҳақида ҳеч қандай манбада ишора йўқ. Бироқ Бобурнинг Лоҳурдан Ограга қайтиб келгани ва у ерда кимгадир қулоқ солиб, Ҳумойунни подшоҳликка “тайинлагани” (“selection”) тарихда катта бурилиш нуқтаси бўлди.

Ҳумойуннинг тузалиб кетиши, Бобурнинг дардга чалиниши, ўғлига жонини тасаддуқ қилиши ҳайратга лойиқ иш эди. Онҳазрат Бобурнинг шахсий қилмишларидан таъсирланиши худо хоҳиши билан тирик қолган Ҳумойунни кўкка кўтариши боисидир. Аҳмад Йодгор ҳикоя этган, Рашбрук Виллямс қаламга олган қуйидаги ҳикоя Моҳим Бегимнинг ота-ўғилни яраштириш борасидаги хатти-ҳаракатларини аниқ ифода этади: Бир окшом подшоҳ кайф устида Ҳумойунни ўз ҳузурига чорлади. Шаҳзода кириб келганда, у кайфи ошиб, ёстикқа бош қўйиб, уйқуга кетган эди. Шаҳзода қўл қовуштириб, кимир этмай, кутиб тура берди. Подшоҳ ярим тунда уйқудан уйғониб, қотиб турган ўғлига кўзи тушиб, сўради: “Қачон келдинг?” “Сиз буюрган аснода, ҳазратим”. Подшоҳ уни чақиртирганини эслади ва мамнун боқиб деди: “Тангри сенга тожу тахтни насиб этса, укаларингни ўлимга буюрмағил, уларга меҳрибонлик қилғил”. Шаҳзода ер ўпиб, таъзим қилди, отасининг айтганларига ризолик билдирди. Бу таъриф тавсифлар отасининг саҳийлиги тутиб, тахтни тухфа қилишига олиб келди. Ажал панжаси

хаётдаги режаларни чиппакка чиқарди. Ҳумойун олий мартаба - подшоҳликка тайинланди.

7. Бобурнинг вафоти

(Babur`s death)

Гулбадан Бегимнинг шаҳодат беришича, ҳазрат подшоҳнинг вафотидан олдинги оилавий ташвишлар орасида Гулранг Бегим билан Эсон Темур Султон ва Гулчехра Бегим билан Тўхта Буға Султоннинг тўйлари масаласи ҳам бор эди. Гулбадан Бегим яна Мирзо Ҳиндолни кўриш иштиёқида чопар юборгани, Ҳиндол Мирзо отасининг вафотидан кейин ташриф буюргани ҳақида ёзади. Ҳеч қандай дори-дармон кор қилмаганидан сўнг, Ҳумойунни Санбалдан чақиртириб келдилар. Отасининг ўлимидан 4 кун олдин у Ограга етиб келди. Эртаси куни Бобур саройидаги ҳамма амирларни чақиртириб, охириги марта Мирзо Ҳумойунни ўз меросхўри деб тайинлаб, унга бўйсуниларини, садокат билан хизмат қилишларини васият қилди. Унинг сўзларини Абулфазл яқунлаб шундай дейди: “Қозию уламолар билан суҳбатда бўлинди. Худога мақбул бўлиш учун Ҳумойунга сахий ва ҳақиқатгўй бўлишни, мулкни асраб эҳтиёт қилиш, хато ўтса узр сўраб, гуноҳкор бандаларнинг гуноҳидан ўтишдай қимматли маслаҳатлар берилди. Ва у (Бобур), васиятимнинг мағзи шуки, “агарда улар жазога мустаҳиқ бўлсалар-да, ҳеч қачон уламоларинга қарши чиқма”, деб хитоб қилди. Дарҳақиқат, деб ёзади тарихчи, аълоҳазрат жаннат ошиёни (Majesty Jannat-ashiyani) ўз фарзандларидан жабр кўрган бўлса ҳам, бирон марта улардан қасд олмади. Гулбадан Бегим ўзининг “Ҳумойун-

нома”сида фирдавсмакон ҳазратнинг васиятларини қуйидагича таърифлайди: “Эртаси куни ҳамма амирларни чақириб айтдаларким, кўп йиллардан бери Хумойун Мирзога подшоҳлигимни топшириб, ўзим Зарафшон боғининг (Gold-scattering Garden) бир бурчагида турсам, деган фикрим бор эди. Худонинг карами билан ҳамма нарса муяссар бўлди. Лекин мана шу мақсадимни соғ пайтимда қилсам, деган эдим, бўлмади. Касал мени эзиб қўйди. Сизларга васиятим шуки, ҳаммангиз Хумойунни менинг ўрнимда деб билинглар ва унинг ҳукмронлигини камситманглар. У билан мувофиқ ва ҳамжиҳат бўлинглар. Худодан умидим борки, Хумойун ҳам одамларга яхшилик билан маъқул бўлади. Яна, Хумойун, ака-укаларингни, ҳамма қариндош-уруғ ва ўз одамларимизни сенга, сени эса Худога топшираман, дедилар. Тўққиз юз ўттиз еттинчи йил жумодул аввалойининг бешинчи куни - рўзи душанба вафот тарихларидир”. Фарзандлар, яқин қариндошлар ва бошқа одамларнинг бошларига қора кун тушди, деб давом этади Гулбадан Бегим.

Афсус, надомат бўлғуси у кунга ким, бекарон
афлок қолиб, Сиз кетсангиз,
Юз надомат, афсуслар бўлсинким, у куни биз
зори ҳайрон, Сиз кетсангиз.
Alas, that time and the changeful heaven should
exist without thee;
Alas, and Alas, that time should remain and
thou shouldst be gone:

Хожа Калон дафн маросимида шу марсияни ўқиб йиғлади, деб тарихчи Бадауни (Badayuni) юқоридаги сатрларни келтирган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур жасадини ҳозирги Тож Маҳал (Taj-i-mahall) рўпарасидаги Оромбоғга (Garden-of-rest /Aram-bagh) дафн этишди (у вақтда Боғи Нурафшон дейилган). Хожа Муҳаммад Али Асасни (Ali asas) подшоҳ ҳазратлари мазорига мутавалли (мадраса, масжид вақфини (ер мулкини) идора қилувчи, кирим-чиқимларни бошқарувчи) қилиб айинладилар. Кўплаб ҳофиз ва қариялар беш вақт намозни жамоат билан ўқиб, хатми Куръон қилиб, жаннатмакон ҳазратнинг арвоҳига бағишлаб турадиган бўлишди. Сикрини (Sicri, ҳозир Фатҳпур деб машҳур) яна беш лак экин ери ортиғи билан онҳазрат мазорининг вақфи қилиб бердилар. Моҳим Бегим икки ярим йил мобайнида, ҳар куни икки маҳалдан овқат пишириб, ўзи бош бўлиб ҳазрат шарафига мазорга келиб тарқатдилар.

Бобурнинг васиятига кўра, жасадини Кобулга келтириб, ўзи танлаган боғда мадфун (дафн) қилишди-ким, қабри устига на бирон бино, на бирон дарахтнинг сояси тушиб турмасди. Ҳеч қандай шайхга ҳам ҳожат йўқ эди. Заҳириддин Бобур дафъатан Ганг қирғоғидаги Оромбоғнинг ўртасида муваққат тайёрланган мақбарага дафн этилган. (Бу боғ ҳозир Ром боғ деб аталади ва Жамна дарёсининг чап қирғоғидадир.) Оградан Кобулга унинг хоки қачон кўчирилганини аниқлай олмадик, деб ёзади таржимон.

Гулбадан Бегимнинг шаҳодат беришича, Мирзо Комрон ҳижрий 946 (1539) йилда Ограга фирдавсмаконнинг қабрини зиёрат қилгани келган. Жавҳарнинг (Jauhar) маълумотларига қараганда, жасад Кобулга 1544 йилдан (ҳижрий 952) аввал кўчирилган. Кобулда, отасининг жасадини кўчириляётган пайтда “Бека Бе-

гим”та (Bega Begim) Комрон Мирзонинг ножўя гапирганидан Хумойун хафа бўлиб, “Би-би”га (Bibi) гапирган экан. Бу бева Афғоний Оғача (Afghan Lady), Биби Муборика (Bibi Mubarika) ҳақида бўлиб, Оғачанинг саройдаги хатти-ҳаракатлари хусусида Гулбадан Бегим батафсилроқ ёзган. Бобурнинг оиласи Оградан Ҳиндол Мирзо соқчилигида; Қазвиндаги мағлубиятдан кейин, 1539 йил 7 июнда чикиб кетган. Жасадни Кобулга олиб борганлар. Улар дарров ортларига қайтиши ва Қазвинни қўлга киритиши шарт эди. Бобурнинг мақбараси учун танланган пешайвонли боғ Шердарвоза (Sher-darwaza) Шоҳи Кобул (Shah-i-Kabul) тепалигининг ён бағрида жойлашган эди. Айтишларича, у Кобул боғларидан энг сўлими бўлиб, Чор дехнинг (Char-dih) гўзал водийси томон қараган, у ердан Пағмон (Paghman) қорлари, дашту-сахролари ва қияли тепаликлариким, Кобул казо-казоларининг овгоҳига айланган эди, кўриниб турарди. Бобурнинг замондошлари Кобулга Оградан келаётганда, унинг мақбара-боғини зиёрат қилиб, яна гуллар билан безатиб кетишарди. 1646 йили Шоҳ Жаҳон (Shah-i-jahan) мақбара ёнига масжид курди. Жаҳонгир Мирзо ҳам у ерда бўлганга ўхшайди. Башарти, ўзи қурмаган бўлсада, майдондаги оппоқ мрамарли устундаги ўймакорликлар ҳамда Бобур шарафига мадҳиялар ва зарур маълумотларни ёздириб қўйишни маслаҳат берган. У ҳозир ҳам сағананинг бош томонида турибди.

Мақбаранинг икки ёғида кичикроқ сағаналар бор. Булар Ҳиндол, унинг қизи Руқия Султон Бегим, Хумойуннинг ўғли Муҳаммад Ҳаким Мирзо, Шоҳ Жаҳоннинг қариндоши Гавҳарнисо Бегимнинг даҳмаларидир. Ўтган асрнинг 30-йилларида Александр Бернс

(Alexander Burnes) мақбара ва боғни зиёрат қилгани боради. Уни меҳр билан ўрганеди. Мунши Моҳан Лал (Munshi Mohan Lal) ҳам у билан бирга бўлиб, ўша жойларнинг гўзаллигини, ёдгорлик устунидаги ўймакорлик безакларини ва мақбаранинг пештоқ устунларидаги сатрларнинг жозибадорлигини қайд этган. Бу икки зиёратчи сайёҳнинг маълумотларига, Даниэлнинг (Daniels) боғ ва мақбарага чизган суратларига кўра, ўша пайтларда қабрнинг бош томонида ёнма-ён кўш устун бўлган. Жаноб Ҳайден (H.H.Hayden) ҳам XX асрнинг бошларида боғни зиёрат қилиб, мақбарани суратга олган. Унда устунлардан бири бор, иккинчиси ўрнида эса чирокдон жойлашганини таъкидлаган. Устундаги ёзувларнинг мазмуни куйидагича: “Подшоҳ-ким, унинг тахтидан нури Оллоҳ сочилур, бу Заҳриддин Муҳаммад Бобуршоҳ эрди. Бузурглик, мустақиллик, саодатмандлик, ҳаққониятлик, очикқўллик ва қавий шон-шавкат билан биргаликда, унда гуллаб-яшнаш, фаровонлик ва ҳарбий ғолибликнинг шоншурати ҳам мужассам эди. У моддий дунё устидан зафар, қозониб, чароғон нур бўлди. Ўзининг ҳар бир зафарига баайни нурга, руҳлар дунёсига қарагандай қарарди. Жаннат эшиги унга очилганида ва Ризвон (Ruzwan-жаннат посбони) ул зот борасинда мандан сўраганида, шундай жавоб берар эдим: “Жаннат Бобур подшоҳнинг боқий маконидур” (Paradise is forever Babur Padshah’s abod)”.

8. Бобурнинг хотинлари (завжалари) ва фарзандлари (Babur's wives and children)

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзи бир неча завжаларини (хотинларини) “Вақоеъ”да номлари билан қайд этган. Гулбадан Бегим “Ҳумойуннома”да унинг барча оила аъзолари ва болалари рўйхатини келтирган.

1). Ойша Султон Бегим (‘Aisha Sultan Begim). Султон Аҳмад Мирзонинг қизи. Бобур Самарқандга келганда беш ёшида унга қўлуб эдилар. Бу ҳижрий 894 (1488-89) йилларда воқеъ бўлган. Ҳижрий 906 йили (1500-1501) Фаҳрун Нисо отлиғ қиз кўрди. Ўшул бир ой қирқ кунда - ўқ Тенгри раҳматиға борди. Тўнғич фарзанд.

2). Зайнаб Султон Бегим (Zainab Sl.Begim). Султон Маҳмуд Мироншоҳийнинг қизи. Ҳижрий 910 (1504-1505) йилда уйланган. Икки-уч йилдан сўнг обилад (чечак) касалига йўлиқиб оламдан ўтган.

3). Моҳим Бегимдан (Mahim Begim) (ота-онаси номаълум) ҳазрати Ҳумойун подшоҳ, Борбўл Мирзо, Меҳр Жаҳон Бегим, Эсон Давлат Бегим ва Форук Мирзо туғилган.

4). Султон Аҳмад Мирзонинг қизи Маъсума Султон Бегим (Ma'suma Sl.Begim) бир қиз туққан. Ўзи туғиш вақтида вафот этган. Онасининг отини қизига қўйганлар. (914-925:1508-19 йил воқеаларидаги узилишларда қайд этилган.)

5) Гулруҳ Бегимдан (Gul-rukh Begim) Шоҳруҳ Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо (иккови ҳам ёшлигида

оламдан ўтган), Гулузор Бегим (у ҳам болалик чоғида чатнаган бўлиши мумкин), Комрон Мирзо ва Аскаррий Мирзолар туғилган.

6). Дилдор Бегимдан (Dil-dar Begim): Гулранг Бегим, Гулчеҳра Бегим, Хиндол Мирзо, Гулбадан Бегим ва Олур Мирзо туғилган. Олур Мирзо болалик чоғида вафот этган, Дилдор Бегимнинг ҳам ота-онасини аниқлай олмадик. Гулруҳ Бегим билан бир вақтда турмушга чиққан.

7). Афғоний Оғоча, Биби Муборика Юсуф зай (Afgani Lady (Afghani Aghacha, Bibi Mubarika Yusufzay)). Ҳижрий 925 йилда турмушга чиққан. Фарзанд кўрмаган. Ҳижрий 933 йили Тоҳмасп Шох Бобур Мирзога иккита чўри қизлардан тақдим этдиким, улар Гулнор Оғоча ва Норгул Оғочадурлар. Кейинчалик саройдаги ҳарам хонимлари сифатида машҳур бўлдилар. Гулбадан Бегим уларнинг Ҳумойун даврида ўтган тўй-томошалари ва маслаҳат ошларида қатнашиб юрганлари ҳақида гапириб ўтади.

Абулфазлнинг таъкидлашича, Гулнор Оғоча Гулбадан Бегимнинг 983 (1575) йилларда зиёратиларидан бири ҳисобланган. Юқорида қайд этиб ўтилган уч завжаларининг ота-оналари номаълумлиги ва ноаниқлиги маъшур манбаларда келтирилгани - булар: Моҳим Бегим, Гулруҳ Бегим ва Дилдор Бегимлардир. Улар ҳақида Бобур бирон нарса ёзмагани ва тушунтириш бермагани сабаби Гулруҳ Бегим ва Дилдор Бегимга уйланган вақти “Бобурнома”да қайд этилмаган. Ҳижрий 914-925 йил воқеаларидаги кемтикда бўлиши ёки йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Тарихчи Ҳайдар Мирзонинг ёзишича, Гулруҳ Бегим Бекчик мўгуллари (Begchik Mughuls) оиласидан бўлган. Унинг

биринчи ва иккинчи қизининг эрлари ҳақида хабар беришган. Учинчиси Бобурнинг оиласи эмаслиги ва Салиманинг наси эканлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Эҳтимол, Бобур атайлаб китобида, кейинчалик тўлдираман деган мақсадда, жой ташлаб кетган бўлиши ҳам мумкин. Шу боис учинчи сингил ҳақида батафсилроқ ёзиш учун аввалги иккита сингиллари исмларини келтирган бўлиши эҳтимол. Ҳайдаробод қўлёмасида қандайдир муҳим хабарни кутиб, ун қатор бўш жой қолдирилган. Бўлак кўпгина қўлёмаларда ҳам жойлар очиқ қолдирилган ёки гаплар ораси бўш қолган. Бирон зукко котиб келажакда имконият топиб, бу муҳаммадликни равшанлантириши ва Солиҳа “Дилдор” эканлигини исботлашига ишонишган.

Моҳимнинг ота-онаси ҳақида сўз юритилмаганига бошқа сабаблар ҳам бор. У Султон Ҳусайн Мирзонинг ўлимидан кейин Ҳиротда турмушга чиққанида Бобурнинг хотини ҳам, фарзанди ҳам йўқ эди. У ҳақда Абулфазл шундай дейди: унинг ота-онасининг исми айтилмаган. Ҳикоя қилишларича, Хуросондаги олий мартабали оиладан бўлиб, Султон Ҳусайн Мирзога қариндошлиги (nisbat-i-khwesh): (нисбати хеш) бор эди ва унинг шажараси Шайх Аҳмади Жомга етиб борар эди. Гарчи насл-насаби сарой аҳлларида бўлмаса-да, аслзодалардан саналган. Бобурнинг ўгли Ҳумойуннинг туғилиши ҳақида Гулбадан Бе гим ва кўпроқ Абулфазлда бу ҳол қайд этилмагани ажабланарли. Кўплаб ёзувчиларнинг шаҳодат беришларича, Ҳумойуннинг укалари Хожага ўхшаш жуда ҳам қобил ва урушни ёқтирмаган.

Моҳимнинг турмушга чиқиши маълумотлар тўла бўлган йилга тўғри келади. Бу “Бобурнома”да эмас,

балки бошқа бир манбада қайд этилган. Ўша рисоладан кейинги йили Хиротда Бобур Маъсума Мироншоҳийни (Ma`suma Miran-shahi) учратгани, муҳаббатлари ва уйланишлари ҳақида ёзилган. Агарда у Хумойуннинг онаси билан бир никоҳда, бўлганида Бобурнинг одатига кўра, бу ҳақда қайд этилган ва Моҳимнинг келиб чиқиши ҳақида батафсилроқ маълумотлар ёзилган бўлар эди.

9. Жаноб Вилйам Эрскиннинг Бобурга бўлган ҳурмати (Mr. William-Erskine's estimate of Babur)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур замондошлари орасида Осиёда интиҳойи маълум ва машҳур, тахтни гуллатган шахзодалардан бири эди, десак хато қилмаймиз. Ўрта табақадан юқорироқ оиладан бўлиб, қудратли, ҳар қандай ҳарбий машқларни яхши кўрадиган зўр қиличбоз учун шундай далил келтиришганким, гўё у Шарқнинг анъанасига айланган икки пошналик пойафзал билан девор қалъанинг биринчи қиясидан иккинчисига сакраб юрган. Ҳаттоки, у икки кишини қўлтиқлаб, қалъа деворининг биринчи қисмидан иккинчисига сакрашни тез-тез машқ қилган. Ёшлигида давлат ишини бошқаришга ўргатилганлиги сабабли онги яхши ривожланган. Ўн икки ёшли чоғидаёқ таҳга ўтирган ва ҳали йигирма ёшни қораламасдан туриб мулкни тақсимлаш сирларидан хабардор бўлган. Фақатгина кичик бир шаҳарнинг ҳокими бўлиб қолмасдан, балки ўзини олий нафсонияти қули ҳам эди. Қалбининг ҳар бир садосига одамларни мафтун эта

олган. Уни бойлар ва саройдагилар голиб одамдек кутишарди. Фаргона водийсида ва тоғларида уйқусиз, ҳузур-ҳаловатсиз яшириниб юришига мажбур этишарди. Ҳаётининг охирги дамларигача биз уни ёшликдаги қадрдон дўстларига ва оқибатли яқин-ёвуқ инсонларга садоқати ва муҳаббати билан қолгани гувоҳи бўламиз.

Ёшлигидан бошлаб воқеалар силсиласи уни ёлғон гапирмасликка, ҳур инсон бўлиб қолиш, одамларга нисбатан гамхўр ва вафодор бўлиш руҳида тарбиялаган. Азоб-уқубатли кунларида садоқатли йигитлари билан яшириниб юрган пайтларида у бошқалар қатори бир инсон эканлигини тушуниб етди. Табиатан очик-кўнгиллиги ва хушчакчаклиги туфайли атрофидаги ҳамма нарсани тушунишга мойил эди. Қўшинидаги сарбоз ва аскарлар билан дўстона ҳамда ошқора сўзлашарди. У вазият тақозоси билан ўзгарувчан ва ҳар қандай муҳорибада голиб чиқишга, шон-шавкатга чанқоқ эди. Қайсидир фаслда ўтказилаётган бир тадбирда у жонини қурбон қилишга ҳам тайёр эканлигини кўрсатиб, бор-будини сарфлаган эди. Унинг теран ва бой онгига ҳеч вақт режаларнинг барбодлигидан заҳм етмасди. Одатда, бундай шарафга муяссар бўлганлар жуда оз бўлиб, улар ҳам охир-оқибатда мағлубиятга учрар эдилар. Унинг куч-қуввати тавонолиги ҳаётлик даврида яққол кўзга ташланиб турарди. Алқисса, Осиё тарихини кўздан кечирсак, ҳақиқатан ҳам бирон-бир шахзода Бобурчалик ҳар томонлама бузрук эмас эди. Ақл теранлигида, саросима пайтлари шовқин-суронларга босиқлик билан жавоб беришда, руҳан шикастланмаганлигида, одамгарчилик ва ҳамият юзасидан мулкни тақсимлашда, яхши ва ёмонни ажратишда, номалар ва уларни қайта кўриб чиқишга бўлган

инштиёкмандликда осиелик шахзодаларнинг ҳеч бири унга тенг кела олмайди.

2- Фасл

Уч таржимавий манба сайёр сйужетга айланган “кемтик” (Воқеий-қолиповчи (типологик) талқин)

Лейден-Эрскин таржимасида ҳижрий 908 (1502-1504) йил воқеаларининг Л. У. Кинг талқини

Бу йил воқеалари “Хотирамға келдиким, тоқай бу Фаргона вилоятида саргардон бўлиб турмоқ керак, бир тарафга талаб қилойин деб” (176) жумласи билан тугаб... ҳижрий 909 йил воқеалари Захириддин Муҳаммад Бобурнинг муҳаррам ойида Фаргона вилоятидан Хуросон азимати била Ҳисор вилоятига келиб тушганидан берилган дарак билан бошланади. Йил воқеаларининг сарлавҳаси Қозон босмасидан олинган. Шунини эслатиб ўтайлик: бу жуда муҳим далил. Зеро, Лондон босмасида сарлавҳанинг ўрни очиқ қолган. Шу боисдан таржималарда йил воқеаларини тайин этганда... “тўққиз юз ўн” деб кетишган.

Михаил Салйё таржимасида ҳам 908 йилдан кейин 910 йил воқеалари бошланган. Русча таржиманинг 452-бетигаги изоҳда ҳам “бу ҳақда асл нусхада ҳеч нарса айтилмаган” деб писанда қилинган. Аслида шундаймикан? Йўқ, бу ерда қўлёзмалар хилма-хилли-

гидан келиб чиққан чалкашлик юз берган. Бу чалкашлик нимадан иборат? Лейден-Эрскин таржимасида ҳам ноаниқлик, тўғрироғи, кемтик мавжуд. Аммо бу узилиш мазкур инглизча таржимага асос қилиб олинган қўлёмаларнинг чалкашлигидан келиб чиққан. Чунончи: "Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам кўнгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур..." гапидан кейин йил воқеалари узилган. "Бобурнома" ни форсчага ўгирган киши (котиб) "908 йил воқеаларининг йўқолган қисми фақат Оллоҳнинг ўзига маълум", деб қўшимча қилган. Лейден ҳам бу ниятга ўз хайрихоҳлигини билдирган. (The copyist adds, The remaining transactions of this year, viz. 908, may God grant that they come to hand. In this wish I most heartily join.-Leyden). Жаноб Лйукас Уайт Кинг форс котиби билан инглиз таржимонларининг фикр ва мулоҳазаларига қуйидагича муносабат билдирган: Note.-(In P.de C.'s French translation the gap in the Memoirs is filled by a short account of Babur's rescue from his critical position, the authenticity of which, however, is open to doubt (see A).

Мазмуни: Изоҳ. "Бобурнома"даги мазкур кемтик Паве де Куртейлнинг франсузча таржимасида Бобурнинг Карнон кентида юз берган мушкул аҳволдан қутулиш тафсилотлари билан тўлдирилган. Шубҳага ўрин қолмаслиги учун Лейден-Эрскин таржимасининг 2-қисми 433-436-бетларида Илова тариқасида берилган лўкидон -"Аппендикс А"га қаралсин.

Биз асосий муддаога кўчишдан олдин мавжуд инглизча таржималар мазмун ва мундарижа тарафидан бир-биридан фарқланиши, бирида бор нарсалар бошқасида "тушириб қолдирилиши", ўзгартирилиши ёки

"тўлдирилиши"нинг асл сабаблари ва илдиэларини аниқлаш мақсадида уларни бир-бири билан қиёслаб, чуқур ўрганишга ҳаракат қилдик ва шу нарсани аниқладик. Таржимавий тафовутлар аслий тафовутлар негизида пайдо бўларкан.

$$A \sim > < T \sim$$

Бунда: $A \sim$ -асл нусхалардаги (қўлёзмалардаги) тафовутлар; $T \sim$ - таржималардаги тафовутлар. $> <$ - сабабият, ҳосила рамзи.

Бинобарин:

$$I \quad A^T > < I \quad T^T$$

$$II \quad A^T > < II \quad T^T$$

$$III \quad A^T > < III \quad T^T$$

.....

$$a - T^T > < a - T^T$$

$$б - T^T > < б - T^T$$

$$в - T^T > < в - T^T$$

.....

$$a - A^T > < a - T^T > < б - T^T$$

.....

Хулоса шуки, 1-қоида: аслият вазифасини ўтовчи қўлёзмалар кўп ва тафовутли бўлса, улардан қилинган

таржималар ҳам шунчалик кўп тафовутли бўлади; 2-қоида: таржимавий мукамаллик (адекватлик) "умуман" эмас, балки муайян аниқ асл нусха, яъни оригинал деб қабул қилинган қўлёзмага нисбатан тайин этилади; 3-қоида: кўп аслиятийлик шароитида адекватлик мезони мураккаблашади ва чигаллашади. Бундай шароитда муайян таржиманинг "тўғри" ёки "нотўғри" бўлиши унга асос бўлган муайян аслиятнинг тўғри ва нотўғрилиги билан белгиланади. Бинобарин, 4-қоида: кўп аслиятлик шароитида таржимага асарнинг танқидий матнини устивор негиз деб қабул қилингани маъқул.

Афсуски, ҳозиргача бизда "Бобурнома"нинг чинакам илмий мўътабар танқидий матни яратилмай қелаётгани боис, асарнинг эътироф қилинган мукамал (адекват) таржимасини бунёд этиш амри маҳол. Бас, 5-қоида: асарнинг ҳар бир муайян қўлёзма негизида яратилаётган таржимаси оригинални идрок этиш ("эгаллаш") сари қўйилган янги қадамгина эмас, балки ўша аслиятнинг ўзини матн тарафидан яхлитлиги ва пухталигини таъминловчи омил ҳам бўлади.

Бугунги кунда жаҳон қўлёзма жамғармаларида "Бобурнома"нинг форс тилидаги 68 қўлёзмаси мавжуд. Форсий нусхалар орасида Абдурахимхон ибн Байрамхон таржималарининг қўлёзмалари энг кўп тарқалган. Мазкур таржиманинг 32 қўлёзмаси Британия музейида, Париж илмий кутубхонасида, Масковдаги Шарқ халқлари маданияти давлат музейида, Виктория ва Алберт (Англия) музейида, Лувр (Франсия) музейида, Америка Қўшма Штатларида, Алвор давлат музейида (Ҳиндистон), Британия музейидаги Андар Саид Номад Шоҳ нусхаси ва бошқа ўнлаб йирик музей

ҳамда кутубхоналарда мавжуддир. Юқоридаги қўлёзмалардан ташқари, Тбилисида, Бодлеан кутубхонасида (2454 рақами остида), Лондон Шарқшунослик институтида (46627 рақами остида), Кембриж университетиде (тўла эмас), Линдисианада бир нусхадан бор. Шунингдек, Эдинбургда 4 та (бири чала), Копенгагенда 1 та, Лйукас Уайт Кинг шахсий кутубхонасида 1 та, Этон Коллинзда 1 та (фақат Фарғона қисми), Покистондаги Лоҳур, Панжоб университетларида 2 та нусха (бири ҳижрий 1021, иккинчиси 1215 йили кўчирилган), Ҳиндистонда Ҳайдарободда 3 та, Патнада 2 та (бири 1082 йили кўчирилган, иккинчи нусха асарнинг учдан бир қисмини қамрайди), Калкуттада ва Мадрасда 1 нусхадан сақланади. Булар шарқий манбалар. Асарнинг мағриб мамлакатларида ўрганилишига доир баъзи бир кузатишлар. Булар орасида Аннетта Сусанна Бевериж хоним олиб борган тадқиқотлар фан учун ниҳоятда катта аҳамият қозонади. Унинг 100 дан зиёд мақолалари "Ройл Азиатик" журналининг 1900 йилдан бошлаб 1923 йилгача бўлган сонларида мунтазам босилиб турган. Бу тадқиқотлар орасида "Бобурнома" ва унинг қўлёзмаларига оид батафсил маълумот топиш мумкин. Журналнинг 1900 йил июл сонининг 439-480-бетларида "Бобурнома"нинг туркий қўлёзмалари хусусида Бевериж бир нечта нодир илмий мақолалар эълон қилган. Олима асарнинг чиғатойи-туркий қўлёзмалари тўғрисида камёб маълумотлар беради. Булар: Бобурнинг ўз қўли билан битилган қўлёзма, Хожа Калон нусхаси, Ҳумойун ўз қўли билан кўчирган нусха, жаноб Манстйуарт Элфинстон нусхаси, Британия музейидаги нусха, Ҳиндистондаги Лейдениана кутубхонасидаги нусха, Бенгалиядаги "Осиё" му-

зейида сақланаётган нухса, жаноб Мусор нухаси, Линдисиана кутубхонасидаги нухса, Ҳайдаробод нухаси, Петербург университети кутубхонасидаги нухса, Петербург Ташки ишлар вазирлиги ихтиёридаги нухса, Петербургдаги Осиё музейида сақланаётган нухса, Бухоро нухаси, Назарбой Туркистоний нухаси (439-480). "Бобурнома"нинг тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқеалари баёнида ўқиймиз: "Раҳмат пидани фатҳномалар била Қобулга йиборилди. Ушбу юртта душанба куни жумодил-аввал ойининг йигирма секкизида офтоб ҳамал буржиға таҳвил қилди. Ўн саккиз ёшда эди, ушбу юртта Ҳумойун юзига устара ёки микроз тегурди, тарих сана 961 бўлғай" (333). Лейден-Эрскин таржимасида худди шу ўринда мана бундай маълумот берилган:

"Humaiun's note on the Memoires. At this same station, and this same day, the razor, or scissors, were first applied to Humaiun's beard. As my honoured father mentions in these commentaries the time of his first using the razor, in humble emulation of him, I have commemorated the same circumstance regarding myself. I was then eighteen years of age. Now that I am forty-six, I, Muhammed Humaiun, am transcribing a copy of these Memoires from the copy in his late Majesty's own handwriting". (179-180).

"Ушбу юртта, душанба куни, биринчи марта Ҳумойун юзига устара ёки микроз тегизилди. Ҳазратим ушбу китобда ("Бобурнома". -Ф.С.,Н.О.) биринчи маротаба микроз ишлатганларини эслатиб ўтганларидай, мен ҳам ҳурматларини бажо келтиришни маъқул кўрдим. Ўшанда ўн саккиз ёшда эдим. Мен Муҳаммад Ҳумойун ҳозир қирқ олти ёшдаман ва ҳазратимнинг

ўз қўллари билан ёзган эсдаликларидан нусха кўчириб ўтирибман". Эрскин бу далилни қайд этувчи манбани Британия музейида сақланаётган АДД.26,200 рақамли қўлёзмадан олган. Аннетта Бевериж хоним эса бу маълумотни "Бобурнома"нинг туркий қўлёзмалари орасида учратмай, форсий нусхалардан топганини айтади (2.80.97). Шу журналнинг 1905 йил октябр, 1906 йил январ сонларида "Бобурнома"нинг Хайдаробод нусхалари тўғрисида муфассал маълумот берилган ва бундан муаллиф Хайдаробод нусхаларини аниқлашга ҳаракат қилган. Юқорида зикр этилган манбалардан Аннетта Бевериж хоним ўзи ишончли деб топган 7 тасини махсус, ўрганиб чиққан. Вилйам Эрскин Абулфазлнинг "Акбарнома", Муҳаммад Қосим Ҳинди Шоҳ Фариштанинг "Ҳиндистон тарихи", Муҳаммад Ҳофихоннинг "Темурнинг Ҳиндистондаги сулоласи", Мирхонднинг "Равзатус-сафо" каби ўнлаб қўлёзмаларидан фойдаланиб ва бошқа тарихий манбаларга суяниб, 908 йил воқеаларидаги узилишларни куйидагича баён қилади: "Бобурнома"нинг энг қизиқарли жойларидан бири шу ерда дабдурустдан тўхтатиб қўйилади. Кемтик кўчирилган нусхаларнинг тўла эмаслигиданми, ёки муаллифнинг айби билан бўлганми, буни ҳал этиш қийин, дейди В. Эрскин. Бундай узилиш Бобур фитначиларни қўлга олиш билан банд бўлиб юрган пайтлари 914 (1508) йил воқеаларида ҳам учрайди. Бу атайин қилинган кемтикка ҳам ўхшайди. Мутаржим фикрича, ўқувчи ва тингловчи хотирасини воқеанинг кучли таассурот қолдирадиган жойида тўхтатиб қўйиши бир қанча мубҳамликларни келтириб чиқарган. В. Эрскин солиштириб кўрган нусхаларда ҳам воқеа шу ерга келганда узилиб қолади. Бу номукамаллик

асл нусхада ҳам, таржимада ҳам бор, деган ҳулосага келади англиз таржимони. Лекин мен ўз қаҳрамонимни бундай танг аҳволда қолдиришим асло мумкин эмас, деб изтироб чекади у. Доктор Жон Лейден фойдаланган нусха ҳам бошқа кўлёмаларга ўхшар эди. Гарчанд жуда кўп муаллифлар Бобур ҳукмронлиги йилларини батафсил ёритишга ҳаракат қилган бўлишса-да, "Вақоеъ"нинг кемтик саҳифаларини, ундаги сукутларни бўлак ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Тадқиқотчилар уруш ва сиёсий воқеаларни ёзиш ёки шарҳлаш билан чекланишган. Баҳарнав бу ҳам бизга Бобур ҳаётининг илқ воқеаларини тиклашимизга бироз ёрдам беради. Мемуар хижрий 908 йил воқеаларига келганда тўхталиб қолади ва 910 йилда яна давом эттирилади (1502-1504 йилнинг июнига қадар).

Хоннинг Шайбонийхондан мағлубиятга учраши

(The Khan`s defeated by Sheibani Khan)

Бобур Шайх Бойазиднинг қўлига олиб келинганми ёки Карнондаги тутқунликдан қочиб кетганми, буни ўрганиб олишга мен ожизлик қилдим, дейди В. Эрскин. Абулфазлнинг ҳикояси ҳам тўлиқ эмас (44). Бобур ўз тоғаларининг бошини яна қовуштиришга эришгани ҳақидаги маълумот Фаришта (182) ва Ҳофихон (123) ҳамда бошқа муаллифларнинг қисқа маълумотларида ҳам бор.

Аҳмад Танбални ёрдамга чақирган Шайбонийхон, Мир Хованд Шоҳнинг (137) (Mir Khawend Shah) айтишича, жуда катта қўшин билан мўғулларни енгиб,

Бобурнинг иккала тоғасини ҳам қўлга олади. Мирзо Бобурнинг ўзини эса Мўғулистонга кетишга мажбур қилади. Тез орада Шайбонийхон, икки хонни қўлга олганини, Бобур эса мамлакатни ташлаб чиқиб кетиши мажбурлигини шарт қилиб қўяди. Тошкентга у чопар юбориб, агар аҳоли ўз шаҳзодасига (Мирзо Бобурга) хизмат қилишни хоҳласа, у ҳолда Хожа Абулмакоримни (Khvajeh Abul Mukaram) тутқунликдан қочиб кетишига йўл қўймасликлари ва соқчи назорати остида сақлашлари кераклигини таъкидлайди. Хонларни бир неча кун ўз асирлари сифатида тутқунликда ушлаб тургандан сўнг, Шайбонийхон уларни хоҳлаган томонларига қўйиб юборади. Улар, ниҳоят, Чигатойхонга келиб қўшилишди, деб давом этади Мир Хованд Шоҳ. Шайбонийхон ўз зафаридан раҳм-шафқат рамзи сифатида фойдаланаётган бир вақтда, мен уларнинг ўлими сабабларини батафсил айта олмайман, чунки тарихчилар орасида бу масала юзасидан бир қанча келишмовчиликлар ҳам мавжуд. (Чунончи: Аҳмад Алача (кичик хон) табиий ўлим билан хижрий 909 (1504) йили вафот қилган. Катта хон, Султон Маҳмуд ва унинг беш ўғли Шайбонийхон буйруғи билан 914 (1508) йилда ўлдирилган).

Бобурнинг айтишича, Шайбонийхон Султон Маҳмуд Хонни ўғли Бобохон ва унинг оиласидаги бошқа шаҳзодалар билан Хўжандда қатл қилган эдилар. Бунга ишонмаслик мумкин эмас, чунки Мир Хованд Шоҳ томонидан эслатиб ўтилган жангдан кейин Шайбонийхонга озодлик тўхфа этган ва айни пайтда пинҳона ҳолда уни оила аъзолари билан қатл қилиш тўғрисида буйруқ берган эди.

Хожа Абулмакоримнинг тақдири (Fate of Khwajeh Abul Mukaram)

Хожа Абулмакорим (В.Эрскинда: Абул Мукарам. Бу нотўғри) Тошкент қамоқхонасидан 2-3 кун орасида қочишга муваффақ бўлади ва бу шаҳардан пиёда юриб чиқиб кетади. Ҳар эҳтимолга қарши, таниб қолмасликлари учун, соқолини бироз қисқартиради ва қўшни қишлоқда яшовчи номаълум кишидан бошпана сўрайди. Унинг уйида 2-3 кун яшагандан сўнг, қайтадан Шайбонийхон ҳузурига тутиб келтирилади. "Сен соқолингни нима қилдинг?" деган саволга икки мисра форсча шеър билан жавоб қилади. Бу шеърнинг мазмуни куйидагича: "Кимки худо ёққан чирокни пуфлаб ўчирадиган бўлса, соқолидан ажралади" (He who puffs at the lamp which God has lighted, sings his beard). Шеър замиридаги киноя унга ёрдам беролмайди: Хожа Абулмакорим қатл қилинади. Тарихи Равзатус-сафо, XII қисм. ("Равзатус-сафо" ҳамда "Тарихи Рашидий" маълумотларга қараганда, бундай саргардонликларда Бобур онаси ва оиласи билан бирга бўлган). Катта устунликка эришган Шайбонийхон Тошкент вилояти, Шоҳрухия ҳамда Султон Маҳмудхон қўл остидаги ерларни эгаллайди. Энди унинг худуди Алача хон ерларидан катта, Сирнинг икки томони бўйлаб Амударёнинг ўнг қирғоқларигача борар эди. У Самарқандда ўз давлатини ўрнатди. Укаси Маҳмуд Султонга Бухоро музофотини топширади. Тошкент хукмронлигини Мирзо Улуғбек Кўрагоний кизининг ўғиллари бўлмиш Гуженжа Хон (Gujenje Khan) ва Санжак Султонларнинг (Sanjek Sultan) илкига топширади. Шоҳрухия до-

руғасига ўзининг энг яхши бекларидан Амир Йоқубни тайинлайди.

Бобурнинг Исфарага келиши

(Bobur flies to Asfera. AD.1503)

Бобур Мирзо 1503 йили Исфарага келади. Юз берган мусибатлардан сўнг у Мўғулистондан бошпана излашга мажбур бўлади. Бу воқеа ҳеч қаерда қайд этилмаган. Тез орада, бу мағлубиятлардан кейин, Сирнинг шимолий томонларига кетади. Сўх ва Хушёр каби жойларни эгаллайди. Фарғонани ажратиб турувчи Ҳисор ва Қоратегинни, Исфара атрофларини қўлга киритади. У, ниҳоят, ҳар томонга тарқаб кетган аскарларини излаб топиши керак эди. Бобур отаси Умаршайх васият қилиб қолдирган подшоҳлик орзумидлари билан ёнарди. Алқисса, содиқ қолган аскарлари билан маслаҳатлашиб, катта обрў ва эътиборга эга бўлган, бўйсунмас Султон Ҳусайн Мирзо подшоҳлик қилаётган Ҳуросонда ўз тақдирини синаб кўрмоққа қарор қилади.

Фарғонани тарк этиш

(Babur leaves Ferghana)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз она юртига инсонда бўладиган энг илиқ туйғулар билан қаттиқ боғланиб қолган эди. Бу ерлар билан охирги марта хайрлашишга қарор беради ва жанубий Фарғона чегарасини кесиб ўтади. Ундан нари Ҳисрав Шоҳ ҳукмдорлик қилган Қоратегин вилоятининг ғарбий қисмла-

ри бўйлаб Чағониён ва Хисор вилоятлари томон юра бошлайди.

Улуғбек Мирзониғ вафоти (Ulugh Beg of Kabul dies, AD.1501)

Кобул ва Фазна шаҳарларининг ҳукмдори, Умаршайх Мирзониғ тоғаси Мирзо Улуғбек, ўз ерларини ҳали ёш бўлган ўғли Абдул Раззоқ Мирзога (Abdal Razak Mirza) топшириб, ҳижрий 907 (1501) йилда вафот қилади. Бутун вилоятга ҳукмронлик қилган Ширим Зикр (Shirim Ziker) халққа қарши қаттиқ зулм ўтказмоқда эди. Муҳаммад Қосим Бек ва Юнус Алилар томонидан фитна уюштирилади. Рамазон ҳайитибайрами нишонланаётган куни фитначилар Кобулга тўда-тўда бостириб кириб, Зикрни ўлдирадилар. Суиқасд 1503 йилнинг 6 июн куни содир бўлган. Бу рамазон ҳайитининг охириги куни эди.) Зуннун Арғуннинг ўғли, Шоҳ Бекнинг укаси Муҳаммад Муқим Бек, юзага келган шароитдан фойдаланиб, дарвозалари очик Гармсирга (Garmsir) тўсатдан кириб келади ва тез орада Кобулда пайдо бўлади. Муҳаммад Муқим Бекнинг хатти-ҳаракатларини маъқуллашдан бош тортган Зуннун Бек жангда ўз вазиятини анча мустаҳкамлаб олади. Ҳофихон ва Фаришта асарларида айтилишича, Бобур Хисрав Шоҳ ҳудудига кирган пайтда, Абдул Раззоқ Мирзо тепаликлар орасида ўзининг заиф ҳокимиятини зўрға бошқарар, пойтахтни тиклашга зўр бериб уриниб ётарди. Бобур ўз саргузаштларини қайтадан бошлаган бир пайтда Шайбонийхон Самарқанд ва Бухоро, Фарғона ва Ўратепа, Тошкент ва Шохрухияни забт этган эди. Султон Ҳусайн Мирзо Хуросон-

да ҳокимлик қиларди. Хисрав Шох Хисор, Ҳутлон, Қундуз ва Бадахшонни хануз ўз қўлида тутарди. Зуннунбек, Султон Ҳусайн Мирзони тан олса-да, Қандаҳор ва Замини Довар, Хазора ва Нукдарис қишлоқларини, Шиштоннинг катта қисми ва Қандаҳорнинг ҳудудида бўлган Гармсир вилоятини ўзининг мустақил ҳокимиятига бўйсундирган эди.


Тўртинчи бобга хулоса ўрнида қайд этиш керакки, ишда матншуносликка таржимавий илмий-тадқиқотларнинг бир қисми сифатида қаралган. Шундай савол туғилиши табиий: аксинча эмасми? Таржималарнинг ўзи матншунослик илмий-тадқиқотларининг бир қисми эмасми? Бошқача айтганда: $T \gg M$ эмас, балки $M \gg T$ дир. Тўғри, матн таржимасиз ҳам ўз-ўзича матн бўлиб қолаверади. Аммо матнсиз таржима ҳеч нарса эмас. Куруқ гап. Матн, таъбир жоиз бўлса, таржимавий бўлиши шарт эмас. Лекин таржима матнийдир.

Бу яъни матн билан таржимани қандай ўринга қўйиш ёзилаётган илмий ишнинг мақсадига боғлиқ. Асосий мақсад матн муаммоларини ўрганиш ўларок, таржима фақат "моддий ашё", материал хизматини ўтаган бўлса, албатта, бу текстологик тадқиқотдир. Шарқшунослик соҳасида бундай ишлар кўп. Аксинча бўлса: ишда махсус таржима муаммоларини ўрганилаётган бўлиб, аслият ва таржима матнларига материал сифатида қаралган бўлса, бу таржимашунослик фанининг қароргоҳига мансубдир. Бизнинг тадқиқотимиз табиати қандай? Бу ерда масалага икки томонлама мунособат билдирилган. У қанчалик матний бўлса, шунчалик таржимавий. Биз баҳсни тамомила янги бир ўзанга йўналтиришга ҳаракат қилдик. Чунончи, матнга

бирлами манба деб қаралган ҳолда, унга таржималар орқали киришга интилдик. Маълум бўлдики, "Девону луготит турк", "Қутадғу билиг" ҳамда "Вақоеъ" сингари мумтоз адабиёт намуналарини таҳлил қилганда, бундай тадқиқотлар анча баракали самара беради.

Матн билан таржимани муқоясага олганда бирламчиликни матнга бердик. Тўғри. Лекин таржиманинг ҳам ўз афзалликлари бор. Чунончи, матнга нисбатан таржиманинг миқёси бениҳоя кенг. Таржима фақат матн. Ҳар қанча мумтоз ва устивор бўлмасин, бу фақат матн. Бир тил, адабиёт, бир муаллиф, бир тарихий давр билан чегараланган матн. Қачонки таржима санъати ихтиёрига ўтгандан кейингина у ҳаракатга келади, замонавийлашади, бир нечта тиллар ёки ҳатто жаҳон миқёсида истеъмолга киради. Акс ҳолда, баъзан у музей ашёси сифатида оммалашмасдан қолиб кетиши ҳам мумкин.

Таржиманинг яна бир афзаллиги шуки, у матндан матн туғади. Бир неча услубан хилма-хил таржимавий матнлар пайдо бўлади. Таржимоннинг хоҳиш-иродасидан қатъий назар, талқин ва қайта яратиш тажрибадориклари сони ортади. Бу маънода таржима санъ-ати матн учун зурриёдийлик, оналик вазифасини ўтайди. Матн таржима қандай бўлиши кераклиги, унинг хоссаси, лисоний-услубий табиатини белгилайди. Таржима эса шуларнинг барини амалга оширади, рўёбга чиқазади.



"Бобурнома"нинг форсча (Абдурахимхон ибн Байрамхон) ҳамда инглизча (Лейден-Эрскин, Аннетта Бе-

вириж хоним) ва франсузча (А. Паве де Куртейл, Жан Лйуи Бакйе-Граммон) таржималари луғатлари ва илмий тадқиқотлари туфайли жаҳон миқёсида шу қадар кенг шуҳрат топдики, Бобурнинг ўз ватанида ҳам буни фақат орзу-хавас қилиш мумкин. Бу Ғарб-Шарқ маданий мулоқотининг ёрқин намунасига айланди. Шу билан бирга, фақат шуҳрат келтиришигина эмас, балки матн - талқин - таржима жараёнининг ижодий-илмий зуваласини ўрганиш маъносида ҳам бу беназир бир иш бўлди. "Бобурнома"дай қомусий асар таржима ва таҳ-лил, таржима ва тадқиқот ҳамкорлигининг маҳсули ўларок, охир оқибатда аслият-таржима мунособатаида бу таржиманинг қайта яратувчиликдан иборат вазифаси том маънода аслиятни тиклаш, бут ҳолга келтириш ишида ҳам манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатади. Бу ўринда изчил илмий матний тадқиқот билан ижодий жараён туйғуси бир-бирини тўлдиради. Албатта, тадқиқотчилар асарнинг йўқолган қисмларини воқеийлик (тарихий-даврийлик) жиҳатидан тиклашга эришаётган экан, бу аслиятнинг ўша йўқолган қисмларини Бобур номидан ёзишни билдирмайди. Бу ишни қилишга ҳеч кимнинг маънавий ҳаққи йўқ. Муаммо шундаки, ўша йўқолган саҳифаларда тарихан ва муаллифнинг ҳаёти қандай воқеа-ҳодисалар содир бўлганини аниқлаш зарур эди. Айни шу вазифани Ғарб таржимонлари ва уларнинг шарқшунос олимлари бажардилар. Улар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ички руҳий-бадиий оламини эмас, тарихий, ижтимоий-сиёсий сиймосини тиклашга ҳаракат қилишди. Албатта, ҳар қандай таржиманинг ҳам аслиятга қанчалик мос-мукамал (адекват) эканини аниқлаш учун икки унсур бўлиши керак: асл нусха

ва унинг таржимаси. Айни ҳолда эса униси ҳам, буни-
си ҳам йўқ. Зеро, йўқ нарсанинг таржимаси бўлмай-
ди-ку. Лекин олимлар, адиблар, таржимонларнинг та-
хайулот олами чегара билмайди. Ахир, М.М.Гераси-
мов бошлиқ одамшунос-лар минг йил муқаддам вафот
этиб кетган буюк инсонларнинг (Амир Темур,
Шоҳрух, Улуғбек, Рудакий...) сиймоларини уларнинг
бош суягига қараб чизиб берди-ку*. Айни ҳолда эса
ўша бош суяги вазифасини ўтайдиган "моддий ашё"
йўқ. Жаноб-Ҳенри Бевериж, Аннетта Бевериж хоним,
жаноб Лйукас Уайт Кингда - "Бобурнома"ни тик-
лашда "бош суяги" вазифасини ўтовчи нарса - тарих-
нинг шаҳодатидир. Бинобарин, шарқшунос олимлар
бу воқеаларни осмондан олмаган, балки мавжуд тари-
хий манбаларга ("Равзатус-сафо", "Зафарнома", "Ҳу-
мойуннома", "Табақоти Акбаршоҳи", Фарб манбалари
ва ҳоказо) суяниб иш кўришган. Масалан, машҳур
Лейден-Эрскин таржимасини таҳрир қилган ва
шарҳлаган жаноб Л.У.Кинг мазкур инглизча таржима-
га "Ҳумойун Мирзони бетобликдан қутқариш учун
ҳазратларининг қурбон бўлиши" тафсилотларини кел-
тирар экан (бу ҳусусда "Вақоеъ"нинг ўзида ҳам қисқа-
гина айтиб ўтилган), буни Гулбадан Бегимнинг
"Ҳумойуннома"си ва бошқа манбалардан олган. "Бо-
бурнинг ўз ўғилларини меросдан четлаштириш режа-
си", "Бобурнинг вафоти" ва бошқалар ҳам шундай.
Бас, тагин муаммо кўндаланг бўлади: хўш, мазкур
шарҳланган лавҳалар қанчалик тўғри? Ўз-ўзича олган-
да эмас (тарихан бу воқеалар ҳақиқатда содир бўл-

* Ҳозир бу муаммо атрофидаги баҳс-мунозараларнинг мавриди эмас.

ган!), балки Бобурни бу воқеалар қанчалик қизиқтиргани масаласи кўндаланг бўлади. Зотан, муаллиф ўзи кўрган-билган, эшитган ёки ҳатто шахсан иштирок этган воқеотнинг ҳаммасини ҳам ўз асарига киритавермаган. Демак, ҳозирги хорижий "қайта яратувчилар", шорихларнинг иши (гепотезаси) қанчалик тўғри эканини аниқлаш учун "асл аслиятнинг" ўзи топилиши даркор. Топилармикан? Ажабмас. Ул-бул парчалар (масалан, Бобур подшоҳнинг Комронга хати) топилиб турибди. Шояд!.. Лекин нима бўлганда ҳам, дунё олимлари олиб борган матонатли изланиш асло ўз қиммати ва салоҳиятини йўқотмагай. Ажаб эмаски, мустақиллик шарофати билан биз ўзбеклар ҳам ўз тарихий ўзанларимизга тушиб, ўз аслимизни, чин тарихий-инсоний ва миллий қиёфамизни тиклаб, бутун жаҳонга машҳур бўлган ғоят бой тарихларимизни; манбаларимизни нашр этиб ёки ўгириб, "Бобурнома" хусусида Ғарб олимлари аллақачонлар амалга оширган "тиклаш" ишларини - мислсиз илмий-ижодий жараёни ўз заминимизда, янада юксакроқ, аъло бир даражада амалга ошириш ўзимизга ҳам насиб этса.

Бешинчи боб

Рисола ва роман мантиқи

1-Фасл

Кемтик ва нутқ. Таҳлил ва тасвир

Хорижий мамлакатларда, айниқса Оврупонинг ривожланган давлатларида, шунингдек, Америка Қўшма Штатларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига, унинг давлат арбоби, саркарда, фотиҳ сифатида қилган улугвор, баъзан зиддиятли ишларига ҳамда ниҳоятда жозиб ва нозик ашъорига қизиқиш ҳеч қачон сўнган эмас. Ҳамма вақт шарқшунос олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, адибларнинг диққат марказида бўлиб келган. Зеро, бу улуг инсон, шахзода ва валиаҳд бўла туриб, ўзига шаръан лозим бўлган тожу тахтни ҳам чексиз таҳликали курашлар, қон тўкишлар, ҳаёт-мамот эвазига қўлга киритган, ўзга кишилар ва эл-юртларда (Афғонистон ва Ҳиндистон) буюк салтанат ўрнатган Мирзо ва подшоҳ, шаҳаншоҳ умрининг сўнг-ги паллаларида... гўшанишин, дарвеш ва қаландар бўлишликни орзу қилиб қолган афсонавор, шариф бир зот нафақат унинг ватандошлари, балки бутун афкор омманинг диққатини ўзига тортмаслиги мумкин ҳам эмасди. Бу инсоннинг фавқулодда қобилият, иқтидор ва истеъдод эгаси экани, унинг фаолиятига хос турфа хислат ва фазилатларни санаб келиб, бир мағриб адибаси Флора Анна Стил, жумладан,

униги "Дарвеш ва Подшоҳ" эканини айтади. Дарвеш! Каттик айтилган. Бундай олганда, онҳазрат Бобур Мирзога нисбатан айтилганда, ҳатто шу сўз ҳам бизга бениҳоя хуш ёқади. Начора. Ҳақиқатни айтиш бора-сида нафақат ўзгаларга, ҳатто ўзига ҳам бениҳоя шафқатсиз бўлган бу инсонга нисбатан мазкур сўзни уни таҳқирлаш деб тушунмаслик керак. Дарвеш ва Подшоҳ. Шоҳу Гадо. Такдирнинг ўйини ва қиноясини қаранги, Бадриддин Ҳилолийнинг "Шоҳу Гадо" асарига нисбатан ноҳайрихоҳлик билдирган Бобур Мирзонинг ўзлари ҳаёт интиҳосида салтанат ишларидан илик ювиб, қўнгиллари дарвешликни қўмсаб қолади.

Дарвоқе, "Вақоеъ"да тўққиз юз ўн биринчи (1505-1506) йил воқеаларида Бадриддин Ҳилолий ҳамда униги "Шоҳу Гадо" асари ҳақида анча ғалат гаплар бор (бу сатрлар Мирзо Бобур 22 ёшлик чоғида, вафотидан эса 25 йил бурун битилган): "Яна Ҳилолий эди. Бу тарихда ҳам бордир. Ғазаллари ҳамвор ва рангин ва кам ҳадшадур. Девони ҳам бордур. Бир маснавийси бор, "ҳафиф" баҳрида "Шоҳ ва Дарвеш"қа мавсум, агарчи баъзи байтлари тавре воқиб бўлубтур, вале бу маснавийнинг мазмун ва устухонбандлиғи бисёр ковок ва харобтур. Шуаройи мотақаддам ишқ ва ошиқлик учун маснавийларким айтибдурлар, ошиқликни эрга ва маъшуклукни хотунга нисбат қилибтурлар. Ҳилолий дарвешни ошиқ қилибтур. Шоҳни маъшук. Абётеким шоҳнинг афъол ва ақволида дебтур, ҳосилким шоҳни жалбий ва фоҳиша қилибтур. Ўз маснавийсининг маслаҳатиға бир йигитни ва яна шоҳ йигитини бисёр бесураттурким, жалаблар ва фоҳишалардек таъриф қилгай.

Бисёр қави ҳофизаси бор эмиш, ўттиз-қирк минг байт ёдида бор эмиш. Дерларким, "хамсатайн"нинг аксар абёти ёдида бор. Аруз ва қофия ва шеър илмиға хили мустаҳзардир" (244).

Шоҳу Дарвеш

Шоҳ ва Дарвеш. Икки шахс. Аҳвол, мақомот ва моҳият эътиборидан улар бир-бирига зид. Бироқ бир Бобур вужудида ва табиатида, эҳтимол ўзи ҳам билмагани ҳолда, ана шу икки шахс ва икки руҳ, - ғолиблик билан мағлублик, улуғворлик билан ожизлик, ифтихор билан армон руҳи - бақамти ва омухта ҳолда яшар эди... Ҳайратангиз: Бобур сиймоси ва кайфиятида гўё Дарвеш Шоҳ бўлишликни орзу қилди. Ва орзусига етди. Аммо алғов-далғовли умрининг адоғида Шоҳ Дарвеш бўлишликни орзу қилди. Эвоҳ, муддаосига эриша олмади. Яна шуни айтиб ўтайликки, биз ҳар бир сўз ва истилоҳга бугунги кун назари ва идрок билан қараймиз. Қуйида гадо ва дарвеш калималарининг мавжуд луғатларимизда берилган маънолари билан танишайлик.

1. Гадо - 1 айн. гадой. 2. Камбагал, қашшоқ. 3. кўчма. Бирор нарсага муҳтож, зор, интизор, муштоқ одам. Гадобачча - эск. 1. Гадо боласи. 2. Эксплуататор тузуми даврида камбағал, бева-бечораларга нисбатан бой, эксплуататорлар ишлатган ҳақорат, камситиш сўзи. Гадой - Тиламчилик билан кун кечирадиган одам; тиламчи. Гадойлик - Гадой касби; тиламчилик (182). 2. Гадо - Гадой, тиламчи. Гадо пеша. Гадойликка ўрганган (157). 3. Гадо - 1. гадо, тиламчи, сойил. 2. фақир, камбағал, бечора.

Куфл очарди гадову соҳиби тож,
Тенг бўлурлар калидга муҳтож
(Муншаот,99).

3. бахил, текинхўр (Гадо улдурким сочмағай ва тергай. Маҳбубул қулуб, 74). 4. ошиқ:

То гадойингдур Навоий тахт ила тож истамас,
Эй гадойингнинг гадойи барча аҳлу тахту тож.
Хазойинул-маоний, I б -III;

Мен ишқ эли гадоси, сен ҳусн элига султон,
Бўлмас гадоға ҳаргиз султон висоли имкон.
Мезонул-авзон, 48.

5. толиб, истовчи. Гадолиқ II Гадолиғ I гадолик, тиланчилик. 2 бечоралик, ошиқлик.

Гадолиғ этди Навоий анинг висолини, лек,
Шаҳ этса ор не тонг бенаво гадолардин.
Хазойинул-маоний, IV а-287.
(389-390).

1 Дарвеш 1 дин. Тарки дунё қилган, гўшанишинликка берилган одам; сўфий. 2. Ҳеч нарса билан иши йўқ, ўтакетган содда ва сипо одам. Дарвешнамо - Дарвешларга ўхшаган, дарвешларча иш тутувчи; дарвешсифат. Яна: Дарвешона - Дарвешсифат (209). 2. Дарвеш - Фақир; камбағал, художўй; тасаввуф маслакларидан бирига мансуб бўлган киши, сўфий. Дарвишваш-Фақр-лардай; дарвишсумон, дарвишга ўхшаш. Дарвишона-1. Дарвишсумон, дарвишларча; дарвишларга ўхшаш; 2. Дарвишларга атаб қилинган ош. (178). 3. Дарвеш-II Дарвиш-I. Бенаво, қашшоқ, фақир, гадо. 2.

Қаландар, зоҳид, тарки дунё қилган киши; пок, софдил.

Шаҳ юриб олам очар, дарвеш оламдан қочар,
Ҳам ўзинг йнсоф бергилким, бу не нисбат анга.

Ҳазойинул-маоний, 1а-76.

Дарвешваш-сўфиларга ўхшаш, сўфисимон, дарвеш сифат: (Мавлоно Атоий... дарвешваш ва хушхулк, му-сабит киши эди... Оти Мақсуд Али, аммо номурод ва дарвешваш йигит эрди. Насойимул-муҳаббат, 160. Дар-вешвашлик-дарвеш сифатлик: Мавлоно Ҳамиду-дин... инсонияти зотий ва дарвешвашлиги жибилий воқеъ бўлибдур. Мажолисун-нафоис, 126. Дарвешдўст - фақирларга иноят килувчи, камбағалларга шафқат килувчи, камбағалпарвар: Дарвешдўст подшоҳлар сояи иқболин дарвешлар бошига мустадом... тутсун). Дар-вешлик-I. Фақирлик, камбағаллик, дарвешлик; поклик, тақводорлик:

Шаҳо, келди шоҳлик мусаллам санга,
Не шаҳлиққи, дарвешлик ҳам санга.

Тарихи мулуки ажам, 525.

Бу иш дарвешликда хуш сифатдур,
Вале шаҳлиқда нохуш хосиятдур.

Фарҳод ва Ширин, 54.

2. Зоҳидлик, сўфилик: Дарвешлик фано касбидур, алки фанойи маҳздур. Ҳамсатул-мутахаййирин, 696. Дарвишона - дарвишларга ўхшаш, дарвишсимон, дар-вишларча. Мавлоно Муҳаммад Жомий... ахлоқ ва си-фоти дарвишона ва сулук ва равиши бехешона. Ма-

жолисун - нафоис. 30. Яна: Дарвешсифат, Дарвешхўй, Дарвешхўйлик. (452-453).

Шоҳ дарвешликни орзу қилади. Бундай воқеа эртаклардагина кўрилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур дарвешликни орзу қилган, шунга интилган экан, бу баайни амалга ошаётгандай бир ғалат гап эди. Зеро, бул зотнинг ҳаёти ўзи бир эртак эди. У ё Шоҳ-Дарвеш, ё Дарвеш-Шоҳ эди. Балким ҳар иккаласи ҳам У эди.

Саккиз фазилат

"Бобурнома"га берилган иловада Мусаввиди авроқ ("варақларни қораловчи", яъни кўчирувчи, кимлиги номаълум котиб) шундай ёзади: "Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин мужмал* буким, саккиз сифати асил анинг зотиға муттасил эрди: бириси буким нажҳати баланд эрди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эрди; учумчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешумчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоият нияти тенгри таоло бандалариға; еттимчиси, черикни кўнгли(ни) қўлға олмоқ; саккизимчиси, адолат қилмоқ.

Ва фазилат бобида камлиғи йўқ эрдиким, назм ва наср ва туркий ва форсийни бебадал айтур эрди. Алалхусус туркий девони бордурким, анда тоза мазмунлар топиб, айтибтур ва маснавий китоби ҳам борким, оти "Мубайин"дур. Тил билур доно халқ орасида анингдек латойиф йўқтур. Ва Хожа Аҳрор айтган

* Мужмал - лўнда қилиб айтганда.

рисолаким, анинг оти "Волидийа" дур, ўшал подшоҳ назм қилибтур. Ушбу китобким, "Бобирия" дур, Байрамхонни ўгли Мирзохонга буюрдиларким, туркийдан форсийга келтургилким, туркий билмоғон халойикқа осон бўлғай. Ул подшоҳ мусикий илмидин ҳам хабари бор эрди ..." (460).

Тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил воқеаларида яна ўқиймиз: "Ушбу аснода Боқибек манга каррот ва маррот* айтур эдиким: "Бир вилоятқа икки подшоҳ ва бир черикка икки мирсипоҳ мужиби тафриқа ва вайронлик ва сабаби фитна ва паришонлик дур. Нечукким, дебтурлар:

Даҳ дарвеш дар гилиме бихусбанд,
Ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд.
Ним ноне гар хурад марди худои,
Базли дарвешон кунад ними дигар.
Мулки иқлиме бигирад подшоҳ
Ҳамчунон дарбанди иқлими дигар".

Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асаридан олинган бу байтларнинг мазмуни шундай: Ўн дарвеш бир гиламда ётади, аммо икки подшоҳ бир иқлимга сиймайди. Мардихудо бир ноннинг ярмини еса, қолган ярмини дарвешларга беради; подшоҳ эса, бир иқлим мулкини олса, яна бошқа иқлимни ҳам олиш фикрига тушади.

* Каррот ва маррот - неча мартадан, қайта-қайта.

Шох Бобур сиймосига дахриёна чизгилар

"Бобурнома"нинг 1960 йилги ўзбекча тўла нашрига раҳматлик академик Йўлдош ўғли Воҳид Зоҳид "Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида" деган кўламдор мақола ёзади. Унда, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: "Бобур дин ва руҳонийларга қарата ҳам уларни фош қилувчи дадил сўзлар айтган. У ўша давр шароитида шундай мардона сатрлар ёзганки, у сатрлар руҳонийларга, исломнинг баъзи бир қотиб қолган қоида ва кўрсатмаларига шубҳа туғдиради, уларнинг ҳатто шак келтириш гуноҳ ҳисобланган "му-қаддасликларига", уларга риоя қилиш шартлигига одамларда шубҳа туғдиради. У: "Менда ибодат қилинадиган меҳроб йўқ, ойлаб, ҳатто йиллаб тоат-ибодат қилмайман, рўза тутмайман, туну кун шариат қатъий манъ қилган шароб ичаман, қаландарликни яхши кўрмайман, зоҳидларни ёмон кўраман", - дейди, хурсандчилик, хушчақчақликни куйлайди, шодлик ва хузурбахш воситаларни кўкларга кўтаради". "Бобурни мистик мақсадлар, мавҳум дунёга интилишлар қизиқтирмаган. У ҳамма вақт реал борлиқ ҳақида ўйлаган. Уни "энг муқаддас" жойлар, "нариги дунё" ва у ердан энг яхши жой олиш каби хаёллар деярли қизиқтирмаган. У ҳақиқий дунёни, ердаги ҳаёт лаззатларини, инсон тирикчилигини, унинг хурсандчилигини, баҳор ва унинг латофатини севади. Ҳар бир мусулмон учун Макка энг муқаддас жой ҳисобланса, Бобурнинг Маккаси ердаги севиклидир".

Яқин ўтмишда дин - афъюн, подшо - босқинчи, бой - муртад, мулла ёмон... деб келдик. Мачиту, мадрасаю, хонакою, расадхоналарни топтадик, буздик. Инсониятни - даҳрий ахлоқсизликка, жамиятни - салкам онгсиз маймунлар галасига айлантиришга жонжаҳдимиз билан ҳаракат қилдик ва сал қолди бунга эришдик ҳам. Дин қотиб қолган нарса, Қуръон қуруқ қироатчиликка асосланган талмуд, деб шоён этдик. Ҳолбуки, минг йиллар давомида дин, Қуръони Карим ўзининг нақадар яшовчанлигини, яна неча минг йиллар давомида, тоабад жамиятни том инсоний ахлоқ доирасида сақлаб туришга, уни тарбиялашга ўзининг қодир эканини исботлади. Аммо "дунёда энг илғор таълимот"нинг ўзи ашаддий қотиб қолган, ривожланишга, тараққиётга монелик қилувчи нарса экани ҳам аён бўлиб қолди. Кўҳна дин-ку сақланиб қолди, "янги таълимот" эса араб етмиш йил ичида эскириб бўлди.

Хорижий тадқиқотчилардан бири Бобур ҳақида гапира туриб, ундаги ўзгарувчанликни қайд этган эди. Биз бўлсак, дафъатан ундаги собитқадамлик, бир сўзлик, вазиятга қараб оғмачилик қилмаслик ва турлан-масликни унинг асосий инсоний фазилатларидан деб биламиз. Лекин бу бирёқлама кажравликни англат-майди. Турган гап, у ҳар гал вазият тақозосига қараб қарор қабул қилади ёки қарорини ўзгартиради. Юқорида ардоқли марҳум академикимиз Воҳид Зоҳидийнинг сўзларини келтирар эканмиз, ўқувчида шундай таассурот пайдо бўладики, Бобур Мирзо гўё динга қарши, майпарастрлар ҳомийси, бенамоз ва бетаҳорат анчайин бир шахс экан-да, деган. Асло ундай эмас. У ўзининг аҳволдан мамнун бўлибмас, зорланиб гапирган. Умри от устида, урҳо-сурда, тожу-тахт ва салта-

нат ташвишида, черик тортиш, арз-ҳол сўраш ва жазолаш саросимасида ўтган кишидан... рўза тутишу жойнамоз устида беш вақт намоз ўқиш, зикр-тиловатга вақт қоларканми! Мамлакатни ким идора қилади? Эл-юртга ким раҳнамо бўлади? Дунёвий ишларни ким бошқаради...

Бундан ташқари, "Бобурнома" олампаноҳ ҳаётининг турли даврларида, ҳар хил ҳаётий вазиятларда, ўзи айтганидай, "толесиз толенинг турли "ўйинлари" шароитида ёзилган. Булар барчаси унинг кайфияти ва услубига таъсир қилмай қолмасди, албатта.

Бобурга русиёна улуғдавлатчилик иддаолари

Сал ортга қайтиб, 1948 йилги русча нашр ҳақида тўхташга зарурат бор. М. Салйе таржимаси, ажабким, М. Шевердин "тахририда" чоп этилган. У ёзган муқаддимага Шарқ тарихининг нодир намунаси бўлмиш, маърифатли Фарб дунёсининг энг йирик, пешқадам олиму фозиллари эътироф этган "Бобурнома" ва унинг муаллифига нописандлик билан қарайди. Бобурнинг ҳарбий юришлари ҳақида ёзаркан, буни "хищнические набегии" (йиртқич хуруж), "разбойничий налёт" (талончилик) "хищнические стремления" (йиртқич интилиш), "примитивное варварство" (ибтидоий қабоҳат) деб атайди. Мирзонинг ўзини эса, "хищный воитель чужих земель" (бировларнинг ерини йиртқичларча босиб олувчи босмачи) деб "таърифлайди". Мирзо Бобур-нинг шахси ҳақида "остряк и пьяница" (аскияди ва ароқхўр), дейди. Шоирнинг гўзал ғазаллари ва ру-

бойлари ҳақида гапираркан, булар ўзининг шеърий нафосатидан кўра тилининг оддийлиги ва оммавийлиги билан ажралиб туради, деб баҳолайди. Умрида бирон сатр шеър битмаган бир сийқа адабиётчи гўё Бобур ғазалларини асл туркийда ўқиб "тушунади"!.. Қиёс қилинг: доктор А. Шиммел номи юқорида қайд этилган ажойиб мақоласидан Бобур ижодига - унинг ғазаллари, рубойлари, туюқларига жуда юқори баҳо берган. Ўз таъриф-тавсифларида у шоирнинг асарларига ҳамда Фуод Кўпрулизода, Холис Афанди ва ашъорфаҳм билагонларнинг фикрларига ҳавола қилади. - У хасталик азобини ўз рубойларига (934:1527 йил воқеаларида) айтиб ўтган, - деб қайд этади олмон олими. - Бироқ касаллик ва урушларга қарамай, у шеър санъатидан ҳузур қилишни давом эттиради ва бунга ишониш қи-йин бўлса-да, 504 усулда шеърий мисраларни айрим бўлақларга ажратиб, вазнини ўлчадим, деб ифтихор билан таъкидлайди.

Бобур ғазалиётининг талқини ва баҳоси, "Вақоеъ"нинг русча таржимаси тавсифи Михаил Шевердиннинг инон-ихтиёригаки топширилган экан, уёғи нима бўлганини тасаввур қилиш мумкин. У Шарқ насрининг нодир ва ноёб намунаси бўлмиш "Вақоеъ" таржимасини гўё "ҳозирги" ўқувчига қулайлик учун "тахрир қилиш" баҳонасида зариф матнни бир чеккадан қисқартиришга киришади...

Хожа Аҳрорга маломат тошларини отманг...

Қомуслар Бош таҳририяти томонидан "Бобурнома"нинг 1993 йилда босмадан чиқарилган янги русча

нусхаси, М. Салйе таржимаси шарқшуноси олима Сабоҳат Азимжонованинг "қайта ишлови" ва таҳририда чоп этилган. Китоб охирида Қомуслар Бош таҳририятининг ушбу нашр учун масъул мутахассислари номлари ёзилган. Бош муҳаррир: иқтисод фанлари, доктори Н. Тўхлиев. Бош муҳаррир ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди Д. А. Шораҳмадов. Масъул котиб Д.У.Раҳимбеков. Катта илмий муҳаррирлар Е. Г. Медведева, З. Р. Раҳмонова... 90 саҳифани банд этган изоҳларни филология фанлари номзоди, марҳум М.А. Салйе билан тарих фанлари номзоди Д. Г. Зс-роновскийлар тузишган. Мана бу изоҳга эътибор қилайлик: "Ходжа Убайд Аллах Аҳрар (ум.в 895-1498г.) один из наиболее реакционных представителей среднеазиатского дервишества, игравшей значительную, но неблагоприятную роль в политической и культурной жизни Самарканда во второй половине XV века" (375). Мазкур "илмий" изоҳ ҳақиқатга зидлиги ҳақида эмас баҳс. Мазкур изоҳлар китобнинг 1958 йилги русча нашрида ҳам берилган. Гарчи мундарижада унча-бунча майда-чуйда ўзгаришлар бўлса-да, асосан ва бусбутун ўшу-ўша. Дарвоқе, келтирилган изоҳда бир "ўзгачалик" ҳам бор. Чунончи, 1958 йил нашрида ҳазрат Хожа Аҳрорнинг вафот этган йиллари 1489 деб тўғри қайд этилган бўлса, янги нашрда 1498 деб бузилган.

Наҳотки, икки нашр оралиғида кечган 35 йиллик даврда бу нуқсонларни тузатиш қийин бўлган бўлса. Ахир, бу давр орасида қанчадан-қанча дарахтлар кесилиб кетди... Турғунликдан - Қайта қуришга, Қайта қуришдан - Мустақиллик даврига қадам қўйилди. Мумтоз адабиёт талқини ва нашрларида олимларимиз

билан ноширларимиз бизни бугуннинг Истиклоли ва эртанинг Хуррияти, Миллий қадриятларнинг янада сарафроз бўлиши сари етаклаши лозим.

Бу 1993 йилги русча нашрнинг қиммати "Бобурнома" матнини ўқувчининг қўлига ва онига етказиб берганлигида. Бу ҳам керак. Модомики, бугунги узоқ ва интиқ бўлиб кутилган маҳобатли Бобурияга русча тафаккур ва тилда чинакам муносиб, илмий холислик тарзида янгича, антиқа ва яхши маънода ғалат бир талқину таржима тухфа эта олмаган, ўша 35 йил олдинги таржимадан бир баъя ҳам юқори кўтарилмаган эканмиз, филҳол, ўша марҳум рус шарқшуноси Михаил Салйе хотирасига яна бир карра қуллуқ қилишимизга тўғри келади. Буниси-ку майли. Аммо, лоақал кўхна таржимага янгича, чуқур илмий талқин ва шарҳ-лар беришимиз, мазкур таржиманинг жиддий нуқсонларини бартараф этишимиз ҳам фарз, ҳам қарз эди. Бу йўлда нималардир қилинган, албатта. Аммо етарли эмас.

Улуғбек Мирзо ва Мирзо Бобур

Тўққиз юз учинчи (1497-1498) йил воқеаларида Улуғбек Мирзо билан Абдуллатиф Мирзонинг қатл этилишига доир жуда муҳим воқеа ва тарихлар рақам қилинган.

"Шоҳрух Мирзо жамиъ Мовароуннаҳр вилоятини улуғ ўғли Улуғбек Мирзога бериб эди. Улуғбек мирзодин ўғли Абдуллатиф мирзо олди. Бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди. Улуғбек мирзонинг фавтининг тарихи тавре воқия бўлубтур. Назм:

Улуғбек баҳри улуму хирад.
Ки дунё динро аз ў буд пушт,
Зи Аббос шахди шаҳодат чашид,
Шудаш ҳарфи тарих Аббос кушт.

Мазмуни: Илм ва ақл денгизи бўлган Улуғбек дунё ва диннинг таянчи эди. Аббос қўлидин шаҳидлик болини татида, "Аббос кушт" ҳарфлари ўлим тарихи бўлди.

Аббос кушт (Аббос ўлдирди) ҳарфларини "Абжад ҳисоби" билан рақамга айлантирилса, 853 ҳижрий (1449-1450) йил чиқади.

Агарчи ўзи ҳам беш-олти беш* салтанат қилмади, бу байт машҳурдиким:

Падаркуш подшоҳиро нашояд,
Агар шояд ба шаш моҳаш напояд.

Мазмуни: Отасини ўлдирган (падаркуш) подшо бўлолмайди, агар бўлса ҳам, олти ойга етмайди.

Анинг тарихи ҳам тавреъ воқиъ бўлубтур.
Абдуллатиф хисрави Жамшид фар ки буд
Дар силки бандагонаш Фаридуну Зардухушт.
Бобо Ҳусайн кушт шаби жумъааш батир,
Тарихаш ин навис ки Бобо Ҳусайн кушт.

Мазмуни: Абдуллатиф Жамшиддай шукуҳли под-

* Беш - ортик, кўп, бошқа

шоҳ эди, Фаридун билан Зардушт куллари қатори эди. Уни Бобо Ҳусайн жума кечаси ўқ билан ўлдирди, ўлим тарихини "Бобо Ҳусайн кушт" деб ёзгин.

"Бобо Ҳусайн кушт" (Бобо Ҳусайн ўлдирди) ҳарфларини "Абжад ҳисоби" билан рақамга айлантирилса, 854 ҳижрий (1450-1451) йил чиқади.

Лейден-Эрскин таржимасида (1921) мазкур шеърлар инглизчага қуйидагича берилган:

1. Ulugh Beg, the ocean of learning and science,
Who was the protector of this lower world.
Drank from Abbas the honey of martyrdom,
And the date of his death is (Abbas kusht)-
Abbas slew him.
 2. Ill does sovereignty befit a parricide:
But should he gain it, let six months be
the utmost limit of his reign.
 3. Abdallatif, who rivalled the pomp of
Khsrou and Jemshid,
Who was attended by crowds of courtiers
like Feridun and Zerdusht,
Was slain by Baba Hussain, one Friday night,
with an arrow,
Add the date of the event is
(Baba Hussain kusht) - Baba Hussain slew him.
- (2- мисрага) жаноб Лйукас Уайт Кинг изоҳ беради:
Add and of religion (қўшиб ўқилсин: диннинг ҳам).

Биринчи тўртликка шориҳ шундай аниқлик киритади: To commemorate any important event, to fix the date in the memory, the Persians make much use of memorial verses, in which a certain number of letters have a numerical value, that added together give the required

date. Thus Abbas kusht gives 853 (AH.1449 AD). This is called abjad in Persian (87).

Бу ерда мусулмон одатига кўра, форслар бирон муҳим воқеанинг мазмуни ва содир бўлган вақтини қайд этиш мақсадида шеър битиб, унда абжад ҳисоби-га кўра, ҳарфлар рамзий маънода рақам маъносини англатади, дейилади. Шунга кўра мазкур бирикма: Аббос кушт - Улуғбек Мирзонинг қатл этилган куни хижрий 853 деб тайин этилганким, бу мелодий 1449 йилга тўғри келади.

Эслаб қолайликки, диққат қиладиган бир нуқта бор: форсча Аббос кушт иккинчи ўринда "Abbas kusht" (Аббос кушт) деб ёзиладию, асл инглизча талаффуз ва имлога ўтганда - "Abbas slew him" тарзида берилади. Худди шунингдек, Бобо Ҳусайн кушт Baba Hussain kusht (Бобо Ҳусейн кушт) деб ёзиладию, инглизча талаффуз ва имлога кўчганда - "Baba Hussain slew him" шаклида битилади. Демокчимизки, "Аббос" - "Аббас", "Ҳусейн" - "Хуссейн" тарзида ёзилиши, яъни қандай унли товуш (а ёки о) ёхуд ундош товушнинг ҳолати (Ҳусейн: Ҳуссейн-бир ундош - с орттирилган) абжад ҳисобга ўтганда санани ўзгартириб, бузиб юборади. Натижада 853: 1449 чиқмайди. Шакл маънога лат етказди. Абдуллатиф Мирзонинг ўлдирилиши санаси (Бобо Ҳусайн кушт) абжадда тўғри қайд этилган - 854:1450.

1. Ulugh Beg, and ocean wisdom and science,

The pillar of realm and religion.

Sipped from the hand of 'Abbas, the mead of
martyrdom, .

And the date of the death is 'Abbas kasht

(Abbas slew)¹.

2. Ill does sovereignty befit the parricide;
Should be rule, be it for no more than six
months².
3. 'Abdu'l-latif, in glory a Khusrau and Jamshid,
In this train a Faridun and Zardusht.
Baba Husain slew on the Friday Eve,
With an arrow. -Write as its date.
Baba Husain kasht (Husain slew).³

Матн А. С. Бевериж хонимда қўйидагича тушунтирилган: 1. By abjad the words 'Abbas Kasht yield 853. The date of the murder was Ramzan 9,853 AH.(Oct. 27th.1449 AD). This couplet is quoted in the Rauzatu's-Safa (lith.ed.vi.f.234 foot) and in the H.S. II.44. It is said in the R.S. to be by Nizami and to refer to the killing by Shiruya of his father Khusrau P'arwiz in 7 AH (628 AD) The H.S. says that 'Abdu'l-latif constantly repeated the couplet, after he had murdered his father. (See also Daulat shah) Browne,p.356 and 366 (H.B.3. By abjad Baba Husain kasht yields 854. The death was on Rabi'l 26.854.AH (May 9th. 1450 AD) See R.S. vi.235. for an account of this death (85).

Аннетта Бевериж талқини, таржимаси ва изоҳларида биз учун ниҳоятда муҳим жиҳатлар бор. Бу фақат туркий аслият, форсий талқин ва инглизча таржималаргина эмас, балки ҳозирги ўзбекча замонавий нашрларимиз учун ҳам ғоят муҳим ва ибратли. Аввало, Аббос сўзи тўғри ёзилган : Abbas. Сўнгра Бобо Хусайн ҳам айнан ўзидай .

Хуллас: Аббос кушт билан Бобо Хусайн кушт бирикмалари абжад ҳисобида 853:1449 ҳамда 854:1450 экани тўғри берилган. Бошқача айтганда:

Улуғбек Мирзо - Аббос: 853:1449. Хижрийда - Рамазон ойининг 9-куни. Мелодийда -27 октябр. Абдуллатиф Мирзо - Бобо Хусайн : 854:1450. Раббиул аввал ойининг 26-куни. Мелодийда - 9-май.

Яна бир эътиборга лойиқ янгилик: Мирзо Улуғбекнинг қатл этилишига доир юқоридаги тўртлик машхур муаррих олим Мирхонднинг "Равзатус-сафо" асаридан олингани ҳақида хабар берилади. Бу инглиз нашрида литография усулида босилган бўлиб, биринчи қисмнинг 234-бет, 44- сатрида учрайди. "Равзатус-сафо"да қайд этилишича, кейинги байт Низомий Ганжавий қаламига мансуб бўлиб, Шеруянинг отаси Хусрав Парвезнинг ўлдирилишига дахлдор (ҳижрий 628 йил). Ўша "Равзатус-сафо"да яна айтиладики, Абдуллатиф ҳам отаси Улуғбек Мирзога суиқасд амалга оширилганида Низомийнинг байтини такрорлаган. Бевериж хоним бу воқеа хусусида тагин маълумот олиш учун Давлатшоҳга мурожаат этишни тайинлайди (Бравн. 366-367-бетлар).

А.С. Бевериж хоним таржимасида бир жиддий нуқсонга ҳам йўл кўйилган. Чунончи: Аббос кушт ҳамда Бобо Хусайн кушт бирикмаларидаги "кушт"ни kasht (кашт) деб кўпол суратда бузиб ўқийди: Abbas kasht (Abbas slew); Кушт: Кашт. Baba. Husain kasht (Baba Husain slew).

Рашит Раҳмати Орат таржимасида форсча шеърлар араб алифбосида, остидан туркча мазмуни берилган. Аммо ўзининг пухталиги, илмий аниқлиги, матний мукаммаллиги, аъло матбаа сифати билан ажралиб турган бу таржимада ҳам, ажабки, тилга олинган шеър-рий парчалар кимнинг қаламига мансублиги ва манбаи қайд этилмаган.

Нихоят, Михаил Салйенинг русча таржимасига келсак, жуда галат бир ҳолнинг шоҳиди бўламиз:

Год смерти Улуг бек мирзы правильно указан в таком тарихе:

Улуг бек - море знаний и разума,
Опора основ земной жизни и веры,
Из-за Аббаса вкусил мёд мученичества,
И стали тарихом его смерти (слова): "Аббас убил".

Однако он сам (Абд ал-латиф) властвовал не более пяти-шести месяцев. Хорошо известен такой стих:
Отцеубийце не приличествует царская власть,
Если станет он государем, то не более, как шесть
месяцев.

Тарих его (смерти) тоже хорош:

Абд ал-Латиф был славен, как Хосрой и Джемшид,
В числе его рабов - Феридун, Зардушт;
Баба Хасан убил его, в пятницу вечером, стрелой,
Напиши же его тарих - "Баба Хасан убил" (75).

Шу нашрнинг 382-бетида келтирилган изохда ўқиймиз: Тарих-хронология, дата, история; в данном случае стихотворение-хронограмма, числовое значение букв двух его слов (Аббас кушт - Аббас убил) составляют дату события-853 (1449) г.

Аввало, "Аббас убил" сўзларини тарих деб такдим этиш кўпол хато, Аббас эмас, Аббос! Чунки чўзик О унлисининг (алифнинг) қисқа а билан алмашуви оқибагида, абжадга кўра, рақам ҳам ўзгаради. Иккинчи-

дан, "Аббос кушт"ни матн ичида, шу ернинг ўзидаёк бериш лозим эди. Абдуллатифнинг ўлдирилишида эса янада кўполроқ хатога йўл кўйилган: мутаржим "Баба Хасан убил"ни тарих деб такдим этиши ҳам хато. Мантиксиз гап. Қолаверса, Бобо Хусайн сира ҳам... "Баба Хасан" эмас! Бир йўла бир нечта чалкашликка юз тутилган: ҳ - х га, о - а га айланган. Қандай қилиб Хусайн Хасан бўлиб қолганини ақл бовар қилмайди. Ва ниҳоят, ҳатто изохда "Аббос кушт"ни русча талафузда "Аббас кушт" деб бериш шарқона мантикка ҳам, илмий аниқлик-абжадга ҳам хилоф. Умуман, М.Салйе таржимаси Эрскин-Лейден, Аннетта Бевериж, Паве де Куртейл таржималаридан анча паст туради. Яна бунинг устига у тўрт-беш топқир, кейинги 1993 йил нашрида-гўё "қайта ишланиб" ва "тўлдирилиб" босилган бўлса-да, кўп ҳолларда, ҳатто ўша 1948 йил нашридаги хатолар ҳам айнан ёхуд ҳатто ортиғи билан такрорланиб келмоқда...

Бизнингча, дарвешлик Бобур подшоҳ учун жибиллий бир сифат бўлмиш. Дунёни - Олишга ва Дунёдан - Қочишга шавку, рағбату, тушқунлик уни шу кўйга солган бўлса ажаб эмас. Зеро, унинг учун дунёнинг "ишлари" шу тақлит ва шу зайл насиб этмишдир. О, Мовароуннаҳр, Андижону Самарқанддай жаннатмакон юрт, ватан, зебо шаҳарлар, олиймақом насл-насаб, мислсиз содиқ ва вафодор инсонлар ҳар лаҳзаю сония жон фидо этишга тайёр турган ёру, биродару, дўстлар унинг изнида бўлсаю, тагин худди шулар орасидан сотқин ва хиёнаткорлар чиқса-я!..

Шоҳким, кўнгли гул ғунчасидай қон

Шаҳри Андижондан сўнг Кобул шаҳри Бобур Мирзо ҳаётида тамом ўзгача, оддий сўз билан ифодалаш амри маҳол бўлган маъно ва туйғу уйғотади. Эҳтимол, бу манзил ўзининг қай бир сифатлари билан она юртини эслатиб турар? Нима бўлгандаям, у ўз хорижий ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида, қаерда бўлмасин, Кобулга интилиб туради. Бу кишвар ва зебо шаҳарни у ҳамма вақт "Меники" деб атайди. Уни ҳеч кимга, ўз сеvimли фарзандларидан ҳам биронтасига раво кўрмади. Кобул-Маним, дейди. Не улуғ шукроналиғ бўлди-ким, жасади ҳам худди шу Навоий диёри - Афғон тупроғига, Кобулга насиб этмиш.

Бир гал, букаламун ва кажрафтор фалак дастидан бениҳоя озурда бўлган подшоҳ Бобур айни сабза, баҳор палласида анвойи чечакларга кўмилган Кобулга гузари тушганида, таърифдан ташқари бу фусункор манзарага боқаркан, афсус ва надомат билан ғазал битади:

Менинг кўнглумки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ
кондур,
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи не имкондур
("Бобурнома", 265).

Ўзлигин кашф этарму киши?

Бобур-ҳукмдор, Бобур - соҳиби салтанат. Бобур-ардокли фарзанд, падари бузург, инсон, олим ва адиб ҳаёти унинг хотиралари-"Вақоеъ"сида қандай бўлса шундайлигича, ортикча пардоз-андозсиз ҳамда бета-

каллуф ҳолда акс этган. Айни вақтда бу факат "оиланома" ёки курук "шажаранома", "қайднома", ўзига хос "кундалик" эмас. Услуби шундайки, жамии "ғайрибобурий" ходисаларда ҳам унинг онг-шуури, қалб мавжлари, изтироблари иштирок этади. Бу жиҳатдан ҳам асар нодир ва ноёб ёзма обида. Бобурга Бобур кўзи билан қараш! Бунинг устига тилининг ширадорлиги ўқувчини ўзига ром этади. Қандай асар бу? Илмий рисолами? Воқеий романми? Ўзи ҳақида бадиий қиссами? Ўз даври одамларининг тақдир-қисмати ҳақидаги ўзига хос тарихий-қомусий асарми? "Ша-жараи Бобурий"дир балким? Аслида, қайд этилганларнинг ҳар бири ва ҳаммаси. Шунинг учун ҳам бу ҳар бир кишини ва барчани бирдай ўзига жазб этади. Худди шу сабабдан ҳам бизнинг замондошларимизга буюк Заҳириддин ҳақида асар ёзиш қулай ва айни шу важҳлардан замонавий бобуршунос адиб ҳамда муаррих, шарқшунос, нуктадон матншунос ва мутаржим-арнинг иши ниҳоятда мураккаблаштиради. Чунки Бобур Мирзо ҳақиқатини четлаб ўтиш мумкин эмас. Бундай олганда, Бобур ўз тимсолини (образини) ўзи яратган. Ёзувчи бир карра, "биринчи кўл"нинг ўзи яратган сиймони қандай қилиб иккинчи маротаба қайта яратсин? Мана муаммо. Бу жабҳадаги барча душ-ворликларга қарамай, инглиз, олмон, франсуз, хинд, турк, ўзбек, рус ва дунёнинг бошқа тилларида Бобур Мирзо ҳақида ёзилган ҳамда таржима қилинган ишлар ниҳоятда кўп. Булар: роман, қисса, дoston, шеър, хужжатли ва бадиий филм, монография, эссе, мақола, диссертатсия, илмий тадқиқотлар... Шуниси борки, Бобурнинг ўзи қомусий шахс бўлгани боис ул зот ҳақида ёзилган китобларнинг турини (жанрини)

аниқлаш ҳам маҳол. Қай бири роману, қайсиниси "ажойиб кишилар ҳаётидан" туркумида ёзилган китоб? Буни фарқлаш ҳам қийин. Мазкур нашрлар билан яқиндан танишганда шу нарсага амин бўламизки, уларда "Бобурнома"даги айрим лавҳалар такрор-такрор учрайди. Жумладан, баъзи бир чалкашликлар, "кемтиклар", нуқсонлар ҳам нашрдан-нашрга, китобдан-китобга, таржимадан-таржимага кўчиб юради...

Бобуршунослик кўлами

Қуйида ана шундай китоблардан айримларини эслатиб ўтайлик. Булар: Вилйам Эрскин. Бобур ва Хумойун даврида Ҳиндистон тарихи. Лондон, 1854 (В.Эрскиннинг ўгли Жеймс Эрскин бостирган). Лейн Пуул. Бобур. Оксфорд, 1899. С.М. Эдуард. Бобур. Лондон, 1926. Фернанд Гренард. Бобур (китобда: Baber). Париж, 1930 (Франсуз тилида ёзилган бу асар инглиз ва турк тилларида ҳам чоп этилган). Флора Анна Стил. Бобурхон. Роман. Париж, 1940. Ҳ.Лэмб. Бобур-Йўлбарс. Гарден Сити, Нйу-Йорк, 1961. Бампер Гаскоин. Бобур ва унинг авлодлари ёки Буюк Мўғуллар. Эссе-роман. Нйу-Йорк, 1980. Жан Пол Ру. Бобур. Монография. Париж: "Файйард" нашриёти, 1986. Пиримқул Қодиров. Юлдузли тунлар. Роман. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. Пиримқул Қодиров. Авлодлар довони (Акбар). Тарихий роман. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. Пиримқул Қодиров. Бобур (Юлдузли тунлар). Роман. Рус тилида. Узбекчадан Юрий Суворсев таржимаси. Москва: "Бадий адабиёт" нашриёти, 1988. Сўнгги нашр, русча тар-

жимага Р. Фатхуллина томонидан тузилган Изоҳлар ва Мухтасар лугатда бир қанча жиддий нуқсонлар, баъзи бир қусурларга йўл қўйилган. 737-бетда Алишер Навоий ҳақида маълумот бериларкан, унинг "Ҳайратул-аброр", "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин", "Сабъаи сайёра", "Садди Искандарий" дostonларини ёзганлиги ва бу дostonлар ... "Ҳамсатул мутаҳаййирин" ("Пятерица смятенных") деган ном остида жамулжам қилингани айтилади. Ҳолбуки, "Ҳамса" (Бешлик) бошқаю, "Ҳамсатул мутаҳаййирин" тамомила бўлак асар эканидан шориҳ беҳабар. "Ҳамсатул мутаҳаййирин" - бу Навоийнинг ҳазрат Абдурахмон Жомийга атаб ёзган (1494) асари. Ўзига хос ажойиб хотира. Хуллас, бу икки асар бутунлай бошқа-бошқа нарсалардир.

Хожа Аҳрори валий ва

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Ўша саҳифада яна мантиқсиз бир гап кетган: Ҳоджа Аброр известный реакционер, спровоцировавший убийство Улугбека, предводительного влиятельного религиозного ордена накшбандиев". Фирт ёлғон ва мантиқсиз гап. Аввало, Хожа Аброр эмас, Хожа Аҳрори валий ҳақида гап бормокда. Улуғбек Мирзога суиқасд қилиниши вақти билан Хожа Аҳрор яшаган давр бутунлай тафовутли. Узоқ вақтлардан буён давом этиб келаётган бу қабих тухмат, афсус-надоматлар бўлсинки, бу ерда яна такрорланган. Мазкур бемаъни

фикр фақат изохдагина эмас, балки китобнинг ичида, романнинг русча таржимасида ҳам учрайди (156): "... Ходжа Яхья столь влиятелен, что круто поступить с ним и вовсе нельзя: все духовные лица на стороне Яхьи, ещё бы, ведь он сын знаменитого Ходжи Ахрара. По знаку такого человека вся тёмная толпа поднимется во главе с муллами, шейхами, и такое может начаться, что будет похлеще времен, когда обезглавили самого Улугбека!"

Хожа Ахрори валий ҳақидаги бу уйдурманинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига ва маънавиятига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги лоақал шундан ҳам маълумки, айнан Бобур Мирзо учун Хожа Убайдуллоҳ ғоят муътабар раҳнамо ва Пири Муршид бўлган ва бутун асар - "Вақоеъ" давомида бул зот ҳақида чуқур ҳурмат ҳамда эҳтиром сақланган. Наинки Бобурга, Хожа Ахрор бутун темурийлар авлоди учун пири комил ҳисобланган. Бу улуг зотнинг номи "Бобурнома"да ўн марталаб қайд этилган экан, бирон жойда ҳам унинг қандайдир "қинғир иши" ҳақида лом-мим де-йилмаган. Бас, бундай уйдурманинг келиб-келиб ... Мирзо Улугбекка, Мирзо Бобурга дахлдор муҳитга, темурий ва бобурийларга нисбат берилиши фақат яланғоч шаккоклик эмас, балки тарихий ҳақиқатга, инсоф ва диёнатга нисбатан риёкорлик қилишдан бошқа нарса эмас.

"Бобурнома"дан саҳифами-саҳифа далиллар келтирамиз.

64-бет (отаси Мирзо Умаршайх ҳақида): "Ҳазрат Хожа Убайдуллоға иродати бор эрди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлиб эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд дер эдилар".

74-бет. (Султон Аҳмад Мирзо ҳақида): "Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаб бор эди".

112-бет: "Хожа Мавлонои кози... Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг муриди эди. Алардин тарбият топиб эди. Хожа қозининг валилиғида менинг ҳеч шакким йўқтур. "

139-бет (тўққиз юз олтинчи (1500-1501) йил воқеалари баёнида): "Ўшул фурсатга ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболлариға чиқмишмен, Хожа келиб ўлтирдилар. Хожанинг олиға ғолибо бетакалуфрок дастурхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо била дедимким, мендин эмастур. Дастурхон солғучи тақсир келибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қўптилар. Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлимдин ё сўл қўлимдин тутиб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Турки дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ўшул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим".

Халоскор "Волидийа"

418-бет (тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеалари): Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида ҳазрат Хожа Убайдуллонинг "Волидийа" рисоласини назм қилмоқ хотиримға кечти. Ҳазратнинг руҳиға илтижо қилиб кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким,

соҳиби "Қасидаи Бурда"нинг қасидасига мақбул тушуб, ўзи афлиж маразидин ҳалос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулуб, назмимнинг қабулига далиле бўлғусидур. Ушбу ният била "рамали мусаддаси махбуни аруз" ва "зарбгоҳи махбуни маҳзуф" вазнидаким, мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг "Субҳа"си ҳам бу вазнадур, рисола назмига шуруъ қилдим, ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтилди. Илтизом йўсунлук, кунда ўн байттин камрак айтилмас эди, ғолибо бир кун тарк бўлди. Ўтган йил ва балки ҳар маҳал мундоқ оризаким бўлди, ақалли бир ой-қирк кунга тортти. Тенгри инояти била, ҳазратнинг ҳимматидин, панжшанба куни ойнинг йигирма тўққузиди андаке афсурда бўлди, ўзга бу оризадин ҳалос бўлдум. Шанба куни раббиулаввал ойининг секкизида рисола сўзларининг назм қилмоғ ихтитомига етти. Бир кун эллек икки байт айтилди.

Чаҳоршанба куни ойнинг йигирма секкизида атроф ва жавонибқа черикларга фармонлар йиборилдиким, яқин фурсатда, Тенгри еткурса, черик отланғумиздур. Черик яроғи била бот етиша келсунлар.

Бундан кейинги фаслда Бобур Мирзо ҳаётида ҳазрати Хожа Аҳрор шаҳси билан боғлиқ яна бир туш каромати келтирилади. Қайд этилмиш даъволарни махсус писанда қилинаётганидан ғараз буқим, Бобур подшоҳ ўнгида ҳам, тушида ҳам, фикрида ва зикрида, доимо ҳазрати Хожага қуллук қилади, унга ҳеч бир шак келтирмайди, ундан мадад олади. Турган-битгани сеҳр, мўъжиза, каромат. Бобур ғалаба нашидасини чекканида пирни ёд этади, бирон оғир руҳий қийноққа тушганида ҳам унга сиғинади ва ҳар гал мушқули осон бўлади. Пирдан ғойибона оқ фотиҳа олиб

муҳорибага киришар экан, мушкули осон кечади. Ҳат-го пирнинг "Волидаё"сини (Оталиқ рисоласи) назм (аруз)да форс тилидан туркийга таржима қилади. Таржима санъатида бу: насрни назмга ўтказиб ўгириш ниҳоятда камёб ва нодир ҳодиса. Интиҳойи шукроналик, ихлос ва эътиқод рамзи бу. Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган арбобларидан бири ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ "темурийларнинг пиру муршиди бўлиб келган"лигини проффесор Саидбек Ҳасан ҳам алоҳида қайд этади.

2- Фасл

Бобур: Шарқ ва Ғарб (икки тажриба)

Ҳиндии ҳинд учун кашф этади

Ҳиндистон улкан мамлакат. Халқи катта халқ. Ирк, миллат, табақа, насл-насаб, урф-одат ва тамойил-таомиллари тарафидан ниҳоятда хилма-хил. Бундай мамлакат халқларининг бошини қовуштириш, уни бошқариш, бирлик, ҳамдўстлик, камолот ва тараққиётга нойил қилиш бениҳоя оғир иш эди. Бобур ҳинд фуқаросининг эзгу орзу-ниятларига раванқ берди, бу диёрнинг гуллаб-яшнашига кўшиш қилди, бўлак ҳар қандай эл-элат ва миллат кишиларида кам учрайдиган баъзи бир жирканч ҳамда чиркин нарсаларни кўрган-нида нафратланди ва ўз нафратини яшириб ҳам ўтирмади. Бироқ қанча нафратланса шунча севди, қанча жирканса шунча ардоқлади. Чуқур нафрат остида

битмас-туганмас меҳру муҳаббат, миннатдорчилик туйғулари барқ уриб турарди. Акс ҳолда Бобур ва бобурийлар муаззам Ҳинд тупроғида мана неча асрлардан буён кўкрак кериб турган улуғвор тарихий иншоотлар, обидалар, макбаралар, ястаниб ётган майдонлару боғ-роғларни қолдирмас эдилар. Бобур Ҳиндни олди. Бобур Ҳиндни фақат олмади, унга жуда кўп нарсани, балки бисотидаги ҳамма нарсани берди ҳам. Мамлакат халқларининг осойишта, тинчтотув яшашларини орзу қилди. Давлатпаноҳнинг бутун ҳаёти салтанат бунёд этиш йўлида жангу жадалларда кечди, не ажабки, айнан у ўзининг бундай ишларидан истиффор айлади, муҳорибалардан безди. Чунонам бездики, умрининг сўнгги фасларида ҳатто таркидунёчилик, ғўшанишинлик, дарвешликни ҳавас қилди.

Ажаб: Мирзо Бобурнинг тақдири ва тааддидида турли ирк, дин, миллат, мазҳаб, тоифа, табақа кишилари бир-бириларидан ўзаро тафовут қиладилар, таллашиб-тортишадилар, ажраладилар ва бир-бирларига қўшиладалар, бирикадилар, умумий тил топадилар ҳамда ягона умумбашарий муштарақ оила ва иттифокқа қовушадилар. Яна ажабким, бу улуғ инсон, шоҳ ва шоир тақдирига ҳамда у қолдирган меросга мунособатда ҳам худди шундай ҳол рўй беради. Шоир Саъдулла Ҳакимнинг ўзбек тилида Бобур ва бобурийлар ҳаётидан ёзилган икки роман ("Юлдузли тунлар", "Авлодлар доवони" муаллифи Пиримқул Қодиров билан қилган суҳбати диққатни тортади).

П. Қодиров "Бобурнома" ёзиб тугалланган 1530 йилда онҳазрат Ҳиндистондан Масковга Хожа Ҳусайн деган кишини элчи қилиб юборганини айтади. Бу ҳодиса рус тарихчиси Карамзиннинг "Русия давлати та-

рихи" китобида қайд этилган. Г. В. Благованинг шаҳодат беришича, Хожа Ҳусайн Масков яқинидаги Киржач, Муром атрофларида бир неча йил истиқомат қилган ва шу боис ўша тарафларда "Бобурнома", "Бобурин хутор" деган жойлар пайдо бўлган. Бу ерда собиқ "Совет Ўзбекистони" Пиримқул Кодир номидан битта куракда турмайдиган ёлгонни ҳам дўндирган. Русиянинг Масков ўрмонзорларидагина эмас, дунёнинг бирон-бир бурчагида: на Андижону Фарғона ёки Самарқанд атрофларида, на Афғонистону Ҳиндистонда "Бобурнома" деган қишлоқ ёки кент йўқ. (Умуман, бирон аҳоли яшайдиган жойнинг китоб ёхуд бадиий асар номига қўйилганлиги тарихда маълум эмас). Аслида: Русияда чиндан ҳам "Бобурнома" эмас - "Бобурино" (мас., "Бородино" сингари) манзилгоҳ бор.


Муни Лаъл

Ёзувчи Пиримқул Кодирнинг шаҳодат беришича, Ҳиндистонга қилган сафари чоғида йирик ҳинд олими Муни Лаъл билан учрашган. У "Бобур" романининг урду тилига қилинган таржимасини ҳинд олимига тақдим этган. Саксон ёшларни қоралаб қолган Муни Лаъл (Muni Lal) ҳам ўзи бобурийлар сулоласи ҳақида "Бобур" (Babar), "Жаҳонгир" (Jahangir), "Шоҳ Жаҳон" (Shah Jahan), "Аврангзеб" (Aurangzeb), "Акбар" (Akbar) ҳамда "Сўнги мўғуллар" (Mini Mughals) деган китоблар ёзган. Шулардан учтасини ўзбек адабига ҳаля этган. Сухбатдан маълум бўлишича, Муни Лаъл ўз асарларини ёзиш учун инглиз, урду ҳамда ҳинд тилларидаги манбалардан чуқур истифода этган.

Суҳбат мазмунидан Муни Лаъл билан Пиримқул Қодир ижоди ўртасида муштараклик ва хослик сезилиб қолади. Умумийлик: ҳар иккаласи ҳам бир манбалар: - "Бобурнома", "Ҳумойуннома", "Акбарнома"дан, яъни жаҳонга маълум ва машҳур тарихий манбалардан фойдаланишган. Хусусийлик шундаки, Муни Лаъл инг-лиз, урду, ҳинд тилларидан хабардор. Лекин туркий ва форсий тилларни билмайди. Айни вақтда, Пиримқул Қодир туркий тил билан русчада комил, бироқ инглиз, урду ва форсийда - йўқ. "...Тил халқнинг маънавий қиёфасини белгиловчи ноёб ҳодисадир, - деб ёзади ўзбек адиби. - Шунинг учун ҳам у Бобур ва унинг авлодларига хос ички дунё хусусиятларини, миллий-руҳий ҳолатларини қаламга кўп олмайди".

Муни Лаъл:

Пиримқул Қодир:



Тил, насл, шажара, миллий мансублик баҳсида ҳам қизиқ масалалар кўтарилади. Чунончи, ("Акбарнома"):

Акбар бинни Ҳумойун

↓
 бинни Бобур

бинни Умаршайх
↓
бинни Амир Темур
↓
бинни Абу Турк

Бинобарин, Акбар билан тарихчи олим Абулфазл Бобурийлар етти пушти бобою бобокалонларигача асл туркий улусдан эканини алоҳида қайд этишган. Шунга карамай, суҳбатда Оврупода Бобурийлар сулоласи то ҳозирга қадар "Буюк мўғуллар империяси" деб юритилиши ғалат эканлиги ҳақида мулоҳаза билдирилган. Бу атамани Акбардан кейин Ғарбий Овруподан Ҳинд диёрига борган сайёҳлар шоён қилиб юборган. "Бобур-нома"га чизилган миниатюра суратлари китобида профессор Ҳамид Сулаймон бу фикрни уч тилда писанда қилган. Америкалик олим Ҳаролд Лэмб (Harold Lamb) Ҳамид Сулаймонга йўллаган мактубида ўзбек олимнинг мулоҳазаларини маъқуллайди. Мен ана шу фикрни ўртага ташлаганимда ҳинд алломаси Муни Лаъл эътироз билдирмасдан, ўйланиб қолади, - дейди Пиримқул Қодир. - Балки келажакда у ҳам шу тўх-тамга келар...

Афсуслар бўлсинки, кўзга кўринган ҳинд олими жаноб Муни Лаълнинг Бобурийлар сулоласига бағишланган олтита йирик асаридан биронтаси ҳам ўзбек тилига таржима қилинган эмас. 1990 йилга келиб "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафтаномасида (19.10.90) ёзувчи Жамол Камол "Сўнги саёҳат" деган ном остида унинг "Бобур" эссе-романидан бир бобини инглиз тилидан ўзбекчалаштириб бостиради.

Жамол Камол мохир таржимон эканлиги аён. "Бобур" романидан қилинган таржимада ҳам унинг истеъдоди ярқ этиб кўзга ташланади. Асар чуқур бир ички туйғу, алланечук сеҳрли-таъсирчан оҳангда ўқилади. Китобхон ўзи сезмаган ҳолда унинг мағз-мағзига сингиб кетади. Ўқувчининг онг-шуурида беихтиёр шундай фикр туғилади: ўзбек-ҳинд адабий мунособатлари ҳақида кези келаганда тинмай жавраймизу, уларда биз ўзбекларнинг хаста тарихимиз ва ифтихоримизга бевосита даҳлдор, кўзимизга суртиб ўқийдиган шундоқ тарихлару романлар ёзилган бўла туриб, улардан шу чокқача гофил эканмиз-да! Турғунлик даври деса айрим тоифанинг пешонаси тиришади. Нечун? Ўша манфур турғунлик, маънавий инқироз эмасми ўзимизни ўзимиздан маҳрум этган... У даврда қўлга тушган ҳар қандай "ғайри ўзбеки" нарсани тилимизга ўгираверганмиз. Асл мақсад миллатларни, айниқса "осиёвийларни" ўз миллий жавҳаридан аста-секин, лекин мунтазам маҳрум этиш бўлган.

Канваҳа жангидан сўнг Бобурга "Ғозий" унвони берилди, дейди эссе-роман муаллифи. - Бу фатҳдин сўнгра туғрода "ғози" битилди, - деб қайд этадилар Мирзо ўзлари "Вақоеъ"да. - Фатҳномада туғронинг остида бу рубоийни битидим:

Ислом учун овораи ёзи бўлдум,
Куффору ҳунуд ҳарбсози бўлдум,
Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид ўлмоққа
Алминнату лиллаҳки ғози бўлдум (395).

Ғозий-ислом динида бўлмаганлар билан уруш қилиб, ғалаба қозонган (БАЛ,185); эск.дин. Ғазотда,

муқаддас урушда қатнашувчи, ўз эътиқоди йўлида жанг қилувчи (ЎТИЛ, П, 662); Ғазот қилувчи, уруш қилиб ғалаба қозонган (НАЛ, 754), деган маъноларни англатади.

Коҳи Нур

Романда Бобурнинг мислсиз ҳарбий маҳорати ва тадорики, тадбир ва жасорати, илк бор Панипатда фараңги милтиқлар қўллангани ва бу рақибларини саросимага солиб, эсанкиратиб қўйгани айтилади. У Биҳар ва Банголага кўз тиккани, Ганг дарёсидан кесиб ўтиш учун кўчма кўприклар ясатгани ҳикоя қилинади. Ғанимлар Бобур қўшинлари устидан кулиб, уларни дарёга фарқ бўлади деб масхаралаб турган бир пайтда, сипоҳилар эсон-омон нариги қирғоққа чиқиб, Иброҳим Лўдийнинг укаси Маҳмуд Лўдий лашкарларини тормор келтиришади. Бу жангда Бобурнинг ўн уч яшар ўғли Мирзо Аскарӣй ажойиб қўмондонлик маҳоратини намойиш этади. Панипат жангидан сўнг Бобур Мирзо тўнғич ўғли Хумойун Мирзога бебаҳо Коҳи Нурни ҳадъя этади. Муни Лаълнинг айтишича, Бобур умрининг сўнгида шароб ичмай қўяди. Бунинг ўрнига маъжун еб, наша чекади. Бу эса унинг соғлигига баттар футур етказди.

"Не исташин ўзи ҳам билмасди" **ёки Ватан соғинчи**

"Бобур 1529 йили Ограга қайтаркан, ичбуруғ касали уни ҳолдан тойдирганди. Ҳазин, маъюс хаёллар

уни қуршаб олган, у тарки дунё килиб, тожу тахтни Хумойунга топширишни ўйларди. Дарвешлик ҳаёти уни ўзига кўпроқ жазб этарди, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий китобларини берилиб ўқир, сўфийлар таълимоти унинг қалбига чуқур ўрнашган эди. Унинг руҳида икки куч олишар, икки куч ўртасида кураш кетар эди. Бир ёқдан - Темур шуҳратини қайта тиклаш орзуси, иккинчи ёқдан - Осиёда яшаган кўплаб азиз-авлиёлар, файласуфлар йўлидан бориб, камтар, зоҳидона ҳаёт кечириш эҳтиёжи. Шуҳрати Темур шуҳратидан ошиб тушган Бобур энди зоҳидликни қўмсарди... Огранинг салқин киш оқшомларида у дарвеш кийимини кийиб, кўчаларда танҳо тентираб юрар, не истабини балки ўзи ҳам билмасди. Якка-ёлғиз ва гариб бир аҳволда кезаркан, қилган гуноҳларини эслаб, кўз ёши тўқар, Кобулга, Самарқандга қайтишни истарди. У Афғонистоннинг қор босган тоғларини, Фарғонанинг қовун ва узумларини соғинарди".

"Бобур юртини соғинар эди. У хотинлари, опасингиллари, амма-холалари, жиянлари ва бошқа хешу ақраболарини ўз ҳузурига чорлайди".

Бениҳоя гўзал Моҳим Бегим Бобурни кўриб танмай қолади. Кексалик. Ҳолбуки, атиги бир ярим йил муқаддам келганида у ҳаммани лол қолдириб, Ганг дарёсини сузиб ўтган, ўттиз уч қулоч отиб, нариги соҳилга етишганди. "У Рустамдек кучли эди". Энди бўлса...

Муни Лаъл Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг чуқур ички изтироблари, оқибатли, оқила хотини Моҳим Бегим, фарзандлари Гулбадан Бегим, Хумойун, Комрон, Ҳиндолга мунособати, сарой фитналари, ўз тадбиркор завжасининг ажойиб инсоний режалари ҳа-

кида ниҳоятда самимий мақомда ҳикоя қилади. Буёкда - оилавий ҳамда ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги зиддиятлар: эр-хотинлар, ота-болалар, ака-укалар, тож-тахт, валиаҳдлик... Иккинчи тарафда: сарой аъёнлари, аркони давлат аҳли ўртасидаги ҳар хил фиска-фу-журлар. Яна: огир руҳий изтироб. Ўтмиш ва келажак, абадийлик ва фонийлик ҳақида дардли, дил ўртовчи ўйлар. Ниҳоят, Бобур-Ҳумойун ўртасидаги мислсиз садоқат рамзи бўлмиш падари бузургнинг ўз жонини тасаддуқ қилиши манзараси ҳақида Гулбадан Бегимнинг ҳаяжонли ҳикояси ўқувчини жунбушга келтиради. Сўнги дамлар, Ҳиндолни кутиш, Бобурнинг ўз жамоасига ва Ҳумойунга васияти, ҳаёт билан видолашиш, дафн. Унинг вафотини ҳинд элидан сир тутилиш сабаблари.

Маълумингизким, азиз китобхон, Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1530 йил, 26 декабр, душанба куни вафот этади. Ҳозирги Тож Маҳал қаршисидаги боғда дафн этилади. Орадан тўққиз йил ўтгандан кейин завжаларидан Биби Муборика Ограга келиб, эрининг қабрини Кобулга кўчиртиради. Шоҳ Жаҳон бобосининг қабри ёнида бир масжид бино қилади. Жаҳонгир Мирзо мармар сағана кўтариб, қабр тошига тарих ёздиради.

"Бобур ҳамма нарсага жасорат ва ҳалоллик ила эришди... У Ҳиндистон тарихида илгари ҳеч кўрилмаган буюк салтанатга асос солди".

Ҳаролд Лэмбнинг "Бобур-Йўлбарс"

асари

(Babur the Tiger)

XX асрнинг ўрталарига келиб, Бобур ҳаёти, ижоди билан Америка қитъаси халқлари ҳам таниша бошладилар. Ёзувчи Ҳаролд Лэмбнинг "Бобур-Йўлбарс" номли китоби нашр этилди. Ҳажми 20 босма табокдан ошиқроқ, 336 варак. Китоб Нйу-Йоркдаги "Даблдей энд компани" нашриётида 1961 йили чоп этилган.

Ҳ. Лэмб Шарк, ҳусусан, Ўрта Осиё тарихи билан таниш. "Бобур-Йўлбарс"дан олдин Шарк тарихига оид бир қанча асарлар ёзган. Alexander of Macedon (Македонияли Искандар), Hannibal (Иброҳим Ҳаннибал), Constantinople: Birth of an Empire (Константинопол: империянинг туғилиши), Omar Khayyam (Умар Хайём), Cenghiskhan (Чингизхон), Tamerlane (Соҳибқирон Темур), Suleiman the Maghificent (Сулаймон алайҳиссалом), Babur the Tiger (Бобур-Йўлбарс), Nur Mahal (Нур Маҳал) ва бошқа бир талай роман, қисса ва ҳикояларнинг муаллифи бўлади.

Babur the Tiger сўзбоши, саккиз боб ва сўнгсўздан иборат. Муқаддимада Бобур ҳаёти, мўғуллар тарихи ҳамда темурийлар, Уйғониш даври ҳусусида тўхталган. Тарихий атамаларда муаллиф, бошқа хорижий шарқшунослар каби, Бобурийлар салтанатини мантиққа хилоф равишда "Мўғуллар империяси" деб юритади.

Асарнинг тузилиши, бобларга бўлиниши "Бобурнома"даги тартибни эслатади. Муаллиф "Вақоеъ"га

тўла суялган, ундан жуда кўп, айрим ўринларда бир неча варақлаб парчаларни айнан келтириб, кейин воқеаларнинг давомини шарҳлаб кетган. Келтирилган парчаларни "Бобурнома"нинг асл нусхасига солиштирилганимизда улар инглиз тилига асосан тўғри таржима қилинганлиги аниқланди. Китоб муаллифи эски ўзбек тилини билмаганлиги учун "Бобурнома"нинг форсча таржимасидан ва, қисман, Гулбадан Бегимнинг "Ҳумоённома" асаридан фойдаланган.

Китобнинг номи "Бобур-Йўлбарс" қўйилиши бежиз эмас. "Бобур" араб тилида "йўлбарс" маъносини ифодалайди.

"Бобур-Йўлбарс" китобининг биринчи боби "Водий воқеалари" (17-53) деб номланган. Бунда Бобурнинг Фарғона даври ҳаёти, оиласи, Умаршайх, Самарқандни олиши тасвирланган бўлиб, улар шундай сарлавҳалар остида берилган: Девордаги расмлар. Каптархонанинг қулаши. Қирғоққа чиқиб қолган тош. Султон Алининг ғойиб бўлиши. Самарқандда юз кун. Бобур партизан урушини бошлайди.

Иккинчи боб "Самарқанддан бадарға бўлиш" (54-101) деб аталиб, бунда Самарқанд учун Шайбонийхон билан уруши, шаҳардан чиқиб кетиши ва шу билан боғлиқ кейинги воқеалар ёритилган. Шу бобнинг 94-бети Бобурнинг "Мен ҳаммомда эдимким, Мирзо келди, кўруштим..." жумласи билан бошланиб, "Дедимким, киши агар юз, агар минг йил яшаса охир ўлмак керак" (105) гапидан кейин воқеа узилади.

Муаллиф бу ўринда узилган йил воқеаларини маъна бундай шарҳлайди: "Эҳтимол, Бобур бирор жойда унутиб қолдиргандир, ёки тошқин оқибатида йўқол-

гандир, балки сақлаш мақсадида қўйган бўлса, сандигининг бирор четида қолиб кетгандир..."

Инглизча таржима билан романни қиёслаб чиққанимизда, Лейден-Эрскиндаги тўлдиришлар янада мукамал эканлиги аниқ бўлади.

Ҳаролд Лэмб Гулбадан Бегимнинг "Ҳумойуннома", Мирзо Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий", Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома", Хондамирнинг "Ҳабиб уссийар" китобларининг форсча ва инглизча нашрларидан фойдаланганини айтиб ўтади. Айниқса, Ж.Лейден-В. Эрскин, А. Бевериж хоним таржималари жуда қўл келганини эътироф этади.

Х. Лэмб "Бобурнома"нинг Илминский (Қозон, 1857), М. Салйе нашрлари, Э. Браун, Л. Буват, И.Прасад, академик В. В. Бартолд ҳамда С. Азимжоннова асарларидан унумли фойдаланган.

Муаллиф Покистонга қилган сафарида доктор Азиз Аҳмад хузурига ташриф буюриб, Бобурнинг Лаҳоргача бўлган ҳарбий юриши йўналишини аниқлаган, шоир тўғрисида кўп маълумотларни қўлга киритган. Бундан ташқари, Истанбул университетининг профессори Заки Валиди Тўғон америкалик адибга Хоразм маданияти тўғрисида кўплаб маълумотлар берган. Бобурнинг "Мубаййин" асарига оид нарсаларни Сабоҳат Азимжонованинг илмий ишларидан олган.

Ҳ. Лэмб 1960 йил ёзида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бўлиб, олимлардан Шайбонийхоннинг тийнати ва ишлари, темурийлар даврида Самарқанд шаҳри ва бошқа масалалар бўйича ёрдам олганлигини миннатдорчилик билан эслатиб ўтади.

Охирги, саккизинчи бобда Ҳиндистонда улуғ Бобурлар салтанатига асос солиниши, фотиҳнинг Ҳиндистондаги ҳаёти жонли лавҳаларда чизиб берилган. Бу бобда ёритилган воқеалар "Гулбаданнинг Ограга саёҳати", "Йўлбарс қонун қабул қилади", "Қани энди, шундай қовунлар Ҳиндистонда ҳам бўлса!", "Гангдаги қайиқлар", "Қазову қадар", "Бобур жаназаси" сарлавҳалари остида берилган.

"Бобур-Йўлбарс" муаллифи сўнгсўзда фотиҳ вафотидан кейинги айрим воқеалар, қайта дафн маросими, Бобур мақбараси ва ундан сўнгги давр Осиё тарихидаги айрим ўзгаришлар устида тўхталган. Ҳ.Лэмб Бобур образини ҳаққоний баҳолашга ҳаракат қилади.

"48 ёшда вафот этган Бобур 36 йил давлат бошқарди. Самарқандни қўлдан бериб, 20 йиллик курашдан сўнг Ҳиндистонда салтанатга асос солди. Йўлбарс (Ҳиндистонда) феодал бошбошдоқлигига, Лўдий султонлари ва Ражпут шаҳзодаларининг зуғумига барҳам берди, диний низоларни дафъ этди. Унинг салтанати ўтмишга нисбатан келажак истиқболига пешкаш эди. Маҳаллий урф-одатлар, хўжаликлар сақланганди. У ўзи билан Ҳиндистонга темурийларнинг куй ва шеърятга, яна... шаробга бўлган қизиқишларини ҳам олиб келди. Нобоп ерларда ҳам боғроғлар барпо этишга интилиши унга "Боғбон шоҳ" деб ном берилишига сабабчи бўлди. Соя-салқин боғлар у билан бирга Ограгача чўзилди. Оқ ва қизил тошлардан улар қадами етган ерда саройлар, маҳобатли маҷитлар, мадрасалар қад кўтарди".

Шу зайл, Бобурдай улуғ сиймо, у қолдирган мерос океан ортидаги кишилар хонадонига ҳам кириб борди, юракларнинг тўридан жой олди.

Харолд Лэмб: 908 йил воқеалари

(фаразия ва ҳақиқат)

Фарғонанинг қочоқ ҳукмдори ҳикояси шу ерга келганда дабдурустдан узилиб қолади, дейди Х.Лэмб. Орадаги 2 йиллик узилишдан сўнги воқеалар яна қайта тикланиб, давом этади. Йўқолган саҳифалар балки унинг юришлари, тасодифий сув тошқини ёки зилзила, аҳтимол яшин тезлигида ёғийдан бекинган чоғларида, ажабмас шунчаки сақлаш учун сандиққа (a chest) солингану, унутилгандир. Ҳикоянинг шу жойига келиб узилишига сабаб нима? "Бобурнома"ни туркийдан форсийга ўғирган мутаржим, юқорида қайд этилганидай, "бу йилда содир бўлган воқеалар Оллоҳ таолонинг ўзигагина маълум" ("The remaining happenings of this year-may God grant they come to hand") деган хитоб билан хотима қилади. "Бобурнома"ни кўчирган яна бошқа бир мусаввиди авроқ (copyist), Бобурни умид қилиши даргумон бир ҳолатдан чиқаришга ҳаракат қилган кўринади. Котибнинг тахминига қараганда, Бобур жонидан умидини узаркан, таҳорат олиб (ritual cleansing), сўнгра икки ракаъат намоз ўқийди.

Туш

Шу аснода бехос кўзи уйқуга кетади. Тушида Хожа Яҳёнинг ўғли, ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг набиралари Хожа Яъқуб уни уйғотиб, душман тааддидан қутқаради. Уйқудан руҳан тетиклашиб уйғонадию,

шундай қийин аҳволда, таъқиб қилиб турган уч сотқинни ўзига яқинлаштирмасликка аҳд қилган ҳолда, ташқарида от туёқларининг яқинлашиб келаётган дупурини эшитади. Кўрадики, содик навқарларидан иккитаси боғ кўргони деворидан ошиб ўтишаётибди... Улар ҳам Андижондан келаётганларини, тушларида Хожа Убайдуллоҳ: "Бобур подшоҳ Карнон деган Кентгадур (Babur the Padishah is at this moment in a village called Karnan), бориб қутқарингиз!" деганларини, шунга келишганини айтишади. Бундай хайрли хотима араб эртақлари 1001 кечадаги (The Arabian Nights) эртақка ўхшаб кетади ва ҳақиқатга яқиндай туйилади. Саждага кетган икки нобакор киши ҳам худди рисоладигидай. Бу икки хон на Андижонда бўлишган ва на Бобур ҳам бу ерда хавфдан йироқ эмасди. У сўнгги бир неча нотинч йиллар давомида подшоҳликни қабул ҳам қилмаган эди. Бобурнинг сўзларидан яна шу нарса кўриниб турибдики, боғнинг бурчаги тарафдаги таҳдид билан уйларига қадар бўлган воқеалар давомида у сотқинларга қарши чора кўришга ҳаракат қилмаган ва улар ҳам ўз навбатида валиаҳд, ўлигидан тириги бахт калити бўлиб турган (who would be worth a fortune in reward to them', alive) Бобурни ушлаб қатл этишга ҳаракат қилишмаган. Зукко олим Ҳенри Бевериж таъкидлагандай, бу кўшимча, гарчанд туркий аслиятда келтирилган бўлса ҳам, Бобур каби шу тилда мушоҳада юритувчи киши эмас. Бобурнинг ишончли баённомасида ғойибдан пайдо бўлган ҳалиги икки халоскор (rescuers)ларнинг исмлари келтирилмайди. Ундай тақдирда, ўша куни Бобур боғдан қандай чикди экан? Бу ҳусусда ул зот

бошқа фикр билдирмайди. Икки йилдан сўнг маълум бўладики, ўша боғ Бобур олдин ҳам борган сердарахт, хилватгоҳ бурчаклардан бири эди. Лекин, тақрибан, жумбоқнинг калитини сўнги кунларнинг орасидан излаш лозим бўлади. Таъқибдан қочиб юрган валиахднинг (the fugitive king) 3 куну 2 кеча иродасига бўйсунмай мудраб юргани, миужа қоқмаганини эслаб кўринг-а. Буларнинг ҳаммасини кейинроқ, яъни Бобо Сайрам ва Банда Алибеклар унинг хизматида бўлган вақтида ёзган бўлиши керак.

Муҳаммад Боқирбек

Шундан сўнг у тезда яхши қуролланган, чапдаст ва абжир душманлари унинг номини эшитганда дағ-дағ титрайдиган Муҳаммад Боқирбек билан дийдор кўришади. Бундан ташқари, амалда, Бобур тинкаси қуриган тутқун маҳалда ўйлаганчалик ёрдам олишдан маҳрум эмас эди. Ҳамроҳлари таъкидлагандай, акаси Жаҳонгир маҳв этилмаган ва Сирнинг нариги соҳилларида Бобурнинг одамлари билан ҳозирлик кўриб шайланмоқда эди. Худди шу маҳалда икки тоғаси бошчилигида қуролланган навкарлари тўсиқлардан ўтмоқда ва мўғул кўчманчилари қишлоқ жойларида сездирмай ҳаракат қилиш имкониятига эга эдилар. Ҳақиқатан ҳам, улардан баъзилари ўша чоғда Ахсига (Akhsi) етган эди. Турган гап, бу вақтга келиб Бобурнинг Карнон боғида яширингани ҳақидаги хабар дарёнинг оқими бўйлаб тарқалаётган эди. Ҳар қалай, у тез орада тутқунликдан озод бўлиб, лорд Муҳаммад Боқирбек (Lord Muhammad Bakir) билан бирга тоғ дараларини кесиб ўтадиган бир сўқмоқ орқали Тош

шаҳрига (The Stone City) (Тошкент) етиб борарди. Ахсидан унча узоқ бўлмаган жойда, мўғулларнинг Шайбонийхонга қарши турган сўнгги нуқтасида икки хонга қўшилади. Ака-ука хонлар қутулиб қолишга кўз тутган бу жанг 1503 йил июн ойида Бобурнинг ҳам, Фарғона тақдирини ҳам ҳал қилди. Шайбонийхон буни аллақачон англаб етган эди. Бошқа маълумотларга қараганда, Шайбонийхон ва ўзбеклар Аҳмад Танбал Андижондан юборган илтимосни олганларида, Қора тоғ (Dark Mountains) этакларида иззатталаб Хусрав Шоҳ (Khusrau Shah) томон юришга тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Шайбонийхон дарҳол етиб келишини маълум қилди. Олд томонида рўй берган ҳолатни англаб етгач, эҳтимол у Самарқанд йўлидан ортга қайтгандир. Ундан кейин Хўжандда Жаҳонгирнинг кам сонли қўшинларини қуршаб олади ва шу аснода баъзибир қийинчиликларга ҳам дуч келади. Бобурга қўшилган хонлар, ўзларининг кучларини қайтадан бирлаштириб, Аҳси кўрғонларини қўлга киритиш тараддудида эди. Шайбонийхон оч бўридай (wolflike lungs) бир ҳамла билан зарба бериб, ҳимоясиз Тош шаҳрини эгаллади ва Бобурнинг онасини, хонларнинг оналарини, кўплаб Бека ва Бегимларни иликка тушурди. Кейин ўзбек шарққа қараб от солди. Мўғуллар эс-ҳушини йигиб жангга йиғилгунга қадар, уларга катта талафот етказди, саҳро йўлларида мўғулларнинг кулини кўкка совурди. Катта хон қўлга тушди. Кичик хон ўз ватанига қайтиб, минг азоб-уқубатда оламдан кўз юмди. Айтишларича, "Йўлбарс" охириги жангда бошчилик қилган ўз қўшинлари билан "мўғуллар юртига" (country of the Moguls) юриш қилиб, тез орада ўзининг диёрида, водийда пайдо бўлди, дейишади.

Маҳмудхонни бошқа тақдир, Шайбонийхон томонидан кўрсатилган меҳр-шафқат кутарди. "Шайбонийнома"-да (The Shai-bani Story) куйидагича келтирилган: "Мен сени асир олдим", деди ўзбак мўғулга. Лекин мен сени ўлдирмайман. Сабаби, ёшлик чоғимда сен менга ёрдам қўлини чўзгандинг. Энди мен сенга озодлик бераман". Озодлик! (Freedom!) Лекин қаерга бориш керак? Шайбонийхон чавандозлари мўғул қабилаларининг катта қисмини Узоқ Шарққа, Хитой (Chinese) императорлигининг (Тйан-Шан) (The'an Chan) бурчакларига кувиб солгандилар (таъқиб этувчилар кўзидан узоқ бўлиш учун). Минора (tower) ва Бухоро ерларидаги қабристонларда (shrines) энди ўзбаклар ҳукмрон эди. Бир қанча вақтларга қадар Маҳмуд шарқий сўқмоқ-ларда сарсон бўлди. Унинг ғурури сўнди. Тош шаҳрининг асирасига, ўзининг бахтли хонадонига, мушфиқ онаизорига "номаи аъмол" (a beautiful letter) ёзишга ўлтирди. Кейин Маҳмудни яна саҳродан Хўжандга юришга ва тагин асир тушишга мажбур қилишди. Бу сафар тақдир уни ва фарзандларини ўлимга маҳкум этди. Ҳаттоки, Бобур билан кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлган киши - Маҳмуднинг катта ўглини ҳам ўлдиришди. Шайбонийхон бу маросимда катнашмади ва кейинчалик ўзига-ўзи "аҳмоқ душманини икки мартаба кечиради" (that only a fool would spare the life of an enemy twice) деб қўйди. Шу зайл, янги жойларни қўлга киритишда бирор кишини аямади, барини қилич тифидан ўтказди. Ахси учун бўлган жангларда Танбал ўзининг аскарлари билан унга ёрдам берди. Танбални ҳам тезда ва эҳтиёткорлик билан, сездирмас-дан йўқотишди. Энди Шайбонийхон Фарғона ва унинг ерлари ҳокими, дарё ор-

тинини ҳукмдори бўлиб қолган эди. Ярим вайрона Самарқандда Темур тахтига ўтириб, кўчманчилар сулоласини (nomadic people) барпо қилди. Шу тариқа темурийлар оиласининг кўплаб бошлиқларини йўқотишга эришди. Айни вақтда ҳаётда ҳам ўзгаришлар юз берди: ўтроқ шаҳарликдан - кўчманчиликка, деҳқончиликдан - чорвачиликка, диний мактабда таълим олишдан - ўзбакларни ҳарбий мудофаа хизматига тайёрлашга ўтила бошлади. Шайбонийхон қочоқ Жаҳонгирга на ихлоси, на сажияси, н-да шижоати бор бир инсонга мутлако эътибор бермай қўйди. Асло тутқич бермайдиган (the elusive) Бобурни, Хожа Макоримни (Khaja Makaram) тутиш ҳақида фармон берди (аллақачон Али Дўстнинг ўғиллари унинг изига тушишганди). Файратли Хожа Тош шаҳрининг турмасидан соқолини қириб, ташқи кўринишини ўзгартириб қочишга улгурган эди. Ёши ўтиб қолганлигидан бўлса керак, узоққа кетолмай, тез орада сотқиннинг чақуви билан қўлга тушади. Шайбоний қочоқ Хожанинг ҳолатини кўриб, "соқолга не бўлди?" деб сўради. Илмли Хожа унга форсча: "Агар худо чирокни ёққан экан, кимда ким уни пуфлаб ўчирмоқчи бўлса, соқолини куйдириши мумкин" ("if God has lighted a lamp, he who blows it out will burn away his beard"), деб жавоб қилган. У ўлимга маҳкум этилади. Бобур бу дамлар энг оғир бўлишига қарамай, ҳамон қочарди. Ўзи яхши билган сўқмоқлардан, яширин йўллардан ўтиб борарди. Ҳаттоки, бир маротаба қалин қор тагида қолганини, баланд қояга тирмашиб чиқаётганини ҳам кўришган. Ўзи ҳам кейинчалик азоб-уқубатларга дош бериб, деярли бир йилни чакалакзор, бутазорлар орасида ўтказганини ёзганди. Шайбонийхон Тош шаҳри-

нинг турмасидан Бобурнинг касал онасини озод қилганига ишонмайсан киши. Инчунин, Эсон Давлат Бегим ўлар бир ҳолатда ётганида ўзбакнинг кўнгилчанлигига ишонгинг ҳам келмайди. Лекин аёл зотига ғамхўрлик бошқа гап. У ўзининг ҳарамига (Harem) Али Мирзонинг онасини, Хонзодани, Маҳмудхоннинг оиласини солиб улгурган эди. Эҳтимол, Шайбонийхон, Бобурнинг қонига шунчалар ташна бўлганидан шундай қилгандир? Касалманд аёл бу ёқда бўлса, Бобурни таъқиб қилиш осон кечар балким? Ёки Хонзода онасини озод қилишларини илтижо қилгандир? "Бобурнома"нинг йўқолган саҳифалари билан бирга жавоб ҳам йўқолган. Шу йили парда оҳиста тушиб, кичик рақобатлар ортда қолиб, теурийлар ўзларининг қадимий маконларида ғалабаларга эришиб, воқеа ривожи ниҳоясига етгандай туйилади. Умаршайх, унинг қариндош-уруғлари, тоғаваччалар ва амакиваччаларнинг қувноқ ва ташвишсиз ҳаётлари тугаб бораётгандай. Вайрона Самарқанд, замони келиб, ёдгорлик (а мемору) бўлиб қолиши аниқ. 1504 йилнинг июнида қуёш буржга етганда, Бобур фавқулодда қутилмаган қарорга келди.

Токай!..

У тоғлик қабилалар орасида, уруғ-аймоқлари, онаси, ёру биродарлари, ғарбий чегарадаги дўстлари, борингки, барча унга содиқ кишилар билан юз кўришди. "Ҳотирифта келдиким, токай бу Фаргона вилоятида саргардон бўлиб турмоқ керак, бир тарафта талаб қилойин деб". Қарор қатъий ва жиддий эди. Ун йиллар мобайнида у ўзининг она юртида ўз таянчла-

рини саклаш учун курашди. Бу йиллар давомида тез-тез "менинг ватаним, менинг одамларим" (my country and my people) деб гапирарди. Бу унинг иймон-этикоди эди ва бундан ҳеч қачон қайтмади ҳам. Биринчи мартаба у Сир дарёсини (Sir River), улуғвор шаҳар Самарқандни, ўзининг она диёри, водийни тарк қилапти. Бирон жойдан бошпана топиб, қўрғонда қолган оиласини яшириш учун қатъий қарорга келди. Бу қатъият Бобур иродасининг, Бобур саботи ва матонатининг барқарорлигини кўрсатувчи муҳим аломатлардан бири. Бу аломатларни ўзгартириб ҳам, йўқотиб ҳам бўлмайди. Бу барқарорлик фавқулодда шуҳратпарастлик ҳосиласи эмас. У излаган жой овлоқ ва яйдоқ, унга шунчаки бошпана бўлиб қолмасдан, Самарқандниқига монанд боғларни барпо қиладиган манзилгоҳ, бошқа дарёнинг нариги соҳилидаги шаҳар эди. У 25 йилдан сўнг, ўзига ҳамроҳ бўлиб келганлар учун шундай бошпана, янги бир салтанат қурди. Аслида-ку бундай ишларни амалга оширишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Такдир тасодифи уни хонликларни ташлаб чиқиб кетишга, ҳаётида бурилиш яшашга, қисматида ўзгариш содир бўлишига олиб келди. Бобур қалбан саргузашт изловчи эди.

Ҳақиқатга яқин фаразия

Ҳижрий 908 йил (1502-1503) воқеалари гарчи узилган бўлса-да, асл нусхада (ўзбекча нашрда) таржималарга қараганда хийла тўла ва мукамалроқ, М.Салӣе таржимасида ҳам шундай. Юқорида, айтиб ўтилганидай, Лейден-Эрскин таржимасининг 1826 йил-ги нашрида узилиш бор. Аниқроғи, "Агар юз йил

ва агар бир кун яшасанг ҳам, ниҳоят..." гапидан кейин жумла тугаган. Қўштирноқ ичида мусаввиди авроқ айтадурким: "908 йил воқеаларининг қолган қисми фақат Оллоҳнинг ўзигагина аён" деган жумла ва Лейденнинг "Бундай истакка мен юракдан қўшиламан" деган қўшимчаси бор. 1921 йилда Лейден-Эрскин нашрини қайта тўлдириб, тавсифлаган жаноб Л. У. Кинг таржиманинг 195-саҳифасидаги изоҳда дейди: "Паве де Куртейлнинг франсузча таржимасида мазкур кемтик Бобурнинг Карнон кентидан қийин ҳолатдан чиқиб кетиши парчаси билан тўлдирилган". Муҳтарам инглиз шориҳи Паве де Куртейлнинг франсузча таржимасидан фойдаланиб, иккинчи қисмнинг 433-435-саҳифаларида илова тариқасида "А.-Аппендикси"да "Бобурнинг Карнондаги хавф-хатардан фориг бўлиши" (Appendix A. An account of Babur's Deliverance from imminent danger at Kirman) деб номланган саҳифада берган ва шу тариқа яхлитликни таъминлаган. Лейден-Эрскиннинг таъкидлашларича, бу йил воқеалари асардаги энг қизиқарли ўринлардан биридир. Тўғри, барча мавжуд манбалардан ҳам шу жой узилиб қолганини таъкидланади. Аммо бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Бундай таъкидлов натижасида кейинги йил воқеалари таржималарида чалкаштирилиб, 910 йил тарзида қайд этилган. Шу тўғрисида таржимонлар "Бобурнома"даги воқеалар баёни 908 йил охирида узилган ва бу 910 йил-гача давом этади, деб ишонилган. "Бобур Шайх Бойазид қўлига олиб келиндими, ё Карнон кентидан ўзи чиқиб кетдими - бу менга қоронғу", дейди Ж. Лейден. Ўз навбатида, Л. У. Кинг гарчи франсузча таржиманинг тўлиқлигига ишонса-да, яна бир бор "воқеа узилган" деган хулосага келиб, 908 йил воқеа-

ларини давом эттиришга уриниб кўрган. Натижада бир ишни икки мартаба бажариб, хатога йўл қўйган. Қарангки, "Бобур-Йўлбарс" романининг муаллифи ҳам, инглизча таржималарга суянган ҳолда, мазкур хато фикрни такрорласа-да, бунга беихтиёр ўзи риоя қилмаган. Ҳ.Лэмб романи ёзиш жараёнида Лейден-Эрскин таржимасининг 1826 йилдаги нашрига суянган кўринади. Сабаби, ўша таржиманинг 1921 йилдаги Л. У. Кинг тавсифлаган нашрини кўздан кечирганида, ўз романида бунга қайта изох беришига ва китобни тасодифий воқеалар баёни билан тўлдиришига ўрин қолмаган бўлар эди. Умуман олганда, Лэмбнинг уринишлари ҳақиқатга анча яқин.

* *

*

Хулоса. Бешинчи бобда рисола ва роман мантиқи ҳаёт-адабиёт-таржима муаммолари биринчи марта Заҳириддин Муҳаммад Бобур салтанати, мероси, ижодига тадбиқан ишлаб чиқилди. Бу ерда илк дафъа қуйидаги масалаларга ойдинлик киритилди:

- кемтик ва нутқ; таҳлил ва тасвир,
- таржима ва таҳрир,
- замонлар ўтиши билан сўз маъноларининг ўзгариши,
- шахс ва ижод руҳияти,
- Бобур: Шарқ ва Ғарб,
- Муни Лаълнинг "Бобур" эссе-романи,
- Ҳаролд Лэмбнинг "Бобур-Йўлбарс" асари,
- фаразия ва ҳақиқат.

Шоҳ ва Дарвеш баҳсида Шарқда подшоҳ ва саркардалар, мирзо ва султонлар, амир ва шахзодалар маърифати ҳамда тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари, зодагоний ҳаётнинг баъзи бир зиддиятли ҳам ижобий томонлари хусусида баҳс юритилади. Чунончи, Мирзо Бобурнинг жисмоний бақувватлиги, руҳий покизалиги, ҳаётининг фожеий ва ёруғ томонлари, аждодларга ва авлодларга, ота-бобо-бобокалон, шажара, фарзанд ташвишлари, сулола ва насл қайғуси ва ҳоказо мавзулар ёритилди. Шоҳ ва Дарвеш мавзуи унинг навқирон йигитлик чоғларида Бадриддин Ҳилолийнинг "Шоҳу Гадо" достонига мунособатига (салбий) ҳамда умрининг сўнги палласида дунё ва салтанат ташвишларидан илик ювиб, чуқур руҳий изтиробга тушган пайтларида (ижобий) қандай мақомда бўлганлиги, бунинг сабаблари очиб берилди.

Умуман, Шарқда қизиқ: шоҳ йўқки, олим ё шоир, маърифатпарвар ёхуд мураббий, саркарда ёки мунажжим бўлмаган. Ҳар қалай қонхўр, кўрс, тўпори, худбин ҳокимлар ҳам бўлган. Ер-мулк, шахвоний ҳирс, алчоқлик балосига гирифтор шахслар, ҳатто ўз отасига ёки оғасига суиқасд қилганлар ҳам топилади, албатта. Шарқда эмас, дунёнинг қайси бир минтақасида йўқ бундай ёвузлар? Лекин бизнинг онгимизга шундай ўта сохта маслак ва мафқура сингдирилдики, гўё ғарблик ҳукмдорлар доим миллат ғамида, уни нуқул "ташқи душманлардан" асрайди, мамлакатни бирлаштириш ташвишида ёнади. Шарқ мирзолари ва ҳукмдорлари гўё нуқул хотинбоз, нафс овораси, миллат ва салтанат ташвишларидан холи. Бобур Мирзо ва аксари темурийзодалар тимсолида биз бунинг тамоман аксини кўрамиз. Тўғри, Бобур Мирзонинг ватанпар-

кандай ҳам бўлиши мумкин! Турган гап, Бобурнинг ватанпарварлиги билан бизнинг ватанпарварлигимизни қиёсга келтириб бўлмайди. Начора. Гарчи ватан бир, ammo ватан тақдири, унинг фожеалари, қисмати, замину замон ичра инсонларнинг шўриши савдолари тафовутли. Ватандан хорижда яшаб ҳам оташин ватанпарвар бўлиш мумкин, баайники, ўз ватанинда мусофир бўлишинг ҳам мумкин.

Бобур Мирзонинг дарвешликни кўнгли тусаб қолганлиги мунособати билан гадо, гадолик, дарвеш, дарвешнамо, дарвешваш, дарвешлик калималарининг луғавий ва маъновий турланиш ва тусланишлари мавжуд луғатлари асосида кузатилди. Бу масала ҳам тагин чуқур ишланиши лозим.

Бобда муайян мумтоз адабиёт обидалари нашрида, айни ҳолда "Вақоеъ"да, уларнинг мазмуни ва аҳамиятининг ўқувчи учун очиб берувчи (ёки чалғитувчи) муқаддима, сўнгсўз, луғат, изоҳ, шарҳ, индекс (очқич)ларнинг табиати ҳамда хусусияти ҳақида тўхталиб, Воҳид Зоҳид, Михаил Шевердин, Михаил Салйе, Сабоҳат Азимжонова ва бошқаларнинг ишларига мунособат билдирилди. Айрим тақриз ва парчалар то ҳозиргача китобхонларни чалғитаётганлиги танқид остига олинди. Бу муаммо "Вақоеъ"нинг ўзида Бобурнинг Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валийга чуқур ихлос ва эътиқод билан қараган ҳолда, айрим нашрларда (асарнинг русча таржимасига берилган шарҳларда, П. Қодировнинг "Бобур" романининг русча Юрий Суворсев таржимасида ҳам) бу мўътабар зотга нисбатан ҳанузгача нотўғри фикрлар айтилаётганига эътироз билдиришга тўғри келади.

Олтинчи боб

Мактуб ва услуб

1- Фасл

Муншаот таҳлили*

"Бобурнома" ҳақида баҳс борганда, хат, нома, мактуб муаммоларига мунособат билдирмасликнинг иложи йўқ. Негаки, гарчи ҳозирги вақтда, одамлар ва жаҳон мамлакатлари ўртасидаги турли-туман мунособатлар қалинлашиб, ҳар хил техникавий воситалар: чопархона (почта), телеграф, телефон, фазовий (космик) боғланишлар, радио, ойинаи жаҳон кашф қилинганидан сўнг ўзаро мулоқоту мунособатлар масаласи анча енгиллашди ва қулайлашди. Бир вақтлар бетоб отаси ҳазрат Бобурни зудлик билан Бадахшондан Ограга бориб кўриш учун Хумойун Мирзо отда кунига саксон чақирим йўл босган ва бунга ҳайратангиз воқеа деб қаралган бўлса, ҳозир енгил автомобил соатига ўртача саксон чақиримдан йўл юради. Соатига! Бир кунлик жаҳду жадал бир соатга келиб қолди. Замонавий тайёра эса Бадахшон-Огра орасидаги масофани бор-йўғи бир неча соатда учиб ўтади. Гоҳо "Бобурнома"да ёки бошқа кўплаб тарихий ва адабий манбаларда ўша қадимул айёмда каллалардан кўпори-

* Қаралсин: Файбуллоҳ ас-Салом. Толибнома. - 9-фасл. Хат ёзишга тобингиз қалай? 10-фасл. Бобур Мирзо Сизга насиҳат қиладилар, азизлар. - Шарқ матбуот-матбаа концернининг Бош таҳририяти. - Тошкент - 1996 йил, 97-119-бетлар.

ган "миноралар", тепадай уйилган гавдалар, дарё бўлиб оққан қонлар, тириклайин териси шилинган маҳкумлар ва ҳоказоларни эшитганимизда, этимиз музлаб, жунжикиб, "ахир бу ваҳшийлик-ку!" деб юборасиз. Ҳолбуки, ўтган беш аср давомида ер фарзандлари - одамларнинг ўзаро муомала-мунособатларида шафқат ва тавозе, ҳурмат ва ишонч, меҳрибонлик ва оқибат қанчалик нозиклашган бўлса, рақобату ҳасад, очкўзлигу йиртқичлик, хунрезлик билан зулмнинг тааддиси ҳам шунчалик, балки ундан ҳам зиёдрок "ривожланиб" кетди.

Бировга хат ёзиш ботиний руҳий эҳтиёждан туғилади. Бу жудаям ўзига хос дил изҳоридир. Мактубнавислик ўзи бир санъат. Иншо, муншаот ҳам ижод. Абдурахмон Жомий ҳамда Алишер Навойларнинг бир-бирларига ва бошқа буюк инсонларга ёзган мактублари ниҳоятда нозик ва зариф, нуктадонлик ва меҳрибонлик туйғулари билан суғорилган. Биз бу сингари ҳазрати инсонлардан улар ёзиб қолдирган нафис, гўзал бадийий асарлари учунгина эмас, балки бир-бирларига ёзган номаи аъмоллари, хатлари, буларни жамлаб борганлари ва махсус мажмуа ҳолига келтириб, биз авлодларга тухфа этиб қолдирганлари учун ҳам тоабад миннатдор бўлишимиз даркор. Сабаби, юксак бадийий ижод соҳиблари хатда ёзиб бўладиган қалб сирларини бошқа бирон восита билан айта олмас эдилар. Ҳолбуки, ижод қанчалик ижод бўлса, ижоднинг ички сирлари, ижодхона мўъжизалари, иқроп ва инкор, тасдиқ ва раддия, муҳаббат ва нафрат... булар бари, аксарият, шу хатларнинг қатига битилган бўлади. Зеро, булар сингари зукко инсонлар, мутаффақкирлар, ёзувчи ва шоирларни биз қанчалик чуқур

ўрганмайлик, барибир, уларни ҳеч ким уларнинг ўзла-ричалик билмайди, била олмайди.

Уларни уларнинг ўзичалик билмоқ истасангиз...

Ғарб адабиёти ва, жумладан, рус адабиётида ҳам муншаот тури, эпистоляр жанр хийла ривожланган. А. С. Пушкин ва Л. Н. Толстой, А. П. Чехов ва И. С. Тургенев ҳамда бошқа бир талай адибларнинг хатлари ўзи алоҳида жилдларни ташкил этади. Уларда бир олам ҳаёт, руҳ ва маъно мужассам. Бадиий асарларидан тополмаган ва илғай билмаган маъно, ишора ҳамда эътироф ёхуд эътирозларни уларнинг хатларидан уқиб оласиз. Булар қанчадан-қанча завқ-шавқ бағишлайди кишига. Зеро, ёзувчи ёзади, аммо ўзи ҳақида ўзи гапира олмайди. У гўё ўзидан ўзи маҳрум этилган. Аслида, бу унинг учун жазо-ку. Ўз асарининг тақдирида, муҳокамасида қатнаша олмаса. Асарни ёзиб ўқувчига узатганидан сўнг, баайни ўз дил фарзандидан маҳрум бўлгандай аҳволга тушади. Баъзан шундай бўладики, адиб ўзини ўзи ҳимоя қила олмайди. Даврнинг ғаддорлиги, ғанимларнинг ғаламислиги, фиска-фужур, тухмат, бўхтон, миш-мишлар гоҳо уларни адо қилади. Абдулла Қодирий билан Чўлпон, Фитрат билан Усмон Носирийларни олинг. Уларнинг "мактубнавислиги" ГПУ, НКВД, КГБ сингари мудҳиш маҳкамаларнинг зах тўлаларида, зиндон ва қийноқларида "ижод қилинган" сўроқларда том-том "делолар" ҳолида қолиб кетди.

Нома, хат, мактуб мавлоно адибларнинг иккинчи ижоди. Бу, ижоднинг мороми, бошланиши, ижод жараёни таҳлили ва давоми. Биз юқорида адиблар ўзлари ҳақида гапира олмайдилар дедик. Улар ихтиёрида кичик бир имконият, ҳар қалай, бор. Бу: ўз яқинларига, дўстлари, пир, муршид ва муридларига, яъни ўзларига энг сирдош ва ҳабиб инсонларга, ҳатто ўз рақибларига ёзган хатларидир. Ёзувчи маънавий дунёсининг ич-ичига кириб боришни истаган киши унинг хатларини ўқисин. Муаллиф ўз асарининг ичига яширинган бўлади. Уни ошкор этувчи нарса унинг хатлари, кундалиги ва хотираномалари. Баъзан бадий ижоднинг ўзи ҳам нома, мактуб, хотира шаклида ёзилади. Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си, Хоразмийнинг "Муҳаббатнома"си, Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома"си, Муқимийнинг "Саёҳатнома"си ва бошқалар.

Мана энди буёғи -"Бобурнома", "Хумойуннома", "Акбарнома", "Табақоти Акбар Шоҳий", "Равзатуссафо" ва бошқа хотиралар. Мазкур "нома"лар орқали биз бу фотиҳ ва жаҳонгир, инсон ва адибларнинг ҳаётини баайни ичидан ва тошидан билиб оламиз. Чунончи, Гулбадан Бегим, Абулфазл Алломий, Мирхонд ва бошқа улуғ муаррихларнинг асарлари Бобурнинг қандай табаррук ва фидоий, мўътабар зот бўлганлиги аён бўлади. Бироқ биз довюрак "Арслон", темурийзода, ҳиндий таъбир билан айтганда, нотиклик ва илм маъбуди, мусиқа ва шеърят ҳомийси Сарасватининг суюкли, арзанда ўғлининг (Роҳул Сан Критиан) кимлигини, қилган барча улуғвор ҳамда мардуд ишларини, мамнуниятию пушаймонлари, орзу-армонларини ўзи ёзган "Вақоеъ"дан бўлак бирон манбадан топа олмай-

миз. Бу онҳазрат Бобур Мирзо ўз кўли билан ясаган шундай кўзгуки, бу ойнада унинг ихтирочиси бор бўйбастии билан кўринади.

Биз ҳозир тилга олинган номаларнинг, умуман номаи аъмолнинг билишлик хусусияти, дониший аҳамияти масаласига тўхталдик. Чунончи, "Вақоеъ" ёки "Бобурия" ёхуд "Бобурнома" деб аталмиш манбанинг ички хос жиҳати - Бобур Мирзонинг ижодхонаси ҳамда ижодкор сифатидаги ўзига хос оламига чуқур кириб боришда бебаҳо иш эканлигини айтдик. Бугина эмас, бу нарса Бобур даври, моддий турмуш тарзи, уч мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий аҳволдан дарак берувчи чинакам қомусий асар эканлигидан баҳс юритдик. Булардан ташқари, масаланинг учинчи, янада муҳим жиҳати борки, бу тафаккур ва тил билан чамбарчас боғлиқ.

Муборак дастхатлар

Хат, мактуб, нома шунчаки бир шахснинг бошқа бир шахсга битган дил изҳоригина эмас. Ёки фақат шунинг ўзи эмас. Аслида, бу катта, қамровдор ва залворли, мураккаб ва зиддиятли муштарақ муаммодир. Бу маънода, олайлик, Алишер Навоийнинг "Хамса"дай бир салмоқдор Бешлиги ҳам ўзига хос бир "хат". Буюк Навоийнинг дастхати. Ўз халқига - дил изҳори. Ўз тилида - туркийда мустақил, фасиҳ ва саҳиҳ "хат ёзиш" мумкинлигини исботлаш учун бунёд этилган шуқуҳли адабий-тарихий шаҳодатномадир. Бу хусусда буюк мутафаккир ўзининг "Муҳокаматул-луғатайн" асарида яхши айтган. Ҳозирги вақтда "ўзбек тилида мактуб ёзиш мумкинми ёки йўқми?" деган масала

кўтарилса", ҳамма бирдай елка қисиши табиий. Чунки дафъатан мантиқсизликни кўрувчи одамлар топилади. Аслида эса, масала қанчалик оддий ва жўн кўринмасин, шунчалик мураккаб. Масалан, ўша саволга кўпгина кишилар, биринчи галда бизнинг зиёлиларимиз инкор жавобини берадилар. Гап "мактуб", "нома", "хат" сўзларига қандай маъно берилаётганида. Ахир, Навоий ҳазратларидек буюк зот олдида ҳам ана шундай инкор маъносига тасдиқ турар эди-да! Инкорни инкор этиб, тасдиқ жавоби олиш учун "Лисонут-тайр" сингари бақувват назарий рисола, дастур ёзиш лозим эди. Лозиму, аммо бу кифоя қилмасди. Назария зўр, аммо амалиёт билан зўр. Амалиёт назариясиз ҳам амалиёт бўлиб қолаверади. Бироқ назария амалиётсиз мавҳум нарса.

"Хамса"! Адабий тил сифатида туркий тилнинг зўрлиги ва мустақиллигини узил-кесил исботлаган дадил мана шу "Хамса" бўлади. Мантиқ, ифода, исбот, калом, иншо, изҳор, мажоз, атама, муаммо, жавоб... - бари туркона. Ғайри-арабий, ғайри-форсий, ғайри-юноний "соф" туркий хат эмас, албатта. Зеро, "соф туркийлик" даъвосининг ўзи мантиқсиз тушунча. Аммо негиз, грамматика, алфоз, ифода ва нафосат туркона эди.

Қизик. Мустақил адабий тил, мустақил давлат тили бўлишликка даъвогар ҳар бир тил олдида шундай муаммо кўндаланг туради. Тамомила бошқа тупрок, ўзига миллий муҳит, бўлак маънавий жуғрофий кенглик бўлмиш Пушкин даври Русиясида ҳам (уч асрдан сўнг) худди шу масала пайдо бўлган эди. Гал Пушкинга келиб етди. Айнан А. С. Пушкин "Евгений Онегин" шеърый романида рус тилининг мактубнависликда

оқсашидан зор қақшаб гапирган эди. Фаранг тилида бурро бўлган бизнинг рус зиёлилари, войдод-вовайло, ўз она тилисида бамаънироқ бир нима дея олмайди, деб қаттиқ ўксинганди.

Тилга ишлов бериш ёзувчиларнинг зиммасидадир. Бу борада ҳам туркий тилнинг равнақи, ҳозирги адабий тилни бойитиш, айниқса атамачиликда "Бобурнома"нинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Бунда тилнинг луғавий бисотидаги ҳар хил қатламлар, иборасозлик, мақол ва маталчилик, турли-туман касб-кор сўзлари, маъмурий-идоравий истилоҳлар, миллий ва тарихий тушунчалар мавжуд.

Биз бу ерда, мавзу доирасида, Бобурнинг хатлари, услуги билан танишар эканмиз, таржималарда уларнинг не тариқа ифодаланганини кузатамиз ва таҳлил қиламиз. Маълумки, Мирзо Бобур, ота, дўст, улфат, подшоҳ мақомида жуда кўп одамларга хат битган. Бу мактубларнинг ҳар бири тарих. Бу хатлардан асрлар оша унинг ўктам овози, одоби, фикр-мулоҳазалари, тажрибаси, мизожининг сажияси бизгача етиб келган. Бу мактубларни такрор-такрор ўқиймиз, тўймаймиз. Уларда буюк бир инсон ўз ҳолидан зорланади, нималарнидир тайинлайди, насиҳат қилади: Хумойунга, Комронга, Хожа Калонга ва бошқаларга. Аммо ўша "бошқалар", аслида, бошқалар эмас, балки биз. Унинг ота сифатида ўз фарзандларига чексиз меҳрибонлиги ҳамда насиҳату васиятлари худди халқига, бизга мўлжаллангандай жаранглайди.

Эсизки, унинг ўз яқин-йироқларига турли муносабатлар - давлат ишлари, шахсий аҳволот, оилавий муносабатлар, хулқ-хуш, одоб, рафту омад, осойиш ва

оройиш йўриқларида битган “нимарсалари”, бу ранг-баранг улкан бойлик мунтазам йиғиб борилмаган, “Муншаот” шаклига келтирилмаган. Кўпдан-кўп нарсалар сақланмаган, алгов-далғовларда йўқолиб кетган. Шуниси борки, биз яна Бобурнинг ўзидан миннатдор бўлишимиз керак: унинг бир қанча хатлари “Вақоеъ” дан жой олган. Бундан уч йил муқаддам яна бир муборак мактуб топилиб матбуотда эълон қилиндики, бу “Насихатномаи Бобур ба фарзанди худ” деб номланди. Хуллас, ўғли Ҳумойунга, Комронга ҳамда Хожа Калонга ёзган номаи аъмоллари матнини келтириб, борларининг таржималарини бақамти қўйган ҳолда қиёсий таҳлилдан ўтказамиз.

А. Тўққиз юз ўттиз учинчи (1526) йил воқеаларида Бобур Мирзонинг ўғли Ҳумойун Мирзога ўзининг қандай қилиб заҳарлангани ташвиш- тафсилотларини баён этувчи мактуби

Одина куни рабиул-аввал ойининг ўн олтисида ғариб воқеа даст берди; нечукким, Кобулга битиган китобатда машруҳ битилиб эди. Ул китобатни-ўқ бе-зиёда ва бенуқсон мунда келтурулди. Ул китобат будур: Воқеаи узмоким*, жумъа куни рабиул-аввал ойининг ўн олтисида тарих тўққуз юз ўттуз учта рўй берди, тафсили будурким, Иброҳимнинг онаси бу бадбахт эшитурким, мен Ҳиндустон элининг элигидин нима ейдурман. Бу қисса мундоқ эдиким, уч-тўрт ой

* Узмо - катта, улғу.

бу тарихдин бурунрок Ҳиндустон ошларини чун кўрмайдур эдим. Дедимким, Иброҳимнинг бовурчиларини келтурдилар. Эллик-олтмишча бовурчидин тўртини сақладим. Бу кайфиятни бу эшитиб, Аҳмад чошнигиргаким, Ҳиндустон эли бакавулни чошнигир дейдурлар, Атоваға киши йибориб келтуртуп, бир додак илгига чорсўта қилгон қоғазда бир тўла захр берур, тўла икки мисколдин бир нима кўпрак бўлур, нечукким, бурунрок мазкур бўлдиким, Аҳмад чошнигирга бергай. Аҳмад бизнинг бовурчихонадаги Ҳиндустоний бовурчига бериб, тўрт паргана ваъда қилурким, ҳар тавр қилиб, менинг ошимға захрни солгай. Ул додакдинким, захрни Аҳмад чошнигирга йиборур, яна бир додакни анинг сўнгича йиборурким, кўргай, ул захрни берадурму ёки йўқму? Яхшиким, қозонға солмай, табаққа солур. Бу жиҳаттин қозонға солмаским, бакавулларга таъкидлар қилиб эдимким, Ҳиндустонийлардин ҳозир бўлғайлар, қозонда ош пишурур маҳалда тоттурурлар эрмиш. Ош тортарда бизнинг бедавлат бакавуллар ғофил бўлурлар. Чийни устига юпқа нонни солур ва нон устига ул қоғаздаги захрнинг озроқ ярмини сепар, захрнинг устига ёғлуқ қалияни солур. Агар қалия устига сепса эди, ё қозонға солса эди, ёмон эди. Даст-поча бўлуб, захрнинг улуғ ярмини ўчоққа ташлар.

Одина куни кеч намоз дигар ош торттилар. То-вушқон ошидин хийли едим. Бу Ҳиндустоний захрлик ошининг устидин бир-икки тикка майлу қилдим, қалия олиб едим, ҳеч нохуш маза маълум бўлмади. Қоқ гўшттин бир-икки тикка олдим. Кўнглум барҳам урди, ўтган кун қоқ гўштни еганимда бир нохуш маза анда бор эди, кўнглумнинг барҳам урғонин андин хаёл

қилдим. Яна бир кўнглум кўзғолиб келди. Дастурхон устида икки-уч марта кўнглум барҳам уруб. қусаёздим. Охир кўрдумким, бўлмас, кўптум. Ошхонаға боргунча йўлда бир навбат қусаёздим. Яна бир навбат қусаёздим. Обхонаға бориб, қалин қустим. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичканда ҳам қусмас эдим. Кўнглумға шубҳа кечти. Бовурчини сахлатиб буюрдумким, ул қайни итга бериб, итни сахлағайлар. Тонгласиға бир паҳрага ёвуқ ит беҳолроқ бўлуб, корни дам қилғондек бўлди. Ҳар неча тош била урдилар, эвруштилар, кўпмади. Кун тушгача бу ҳоли бор эди, андин сўнгра кўпти, ўлмади. Бир-икки чухра ҳам бу ошдин егандур. Тонгласиға алар ҳам қалин қустилар, бирисининг худ ҳоли хароб эди, охир бори халос бўлдилар. Мисраъ:

“Расида буд балое, вале бахайр гузашт”. (Мазмуни: Бир бало етишган эди, бироқ яхшилик билан кечди.)

Тенгри манга бошдин жон берди. Ул дунёдин келадурмен, онадин эмди туғдум. Мен хаста ўлуб эдим, тирилдим. Жоғ қадрини, биллоҳ, эмди билдим.

Султон Муҳаммад бахшиға буюрдимким, бовурчини эҳтиёт қилғай. Қийинғаким тутар, мазкур бўлғондек бирин-бирин шарҳи била айтур.

Душанба куни девон куни буюрдумким, акобир ва ашроф ва умаро ва вузаро девонда ҳозир бўлғайлар. Ул икки эр кишини ва икки хотун кишини келтуруб сўрғайлар ва баёни воқиюни шарҳи ва басти била айттилар. Ул чошнигирни пора-пора қилдурдум. Бовурчини тириклай терисини сўйдурдум. Ул хотунлардин бирисини фил остиға солдурдум. Бирини эҳтиёт қилдурдум. Ул ҳам ўз амалиға гирифтор бўлуб, жазо-сиға етгусидур.

Шанба куни бир аёқ сут ичтим. Якшанба куни ҳам бир аёқ сут ичтим, “гили махтум”ни ва “тарёки форуқ”ни эзиб ичтим. Душанба куни сут ичтим, сут ичимни хили сурди. Шанба куни, аввалги куни сафройи сўхтадек қора-қора нималар дафъ бўлди. Шукр ҳоло ҳеч кисса йўқтур. Жон мундоқ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким:

“Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур жон қадрини”.

Ҳар канча бу воқиаи ҳоила хотиримга келса, беҳост ҳолим мутағаййир бўлур. Тенгри таолонинг инояти бор экандур, манга янги бошдин жон бағишлади. Мунунг шукрини на тил била қилғаймен. Хотирларга тараддуд кечмагай деб, ҳар не воқеъ бўлгонни шарҳи ва баста* била битидим. Агарчи тилга, оғизга сикқусиз кўрққудек воқеа эди, шукр тенгрига яна кун кўра-рим бор экандур. Хайр хўблук била ўтди. Ҳеч дағдаға ва тараддуд хотирларигизга кечурманг деб, сешанба куни рабиул-аввал ойининг йигирмасида чаҳорбоғда эрурда битилди”.

Булардин фориг бўлуб, бу битилган хатни Кобул-ға йиборилди. Чун мундоқ улуг гуноҳ бу бадбахттин сарбар урди, Юнус Али била Хожагий Асадга буюрулди-ким, нақ ва жинс ва қул ва додакини олгондин сўнг, Абдурраҳим шиговулга топшурулди-ким, эҳтиёт била сахлағай. Бунинг набираси Иброҳимнинг ўғлиниким, хили таъзим ва эҳтиром била нигоҳдошт қилинур эди, чун мундоқ қасде бу табақадин содир бўлди, Иброҳимнинг ўғлини мунда сахламоқнинг салоҳини кўрмай, панжшанба куни рабиул-аввал ойининг йигирма тўққузиди Мулло Сарсонғаким, Комрон қоши-

* Баст - тўлатик, тафсилот .

дин баъзи ишкуч учун келиб эди, кўшуб Комронға йиборилди...”(375-377).

Ўзимни ўзгалар орқали англайман

Бу воқеа тасвири бир қанча жиҳатдан муҳим. Ҳар бир унсур ва майда тафсилот ҳам катта аҳамият касб этадики, уни ташлаб кетиш ёки орттириш, тусмоллаб ўгириш ёхуд маъносини ўзгартириш, шунингдек, тушунмаганлик учун таржимасиз қолдириш жиддий англашилмовчилик туғилишига олиб келади. Ваҳоланки, гап одатдаги бирон воқеа эмас, Бобурнинг ҳаёт-мамоти тасвири ҳамда баёни ҳақида бормокда. Овқатга заҳар кўшиб берган ошпазлар қандай қилиб емакхонага ўрнашиб қолган? Ул нобакор ошпаз ниманинг эвазига бундай суиқасдга рози бўлган? Заҳар нима сабабдан қозонга ёки қайлага эмас, ноннинг устига сепилган? Овқатга заҳар солингани қандай исботланган? Суиқасддан мақсад? Суиқасд қилганларга қандай чора кўрилган? Ва ҳоказо. Матн ичида шундай хос сўзлар, ибора ва бирикмалар, атамалар борким, улар ҳозир эскирган, бир қисми ҳиндларнинг турмуш тарзи ва тафаккурига дахлдор бўлгани боис, бошқа миллат кишилари тугул, бизнинг бугунги ўқувчига ҳам тушунарли эмас. Бир қисм калималар тўла англашилади, айрим бирларини ҳеч ким ёки кўпчилик билмайди. Бир хил сўзлар эса тамом ўзгача маънога кўчиб кетган. Қизиғи шундаки, айрим ҳолларда гап нима ҳақида бораётгани ёки сўзнинг тагида қандай маъно ва ишоралар яширинганини ўзимизнинг махсус лўғатларимиздан ҳам топиб бўлмагани ҳолда, бундай муаммоларга хорижий таржималар яхшироқ жавоб беради.

Чунончи, англизча таржималар ўзининг аниқлиги билан, туркча таржима бизнинг моддий ва маънавий ҳаётимизга яқинлиги билан ёрдамга келади. Русча таржиманинг ҳам ўз афзалликлари йўқ эмас. Бироқ бу таржима кўпроқ ўзининг эскирганлиги, чалкашликлари, янги таржимага зарурат ва мухтожлик вожиб эканлигидан дарак бериб туриши билан машҳур. Яна бир афсусланадиган тарафи: жуда кўплаб эски хатоларни тузатиш ўрнига, нашрдан-нашрга “саёҳат” қилиб келади.

Инъикос ва инъикос инъикоси

Заҳарланиш воқеаси яна бир сабабга кўра диққатни тортади. Чунончи, худди шу манзара ёзувчи Пиримкул Қодирнинг “Юлдузли тунлар” романида ҳам келтирилган. Демак, “Вақоеъ” билан роман ўртасида узвий боғланиш, ўзига хос “кўприк”, “танакор” мавжуд. Бу узвийликнинг тарҳ-тароватини тақрибан шундай ифодалаш мумкин:

Ҳаёт → Хотирот → Таржима.

Ҳаёт → Хотирот → Адабиёт → Таржима.

Садо ва акс садо. Инъикос ва инъикоснинг инъикоси. “Бобурнома” - хотирот, вақоеъ, тузук ҳосиласи ўлароқ, бадий “қайта ишловга”, бадий тахаййулотга ўрин қолдирган. Зеро, бу “Вақоеъ”, ўз табиатига кўра, илм билан бадий адабиёт ўртасида туради. Таъбир жоиз бўлса, ҳар иккаласининг ажиб бир тарзда қўшилиши ва омухталашувидан иборат. Бу ерда аниқлик, таҳлил билан бирга образ ва образлилик, тасвир ва

тасвирийлик, ички инсоний туйғулар, илмий тафаккур билан бадий манзарадорлик ҳам муҳайё. Аммо “Вақеаномаи Бобурий” муаллифининг усталиги шундаки, асарда тарих ва илм қаерда бошланади, бадий адабиёт қаерда ўз интихосини топади - буни илғаш қийин. Баъзан оддий ёки майда турмуш тафсилотларидан ногаҳонда чуқур фалсафа келиб чиқади.

Хар қалай, Бобур Мирзонинг мақсади ўз ҳаётидан бирон роман ёки қисса ёзиш эмас, балки хотира сўзлаб бериш экан, бу хотиралар асосида келажақда, қачонлардир кўламдор бадий асарлар ёзилишини у билганмикан? Буниси Бобурнинг ўзигагина аён. Аммо у ҳаётлиги чоғидаёқ ўзининг буюк шахс эканини шубҳасиз билган. Нима бўлгандаям, “Бобурнома”, хотирот сифатида, қомусий бир асар бўлгани йўриғидан, услубда интиҳойи қомусий қисқалик, ихчамлик сезилиб туради. Энг зарурий, ҳаётий “икир-чикирлар”да муаллиф жой аямайди, вақтини тежамайди. Чунки булар улкан зарралар, кўламдор манзаралар, сермазмун тафсилотлар. Бунда ирмоқлар ҳам, дарёлар ҳам, денгизлар ҳам бор. Ирмоқлардан - дарёларга, дарёлардан денгизларга, денгизлардан яна дарёлар ва ирмоқларга қараб таралиш жараёни акс этган.

Биргина “заҳарланиш” манзарасида дўстлик ва рақобат, одамийлик ва малъунлик, уруш ва интиқом, инсоннинг зиддиятларга тўла ички дунёси ўз аксини топган. Дарвоқе, хотирот (мемуар) ва роман баҳсида айтиш керакки, мазкур адабий тур (жанр)га ҳос қомусий ихчамлик бағрида кўламдор тасвир имконияти яшириниб ётар экан, дунё ёзувчилари бу имкониятдан тўлиқ фойдаландилар. Ҳа, фойдаландилар, лекин тўлиқ фойдаландилар деёлмаймиз. Мовароуннаҳр та-

рихи, туркий халкларнинг “ишлари” ўтмиш малания-тимиз, алломаларимиз, алалхусус Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур, Хожа Аҳрор, Баҳоваддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Зокиржон Фурқат ва бошқа бир кўп фотиҳ, мутафаккир, саркарда, шоирларимиз ҳали ниҳоятда кўп бадиий тажассум, рассомчилик ва кино санъати асарларига озука бериши шубҳасиз.

“Бобурнома” ва “Юлдузли тунлар”. Бу роман “Вакоеъ”даги аллақанча ҳаётий тафсилотларни эътиборсиз қолдирган ҳолда, кўплаб “бўшлиқлар” ва “кемтиқлар”ни тўлдирган, айрим воқеаларни асослаган. Бу маънода ҳам мазкур кичик парча ва бундан кейин келтирадиганимиз турмуш тафсилотлари ҳамда адабий лавҳаларнинг муқоясага олиниши заруратини пайдо қилади. Парчада йигирмадан зиёд сўз, атама, жумла ва бирикмалар борким, ҳозирги ўзбек тилида маънолари мавҳум, ё ноаниқ, ё кўпол, ё бўлмаса, ҳатто сохта муқобил ҳолатига келиб қолган. “Таржимоннинг сохта дўстлари” деганда “айни бир хил” сўзларнинг турли тилларда, аксар қардош тилларда, турлича, бошқа-бошқа маъно англатиши назарда тутилади. Бу ерда бўлса бошқа ҳодиса англашилади. Маъновий сохтакорлик турли тилларда эмас, балки “Бобурнома” мисолида айна бир туркий тилда (эски ва ҳозирги ўзбек тили) сўзларнинг маъноларида айричалик ҳолати пайдо бўлган.

Сўз маъноларининг ҳаракати

Матн ичидан мана бу сўзларни олиб таҳлил қиламиз: ғариб, китобат, машруҳ, узмо, бовурчи, чошни-

гир. баковул. тўла. парғана. бедавлат. чий. калия, тик-ка. чухра, аёк. кисса, накд. жинс, кул, додак, туғмоқ, кунмоқ, гили махтум, тарёк форуқ.


Грамматик шакл ва маъновиёт (семантика)да ғалат ходиса: туғмоқ. Навоий ва Бобур даври тилида икки маънони англатмиш: 1. Туғилмоқ (онадан туғилмоқ); 2. Чикмоқ, кўринмоқ, тулуь этмоқ (қуёш ва ой ҳақида) (НАЛ. 619). “Ул дунёдин келадурмен, онадин эмди туғдум”. Эркак жинсидаги кишининг “туғдум” дейиши ҳозир жуда ғалати эшитилади. Бобур тилида бўлса бу одатий ибора: мажхул даражадаги “онадан туғилмоқни” англатади. Қизиғи, туғмоқ феълининг ўша кўхна маъновий ифодаси ҳозирги турк тилида ҳам сақланиб қолибди: “Ben o bir dünyadan geliyorum; annemden simdi dogdum”.

Туғдум || Dogdum!

Ғариб воқеа даст берди. Ҳозирги тилимизда ҳам барча сўзлар муҳайё. Бовужуд “ғариб воқеа қўл берди” десак ҳеч нарса англишмайди. Зеро, “у сўзлар” бор, “у маънолар” йўқ. “Ғаройиб воқеа рўй берди” дейиш керак. Ҳақиқатан ҳам, бу калима ва иборасозликда ғаройиб ходиса юз берган. Чунончи; 1. Ғариб (кўпл. ғурабо). Мусофир, бошқа жойдан келган, кимсасиз. 2. Ғариб... Ажойиб, қизик, камёб. Ғаройиб. Қизик нарсалар, қизикликлар, камёб нарсалар.

Шундай қилиб, ғариб сўзининг биринчи маъноси тўла сақланган ҳолда, иккинчи маъноси йўқолган. Ғаройиб сўзи ҳам ҳозир айнан ўзидай. Ғаройиб баайни ғариб сўзининг иккинчи маъносига муқобил (эквивалент) бўлиб қолган. Даст бермоқ бирикмасидаги форсча даст ўзбекча қўл билан алмашса, тамомйла бошқа маънога кўчади: Қўл бермоқ - 1) Муриднинг

муршидга қўл бериши; 2) кизнинг куёвга қўл бериши. Йўқ, бу бирикмада бир ашёни (аъзони) бўлак ашё (аъзо) билан алмаштиришга тўғри келади.



Яна бир гап. Турк тилида бу гал ҳам сўз маъносида аслият билан бир хиллик кўзга ташланади. Чунончи, ғариб сўзининг иккинчи маъноси ҳам сақланган: *garib bir vak'a* (345).

Китобат сўзининг “китоб”га алоқаси йўқ. Бу ёзиш, кўчириб ёзиш; хат ёзиш, ёзув дегани. Китобат қилдурмок - ёздирмок, бирор асарни кўчиртирмок (314). Машруҳ - шарҳланган, изоҳланган (377). Узмо - улуғ, буюк, зўр (278). Бовурчи - ошпаз (122). Бу сўзга профессор Рашит Раҳмати Орат шундай изоҳ беради: “*bavurçi ve bavurçilik “aşçi ve aşçilik”, hükümdar sarayında mutbahda çalışanlara mahsus ve bekevullük'tan aşağı derecede bir rütbedir... Diğer şekil ve manalar için bk. Radloff, bavir, bavor, baur(bagir) “kara ciger” ve baurçi “aşçi “baur(kazak), “akraba, dost”; Kirgiz, boor “kara cigr; kan kardeş; Kut.Bil., bagirsak, “merhametli”. Krş.bekavul (586-587).*”

Бизнингча, рус тилидаги повар (ошпаз) сўзи ҳам туркий “бовур” дан олинган бўлса керак.


Баковул. 1. Хон дастурхончиси, хон овқатларини тотиб кўрувчи; 2. Бош ошпаз (86). Профессор Р.Р.

Оратда: "yemek tadan. çeşnigir" ve buradan be kavullik ve hassa be kavullik; bavurilik'tan daha yüksek bir derece olup, huküdarin mutbahnda çalışan ve bilhassa yemeklery zararli şeyleri katilmamasina nezaret eden memurlarin unvanidir... Babur'da: Aşik Bekavul, Hacı Pir Bekavul, Kuli Bayezid be kavul, Mir-Hurd Bekavul v.b. (590).

Чошнигир. Бобур таъкидлайдики, Ҳиндистон эли баковулни чошнигир дейди. Чошни 1. Маза, таъм, тот; 2. Тотиш, мазасини тотиб кўриш; 3. Баҳра (684). Чошнигир подшоҳ учун тайёрланадиган овқат назоратчиси (170). Лейден-Эрскинда: "Ahmed, the taster, whom the Hindustanis call bekawel (Ahmed chashnigir (taster), which is the equivalent in India for our term bakawal 268). Бакйе-Грамонда: Ahmad le Dégustateur ... En Inde, les dégustateurs sont appelés jachni'gir (351). Франсузлар чошнигир сўзини дегустатор деб олган. Луғати руси-тожикида (М: Русский язык, 1985): дегуста-чошнигир (202). Харолд Лэмбда: Babur The Tiger (Ahmad the chashnigar-in Hindustan they call a taster a chashnigar...(267). Мих. Салйеда чошнигир айнан олиниб, китоб охирида изоҳ берилган: чошнигир-пробующий пиши перед подачей государю (399). Гулбадан Бегимнинг "Хумойунома"сида Сабоҳат Азимжонова буни чошанигир деб ўгирган ва қуйидагича изоҳ берган: подшоҳ дастурхончиси (40). Пиримкул Кодирнинг "Юлдузли тунлар": романида чошнигирни - ҳамма жойда чошнагир деб қўллайди: Аҳмад чошнагир (454-455).

Чошни - таъм бўлгандан кейин, чошнигир - таъмни татиб кўрувчи кишини англатади: чошни+гир. "Бобурнома"да ва ҳамма таржималарда - шундай. Пи-

риmqул Кодир эса, афтидан, мазкур сўзни бошқача изохлагиси келган. Чош+нагир (“кўп олма”). Тил учидагина ёки бир ҳўплам татиб кўришни назарда тутган, шекилли. Кизиғи, Харолд Лэмб билибми-билмайми, тагин учинчи талкинни илгари сурган: чаш+нигор. Бу “таъмни назорат килиб туриш”, таъм олишга кўз-кулок бўлиб туриш маъносини англатган.



Бир тўла захр жумласини ўқиган киши ҳозир тўлани истилоҳ эмас, сўз (равиш) деб англайди. Бобур ўша жумладан кейин мазкур калимани матн ичидаёқ изохлайди: тўла икки мисқолдин бир нима кўпрак. Демак, бу ўлчов бирлиги. Туркчада айнан тўле деб олинган.

Ўзга бир олам!

Ажойиб-ғаройиб воқеалар. Ҳиндистон ўлкасига Бобур кўзи билан қарайлик: Ҳиндустон аввалги иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учинчи иқлимдиндур. Тўртунчи иқлимдин Ҳиндустонда йўқтур. Ғариб мамлакате воқеъ бўлубтур. Бизнинг вилоятларга боқа ўзга оламедур (342). Ғариб мамлакате! Турфа мамлакатларнинг манфаатлари, ҳар хил миллатлар, эл-элатлар, динлар, анъаналар учрашган ва дучлашган диёр. Ўзга бир олам. Табиат, иқлим, ҳайвонот, зироат, ти-

рикчилик. одамларнинг яшаш тарзи ва маънавияти, бари-бари узгача. Шуниси кизикки, бу ўлкага хориждан келиб қолган кишилар ундаги ўзига мўъжизадай бўлиб кўринган ҳар бир нарса ва воқеага ўз мавқеи ҳамда нуқтаи назари билан қараган. Буддавий борлик ва ҳодисотга ислом умматларининг тушунчаларию дидлари билан қараганда, чиндан ҳам, асл фаройиб кўринган нарсалар янада сеҳрлироқ мазмун ва мундарижа касб этади.

Дунёнинг жуда катта қисмида ҳозирги вақтда Овруро (насроний) халқларининг ўлчов бирликлари ҳукмрон. Шу боис бизда, аксарият, мусулмон ва будда ўлчовларини ҳозирда билишмайди. Бироқ Бобур ўзга мамлакат, бошқа халқларнинг моддий ва маънавий қадриятлариға улар қандай бўлса ўшандайлигича қарашдан ташқари, ислом дини ва маданияти, мантиқи ва тушунчалари, тамойиллари билан муқоясага келтиради. Натижада жуда ажиб ва жозиб муқоясавий тарҳ юзага келади.

Микдор ва рақамлар тилга кирганда...

Масалан, ўлчов бирликларини олайлик: Яна ҳар бирини олтмиш бўлубтурлар, ҳар бирини пул дебтурларким, бир кеча-кундуз уч минг олти юз пул бўлғай. Яна ҳар бир пул микдорини олтмиш қатла кўзни юмуб очқунча дептурларким, кеча-кундуз икки юз ўн олти минг кўзни юмуб очқунча бўлғай. Бир пулни тажриба қилилди, тақрийбан секкиз қатла “кулҳуваллоҳ”ни “бисмиллоҳ” била ўқуғунча бўлғай (359).

Жуда оддий туйилган бу талқину атамаларни бошқа тилларга ўгиришда ниҳоятда кўп хилма-хиллик ва

чалкашликлар учрайди. Аввало, аслиятдаги ўлчов бирлигининг номланиши - пул (359) туркчага пел (pel, 328), русчага: пал (334), инглизчага: пал (pal, Лейден-Эрскин, 240), франсузчага: пал (pal, Бакйе-Граммон, 338) деб ўгирилган.



Энди: секкиз қатла “қулҳувалло”ни “бисмилло” била ўқиғунча ҳамда 28.800 “қулҳувалло”ни “бисмилло” била ўқиғунча ўтган вақтни қандай талқин қилиш мумкин? Чунончи, проф. Р. Р. Орат:... bir pelde sekiz defa Kulhuvallah suresi, Bismillah ile birlikte okunabildi... ve... 28.800 defa Kulhuvallah ile birlikte okunabilir (328).

Ўзбекчада Қулҳуваллоҳ билан Бисмиллоҳни ўқишни туркчага Қулҳуваллоҳ сураси деб талқин қилиш, яъни биргина сура сўзининг қўшилиши билан “вақт ўлчови”нинг узун-қисқалигини ҳаддан ташқари - қарийб йигирма минг мартадан зиёд ўзгарган (ўзбекчада кам, туркчада ортик).

Инглиз тилида (Лейден-Эрскин ва Л.У.Кингда) бу тушунчалар кенг изоҳланган: *By experiment, I found that one pal admitted of the kulhovallah and bismillah being repeated nearly eight times, so that in the space of a single night and day, they admit of being repeated twenty-eight thousand six hundred times.* Сағр остида Қулҳуваллоҳ билан Бисмиллоҳга шундай изоҳ берилади: *The bismillah is the third, and the qulhuwallah the fifth prayer of the standing (qiyam) posture. Bismillah is*

the abbreviated form of the ejaculation (tasmieh)'in name of God, the Compassionate, the Merciful. Qul huva allah are the opening words of the 112th chapter of the Quran (surat ul ikhlas), which runs: 'Say He is God alone: God the Eternal: He begetteth not, nor is begotten, and there is none like unto 'Him.-Hughes, Dict. of Islam (240).

Изоҳ ва шарҳлар хорижий кишилар, айниқса ғайри мусулмон фуқароси учун ниҳоятда зарур маълумот беради. Гарчи шундай шарҳ ва талқинларга ҳозирги бизнинг ўзбек ўқувчилари ҳам худди ундай кўламда матнга қўшимча маълумотлар олишга муҳтож бўлсалар-да, биз бу борада ханузгача улар даражасига кўтарила олганимиз йўқ ва маълум ҳам эмаски, қачон бунга эришамиз. Матн ичида Куръон атамаси Кулҳуваллоҳ бузиб ёзилган: kulhowullah тарзида. Бу кўпол хато. Изоҳда Л.У.Кинг тузатган: qulhuwallah. Умуман, исломий атамалар, Куръони Карим истилоҳларини ҳам русча таржималарда нотўғри талқин этилган. Чунончи, асарнинг янги, энг сўнгги “қайта ишланган” иккинчи нашрида ҳам (1993) ўқиймиз: Басмала (бисмила)-вступление, с которого начинается Коран и вообще всякое дело, сочинение и т.п., состоит из пяти слов (398). Д. Г. Вороновскийнинг юқоридаги шарҳи нашрдан-нашрга тузатилмай кўчирилган.

Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқеаларида “Вақоеъ”да ўқиймиз:

Яна Ҳинд эли вазнларни тавре таъйин қилибтурлар: секкиз рати бир моша, тўрт моша бир тонгким, ўттуз икки рати бўлғай. Беш моша бир мисқолким, қирқ рати бўлғай. Ўн икки моша бир тўлаким, тўқсон олти рати бўлғай. Ўн тўрт тўла бир сер. Бир худ му-

қаррардурким, ҳар ерда қирқ сер бир ботмон бўлур, ўн икки ботмон бир мони бўлур. Юз монини бир миноса дерлар. Жавоҳир ва марворидни тонг била тор-тарлар (359).

“Бобурнома”да ўқидик: Бир тўла захр..., тўла икки мисқолдин бир нима кўпрак (376). Бобур Мирзо ўзига мўлжалланган захар миқдорини аниқ-таниқ қайд этган. Бироқ мавжуд таржималарда бу миқдор ниҳоятда мавҳумлашиб кетган. Ҳатто “аниқ” ҳисоб-китоблар-да ҳам тафовут бир неча баробар зиёд ёки кам. Бошқача айтганда, шундай бўлиб чиқадики, ҳар бир таржимон Бобурга ўзича оз ёки кўп миқдорда захар беради. Чунончи, Гулбадан Бегимнинг “Ҳумо-йуннома”да ёзишича, бадбахт Байда ўз канизаги қўлига бир тўлча захар тутқазиб, шуни Аҳмад чошанигир қўлига бериб айтгилки, шу захарни қандай қилиб бўлмасин подшоҳнинг хос ошига солсин. Бунинг эвазига Байда суиқасдчиларга кўп ваъдалар қилади. Сатр остида мутаржим тўлча-жиндак деб изоҳ берган бўлади (49).

Эрскин-Лейденда: a tola of poison берилган бўлиб, кейинги жумла тушиб қолган. Шориҳ сатр остида тўлдиради: Add (a tola, as has been stated above, is a little more than two miskals). Шундан сўнг tola куйидагича изоҳланади: The tola is about the weight of a silver rupee (About 3 drams). Мазмуни: тола бир кумуш рупий оғирлигича келади (3 драҳмага яқин). Ҳаролд Лэмбда : A coin's weight of poison (267). Мазмуни: танга оғирлигидаги захар. Бакйе-Граммонда: ...Un tula de poison...(un tula vant un pen plus de deux misqal, comme it a e't precedemment explique)...(351). Пиримкул Қодирда: икки мисқолгина (454).”Бобур” ро-

манининг Юрий Суровсев таржимасида: икки чимдим. Яда было мало, всего две щепотки (422). Михаил Салйеда : тола яда - тола, как упомянуто раньше, несколько больше двух мискалов (351). Сўнгра мазкур русча таржимада (изоҳда) қўйидаги рақамлар келтирилади:

8 рати	- 1 маша	ок. 0.2	г.
4 маша	- 1 танк-32 рати	ок. 0.8	г.
5 маша	- 1 мискал-40 рати	ок. 4.1	г.
12 маша	- 1 тула-96 рати	ок. 10.2	г.
14 тула	- 1 сир	143.5	г.
40 сир	- 1 манбан	5.74	кг.
12 манбан	- 1 мани	73	кг.
100 мани	- 1 минаса	729.8	кг.(469).

Проф. Рашид Раҳмати Оратда: Tüle (trs.s.329) Hindistan'da kullanılan bir agirlik ölçüsü (1 tule =12 mase=96 reti=2 miskal'dan bir az fazla...(657).

Мусулмон ўлчов ва вазнларининг метрикавий бирликларда ифодаланиши: тола ҳиндий вазн бирлиги бўлиб, толча деб ҳам юритилади. XVI асрда Акбар Мирзо замонида 12 мош 1 толага тенг бўлган. Бинобарин: 12.0504 г. (40). Аввало, бу ўлчов бирлиги ёзувда ҳар хил шаклда келади: тўла (тўлча): тола: тула.

1 тўла (тўлча) захар

- жиндак (ГБ:СА).
- 1 кумуш рупий оғирлигида ёки 3 драҳамга тенг (ЛЭ).
- Танга оғирлигида (ХЛ).
- 2 мисқолдан ошиғрок (БГ)
- 2 мисқолгина (ПК).
- 2 чимдим (ЮС).
- 2 мисқолдан зиёдрок (10,2г.)(МС).
- 2 мисқолдан ортиқрок (РРО).
- 12, 0504 г. (ВХ).
- 11, 232 (Ибн Сино).

Шартли қисқартмалар: ЛЭ - Лейден-Эрскин, РРО-Рашит Раҳмати Орат, ХЛ - Ҳаролд Лэмб, ГБ-Гулбадан Бегим, ПК- Пиримқул Қодир, ЮС- Юрий Суворцев, МС-Михаил Салйе, БГ-Жан Лйуи Бакиё-Граммон, ВХ - Владимир Хинц, СА-Сабоҳат Азимжонова.

Бобур Мирзонинг заҳарланишига қарши даволашда қўлланилган дориворлардан гили махтум, тарёки форуқнинг таъриф-тавсиф қилинишида таржималарда яқдиллик сезилмайди. Лейден-Эрскин таржимасига изоҳ битар экан Л. У. Кинг гили махтумни шундай таърифлайди: *Pave de C. translates this an infusion of terre sigillée, which is a sort of ochreous earth obtained in the Archipelago. Erskine has confused gil (earth) with gul (=flower).* Лйукас Кинг Паве де Куртейлга ҳавола қилиб, гили махтум лотинчада *terra sigillée* (terra sigille) деб аталувчи бир қоришма экани, бу маҳсус гилдан (тупрокдан) солиб тайёрланишини тушунтиради. Шорихнинг қайд этишича, Лейден-Эрскин таржимасида гили махтумни “гули махтум” ёзиб хатога йўл қўйилган. Бошқача айтганда, гил: *gil* (тупрок)-гул: *flower* (чечак) бўлиб қолган. Шуниси кизикки, худди шундай қусур туркларда ҳам учрайди: матн ичида *Gil-i mahtum* ёзилиб, китобнинг “Нот” қисмида ҳам *Gil-i mahtum* деб бериладию, сўнгра *Gil-i mahtum* сўзига ҳавола қилинади (611). *Gil-i mahtum... bir nevi okrlu toprak (tera sigillata) olup, zehirlenmelere karşı ilak olarak kullanilir; krş. bir de Sami,Kil (frs.gil) “baş yikamaga yarar, yeşilimtrak ve lüzucetli bir cins toprak; kil-i mahtum, bunun bir çeşidi”* (609-610). Эҳти-мол гили махтумни Лейден-Эрскин билан проф. Р.Р. Орат *gil:gul* (*gil:gül*) деб ёзиб чалкашишган экан, нуқсон-

нинг манбаи бир бўлиши мумкин. Тарёки форуқни Л. У. Кинг шундай тушунтиради: These Te-riaks are antidotes used to avert the effects of poison (tiriaki faruk-the finest king of antidote (250)). Заҳарланишга қарши қўлланиладиган энг яхши дори-дармон. Ҳаролд Лэмб буни: some arak mixed with an antidote- заҳарланишга қарши араққа солиб тайёрланган аралашма дея изоҳлайди. Туркча таржимада: Tiryak-i faruk...: Babur'un zehirlendigi esnada kullandigi ilacdan biri;bk.Sami, "zehre ve bazi emraza karşı istimal edilen bir cins macunun meşhur terkibi"(655). Демак, маъжун шарбатига солиб тайёрланади.

Б. Комрон Мирзога хат Ҳинд - уники, у - Ҳиндники эди

“Бобурнома” кемтиклари ҳақида гапирганда, олам-паноҳнинг ўз ўғиллари ва ўзга яқин-ёвуқ кишиларига турли йилларда битган мактублари орасида ажойиб-ғаройиб бир наси хатнома борким,бу фарзанди Комрон Мирзога йўлланган ва буни тўла келтирмаслик, маҳсус таҳлилдан ўтказмасликнинг иложи йўқ. Юқорида онҳазратнинг заҳарланиши йўриғидаги тафсилотлар билан танишдик. Табиийки, Бобур бу нохуш воқеадан ўзига яқин кишиларини хабардор этган. Ҳумойун Мирзо огоҳидан огоҳ бўлдик. Маълум қилиндики, Бобур подшоҳ ҳазратлари инсоний олийжаноблиги, шоирона мизожи ва дарвешона кайфияти орқасида ўзининг кечаги қаттол ғаними бўлмиш Иброҳим Лўдийнинг оиласини ҳимоя остига олади. Онаси биби Байдани ва ўғлини ўлимдан олиб қолади. Кампиршони ўз онаси ўрнида кўриб, шунга мувофиқ

муомалада бўлади. Шуниси таҳсинга сазоворки, Байдани бир эмас, икки топқир қатл этишдан сақлайди. Бири - Лўдийнинг ҳалокатидан сўнг. Яна на бири - айнан ўша Байда Бобурнинг жонига суиқасд уюштирганидан кейин. Биргина мана шу ҳодисанинг ўзиёқ Бобур Мирзонинг қандай инсон ва нечук шоҳ бўлганини яққол кўрсатади. Аёлнинг бу қадар ғаддорлик қилиши нари турсин, эҳтимол, биргина “гуноҳи” - Иброҳим Лўдийдек бир золимни. Ҳинд тупроғига “ҳадъя” этгани - тукқани учун лўдийлар салтанати барҳам топганидан кейин энг олий жазога муносиб бўлгандир. Биз шоҳ ва шаҳзодалар ўртасидаги манфаат мантиқига кўра айтаяпмиз бу гапни. Чунки қонли тарих саҳифаларида, алалхусус, бошқалардан ҳам кўра айнан теурийзодалар “тажрибасида” бундай ҳоллар жуда кўп учраган. Мўмин Мирзо, Гавҳаршод Беғим, Мирзо Улуғбек ва бошқаларнинг фожеали тақдирлари, Абусаид Мирзо, Абдуллатиф, тагин ўзга ўнлаб қотил подшоҳларнинг ишлари бунинг жонли гувоҳи эмасми? Мағлуб бўлган подшоҳ, амир, лашкарбошиларнинг оилалари: оналари, завжалари, опасингиллари, ака-укалари осилган, кесилган, қувилган ёки таҳқирланган. Манфаатлар тўқнашган жойда отаси-боласини, ўғли-падари бузургворини, акаси-укасини аямайди: ўлдиради, кўзига мил тортади, қувади, зиндонбанд қилади.

Турган гап, бундай йўл тутганида, ҳар қанча зарбардаст, ақл-идрокли ва ноёбу нодир соҳиби истеъдод бўлганида ҳам, Бобур Бобур бўлмасди. Не тонг! Онҳазрат ҳатто рақиби унинг жонига рўйрост қасд қилиб турганида ҳам танасидан бошини жудо қилмади. Зотан, душмандан қасд олиш одатий ҳол, тушунарли ва

балким лозимдир ҳам. Бунинг учун инсонга катта ақл ҳам керак эмас. Аммо бундай қилмаслик, ганимга ҳам унинг жонини ҳадъя этиш учун, чиндан ҳам, теран идрок, саҳий қалб керак. Бунинг учун Бобур керак. Бил-мадик, олампаҳоҳни фавқулодда бу янглиғ қарор қабул қилишликка қандай ҳолат ва сабабият ундади экан? Балким Байданинг аёл киши бўлганлиги. Эҳтимол, она бўлганлиги. “Шунчаки” она эмас, ўз рақибининг онаси бўлганлиги! Майли-да, кимнинг қандай онаси бўлишидан қатъий назар, она бу она. Ажабмас, бир замонлар ўз онаси Эсон Бегим, синглиси Хонзода Бегимнинг Шайбонийхон томонидан озод қилингани кўз олдига келгандир? Зеро, Муҳаммад Шайбоний ҳам қасд-қасос юзасидан Бобур хонадонини таг-тути билан йўқотиб, зер-забар қилиб юбориши мумкин эди-ку. Бундай қилмади. Энди нега бу Иброҳим Лўдийнинг онаси ва фарзандларига нисбатан бундай қилиши керак? Нима, унинг Шайбонийхончалик ҳиммати йўқми?.. Бобур Мирзонинг ишларини тушуниш, унга баҳо бериш учун уни билиш керак. Бу инсоннинг вужудида икки шахс яшар эди: шоҳ ва дарвеш. Тагин: саркарда ва шоир. Яна: донишманд ва ожиз банда... Ожиз? Нечук - ожиз?!

Туркона олийжаноблик, теурий гурур

Бу инсон ўзига, зотига, насл-насабига шу қадар фидойи ва содиқ эдики, ўзига ўзи қарши курашолмасди. Аммо бундай ўзига, ўзлигига садоқат, аслида, ожизликми ёки собитлик? Гап фақат шахсий нафсониятда ҳам эмас, балки туркий салтанат, туркий насл-насаб ҳақида борарди. У кўпмиллатли бир улкан мам-

лакат подшоси сифатида ўз қўл остидаги барча миллатлар ва эл-элатларга бош ҳамда масъул. Ҳинд - уники, У - ҳиндники эди. Бинобарин, ҳинд тупроғида у нимаики бунёд этибди, барини шу мамлакат шаън-шавкати учун қилди. Эзгу мақсад йўлида уюшган одамларни “сеники” - “меники”, “ўзимники” - “бегона” деган тоифаларга ажратмади. Айни вақтда миллий сулолавий ҳамда шажаравий мансублик тарафидан бул зот турк ўғли эди ва бу билан фахрланарди. Туркий мансублик унинг учун шундай шараф шоҳсупаси эдики, бунга доғ туширишга, иснод келтиришга асло тоқат қилолмасди.

Чандон тўғри: ўз даврининг фарзанди эди. Аммо у инсон эди. Матлаби - инсон. Инсон бўлганда ҳам, ҳамма давр кишилари: хоҳ араб ёки ажам, хоҳ инглиз, франсуз, олмон бўлсин, уни тушунадиган ва улуғлайдига бир зот эди. Вазият инсонинг ўзидан ҳам кучли, дейдилар. Агар ҳамма инон-ихтиёр унда бўлсайди! Ие, у шоҳ эди-ку. Худо ёрлақанган банда. Ҳамма жойда ҳам амри подшо вожиб. Яна нечук инон-ихтиёр?! Хая... Бироқ, Оллоҳ баний Одамни шундай яратдики, Унинг учун Шоҳу Гадо баробар. Ботинан ҳар бир киши ўзига ўзи шоҳ. Бинобарин, ҳар бир шоҳда бир инсон яшамаслиги мумкин, аммо ҳар бир шахсда ўзига хос бир подшоҳ яшайди! Ҳа, Оллоҳ таоло ва тақ-дири азал қаршисида подшоҳ ҳам ожиз. У ҳам барча хом сут эмганлар қатори бир одам. Ўзининг барча олийжаноб хислатларию, ожизликлари билан. Унинг телбалиги билан бутун бир халкнинг ёстиғи қуриб кетиши мумкин. Аммо... ўзи битта чумолига ҳам жон ато этолмайди. Фақат номи - Шоҳ. Шунинг учундики, “боёнлар ҳам йиглайдилар” - да...

Бир тушкун кайфият, бир сўник хаёл, бир умид-сиз, аччиқ қисмат жилваси асносида, ёдингизда бор, у ёзмишди:

Кишини жониға душман, балодур бошиға бу эл,
Агар бошин туфайл айлаб, ва гар жонин нисор этса,
Диёру ёрдин Бобур жафоу жавр кўп кўрди,
Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.

Аммо у ўз элидан юз ўгиришга, ўз ёру диёрини тарк этишга юз тута туриб ҳам, бир умр уларга содиқ бўлиб қолди. Шу туркий эл-улус, ватан, шу юрт, шу иқлим, чўл, тоғ-тош, далатуз учун яшади.

“Жоно, Холиқдин ўзга сўз йўқ”

“Насихатномаи Бобур ба фарзанди худ” (Бобурнинг ўз фарзандига насихатномаси) номи билан машҳур бўлган хат 1527 йил 4 январда (онҳазрат 44 ёшга кирганда ёки вафотидан 4 йил олдин) Мулла Сарсон деган киши орқали Комрон Мирзога юборилган. Ҳикмату насихатлар билан суғорилган бу мактуб нечундир “Бобурнома”га кирмай қолган. Хатнинг топилиш тарихи шундай.

Аввало, бу нарса аслиятнинг (Бобур ўз кўли билан битган хатнинг) ўзи эмас, балки ундан кўчирилган нусха. Унда анчагина муғлақлик ва галатлар ҳам бор экан. “Мактуб 1972 йили Қозон дорилфунуни кутубхонасида сақланаётган ўзбек адабиёти намуналарини кўздан кечирар эканмиз, дафъатан Бобурнинг ўғли Комронга ёзган хатига дуч келиб қолдик, - деб хабар беради филология фанлари доктори, профессор Бега-

ли Қосим. - Мазмунига кўра бу ўша Мулла Сарсондан юборилган мактуб эди... Мактуб... 1272- Т рақами остида “Нодир кўлёмалар бўлими”да сақланмоқда экан. Қозон дорилфунуни доценти, таникли татар адабиётшуноси Хатиб Минигулов, илтимосимизга кўра, мазкур мактубнинг фотонусхасини олиб юборди...” Бу муҳим топилдиқ ким томонидан, қаерда ва қачон кўчирилган, маълум эмас.

В. Матн: Насихатномаи Бобуршоҳ ба фарзанди худ

Ҳазрати Бобуршоҳ ғозий тобасароҳ аз Ҳиндустон ба Қандаҳор фиристонид ба фарзанди худ ба Мирзойи Комгор¹ Фарзанди аршаду² аржуманд³ саодатнишон Муҳаммад Комрон баҳодирга саломи муҳаббат анжомидин⁽¹⁾ сўнг улким, кўкалдошу⁽²⁾ эмикдош⁽³⁾ ва ичкиларинг⁽⁴⁾ билан сабақ ўқурға ружуъ келтуруб эрмишсен. Бу жиҳаттин кўнгулга сурур ва хотирга хузур етиб, на бисёр хушҳоллиқ юз берди. Тенгри таоло даргоҳидин умидим борким, жамъи қобилият ва салоҳият бобинда комил ва мукаммил бўлуб, камолға етгайсен. Ҳамиша ушбу тарийқни⁽⁵⁾ маръий⁴ тутуб, зинҳор тақсир қилмағайсен. Нечукким, ҳазрати Хожа Ҳофиздин манқулдур⁽⁶⁾.

Пирон суҳан зи тажриба гўянду, гуфтамаг,
Хон, (эй) писар, ки пир шави, панд гўш кун!⁵

Эшиттимким, Чигатой эликим, ҳазратим мағфур⁽⁷⁾ ва марҳум Султон Ҳусайн Мирзодин қолиптур-

ларким, ул эл (нинг) кўпрак Хуросон эли билан ўлту-руб-кўпуб, бисёр кобилият ва хайсиятб пайдо қилиб, латофатдин холи эрмаслар. Агарчи, Хуросон эли хуштабъ элдурлар, хайсиятларида сўз йўқтур, локин мазҳаб ва миллатларида танг(8) бор... Турк улусидин отоси қўл бошлаған, аноси тўй бошлаған (?), тўра(9) кўрган эл борким, оталари ота-онамизга хизмат қилиб, жон тортиб(10), иссиғ-совуғда, сафар ва ҳазарда8 бирга бўлуб, лаҳза балки ламҳа9 айрилмаян. Хизмате шоиста(11) қилиб ва пандин-да(12) баржой келтурубтурлар. Ул элдин имтиҳон қилиб, (сен) эшикинга йўл беруб, вакили мутлақ этиб, ғофил бўлғағайсен. Кичик ёшлиқ эрса, алардин кенгаш сўруб, маслаҳат тилаб, аларнинг сўзи билан амал қилиб, асло ва мутлақо ҳеч муҳимға иштиғол(13) қилмағайсен. Андишалиқ беклар илан (ва) олийрой(14) қарочу(15) давлатхоҳларким(16), ҳамиша муҳим ва маслаҳат ичинда бўла келиб туралар, аларинг савол-жавоб ва кенгашларидин чиқмағайсен. Хушомадгўй сўзиға фирифтаи бўлуб, давлатхоҳларким, давлатга муносиб сўзни эшитиб, кўруб-билиб, келиб юзунга қотик айтурлар, аларга ачиг(лан)мағайсен. Агарчи юзунга филҳол қотик куринур, охир неча кўб кулдирур.

Масалдурким, дўст йиғлатур, душман кулдура айтур. Дўсту душманни тониб, бу мазмун ила амал қилғайсен. Мисраъ:

. Жое гул-гул бош ва жое хор-хор10.

Тақи Қандаҳор черики(17) эҳтишомдур11. Ҳар қайси кичик-каримнинг сўзи билан ул сори отланғувчи бўлмағайсен. Агар зарурат бўлуб қобу тобиб12, отла-

нур бўлсанг, иш бошлаган мажолис кўргон, тўра-
тўқай кўргон, тузук(18) қилгон давлатхоҳларинга
кўнгул бериб, яхши айтиб йибор, Элдин яхши
сўзунг(н)и айтиб, мукамил бўлуб, истеъдоди тамом
била мутаважжих(19) бўлғайсен. Ироқ-ёқиндин эши-
турга ва кўрурга муносиб бўлғусидир.

Тақи ножинс, камзот, ҳар неча хуштабъ ва қоби-
лиятлиқ бўлсалар, тарбият қилуб, амури мамлакатга13
дахл бермағайсенким, ҳазрати Шайх Саъдийдин ман-
қулдурким: §

Нокас бо тарбият нашавад, эй ҳақим, кас,
Дар боғ лола рўяд ва дар шўра хору хас14.

Ҳазрати мавлоно Жомийдин бу қитъа машҳурдур:

Ҳарки нокас бувад дар аслу сиришт,
Мунқалиб натавон кардан, эй жигар.
Нокасеро агар куни мақлуб,
Қалбе ў ғайре баста кай нашавад15.

Тақи Мовароуннаҳр эли бисёр содалавҳ элдурлар.
Ҳар нечаи беқобилият бўлсалар, аларга эътимод16
қилса бўлур. Тахсис17 ул курси(27) шабистонининг18
шамъи анваридур, аё гулистонининг андалиби сухан-
вари ҳазрат Хожа Убайдуллоҳким, имдод қилибтурлар,
то ғоят бу ишларни(нг) давлати ул азизларнинг ҳим-
матидиндур.

Ул силсиланинг(20) мурид ва асҳоби19 подшоҳзо-
да деб сенга келсалар, зинҳор акром ва эъзозларини
маръий тутуб, аларнинг борисида тақсир20 қилмағай-

сен. Аларким, ишк бобинда(21) бўлурлар, севарларнинг итини ҳам севарлар.

Тақи Ҳиндустон кайфиятин фатҳномадин(22) маълум қилғумдур. Иброҳимким, Ҳиндустон подшоҳи бўлғай, анинг ўғли қўлға тушубтур. Ани сен фарзанди дилбандга йиборилди. Нечукким, анинг аҳволиндан хабардор бўлуб, ўзунг муқайяд(23) бўлғайсен. Мундин сўнгким, ҳар воқеаи юз берса, иреол(24) қилғумдур. Вассалом. Ҳуснунг назорасида(25) пайвастамиз(26). Раҳгузир²¹ йўк. Сўз ушбудирки: Жоно, Холикдин ўзга сўз йўк.

Изоҳлар: 1.Ҳазрати Бобуршоҳ ғозийнинг Ҳиндистондан Қандаҳорга саодатманд мирзо фарзандига йўллаган хайрли ҳолномаси; 2.Аршад-ақлли; 3.Аржуманд-қадрли; 4.Маръий - риоя, эътибор; 5. Таржимаси: “Улуғлар гапларини тажрибаларига суяниб айтадилар. Эй ўғил, улуғ бўлсанг ҳам насиҳатимга қулоқ сол”; 6.Ҳайсият - эътибор, лаёқат; 7.Фирифтаи бўлмоқ - маҳлиё бўлиш, алданиш; 8.Ҳазар - турғунлик; 9.Ламҳа - сония; 10.Таржимаси: “Гулга гул, тиканга тикан бўл”; 11.Эҳтишом - ҳашаматли; 12.Қобу тобиб - лозим топиб; 13.Амури мамлакат - мамлакат иродаси; 14.Таржимаси: “Нокасни тарбия билан инсон қилиб бўлмайди, чунки боғда гул унади, шўрхоқда эса хас-хашак битади”; 15.Таржимаси: “Кимки пасткаш бўлса, уни тузатиб бўлмайди, эй жигар. Уни одам қилган тақ-дирингда ҳам қалби ўша ҳолда қолади-ку”. 16.Эътимод - ишониш, эътиқод қўйиш; 17.Тахсис - хусусан; 18.Қурси шабистон - фалак туни; 19.Асҳоб - суҳбатдошлар; 20.Тақсир - қусур, хато; Раҳгузир йўк - беҳуда сўз йўк.

Кўшимча луғат: (1). Анжом - охир, тугаш, тугалиш; (2). Кўкалтош - суг эмишган (аслида бегона бўлса ҳам, бир онани эмиб қариндошлаган киши); (3). Эмикдош - эмишган; (4). Ички - подшоҳ саройида хос амалдор; (5). Тарийқ - таомил, йўсин; (6). Манқул - нақл этилган; (7). Мағфур - мағфират қилинган, худо ярлақан; (8). Танг - зикналик; (9). Тўра - қоида, қонун, интизом; (10). Жон тортиб - жон нисор этиб; (11). Шоиста - муносиб, мақбул; (12). Панд - ўғит, насхат; (13). Иштиғол - шуғулланиш; (14). Олийрой - мўътабар фикрли; (15). Қарочў - оддий одам; (16). Давлатхоҳ - хайрихоҳ, дўст; (17). Черик - кўшин, аскар; (18). Тузук - тартиб-интизом, низом; (19). Мутаважжих бўлмоқ - йўналмоқ, юз тутмоқ, таважжих кўрсатмоқ; (20). Силсила - сулола; (21). Сўфийлик боби - сўфийлик эътиқоди; (22). Фатҳнома - галаба тўғрисида маълумотнома; (23). Муқайяд бўлгайсен - бохабар (кўз-қулоқ) бўлгайсен; (24). Ирсол қилғум - хабар етказмоқ; (25). Наззора - тамошо, тароват; (26). Пайваста - ошуфта. (27). Курс - тўгарак, доира, гардиш.

Г. Табдил

Ҳазрати Бобуршоҳ ғозийнинг Ҳиндистондан Қандаҳорга саодатманд мирзо фарзандига йўллаган хайрли ҳолномаси

Доно, кадрли ва саодатли фарзанд Муҳаммад Комрон баҳодирга муҳаббатли саломдин сўнгра булким, қондош, жондош ва сирдош амалдорларинг билан бирга сабоқ ўқишга сабъ-ҳаракат бошлабсен. Бу

важҳдин кўнглум кўтарилиб, дилим яйради, бисёр қувондим. Тенгри таоло даргоҳидин умидворменким, жамии қобилият ва салоҳият бобинда баркамолу сероб бўлиб, камол топгайсен. Ҳамиша шу тариқа иш кўриб, асло хатога йўл қўймагайсен. Зеро, ҳазрати Хожа Ҳофиздин нақл бўлмиш:

Пирон сухан зи тажриба гўянду, гуфтамаст,
Хон (эй) писар, ки пир шави, панд гўш кун.

Мазмуни: Улуғ одамлар ўз тажрибаларига суяниб гапирадилар. Эй ўғил, ҳар қанча улуғ бўлсанг ҳам, насихатимга қулоқ ос.

Воқиф бўлдимким, ҳазрати раҳматлик ва марҳум Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан кейин қолган чиғатой эли бул тариқа яшайдурким, улар аксарият Хуросон эли билан бирга юриб, бирга туриб бисёр қобилият ва лаёқат пайдо қилмишлар, латофатдин холи эрмамишлар. Гарчи Хуросон эли таъби ёқимли элдурлар, лаёқатларига тараф йўқ, бовужуд мазҳаб ва миллатларида зикналик бор... Уларнинг сўзига маҳлиё бўлиб, ҳушёрликни қўлдин бермагайсен. Турк улусидин отаси қўл очган, онаси тўй бошлаган тартиб-интизомли кишилар борким, уларнинг оталари ота-онамизга хизмат қилиб, жон нисор айлаб, иссиқ-совук, сафар ва ўтрокда бирга бўлиб, бир лаҳза ҳам бизни ташлаб кетишмаган. Уларнинг хизмати шойиста, панднасихатлари жўялик. Улар орасидан сўраб-суриштириб, даргоҳингга йўл бериб, ўзингга яқин олиб юр, ғофил бўлмагайсен. Ёшлари кичик бўлса улар билан ҳам кенгашиб, маслаҳатлашиб, уларнинг сўзига амал қилиб, асло ва мутлақо номатлуб ишларда иштирок

этмагайсен. Мулоҳазакор беклар билан сенга хайри-хоҳ бўлган одамшаванда оддий кишиларким бор, қайсики ёнингта ҳамиша муҳим ишлар юзасидан маслаҳатга келиб турарлар, уларнинг савол-жавобларидан ўзингни тортмагайсен ва кенгашларидан чиқмагайсен. Хушомадгўйлар сўзига алданиб, хайрихоҳлар борким давлатга муносиб сўзларни эшитиб, кўриб-билиб, ёнингта келиб бетингта (бор гапни қандоқ бўлса шундоқлигича) қаттиқ айтурлар, уларга жаҳлинг чиқмасин. (Гарчи уларнинг гапи эшитар кулоққа) филҳол малол келса-да, оқибати хайрли бўлур.

Масал борким, дўст йиғлатур, душман кулдирур. Дўст билан душманни таниб, шундай бир мақомда амал қилгайсенким... Мисраъ: Жойе гул-гул бош ва жойе хор-хор. Мазмуни: ўрнига қараб: гулга-гул, тиканга-тикан бўл.

Тагин, Қандаҳор лашкари долзарб келади. Ҳар нечук ушоғ одамларнинг гапи билан улар устига отланувчи бўлмагайсен. Мабодо зарурат туғилиб, лозим бўлса, ишбилармон, мажлис кўрган, қонун-қоидадан хабардор, тартиб-интизомли хайрихоҳларингта кўнгил ёзиб, яхши гапларни тайинлаб юбор. Элга яхши сўз айтиб, дилхоҳ бўлиб, истеъдоди мукамал инсонлар билан ҳамдам бўлгайсен. Узоқ-ёвуқдин эшитар кулоққа ва кўрар кўзга яхши. Тагин: ножинс, зоти паст ўларок, ҳар қанча ёқимтой ва қобилиятли бўлсалар, тарбият қилиб, мамлакатни идора қилишга имдод бермагайсенким, ҳазрати Шайх Саъдийдин қолган гап бор:

Нокас бо тарбият нашавад, эй ҳаким, кас,
Дар боғ лола рўяд ва дар шўра хору хас.

Мазмуни: Нокас борки ,тарбият билан инсон қилиб
бўлмас, эй ҳақим, бас,
Боғда гул унади, шўрхокда хору-хас.

Ҳазрати мавлоно Жомийдин бу китъа шоён бӯ-
лубтур.

Ҳарки нокас бувад дар аслу сиришт,
Мунқалиб натавон кардан, эй жигар.
Нокасеро агар куни мақлуб,
Қалбе ў ғайре баста кай нашавад.

Мазмуни:

Ҳар кимки асли нокас бўлиб яралмиш,
Уни тузатиб бўлмайди, жигарим.
Мабодо ўшал нокасни ҳарчанд ўзгартирганда ҳам,
Унинг қалби ўзгармай қолаверади.

Тагин Мовароуннаҳр эли кўп содда бўлади. Ҳар қанча қобилиятсиз бўлсалар ҳам, уларга ишонса бўлур. Алалхусус, ул фалак доираси зулматининг ёруғ чароғи, ҳаёт бўстонининг суханвор булбули ҳазрат Хожа Убайдуллоҳким имдод қилмиш эрканлар, тоабад бу ишларнинг саромади ул азизларнинг ҳимматидиндур. (Вақтики) ул сулоланинг мурид ва ҳамроҳлари, подшоҳзода тортиб сенга келсалар, зинҳор иззат-ҳурматларини жойига қўйиб, уларнинг ҳузурида бирон қусурга йўл қўймағайсен. (Хотирларини ранжида кимағайсен). Уларким, ишқ бобинда бўларлар, севарларнинг итини ҳам севарлар.

Тагин: Ҳиндистон кайфиятини фатҳномада маълум қилурмен. Ҳиндистон подшоҳи Иброҳимким, ўғли қўл-ға тушибтур. Уни сен жонажон фарзандимга йиборилди. Инчунин, унинг ҳол-аҳволдан хабардор бўлиб, ўзинг назорат остида тутгайсен. Бундан нари бирон воқеа содир бўлса, воқиф қилғумдир. Вассалом. Ҳусну жамолинг тароватига пайвастамиз. Бошқа гап йўк. Жоно, Ўзидан ўзга карам йўк.

Д. Хат услуби: мураккаблик ва соддалик баҳсида

Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеаларида Хумойун Мирзога битилган мактуб

Одина куни ойнинг ўн тўртида хат ва китобатлар тайёр бўлуб, Баёншайхқа топшуруб, рухсат берилди. Шанба куни ойнинг ўн бешиде Оградин узади.

Хумойунға битилган хатнинг саводи:

“Хумойунға муштоқликлар била соғиниб салом дегаҳ, сўз улким, душанба куни рабиул-аввал ойининг ўнида Беккина била Баёншайх келдилар. Хатлардин ва арзадоштлардин ул юздаги,бу юздаги кайфият ва ҳолот мушаххас ва маълум бўлди.

Шукр, бермиш санга ҳақ фарзанде,
Сенга фарзанду, манга дилбанде .

Тенгри таоло мундоқ севинчларни манга ва санга ҳамиша рўзи қилгай, омин ё раббал-о-ламин. Отини Алъамон қўймишсен. Тенгри муборак қилгай. Вале

бовужудким, узунг битибсен, мундин гофил бўлубсен-ким, касрати истиъмол била авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алиф-лом отта кам бўлур. Тенгри отини ва зотини фархунда ва муборак қилгай, манга ва санга кўп йиллар ва бисёр қарнлар Альямонни давлат ва саодат била тута бергай.

Тенгри таоло ўз фазл ва карами била бизнинг ишимизни ясайдур. Бундоқ қону қарнларда топилмас. Яна сешанба куни ойнанинг ўн бирида арожиф хабар қилдиким, Балх эли Курбонни тилаб Балхқа кийурмишлар.

Яна Комронга, Кобулдағи бекларга фармон бўладиким, бориб, санга қўшулуб, Ҳисор ё Самарқанд ё ҳар сориғақим салоҳи давлат бўлса, юругайсиз. Тенгрининг инояти била ёғиларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нигунсор қилгайсиз, иншооллоху таоло. Сизларнинг жон тортиб, қилич чопмоқ маҳалларингиздур. Қопуда келган ишни тақсир қилмангиз. Гаронжонлиқ била қоҳиллиқ подшоҳлиқ била рoст келмас.

Жоҳонгире тавакқуф бар наёбад,
Жаҳон онро бувад кў беҳ шитобад,
Ҳама чизи зи рўи кадхудои.
Сукун меёбад илло подшоҳй.

(Мазмуни: Жаҳонгирлик тўхтаб турмайди, ким яхши тиришса, жаҳон ўшаники бўлади, ҳаётда ҳар бир нарсаси тўхташи мумкин, аммо подшоҳлик тўхтамайди).

Агар тенгри инояти била Балх ва Ҳисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхта Комроннинг кишиси бўлсун. Агар

тенгри инояти била Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, Самарқандта сен ўлтурғил, Ҳисор вилоятини, иншооллоҳ, холиса* қилғумдур. Агар Комрон Балхни озирганса, арзадошт қилинг, иншооллоҳ, анинг қусурини ўшал вилоятлардин-ўқ рост қилғумиздур. Яна сен ўзинг билиб эдингким, доим бу қоида маръий эди: олти ҳисса санга бўлса, беш ҳисса Комронга бўлур эди. Ҳамиша бу қоидани маръий тутуб, мундин тажовуз қилманг. Яна ининг била яхши маош** қилғайсен. Улуқлар кўтаримлик керак, умидим борки, сен ҳам яхши ихтилот қилғайсен. Анинг ҳам муташарриъ ва яхши йигит қўйубтур, ул ҳам мулозамат ва якжиҳатликта тақсир қилмағай. Яна сендин озроқ гилам бор, бу икки-уч йилдин бери бир кишинг келмади. Мен йи борган киши ҳам рост бир йилдин кейин келди. Мундоқ бўлурми? Яна хатларингда ёлғузлуқ, ёлғузлуқим, деб сан, подшоҳликта айбдур, нечукким дебтурлар:

Агар пой банди ризо пеш гир,
Ва гар яксувори сари хеш гир.

(Мазмуни: Агар оёғинг банд бўлса, ризони олдинга қўй, агар танҳо сувори бўлсанг, ўз бошингча бор, яъни жаҳонга боғланган бўлсанг, бошинга келган ҳар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган киши бўлсанг, йўлингдан қолма, кета бер...)

Ҳеч қайде подшоҳлик қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлуқ рост келмас. Яна мен дегандек, бу, хатларингни битибсен ва ўқимайсен, не учунким агар

* Холиса - Подшо бирон бекка бермай, ўз ихтиёрида қолдирган шаҳар

**Маош - муомала.

ўқур ҳаёл қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг. Ўқий олма-
гандин сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ
ташвиш била ўқиса бўладур, вале асру муғлақтур.
Нас-ре муаммо хеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон
эмас. Агарчи хили рост эмас, илтифотни “то” била
битибсен. Қулунжни “ё” била битибсен. Хатингни худ
ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфо-
зингдин мақсад тамом мафҳум бўлмайду. Ғолибо хат
битирда коҳиллигинг ҳам ушбу жиҳаттинду. Такал-
луф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бун-
дин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била
бити; ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғу-
чиға.

Яна улук ишустига борасен, иш кўрган, рай ва
тадбирлик беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била
амал қилгайсен.

Агар менинг розимни тиларсен, хилватнишинлик-
ни ва эл била кам ихтилотликни бартараф қилғил.
Қунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрлариға
қўймай, қошинга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенга-
шиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз -
унга қарор бергайсен. Яна Хожа Калон менинг била
густохона ихтилот қила ўрганиб эди, сен доғи, нечук-
ким Хожа Калон била ихтилот қилур эдим, ўшундоқ
ихтилот қилгайсен. Тенгри инояти била ул сорилар
иш озроқ бўлса, Комронға эҳтиёж бўлмаса, Комрон
Балхта мазбут* кишиларни қўйуб, ўзи менинг қо-
шимға келсун. Яна мунча фатҳ ва зафарлар Қобулда
эканда бўлди, Қобулни шугун** тутубтурмен; ани хо-

* Мазбут - қўл остидаги ёки қўлга олинган.

** Шугун - яхши ният.

лиса қилдим. Ҳеч қайсингиз тамаъ қилмағайсиз.

Яна яхши борибсен, Султон Вайснинг кўнглини олибсен, ани қошинга келтуруб, анинг раъйи била амал қилғайсенким, иш билур кишудур. Черикни яхши йиғиб юргайсен. Оғиз сўзларидин Баёншайх соҳиб вукуфдур, маълум бўлғусидур, деб муштоқликлар била салом. Панжшанба куни рабиул-аввал ойининг ўн учиде битилди. Комронга ва Хожа Калонга дағи ушбу мазмун била ўз илгим била хатлар битиб йибордим (420-422).

Матнда маъносини ҳозирги вақтда англаш анча душвор бўлган сўзлар бор: узамок, савод (хатнинг саводи), арзадошт, мушаххас, рўзи, Аъямон, Аламо, Эл Амон, фархунда, қарн, қопу, арожиф, ёғи, нигунсор, гаронжлик, қоҳиллик, мусаххар, холиса, озирғанмоқ, маош, кўтаримлик, ихтилот, муташарриъ, кўймоқ (йигит кўймоқ), қайд, тағйир, асру, муғлақ, насри муаммо, алфоз, мафҳум, рай, густох, сори, мазбут, шугун...

Баъзи қайдлар

Ҳар қандай таржимага ёки табдилга киришишдан олдин матнни таржимон кўзи билан қараб, махсус таржимавий таҳлилдан ўтказиш керак. Булар: аслиятдаги сўзлар, сўз бирикмалари, атамалар, оҳанг, услуб, хат мазмуни ва ҳоказо. Албатта, биринчи галда - Маъно. Ўгирилаётган нарсанинг нима, қандай асар эканлигига қараб, қайд этилган унсурларнинг ўрни, вазни, салмоғи ўзгариши мумкин. “Бобурнома” қомусий асар экан, унинг таржимаси ҳам, турган гап, ўз мазмун-мундарижасига кўра, қомусий бўлиши керак.

Бошқача айтганда, қомусий асар таржимасига кўйил-
диган талабга жавоб бериши лозим. Айни вақтда бу
бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги “қомус” эмас, балки,
таъбир жоиз бўлса, бадий-қомусий асар. Уни под-
шоҳ, саркарда, жаҳонгашта-сайёҳ, олим, бутун бир
янги салтанат негизини яратган фотиҳгина эмас, шу
сифатларнинг барчасини қўшиб олганда, тагин но-
зиктабъ шоир, зукко носир, дидли сўз мусаввири ёз-
ган. Бу китоб бутун бошлиқ шажараном. Аждодлар
ва авлодларнинг номлари, туғилган ёки вафот этган
саналари, қайси бек, амир, султон, саркарда, зобит,
малика, хонзода, канизак, шаҳзода ва ҳоказо шах-
сларнинг қачон, қайси хонадондан, нечук тақдир би-
лан парвоз қилганию, қаерга кўнгани, ошъён қургани
бу ерда жамулжам. Уни бир киши ёзганига (бу
“киши” ҳар қанча зукко билимдон бўлган тақдирда
ҳам!..) ишониб бўлмайдиган даражада аниқлик билан
ёзилган. Улкан илмий-адабий жамоа ҳам бунёд этиши
кийин бўлган иш. Таржимон ана шу масъулиятни
чуқур ҳис этиши керак.

Мутаржим, ҳамонки муаллиф сингари, Мирзо,
темурийзода, ғозий, подшоҳ, саркарда, шоир, соҳиби
салтанат эмас экан, “лоақал” қомусий билим эгаси,
тиниб-тинчимас изланувчи-тадқиқотчи, услубчи-каш-
шоф, дидли ва нуктадон адиб бўлмоғи даркор. Бундан
ташқари, ёзувчи ва таржимоннинг хоҳиш-истагидан
қатъий назар, вақт мезони тушунчаси бор. Вақт , кенг
маънода, аслият тақдирида ҳам, таржима тақдирида
ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, кейинги
етмиш йиллик давр ўзбекнинг моддий турмуш шаро-
итидагина эмас, унинг тафаккурида ҳам бир неча аср-
ларга тенг из қолдирди. Асорат ҳам пайдо қилди.

Маънавий кадриятларнинг мазмуни ҳам. мундарижаси ҳам ўзгара бошлади. Оврупомарказчиликка ҳамда никобланган насроний ва даҳрий сиёсатга, улуғдавлатчилик, қирғин ва қатағонга асосланган алғов-далғовли ҳаёт пўрганалари хулқ-ахлоқда, онгда, тилда ҳам ўз асоратини қолдирди. Буни “Бобурнома” мутолаасида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу китобда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда яшаётган турли-туман халқлар, эл-улуслар, уруғ ва қабилаларнинг ички руҳий кайфиятлари, кучли ҳамда заиф томонлари ойнадай тасвирланган. Бобур бирон юртга черик тортишдан олдин ана шу нозик омил, ўша ерда яшаётган нуфуснинг кайфиятини ўз одамлари орқали ўбдон ўрганган ва шунга қараб муомала қилган, тадбир қўллаган. Асарни диққат билан ўрганган киши буни пайқамай қолмайди. Зотан, у ўзининг барча қобилиятлари билан баробар, ўта чапдаст, тадбиркор шахс ҳам эди. Ҳинд ким, лўли ким, форс, турк, ўзбек ким - буни яхши билар эди. Ўз дўстлари ва содиқ кишиларини ажрата олар, шунга қараб “махсус” муомала қиларди. Шу билан бирга, у ўша оила аъзолари, фарзандлари, қавм-қариндошлари, сарой муҳити билан бирга, хорижни - рақиблари ва қаттол ганимларини ҳам яхши танир эди. Ҳар бир шахс билан унинг ўзига муносиб муомала қила биларди. Ўз таъбири билан айтганда, гулга-гул, тиканга-тикан бўлиш, ўзи севган одамларининг фақат ўзини эмас, итини ҳам севишни-да биларди!

Тушунарли бўлгани учун... тушунарли эмас

Тил, ном, атамачилик, иборасозликда Бобур Мирзо яшаган давр билан бизнинг замонамиз ўртасида ястан-

ган беш асрлик вақт хийла сезиларли тафовутларни пайдо қилди. Асарни ўқиган киши дарҳол пайқайдики, бунда ҳар учта сўздан биттаси арабий, форсий, мўғулий, қадимги туркий ёки ҳиндий сўз. Бу калималарнинг ҳаммаси бўлмаса-да, жуда катта қисми унча тушунарли эмас. (Албатта, тушунарлилик ёхуд тушунуксизлик ўқувчининг кимлигига ҳам боғлиқ. “Вақоеъ”ни мутолаа қилувчилар орасида уни тўла тушуниб-билувчилар ҳам, унга деярли бутунлай тиши ўтмайдиганлар ҳам бор, албатта.) Аммо айрим унсурларнинг таниш эмаслиги китобни ўқишга монелик қила олмайди. Негаки, матн, парча, абзац, гап ёки жумланинг умумий маъновий иқлимига (контекстга) қараб, ўша тушуниксиз калималарни ҳам фаросат билан, тусмоллаб таниб олса бўлади. Бирок! Шуниси борки, баъзан ўзимизнинг асли қадим, ўша “таниш” сўзларимиз панд беради. Эътибор қилайлик: битилган хатнинг саводи. Бари сўзлар бус-бутун тушунарли. Айни вақтда: хатнинг... саводи? Бу нима дегани? Хатнинг ҳам саводи бўладими? Шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатда ҳам шундай “ғалат” бор: “хатимдек чиқса имлову саводим”. Хат нима эканлиги маълум. Хўш, савод нима? Бу ўзимизнинг ҳозирги маънодаги сўзимизми ёки бошқа сўзми?

Мана: Савод: 1. Ўқиш-ёзишдан хабардорлик; хат-савод. 2. Кўчма. Бирор соҳадаги энг зарурий билим, маълумот. Саводли: 1. Ўқиш-ёзишни биладиган, хат-саводи бор. 2. Бирор соҳада энг зарурий билимга эга бўлган; маълумотли. Саводсиз: 1. Ўқиш-ёзишни билмайдиган, хат-саводи йўқ. 2. Етарли билими, маълумоти йўқ; чаласавод. Саводхон: Ўқиш-ёзишни биладиган, хат-саводли одам (ЎТИЛ, П, 9). Қизик: 48 минг

сўзни ўз ичига олган мукаммал туркча-русча луғатда (М.: Русский язык) savad ёхуд sevad сўзи йўқ. Ўз сўзимизнинг маъноси ўзимизга бегона экан, таржима-ларга мурожаат этамиз (асли ўзи, мантикка кўра, аксинча бўлмоғи даркор!). Мана проф. Р. Р. Орат: yazilan mektubun sureti (395). Чиғатойи-туркий (асли арабча) савод ҳозирги турк тилига - suret (сурат) бўлиб ўтибди. Демак, Бобур ўғлига мактубнинг ўзини эмас, “суратини” юборибди-да? Инглизларда бу: сору (ко-пия) - нусха. Бунга кўра, мактубнинг кўчиртирилган нусхаси юборилган. Михаил Салйеда (1993): “Вот черновики письма, написанного Хумаюну” (340). Русчага савод - “хатнинг қораламаси” бўлиб ўтибди. Черновик: қоралама. Бу фикр бир жихатдан тўғри, бошқа жихатдан нотўғри. Буни қуйида кўрамиз.

“Савод”истон мулкига саёҳат

Моҳиятан нима бўлган ўзи? Хамонки, хатнинг ўзи эмас, саводи жўнатилган экан, аввало, нима учун шундай қилинган? Қолаверса, савод - хатдан кўчирма нусхами ёки қораламами? Сору (ингл) - кўчирма нусхада мантиқ бор. Сабаби, эҳтимол, Бобур ўз қўли билан битган ҳар бир нарсаси бор - бу хоҳ шеър бўлсин, бирон ҳужжат ёхуд дуойи-салом бўлсин - асл нусхасини ўзида қолдирган. “Бобурнома” учун. Эсизки, бу ажойиб мактубларнинг жуда кўпчилиги ё йўқолиб кетган, ёки ҳозиргача топилмаган. Ажабмас, Ҳиндистондами, Англиядами - бошқа бирон мамлакатда “осори атиқалар” орасида ётгандир. Хожа Калонга ёзилган мактубда шундай хабар бор: Яна баъзи кайфият Хожа Калонга битилган хаттин маълум бўлур

учун ўшал хатнинг саводини бетафовут битилди. А. С. Беверижда: as my letter to Khwaja Kalan makes several particulars known. it is copied in here without alteration (645). Хатнинг ҳеч қандай ўзгаришсиз кўчириб юборилгани ҳақида гап боради. Демак, бундан яна билиб оламизки, хатларнинг бетафовут кўчирма нусхалари “эгаларига” юборилган. Бунинг бир сабабини қайд этдик: аслиятлари соҳиби номанинг ўзида, “Бобурнома” учун қолдирилган. Яна тахмин қилиш мумкинки, Бобур подшоҳдай бир инсоннинг шахсий мактублари ҳам интиҳойи эътиборли ҳужжат. Эҳтимол, бу ерда фитнаангиз шахслар томонидан ҳар хил сохтакорликлар ҳам бўлиши мумкинки, одамлар ўртасида хавфли тушунмовчиликларга олиб келиши ҳам ҳеч гапмас (Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши. “Ўтган кунлар” романида Отабек номидан Кумушга уйдирма мактуб ёзилишидан келиб чиққан фожиалар. Бўхтон оқибатида Фарҳоднинг ҳалок бўлиши ва ҳоказо).

Хатлар бобида Аннетта Бевериж хоним ўз таржимасининг (1921) 624- бетида қуйидаги зарур маълумотларни беради: The copies of Babur's Turki letter to Humayun and the later one to Khwaja Kalan (f.359) are in some MSS. of the Persian text translated only (1.0.215 f. 214); in others appear in Turki only (1.0.217, f. 240); in others appear in Turki and Persian (B. M. Add. 26.000 and 1.0.2989); while in Muh. Shirazi's lith.ed. are omitted altogether (228).

Бу хабарга кўра: Бобурнинг туркий тилда битилган, Ҳумойун ва Хожа Калонга юборилган нусхалари кўпи форсий кўлёмаларда ҳам таржима қилиб берилган (215-рақамли кўлёмма). Баъзи бир кўлёмаларда фақат туркийда келтирилган (217-рақамли кўлёмма).

Британия музейида 26.000-рақами остида сақланаётган қўлёзман эса туркий ҳамда форсийда битилган. Муҳаммад Шерозийнинг литографиясида чоп қилинган нусхада барча хатлар тушиб қолган. Михаил Салйе таржимасида савод - черновик (қоралама нусха) деб талқин қилиниши кишини ўйлантириб қўяди. Бу мантуксизга ўхшайди. Бобур Мирзодай зукко ва нуктадон инсон бировга ҳеч қачон хатнинг “қораламасини” юбормайди, деган андишага боради ўқувчи. “Тўғрилиги” шуки, шарқшунос олим сифатида у араб тилини яхши билган: “1001 кеча”ни русчага ўгирган ҳам шу адиб бўлади. Зеро, араб тилидан кириб ўзлашган савод сўзи: қора! деган маънони англатади. Тугун ечилди. Ўзимизнинг кўхна лисоний зотларимиз, жамланган луғатларимиз бу фикрни тасдиқлайди:

Савод: 1. Қоралиқ, қора тус; 2. Қоронғи, қоронғилиқ; 3. Хат-савод, ёзув; 4. Шаҳар, ўлка, теваарак, худуд; 5. Узокдан кўринган қора, нишон; Саводи аъзам, аъзам савод - 1) катта шаҳар; 2) узокдан кўринган зўр қоралиқ; Саводи Кашмир - Кашмир шаҳри; Савод айламак... - ёзмок; Бўстон саводи - боғ теваараги; Ҳинд саводи - Ҳинд ўлкаси; Саводи басар - кўз қорачиғи; Саводул ваҳж - юз қоралиқ; Саводи мулки Ҳинд ойин - жаннат монанд мамлакат теваараги (НАЛ, 588).

Савод: 1. Қора, қоралиқ; 2. Қоронғи, қоронғилиқ; зулмат; 3. Атроф, гирд; 4. Шаҳар, мулк, диёр, мамлакат, кишвар; 5. Ёзувнинг биринчи нусхаси (қоралама); 6. Қора мўйлаб. Қора қилмок:

Чун кўкни хусуфзод қилдинг,
Ойининг кумушин савод қилдинг (19-20).

Профессор Хосият Назарова тузган Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғатда ҳам савод сўзининг шу маънолари қайд этилган (123). Икки жилдан иборат “Фарҳанги забони тоҷики”да (X-XX аср бошлари) ҳам (М.: Советская энциклопедия. 1969) савод сўзининг мана бундай маънолари дарж этилган: сиёҳи, сиёҳранги; торик, зулмат; сиёҳии чизе, ки аз дур намоён мешавад; касрат, бисъёри, анбўҳи; сиёҳнавис, мусаввада; хонда ва навишта тавонис-тан; он чи дар ҳошия ва гирди варақ навишда мешавад; гирд, атроф; атроф ва музофоти шаҳр; сатҳи замин; сарзамин, кишвар, мамлакат... Булар орасида: нуха, рўнавис; навишта маънолари диққатга сазовор. Шунингдек, юқоридаги сиёҳнавис, мусаввада маънолари ҳам биз учун муҳим (170-171). Мусаввада бирор ёзувнинг биринчи нухаси, қоралама (ҳали оққа кўчирилмагани, рус. черновик) (419). В. К. Мюллер тузган “English-Russian dictionary”да (М.: Russky yazyk, 1988) - сору; 1. 1) экзemplяр; 2) рукопись; 3) копия; 4) репродукция; 5) материал для статьи, книги; 6) образец... 2. 1) снимать копию; копировать; воспроизводить; делать по шаблону; 2) списывать, переписывать; 3) подражать, брать за образец (161). “Türkçe-rusça sozluk (48.000 kelime)” (TRS) (Russkiy yazik, 1977)- suret:... копия; изображение; рисунок... (795).

“Бобурнома” бутун бир хазина, туркий халқлари маънавияти, тили ва адабиёти дуру гавҳарларининг ганжинаси. Кези келганда, ундаги ҳар бир сўз, тимсол ёки мажоз ўзи бир топилдиқ ўлароқ, маҳсус изланиш ва тадқиқотларга озик бериши мумкин. Айрим олинган сўз ва ибораларнинг қайси манбадан келиб чиққанлигини аниқлаш (этимология илми), сўз маънола-

рининг торайиши ва кенгайишини суриштириб билишда бу бутун бир хазина. Афсуски, биз ўзбекда ҳали бу илмлар: маъновиёт (семасиология) ва этимология яратилган эмас. Юқоридаги таҳлилдан бир муаммо пайдо бўлади нима учун хат-савод, саводхонлик тушунчаларининг асосида қора, зулмат, тунга нисбат беришларётади? Бундай олганда, агар ички таржимавий йўрук, луғавий талқин тариқи билан айтилса, саводхонлик (“саводхон ўлка”, “саводхон мамлакат”...) бу “зулматхонлик”, “зулмат ўлкаси” дегани бўлади-ку! Китобзон, китобхон ўлкадеған мафҳумот тўла тушунарли. Аммо мана бу саводхонлик... Саводхон бўлиш... Бундай олганда, қоралик - авомга мансуб. Ўқимаган, жоҳил кишиларга нисбатан “қора халқ” дейилади-ку. Бу ўбдон ўйлаб кўриладиган гап. Ғалати машҳур. Бизнингча, мазкур сўз: хат-савод таркибидаги савод гарчи қора бўлса-да, замирида сиёҳий ранг эмас - оқлик, зулмат эмас - рўшнолик, нодонлик, жаҳолат эмас - маърифатлилик ётади. Зеро, ўқиш, ёзиш, маърифатга эришиш учун оқ қоғоз қораланади, оқ вараққа сиёҳ ранг билан битилади. Бинобарин, бунда оқлик ва рўшнолик голиб. Заҳириддин Муҳаммад Бобур салмоқли тарихий иштимойи-сиёсий оқеалар билан бирга, майда зарралар, икир-чикирларга ҳам эътибор қилган. Ҳозир биз биламизки, бу гўё майда муаммолар ҳамма даврларда, ҳозир ҳам улкан аҳамиятга эга. Булар: тил, услуб, иншо, муншаот, талаффуз, оҳанг, имло, ном ва ҳоказолар. Унда оғзаки оммавий сакталиқлар оқибатида айни сўзлар, исмлар, атамалар ҳам бузилиб, сохталашиб ва сийқалашиб кетишига доир жуда нозик кузатишлар бор. Бу кузатишлар ўз-

ўзича қанчалик нозик бўлса, таржимага кўчганда улар янада бир ўзгача тус олади.

Гавҳари тўтиё

Бобурнинг Хумойун Мирзога ёзган мактубида подшоҳларнинг ўз мухити, яқин-йироқ одамлар, мулозимлар, беклар ҳамда қавм-қариндошлар, ака-укалар билан қандай муомала ва муносабатда бўлиши лозимлиги ҳақидаги панд-насиҳатлари ниҳоятда ибратли. У фарзандларига ўзаро меҳрибонлик, тотувлик, аҳиллик ҳамда катталарнинг кичикларга нисбатан шафқатли, кўтаримли (оғир, вазмин) бўлишлари кераклигини уқтирар экан, айни муддао гаплар. Бу ерда тагин Бобурга хос танқидий фикр-мулоҳозалар акс этганким, унинг иншо, имло, ифода, нутқ, услуб хусусидаги аччиқ гаплари фақат Хумойунга эмас, балки беш аср оша бизнинг зиёлиларимизга, барчага дахлдор эканлиги равшан бўлади. Услубда тақаллуф қиламан дейсан, шу боис хатинг ва баъзан имлоинг ҳам муғлак, тушуниксиз бўлади, дейди. Ўзинг ёзган хатни агар қайта ўқисайдинг, ҳеч нарсага тушунмасдан, ҳафсаланг пир бўлар эди, деб захарханда қилади. Орадан беш аср вақт ўтди. Оқибат қандай бўлди? Афсуски, Бобур фарзандларининг, жумладан Хумойуннинг отасини ран-житган ўша хати сақланмаган. Агар топилганида жуда ғаройиб иш бўлар эди. Аммо биз бу “муғлак хаг” эканига Бобурнинг кўзи ва диди билан қараб тўла ишонамиз. Гап бунда эмас. Биз бугун Бобур Мирзо тарафидан битилган хатнинг ўзини ҳам қийнаиб ўқиймиз. Ўз даври учун пок алфоз билан битилган ушбу мактуб ҳам кўп жиҳатлардан тушуниксиз

ва “муғлақ” бўлиб қолганига иймон келтирамиз. Бас, тил, баён, услуб, нутқ ўлчамлари (нормалари) масаласи ҳам тарихий категория экан. Ҳамма даврлар учун бир хил қолипдаги ўзгармас талаб ва тамойилларни ишлаб чиқиш мумкин эмас. Яна бир муҳим нуқта. Биз Бобур дастхати ва услубини ҳозирги даврга нисбатан оғир дейишга журъат этдик. Аксинча бўлганда-чи? Фараз қилайлик, агар имло-иншо санъатининг беназир нуктадони, ҳазрат олампадох бизнинг алфозимиз, сохта шеваларимиз, дастхату, шеваю, услубимизни кўрганларида нима бўларди?.. Тўғри гап, бизнинг қурама, фаранги, қоришиқ хатларимизни ўқиб, қанчалик муғлақ эканини юзимизга қаттиқ писанда қилиши тайин эди. Тилни бузиш, бобокалон жаноби Навоий тилини қанчалик “бойитганимизни” кўриб, ҳуши бошидан учган бўларди!

* *

*

Олтинчи боб хулосаси. Мактуб ва услуб (Муншаот таҳлили)да Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз фарзандлари Ҳумойун ва Комрон Мирзоларга ёзган хатлари қараб чиқилди. Ишда мактубнавислик адабий тилнинг қарор топиши, ривожланиши, услубий-ифодавий такомилда муайян аҳамият қозониши даъво қилинади.

Бу ерда айни бир матнни айни бир тилнинг турли ҳолатларига нисбатан “таржима” қилиш тажриба қилиб кўрилди. Аслида бир тил доирасида “қайта яратиш” жараёнини таржима дейилмайди. Бу - табдил

қилиш демакдир. Шу тариқа таржима билан таъдир-нинг фарқи яққол билиниб қолади. Бобда яна хат услуби баҳсида мураккаблик ва соддалик масаласи кўтарилди ва таҳлил қилинди.

Сабоқ

Еттинчи боб

Тоғнинг салобати - узоқдан кўринур

1

“Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум”

Душанба куни жумодил-аввал ойининг йигирма учида сайр кила отландим. Сайр асносида хотиримга еттиким, хамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номашруъ* амр иртиқобидин** аладлавам кўнгулумда губор эди, дедимким, эй нафс:

Чанд боши зи маоси мазакаш,
Тавба ҳам бемаза нест бичаш***.
Неча исён била олудалиғинг,
Неча хирмон аро осудалиғинг,
Неча нафсингга бўлурсан тобиъ,
Неча умрунгни қилурсен зойиъ.
Нияти ғазв ила ким юрубсен,
Ўлмакингни ўзунга кўрубсен,
Кимки ўлмак ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар,
Дур этар жумла манохийдин ўзин,

* Номашруъ - шариатга хилоф.

** Иртиқоб - бирон ноўрин ишни қилишга киришиш.

*** “Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан; тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам татиб кўр”.

Аригур барча гуноҳидин ўзин.
Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,
Тавба қилгим чоғир ичмакликтин.
Олгуну нукра суроҳийю аёқ.
Мажлис олоғи тамомин ул чок,
Ҳозир айлаб борини синдурдум,
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум.

Бу синдурулгон олгун-кумуш суроҳий ва олотни мустаҳикларга ва дарвешларга улашилди. Ул кишиким, тавбада мувофақат қилиб эди, Асас эди. Соқол кирмоқта ва қўймоқта мувофақат қилиб эди, ул кечаси ва тонгласи беклардин ва ичкилардин ва сипоҳилардин ва гайри сипоҳидин уч юзга яқин киши тавба қилдилар. Ҳозир чоғирларни тўктуруб, Бободўст келтурган чоғирларни буюрдуқким, туз солиб, сирка қилгайлар. Чоғирларни тўккан ерда бир войин қоздурди. Ният қилдимким, бу войинни тош била қўпортиб, бу войиннинг ёнида букъайи хайре қилгайлар (“Бобурнома”, 382-бет).

“Ичкиликдан қочинглар, шоядки нажот топсанглар”

(Заҳириддин Муҳаммад Бобур фармони)

Сабаблар сурати инъикосининг тўпланиш жойи ва садоқат, тўғрилиқ инжулари нақшининг хазинаси бўлган ақл эгаларининг фикр ойинаси бу маъни чечаклари жавҳарининг нақшини ўзиға олурки, инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойил-

дир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарқ этиш худонинг тавфиқ беришига ва осмоний кўмакка боғлиқ. Башар нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас, “Нафсимни поклай олмадим, чунки нафс ёмонликка амр этувчидир”. Ундан қайтиш бағишловчи маликнинг лутф-марҳаматидан бошқа мумкин эмас. “Бу Оллоҳ-нинг эҳсонидир, кимга хоҳласа бахш этади, Оллоҳ катта эҳсон эгасидир”.

Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан ғараз шуки, инсонлик тақозоси подшоҳлар расм-русми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шохдин тортиб сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шарият манъ қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгиларга ружу қилинарди. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарқ қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди.

Аммо, мақсад ва матлабларнинг муҳими ва буюги бўлган ичкиликдан қайтиш тавбаси “ҳар иш ўз вақтига боғлиқ” деган парда остига бекиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр ғайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли ислом аскарлари ёрдамида кофирларга қарши жангга киришганимизда ғайб илҳомчиси ва ҳақиқат жарчисидан “Имон келтир-ганларга вақт келмадимики, қалбларини Оллоҳнинг зикри билан юмшатсалар?” мазмуни эшитилиб гуноҳ ва саркашлик асбобини илдизидан кўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қоқдик. Тавфиқ йўлловчиси “Кимки астойдил эшик қоқса, киради” мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди.

Алкисса. “Эй раббим, нафсларимизга зулм қилдик”ни ихлос тилига келтириб, “Сенинг олдингда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман” деган гапни дил лавҳасига нақш қилдик. Кўнгил хазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик.

Зафар нишонли ходимлар муборак ҳукм юзасидан, кўплик ва зийнатда юксак осмон юлдузидек бўлган, гўзал мажлисни безаб турган олтин ва кумушдан ясалган май идиш ва қадаҳлари ва бошқа асбобларни ерга уриб, худо хоҳласа, яқинда синдиришга муваффақ бўладиган миз бутлар каби, пора-пора қилиб, ҳар бирини мискин ва бечорага бердилар. Қабул қилинишга яқин бўлган бу тавба баракатидан даргоҳ муқаррабларидан кўплари “кишилар подшоҳлари изидан борадилар” тақозосича, шу мажлиснинг ўзидаёқ тавба шарафига эришдилар ва май ичишдан бутунлай қайтдилар. Худонинг буйруқ ва қайтаришларига бўйсуниб, чекинувчилар ҳалига қадар тўда-тўда бўлиб, соат сайин шу саодат билан бахтиёр бўлмоқдалар. Умид шуки, “Яхшиликка ундовчи киши яхшилик қилган кишидай” деганлари каби бу ишларнинг савоби хушбахт подшоҳнинг ҳаётига оид бўлғай ва бу саодат баракатидан олға босиш ва ғалаба кундан-кунга орта борғай.

Бу орзу ва бу осойишталик тўла-тўқис охирига етгандан кейин, олам бўйсуниси лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинч сақланган мамлакатда (худо офат ва хавфлардан омон қилсин) мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сақламасин, элтмасин ва

келтирмасин: “Ичкиликдан қочинглар, шоядки нажот топсанглар”.

Бу ғалабанинг шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига эришмоғининг садақаси учун, подшоҳликнинг бахшиш дарёси жўш уриб, олам ободонлиги ва кишилиқ обрўйи бўлган қарам тўлқинларини пайдо қилди: бутун мамлакат бўйлаб, ўтган султонлардан қолиб келган ва даромади ҳаддан ортиқ кўп бўлган тамғани, ўзи ҳам шарият қоидаларидан ташқари бўлгани учун мусулмонлар устидан олиб ташлаб, фармон содир бўлдики, ҳеч бир шаҳар, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандарларда тамға олмасинлар ва ундирмасинлар ҳам бу ҳукмнинг қоидаларига ўзгартиш киргизмасинлар: “Қимки буни эшитгандан кейин ўзгартирса, гуноҳи ўзгартирувчиларга бўлади”.

Подшоҳнинг меҳрибончилигига сиғинган турк, тожик, араб, ажам, ҳинди, форсий фуқаро ва сипоҳ - бутун миллатлар, ҳамма инсон тоифалари бу мангу бахшишга суяниб, умид тутиб абадийликка бириккан давлатимиз дуосига машғул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан ташқари чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар. Бу ҳукм улуғ подшоҳ имзоси билан етишса, эътимод қилсинлар.

Амри олий билан 932 (ҳижрий) йили 24 жумодил-аввалда ёзилди. (“Бобурнома”, 467-468- бетлар).

2

Тасаддуқ

Ва Муҳаммад Ҳумойун Санбалғаким, анинг жойгири эрди, руҳсат берилди. Олти ойгача анда эди; зоҳиран, ани ер ва суйи хуш ёқмади. Иситма тутар

экандур, бора-бора узокка тортар. Тоонки биз эшит-
тук, фармон берилдиким, Дехлиға келтуруб, Дехлидин
кемаға солиб келтурсунларким, ҳакими ҳозиклар
кўруб, дардиға даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё
йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору-
дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулкосимким,
улуғ киши эрди. арзға еткурдиким, ушмундоқ дард-
ларға дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддук
қилмоқ керак. Тоинки тенгри таоло сихҳат бергай.
Менинг кўнғлумга келдиким, Муҳаммад Ҳумойун
(нинг) мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўк. Мен ўзум
тасаддук бўлайин, худой қабул қилсун. Хожа Халифа,
ўзга муқарраблардин арзға тегурдиларким, Муҳаммад
Ҳумойун сихҳат топар, сиз бу сўзи нечун тилингизға
келтурасиз. Фаразбудуркм, дунё молидин яхшисини
тасаддук қилмоқ керак. Бас ўшал олмоским, Иб-
роҳимни урушида тушуб эрди, Муҳаммад Ҳумойунға
иноят қилиб эрдингиз, тасаддук қилмоқ керак. Тилга
келдиким, дунё моли анинг эвазиға нечук бўлғай, мен
анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкил
бўлибтур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқат-
лиғини тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатта кириб, уч
қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне
дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдим, ул енгил
бўлди. Ул сихҳат бўлуб кўпти. Мен ноҳуш бўлиб
йиқилдим. Аёни давлат ва аркони мамлакатни чар-
лаб, байъат қўлларини Ҳумойунни кўлиға бериб, жой-
нишинлиғиға ва валиаҳдлиғиға насб қилдим. Ва тахт-
ни анга топшурдум. Ва Хожа Халифа ва Қанбар Али-
бек ва Турдибек ва Ҳиндубек ва ўзга халойиқ ҳам бу
насойиҳда бор эрдилар, бориси қабул қилиб, банд
бўлдилар. ("Бобурнома", 459-бет.)

* * *

*

Хафалик ҳаддан ошиб кетганлиги сабабли подшоҳ ҳазратлари онамга ва бегимларга: “Юринглар, бир Дебалпурга бориб сайр қилиб келайлик”, дедилар. Ўзлари кемага ўлтириб, саломатлик билан сувдан ўтдилар ва ўша кун Дебалпурга етиб бордилар. Бегимлар (ҳам) кемага ўлтириб, сувдан ўтмоқчи бўлишди. Худди шу вақтда Деҳлидан Мавлоно Муҳаммад Парғарлининг мактуби келди. Унда “Хумойун Мирзо бетоб, ахволи анча оғир, бу хабарни эшитган замон, ҳазратбегим тезлик билан Деҳлига келсинлар, Мирзо... ниҳоят бетоқатлик қилмоқдалар” деб ёзилган эди. Бу хабарни эшитган замон, онам ҳазратлари сабрсизландилар. Худди сувсиз қолган ташна кишидек, шошилишча равишда Деҳлига жўнадилар.

Митҳарага етгач, (Хумойун Мирзонинг) ахволини эшитганларидагидан кўра ўн баробардан ортиқ заифланган ва мажхул эканлигини ўзларининг жаҳон кўрувчи кўзлари билан кўрдилар. У ердан она ва бола худди Исо ва Марямдек (бирга) Аграга (қайтиб) кетишди.

Аграга етишган ҳам эдикки, мен ҳақир оналарим билан бирга фаришта табиатли Ҳазратни кўргани бордим. У кишининг касали борган сари оғирлашиб борар эди. Ҳар замонда Ҳазрат хушларига келган вақтда гавҳар сочувчи тиллари билан бизларга мурожаат қилиб, ҳамшираларим, хуш келибсизлар, келинлар, бир-биримизни кучоклайлик, чунки сизлар би-

лан кучоклашиб кўриша олмадим, дердилар. Яқин уч марта бошларини кўтариб, гавҳар сочувчи тиллари билан шу иборани марҳамат қилиб айтдилар.

Ҳазрат келиб (касални) кўришлари биланок нуруний чехралари кулфат ва хафаликка кўмилдива борган сари қаттиқ хафаланар эдилар. Шу вақтда онам ҳазратлари сиз менинг фарзандимдан бепарвосиз, чунки подшоҳсиз, нима гамингиз бор, сизнинг бошқа фарзандларингиз ҳам бор, мен ҳамдаманки, битта, яқкаю ягона фарзандим бор, дедилар. (Подшоҳ жавобан) гарчи менинг бошқа фарзандларим бор бўлса-да, лекин уларнинг ҳеч бирини сенинг Ҳумойунингдек яхши кўрмайман, шунинг учун ҳам бутун бор давлатимни, тахт ва салтанатимни жаҳонда ягона, нодири замон севимли, бахтли ўғлим - Ҳумойунга бағишламоқчиман, бошқаларга эмас, дедилар.

У киши касал ётган вақтда подшоҳ ҳазратлари ҳазрат Муртоза Али (худо унга карам қилсин) мозорига борувчи (киши) ни кўришни истадилар. У борувчини чоршанба кунидан (бери) сақлар эди. Ўзлари изтироб ва бетоқатлик билан сешанба куни кузатдилар. Ҳаво ниҳоят иссиқ эди. Дил-жигарлари куяр эди. Ўша борувчидан, удоё, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўлса, менки Бобурман, умри-жонимни Ҳумойунга бағишлайман, деб дуо қилишни сўрадилар. Шу куннинг ўзидаёқ жаннатмакон Ҳазратнинг тоблари қочиб қолди. Ҳумойун подшоҳ эса ўз бошларидан сув қуйиб, ташқарига чиқдилар ва кўргани келганларни қабул қилдилар, подшоҳ Бобомнинг касалликлари туфайли ичкарига олиб кирдилар. Яқин икки-уч ой (касал бўлиб) ётиб қолдилар. (Бу вақтда) Мирзо Ҳумойун Калинжар томонга кетган эдилар. Подшоҳ ҳазратла-

рининг касали огирлашгани сабабли Ҳумойунни чакириб келиш учун киши юбордилар. У киши тезлик билан етиб келдилар. Подшоҳ билан кўришдилар ва (подшоҳни) ниҳоят ҳолсизланган ҳолда кўрдилар. Ҳумойун подшоҳ ҳазратлари кўп ачиниб хафа бўлдилар ҳамда бетоқатлик кўрсата бошладилар ва хизматкорлардан: нега бирданига озиб-тўзиб қолдилар, деб (сўрадилар). Ҳаким ва табибларни чакирдилар ва уларга: мен у кишини соғлом ҳолда қолдириб кетган эдим, бирданига нима бўлди, дедилар. Ҳаким ва табиблар бир нималар, деб жавоб беришди (“Ҳумойуннома”, 37-39-бетлар).

* * *

*

Ҳумойун Кобулдан чиқиб Аграга йўл олди ва сарой аъёнларидан бўлмиш тарихчи Абул Фазилнинг айтишича, унинг онаси ва Бобур у ҳақда сўзлашиб турган пайтда саройга кириб келди ва уни мамнуният билан кутиб олдилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ҳумойуннинг бу ерга келиши онаси иккаласининг режаси бўлиб, соғлиғи ёмонлашаётган Бобурга агар бирор қор-қол юз бергудай бўлса, Ҳумойун отасининг ёнида бўлиши лозим эди. Акс ҳолда саройдаги Вазир Мир Али Халифа бошчилигидаги рақобатчи гуруҳ Ҳумойунни тахтга яқинлаштирмаслиги мумкин эди.

Кенг ақл-фаросат ва хуш одоб эгаси бўлмиш Ҳумойун отаси олдидан силжимай, унинг ўғит ва маслаҳатларига қулоқ тутарди. Ўша кунларда Бобурнинг энг кичик ўғилчаси Анвар вафот этган бўлиб, шох

рухан анча чўкиб қолган ва Хумойун унинг кўнглини олишга ҳаракат қиларди. Саройда бир неча ой юргач. Хумойун Ганг дарёсининг нариги қирғоғидаги Дехлидан унча узоқ бўлмаган Самбол вилоятига кетди. Олти ойча у ерда яшагач, бирдан касалланиб қолди. Бундан хабар топган Бобур тезда уни Аграга олиб келишни буюрди. Бу ерга келгач, касаллик шу даражада хуруж қилдики, ҳеч қандай табобат ёрдам бера олмас ва Хумойуннинг аҳволи кун сайин оғирлаша бошлади. Бир куни Бобур Жамна дарёси бўйида қурган саройида амирлар, таникли зиёлилар ва дин арбоблари билан уни безовта қилаётган мавзуда суҳбатлашиб ўтирган эди. Ўша суҳбатда иштирок этаётган таникли уламолардан бири Мир Абул Бақо тасодифан қадим-қадимдан келаётган удум ҳақида гапириб қолди. Бу удумга кўра Хумойун тушган мана шундай ҳолларда, яъни бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун инсон кўлидан ҳеч қандай иш келмай қолганда, киши ўзи яхши кўрган энг азиз нарсасини Оллоҳ Таолога бахшида этмоғи ва бунинг эвазига Оллоҳдан бемор ҳаётини сақлаб қолишни илтижо қилиши лозимлигини айтиб қолди. Агар Оллоҳ унинг илтижосини қабул қилса, бемор албатта соғайиб кетажигини таъкидлади.

Хумойуннинг ночор аҳволидан ташвишда қолган Бобур унинг ҳаёти ўзи учун энг азиз нарса эканини ва ўз ҳаётини Оллоҳ хузурига ҳадя этмоқчи эканини айтди ва бошқа дўстлари Бобурни бу йўлдан қайтармоқчи бўлдилар ва Оллоҳнинг иродаси билан Хумойун отасининг кўз олдида ҳали кўп яхши кунлар кўришини айтишди. Бундай ҳолларда инсон ҳаёти эмас, балки дунёвий ашёлардан бири садақа этилиши

лозимлигини таъкидлашди. Масалан, бир неча йил илгари ўлжага олинган олмос бебаҳо буюм бўлиб, уни сотиб, пулини савоб ва саховатли ишларга сарфламоқ лозимлигини маслаҳат беришди. Бироқ Бобур бу таклифни рад этди. Ўғлининг азиз жонига ҳеч бир кимматбаҳо буюмни алмашмаслиги, унинг азоб чекишини кўриб, чидаб тура олмаслиги ва унинг ўрнига ўз жонини фидо қилишга қарор қилганини айтди. Шундан кейин, айтишларича, хилватхонага кириб намоз ўқи-гач, жон таслим қилаётган шахзода атрофида уч марта айланиб, худога илтижо қилди. Бир оз вақт ўтгач, у илтижоси қабул бўлганини аниқ сезаётганини айтди. “Мен муродимга етдим! Мен уни сақлаб қолдим!” дегани эшитилди. Кўп ўтмай Хумойун соғайиб Самболдаги қароргоҳига кетди. Шохнинг саломатлиги эса кундан-кун оғирлашиб борар эди (Виллям Эрскин. “Бобур Ҳиндистонда”. Инглизчадан Ғафуржон Сотимов таржимаси. Тошкент, 1995 йил, 98-99-бетлар).

3

Боқийликка дахлдор (“Хусусият бисёр экандур...”)

* Жавоҳарлал Неру: “Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор шахс бўлган. У санъатни, адабиётни севган, ҳаёт нафосатидан лаззатлана билган. Набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган... Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида ўз-

гача гўзал тараққиёт юз берди” (Ж. Неру. Хиндистоннинг кашф этилиши. Москва. 1955. 272-бет).

* “Бобурнома” таржимони В. Эрскин: “Бобур тийнатининг мислсиз белгиси унинг бошқа мулкдорларникига ўхшамаслигидир. Осиё тождорларидаги дабдаба, сунъий сажия ўрнига бизнинг кўз олдимизда Бобурнинг тийнати табиий, ҳаётий, севувчи, самимий бўлиб гавдаланади. Бобур тахтда ўтиришига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларини ва иштиёқини ўзида саклаб қолди. Осиё ҳукмдорлари орасида Бобур сингари даҳо ва истеъдодли кишилар камдан-кам учрайди. Унинг фаол ақли, қобилияти ва бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги... саховати, мардлиги... фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши кишини лол қолдиради” (“Бобурнома”. Ж. Лейден, В. Эрскин томонидан инглиз тилига ўгирилган. Лондон. 1921, 8-бет).

* “Бобурнома” инглизча таржимасининг иккинчи тўлиқ нашри муҳаррири Лйукас Уайт Кинг: “Мемуар Шарқ ҳукмдорларининг кундалик ҳаёти ва ҳарбий фаолияти манзарасидир. Бу жиҳатдан мазкур мемуарга Шарқ автобиографик хотираномаларининг бирортаси ҳам тенг келолмайди”.

* Инглиз олими, ҳинд давлат арбоби Манстюарт Элфинстон: “Бу асар Осиё ҳаққоний тарихининг ягона намунасидир. Бобур персонажларининг ташқи кўриниши, кийим-бошини, урф-одатини, дидини шунчалик табиий ва аниқ тасвирлайдики, гўё биз уларни кўриб, улар орасида яшагандек бўламиз. У бўлган мамлакатларнинг табиати, иқлими, бойлиги, санъат

асбоблари бошқа ҳар қандай саёҳатчи асарига қараганда батафсил ва аниқ тасвирланган”.

* Инглиз адиби, бобуршунос романнавис Стэнли Лейн Пуул: “Бобурнинг адабиёт ҳамда тарихдаги роли ва ўрни ёшлигидаёқ пешонасига битилган эди... Шунингдек, мемуарлари ҳам тақдирини белгилади... Бобур айна вақтда адабий дидли ва жуда ўткир қобилиятли киши эди. Форсийда етук шоир, ўз туркий она тилисида наср ҳам назмда оддий, эркин услуб соҳиби эди”.

* В. Эрскин: “У, шубҳасиз, ўз даврининг атоқли кишиларидан биридир. Бир вақтлар Осиё тахтида мустаҳкам ўтирган машҳур шахзода эди... У билан обрўли давлат арбоблари ва ҳарбий саркардалар ҳисоблашарди... Тартиб берган “Девони” ёки туркий шеърлар тўплами... ва кўпгина шахсий фазилатлари билан ўз мамлакатининг шоирлари ва фозилларидан юқори туради”.

* “Бобурхон” романини ёзган франсуз адибаси Флора Анна Стил: “Биз хато қилиб буюк мўғуллар деб атаб келганимиз сулоланинг биринчиси, умуман, Бобур номи билан машҳур бўлган Заҳириддин Муҳаммад, Ҳиндистон императори, шу билан бирга шоир, рассом, аскар, паҳлавон, зиёли, мусиқачи, гадой ва подшоҳ эди” (“Гулистон” журнали, 1940, 1-сон, 28-бет).

* Рожастонлик ёзувчи, Неру мукофотининг лауреати Лакшмий Кумарий Чундават: “Буюк мўғуллар империясининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиёсий арбоб ва сипоҳий бўлибгина қолмай, хотиротлар муаллифи ва шоир ҳам эди. Унинг номи адабиётда

муҳим ўрин тутади. Бобур ўзбек адабиётини ажойиб асарлари билан бойитди, ўзбек тилини ривожлантирди, шеърӣ услуб ва ифодалилиқни мукамаллаштирди. Унинг “Бобурнома”си ўша даврда яратилган энг қимматли асарлардан бири бўлиб, шоирнинг жаҳон адабиётига қўшган бебаҳо хиссасидир. Унда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқларининг ўша даврдаги ҳаёти, турли тарихий воқеалар ёрқин акс эттирилади, машҳур кишилар ҳақида ҳикоя қилинади. Бобурнинг ғазал ва рубоийлардан иборат девони ҳам бор. У мусиқа, сиёсат, ҳарбий санъатга оид асарлар ҳам яратган, ам-мо, афсуски, улар бизгача етиб келмаган” (Ранний Лакшмий Кумарий Чундават. Ҳиндукушнинг нариги томонида (Ҳинд тилида). Жайпур, 1960, 33-бет).

* Ҳиндистон тараққийпарвар жамиятини Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданияти билан таништириш ишига муносиб ҳисса қўшган таниқли тарихнавис, сайёҳ ва ёзувчи Роҳул Санкритиан: “Бобур фақат моҳир қиличбозгина бўлиб қолмасдан, балки Сарасватининг суюкли ўғли ҳам эди”. (Сарасвати-Ҳиндупарастлик афсонасига кўра, нотиклик ва илм маъбудаси, мусиқа ва шеърӣят ҳомийси). Роҳул Санкритиан. Ўрта Осиё тарихи (ҳинд тилида), 2-том. Патна, 1957.

* “Сосайти” (“Жамият”) журналида эълон қилинган “Ҳукмдорнинг тақдири” сарлавҳали тақриз муаллифи Робер Перу: “Бобур ҳарбий усулларни яхши эгаллаган ҳукмдоргина эмас, балки юксак маданиятли, фикр-мулоҳазали, табиатан шоир ва ҳазл-мутойибага ўта мойил шахс бўлган. Унинг олий фазилатларидан яна бири - билимдонлиги ва тақдир билан

мулокот қила олишидир. У ўз она тили туркийда ажойиб қисса ҳам ёзиб қолдирди. Бу “Бобурнома” асаридир. Асар тилининг соддалиги ва жозиблиги билан кишини ўзига мафтун этади”.

* “Суар” (“Оқшом”) газетасида эълон қилинган Албер Бюрненинг “Бобурнома”нинг франсузча таржимасига билдирган фикри: “1494 - 1530 йиллар воқеаларини ўз ичига қамраган бу асарни Бобур тили бўлган қадимий чигатоий туркийдан Жан Лйуи Бакйе-Граммон фаранг тилига ўгирган. Тилшунос олим асл нусха руҳини, матннинг бобурога услубини таржимада тўлиқ сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Бунга эришиш учун эса у узоқ вақт асарнинг мавжуд туркий қўлёзмалари устида қунт ва чидам билан ишлаган”.

* “Мўғуллар ҳокимият тепасига келгунга қадар Ҳиндистонда боғдорчилик йўқ даражада эди. Ҳиндистонда мўғул боғларининг асосчиси Бобур табиат гўзаллигини ниҳоятда чуқур ҳис қиладиган ҳассос инсон бўлган”. М. Рандҳава.

* Ҳинд олимлари Н. К. Синг, А. У. Банержи: “Унинг услуби содда ва жозиб, шу билан бирга жонли ва ширали. Бобур ватандошлари ва замондошлари таржимаи ҳолини, маънавий кифасини, урф-одатини, орзу-истакларини ҳамда ишларини худди кўзгу каби акс эттиради. Бу хусусда (“Бобурнома”) Осиёда ҳақиқий тарихий тасвирнинг яккаю-ягона намунаси” (Н.К.Сингх, А.У.Банержи. Ҳиндистон тарихи, Москва, 1954, 214-бет).

* Инглиз шарқшуноси Лейн Пуул: “Унинг мемуарлари бир аскарнинг ҳарбий юриш ва чекинишлари ҳақидаги оддий кундалик дафтари эмас.

Уларда Шарқ адабиётини жуда яхши билган, нозик ва билимдон кузатувчи, одамларни тез ўрганувчи, улар ҳақида дадил ҳукм юритувчи ва табиат муҳитининг дунё ҳақидаги шахсий таассуротлари ва нозик фикрлари берилган. “Ўз киёфасини чизишдаги самимийлик, фазилат ва камчиликларини ҳаққоний тасвирлаш, очик-кўнгиллилик ва ростгўйлик Бобурнинг ажойиб хислати” (Лейн Пуул. “Бобур”. Оксфорд, 1899, 9-бет).

* Манстйуарт Эльфинстон: “Бобур Шарқнинг Юлий Цезаридир”.

* Атокли ҳинд шоири Ғуллом Раббоний Тобон 1983 йили Республикамизда бўлиб, Бобурнинг юрти Фарғона водийсига сафари давомидаги кузатувларини шундай яқунлайди: “Машҳур “Бобурнома”да Фарғона водийсининг тўкин-сочин боғ-роғлари, зумрад далалари меҳр-муҳаббат билан таъриф этилганлигини кўпчилигимиз ўқиганмиз... Лекин водийнинг шу кунлардаги киёфасини кўриб, лол қолдик. Унинг тасвирига қаламимиз ожиз” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1984, 23 март).

Таржима

4

Доктор А. Шиммел

(Фарбий Олмония)

Доктор А. Шиммел Ибн Холдуннинг “Муқаддима”, Муҳаммад Иқболнинг “Сафиднома”, “Пайоми Машриқ” асарларини асл нусхадан олмон тилига ўттирган машҳур шарқшунос олим бўлиб, ҳозирда Фар-

бий Олмониянинг Франкфурт-Майн шаҳридаги Шарк-шунослик олийгоҳида сабоқ беради. Хофиз Шерозий асарларининг олмонча таржимасига муҳаррирлик қилган. Араб, турк, ислом санъати ва дин тарихи бўйича кўзга кўринган мутахассислардан. Магбург университетида ислом маданияти ва Туркиядаги илоҳиёт факултететида дин тарихи бўйича профессор. Қуйидаги мақолада муаллиф Бобуршоҳ ва фарзандларининг шеърятга бўлган қизиқишлари ҳақида баҳс юритади.

Бобуршоҳ ва оилавий истеъдод ҳақида

“Бобурнома” Иккинчи жаҳон уруши йилларида асл нусха, форсча ҳамда инглизча таржималаридан ҳозирги замон турк тилига ўгирилган. Мазкур китоб нафақат улуғ саркарда заковати, балким бағоят улуғвор сўз устаси бўлмиш шоир, санъат ихлосманди, танқидчиси, зийрак руҳшунос ҳақида бизга маълумотлар беради. Бундай ноёб хислатлар улуғ подшоҳнинг машҳур асарида мужассамлашганининг боиси Бобур ўз отаси ва онасидан шеърятга бўлган қобилиятни, санъатга муҳаббатни мерос қилиб олганидадир.

Фахри ибн Амир-ал-Ҳиравийнинг “Султон ва шаҳзодалар ашъори ҳақида”ги...1 кичик бир рисоласи таниқли олим Пир Саид Ҳисомиддин Рашидий томонидан яқиндагина Карочида чоп қилинди. Рисоланинг учинчи бобидаги темурийлар ҳақидаги кенг тарқалган ҳикоя китобхон диққатини ўзига тортади. Унда темурийларнинг XV асрда шеърят, санъат ва хунармандчиликда ҳаммадан устун бўлганликлари баён этилади. Шунингдек, Саййид Ҳасан Хожа Нисорийнинг “Музаққир ул-аҳбоб”² асари темурийларнинг диний ва

адабий қизиқишлари, Фахри Ҳиравий қаламига мансуб “Равза” асарининг иккинчи қисмида эса Бобур подшоҳнинг шеъриятга муносабати ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади.

Фахри Ҳиравий Британия музейида АДД. 7669 рақами остида сақланаётган, 1945 йили Али Асқар Ҳикмат томонидан Техронда Мир Алишер Навоийнинг чоп қилинган “Мажолис ун-нафоис” асарининг таржимони ва сайланма тузувчиси сифатида ҳам машҳур бўлган. Унинг шоира аёллар ҳақидаги “Жавоҳир-ул-ажойиб” асари кейинчалик алоҳида ўрганишга лойиқ. Темурийлар ва ўзбек аҳзодалари сарой аҳли томонидан мумтоз туркий адабиётининг яратилиши Фахри Ҳиравийни турк тилини чуқурроқ ўрганишга ундади. Ҳусайн Бойқаро ва унинг сарой аҳлини, балки Бобурни ҳам шу янги шеърият намояндаси дейиш мумкин. Улардан Султон Ҳусайн Бойқаронинг дўсти Мир Алишер Навоий шубҳасиз устун туради. Биз Фуод Кўпрулузоданинг Бобур шеърияти унинг узок қариндоши бўлмиш Ҳусайн шеъриятдан анчагина юқори деган фикрига кўшиламиз. Бу ҳақда “Бобурнома”да: “Таъби назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси “Ҳусайний” эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале Мирзонинг девони тамом бир вазндадур”, деб келтирилган (222-бет).

Фуод Кўпрулузоданинг фикрича (230-бет), Султон Ҳусайн Мирзонинг девонида фақат битта вазн қўлланган. Бобур Султон Ҳусайн Мирзони Ҳусайн Бойқародек “Мажолис ул-ушшоқ”³ каби асар ёза олмаслигига ишонмасди. “Мажолис ул-ушшоқ” отлик, Султон Ҳусайн Мирзонинг отиға боғлаб битибтур, бисёр суст ва аксар ёлғон ва бемаза, беадабона ҳарфлар би-

тибтур. Андоқким, баъзидин таваҳҳуми куфрдур” (“Бобурнома”, 239-бет).

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи бобида қуйидагиларни ёзади: “Темур Курагон гарчи шеър ёзмаса ҳам, доим наср ва назм ўқир эди”... Амир Темурнинг тўрт ўғлидан фақат Жаҳонгир Мирзо шеър ёзувчи авлод қолдирмаган. Умар Шайхдан санъатга бўлган муҳаббат Хусайн Бойқарога ва унинг барча ўғилларига мерос бўлиб ўтди. Унинг ўғилларидан олтитаси яхши шоир бўлганликлари “Равза”да эслатиб ўтилади. Отасининг вафотидан сўнг, Ирокка қочиб ўзбеклар саройидан қароргоҳ топган Бадиуззамон Мирзо Истанбулга ўзи билан отасининг кутубхонасидаги энг қимматбаҳо, нодир китобларни олиб келган. Бу китобларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам Истанбулдаги Тўпқопи, Юлдуз кутубхоналарида сақланмоқда.

Унинг (Бадиуззамон Мирзонинг) ўғли Мўмин Мирзо ўз бобоси кўлидан ҳалок бўлганлиги (1497) Хуросон шоирларини марсия ёзишга ундади. Яна: Шох Ғариб Мирзонинг шеърларини Бобур жуда юқори баҳолаган. Унинг турк ва форс тилларидаги девони Ҳамбург давлат кутубхонасида сақланади⁴. Таниқли шоир аҳли Хуросонийнинг ҳомийси Фаридун Хусайн Мирзо 1509 йилда ўзбеклар томонидан ўлдирилган⁵. Унинг акаси Муҳаммад Хусайн Мирзо (“Бобурнома”, 181-бет) шиа мазҳабидан бўлиб, 1507 йилда ўлдирилган; ва, ниҳоят, Кепак Мирзо ҳам (1507 йилда Шайбонийхон томонидан ўлдирилган) Хусайн Бойқаронинг шеър ёзувчи ўғиллари қаторида эслаб ўтилади. Темурнинг ўғли Шохруҳга келсак, унинг ўғли Улуғбек астроном ва олим сифатида алоҳида ўрин ту-

тади. У шоир бўлмаса ҳам ажойиб шеърларни ёд билган. Улугбекнинг сотқин ўғли Абдуллатиф ҳам яхшигина шоир бўлган. Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Бойсунғур Мирзо Ўрта Осиё санъатининг буюк ҳомийси бўлган. Кўп шароб истеъмол қилиши оқибатида ўттиз беш ёшида вафот қилган шаҳзоданинг кутубхонаси Ўрта Осиёда бўлиб, унинг аллақанча нодир нусхалари ҳозиргача сақланган. Ўзи ажойиб хаттот ҳам эди⁶. Ўғли Абулқосим Бобур (“Бобур Қаландар” ҳам дейишади) яхши шоир бўлган. Тазкирада Шоҳруҳнинг катта ўғли Муҳаммад Жўги Абу Бакр ҳам шоир сифатида тилга олинган. Шундай қилиб, булар ёнига учинчи ўғли Мироншоҳ, Бобур, унинг фарзандлари Ҳиндол, Комрон Мирзо кўпроқ туркийда ёзишни ёқтиришган (девори 1929 йилда Калкуттада нашр қилинган). Муҳаммад Аскарӣй, Гулбадан Бегим, Ҳумойун ва Шоҳ Жаҳонгирларни ҳам эслаш мумкин. Мироншоҳ Мирзо шеърятга унча кизиқмаса ҳам, ўғли Халил Султоннинг шеърятга анчагина ихлоси бўлган. “Равза”нинг учинчи қисмида Самарқанд ва Ҳуросон шаҳрининг султонлари, уларнинг дабдабавор мақомда шеър ёзганлари, шеърятга бўлган муносабатлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Фаҳри Ҳиравийнинг таъкидлашича, машҳур шоир Султон Аҳмад Жалойир Бағдодий Самарқанддаги кўзғолон пайтида ўзининг тажовузқорона достонини юборганда, Халил ўз бобосига ёрдам берган эди⁷. Халил Султон ёш бола бўлишига қарамасдан Бағдоднинг буюк давлатпаноҳига шоирона жавоб қайтара олгани тўғрисидаги ривоятга унчалик ишониб бўлмайди. Бироқ у нафақат форсча, балким туркча шеърлар ҳам

битган. Унинг онаси Олтин Ўрдалик ўзбек хонининг набираси бўлган.

Фахри, одатдагидек, ўшал оддий туркча байтни худди Алишер Навоий каби. иктибос қилиб келтирган. Халил Султон девони Хожа Исмаат томонидан юқори баҳоланган бўлиб, ҳозир ҳам мавжуд. Бобурнинг отаси томонидан бобоси авлодларидан Абу Саид Мирзо эс-латиб ўтилади. Аммо у шоир бўлмаган. Лекин Абу Саиднинг уч ўғли ҳам шоир сифатида тилга олинади. Шулардан Абубакр Мирзо. Унинг онаси Бадахшонлик Султон Муҳаммаднинг қизи ва мўғул Юнусхоннинг қайин синглиси эди.

Абубакр Мирзо акаси Маҳмуд Мирзо томонидан қувиб чиқарилмагунга қадар, отасининг вафотидан кейин 1469 йилгача Бадахшонда қолади. 1479 йилда Ҳиротда вафот қилган. Навоий унинг қаламига мансуб бир туйукни “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи бобида эслатиб ўтган. Султон Аҳмад Мирзо ибн Абу Саидга келсак, унинг жияни ёзганидай, “таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди, аммо хушсухбат киши эди” (“Бобурнома”, 64-бет). Бартолд уни гўё соддадил турк, ҳеч қачон, ҳеч нарса ўқи-майдиган шахс сифатида тасвирлайди. Алишер Навоий Хурсонда ҳокимлик қилган Султон Аҳмад Мирзони эслаб туриб, кимни назарда тутгани номаълум, баъзида “Ибн Мироншоҳ”, баъзида “Ибн Умар Шайх” деб аталган Султон ёки Саййиди Аҳмад Ҳоразмийнинг “Ҳазажи Мусаддас” китобидаги “Муҳаббатнома” каби машҳур “Таашшукнома”нинг муаллифи ҳам бўлиши мумкин, деб таъкидлайди Фахри Ҳиравий. Бу китобда туркийда битилган ўн ишқий мактуб бўлиб, улар Шохруҳ Мирзога бағишланган. Навоий унинг “Латофатнома”-

сини. форсча ва туркий шеърлари каби, балким ўша асардир деб эслатиб ўтади⁸. Унинг баъзи шеърларини Аҳмадга боғлиқ деб топишгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Не ажаб, шундан кейин у шоир сифатида шуҳрат топган бўлиши ҳам мумкин.

Унинг ўғли Кичик Мирзо кўпроқ шеърятга қизикқан. Онаси Ҳусайн Бойқаронинг синглиси эди. Харбий ишларга қизикмаганлиги боис, ултон Ҳусайн ҳузуридаги хизматни тарк қилади ва кўпроқ “мутолаага машғул бўлади” (“Бобурнома”, 222-бет). Фаҳри Хиравий Навоийга ўхшаб ўша бир рубойисини келтирган. Франсуз олими Буват ҳам ўзининг 1926 йилда “Журнал азиатик”да босилган темурийлар салтанати ҳақидаги бадиасида, юқорида эслаб ўтилган икки Аҳмадни чалкаштирганидан хижолат чекади. Лекин у темурийларнинг туркийона шеърятти хусусида ҳеч нарса айтмаган. У кўплаб Овруполик олимлардан фарқли ўларок, ҳатто Навоий билан Бобур ижодига ҳам унчалик аҳамият бермаган.

Умар Шайх Мирзонинг учинчи акаси Султон Маҳмуд Мирзо ўз туғишган акаси Аҳмад Мирзони Бобур ҳижрий 900 йил воқеаларида танқид қила туриб, яқиндагина вафот қилган амакисининг хулқ-атворини шундай таърифлайди: “Табъи назми бор эди, девон тартиб қилиб эди, вале шеъри бисёр суст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтгондин айтмоғон яхшироқдур” (“Бобурнома”, 82-бет). Ўғиллари у амалга ошира олмаган ишларни юзага чиқаришди. Катта ўғли шўрпешона Масъуд Мирзо номигагина Ҳисорнинг ҳокими бўлган. Хусравшоҳ томонидан охири кўр қилинган. Темурий тарихчиларининг шаҳодат беришича, “у домани қиёматгача лаънат ва нафрин сазовори бўлди”

дейилади (“Бобурнома”, 84-бет). Гулбадан Бегимнинг “Хумойуннома”сида ҳам айтиб ўтилган. Масъуд Мирзо “Равза”да шоир деб эслатилади.

Маҳмуднинг учинчи ўгли (Қоракўзбегимдан) Бойсунғир Мирзо иккинчи бўлиб, фақат унинг исмини эмас, балки Бойсунғир Мирзо биринчининг талантини ҳам мерос қилиб олганга ўхшайди. У ҳам ёшгина оламдан ўтган (1477-1499). “Шеърни ҳам тавре айтур эди. “Одилый” тахаллус қилур эди. Шеъри девон тартиб қилгунча бўлмайдур эди. Бу матлаъ анингдурким:

Соявор аз нотавони жо-бажо ме ўфтам,
Гар нагирам рўйи девори зи по ме ўфтам.

(Кучсизликдин соядай у ер-бу ерга тушаман,
агар деворни ушламасам, йиқиламан).

Самарқандта Бойсунғир Мирзонинг ғазаллари онча шойиьдурким, кам уй бўлғай эдиким, Мирзонинг ашъори ул уйда бўлмағай эди”. “У насхтаълик хатини хили хўп битир эди” “Бобурнома”, 126-бет). Унинг кичик укаси Султон Али (1500 йилда вафот қилган), Фахри Хиравийнинг таъкидлашича, отасининг вафотидан кейин бир оз ҳокимлик қилган, яхши шеърлар ёзган, ўзининг чиройи билан машхур бўлган.

Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғиллари ичида энг қизиқ тақдир, шубҳасиз, 1521 йилда вафот қилган Хон Мирзоникидир (ёки Воис Мирзо). Унинг онаси Нигорхоним мўғул Йўнусхоннинг кизи Бобурга она гомонидан хола бўлган. Фахри Хон Мирзонинг бир форсча матлаини эслатиб ўтаркан, унинг ўгли Сулаймоншоҳ Мирзо ёзган туркий шеърларидан намуна

келтиради. У отасига ўхшаб Ҳиндол Мирзодан кейин 1530 йилгача Бадахшон ҳокими бўлган. Фахри Ҳиравий уни яхши жангчи деб баҳолайди.

“Музаққир ул-аҳбоб”да (44-бет) Хон Мирзони азиз авлиё-анбиёларга ихлосманд, айниқса Чишти сўфидек хосиятли киши сифатида қайд этилади ва уни ёшлигиданок бир авлиё ўзига мурид қилиб олганлиги эслатилади. “Бу дарвешнинг дуолари энди Султон шахсиятида яққол сезилмоқда. У доим жазавада бўлади ва фақат дуо пайтида ўзига келади, - деб ёзади Ҳиравий. - Хожа Ҳасан “Музаққирни” ниҳоясига етказганда, Сулаймоншоҳ 55 ёшда эди. У Панипат жангининг қаҳрамонларидан бири бўлиши ҳам мумкин. Ўзини тўла тасаввуфга бағишлаган бўлиб, 1489 йили вафот қилган. Қизи Ҳумойун подшоҳга турмушга чиққан. Ўғли Иброҳим “Равза”да қўли очик ҳоким сифатида таъриф этилган. У “Музаққир”да адабиётга бўлган қизиқиши ва яхши шеърлари учун кўкларга кўтариб мақталган” (43-бет). Балхни забт этиш даврида ўлдирилган. Ўша муносабат билан ёзилган тўртлик машҳур бўлиб етган:

Эй лаъли Бадахшон, аз Бадахшон рафти,
Монандаи хуршиди дурафшон рафти.
Дар даҳр чу ҳотами Сулаймон буди,
Афсуски, аз дасти Сулаймон рафти.

Эй лаъли Бадахшон, Бадахшондан кетдинг,
Нурларга гарқ бўлган куёшдек кетдинг.
Бу замонда сен Сулаймоннинг узугидек эдинг,
Афсуски, Сулаймоннинг қўлидан кетдинг
(яъни нобуд бўлдинг).

У туркий тилда шеърлар ҳам ёзган. Хожа Хасан бир шеърини келтирган (44-бет). Бобурнинг ота авлодидан қариндошлари ичида кўп шоирлар етишган бўлса, онасининг қариндошлари орасида ҳам кўп учратиш мумкин. Унинг бобоси Йўнусхон мўғул (1477 йилда вафот этган) Чингизхоннинг авлоди Чигатойдан. Онаси Улуғбекнинг ўғли Абдулазиз Мирзонинг завжаси (хотини) бўлган. Йўнусхон бир йилча Табризда Жаҳоншоҳ билан қолган Қора Қўйунли туркман султони ҳам таникли шоир эди. У ҳақда Минорский кичик бир мақола эълон қилган⁹. Кейинчалик мўғулларнинг буюк хони деб эълон қилинган. Фахри Хиравий Йўнусхоннинг дарвеш кийимида қилган саёҳатларини ва унинг яшаш учун “Билодар-рум”да (Табризда қилган сафариди бўлса керак) қошиқ ясаб сотган кунларини тасвирлайди. Гап шундаки, у болалик давридаёқ Улуғбек томонидан гаровга ушлаб олинган (838 (1429) ва “Зафарнома”нинг муаллифи, Шохруҳ ва унинг ўғли Иброҳим Мирзонинг¹⁰ сеvimли дўсти, буюк тарихчи Шарафиддин Али Яздий (1454 да вафот қилган) томонидан унга сабоқ берилган.

Йўнусхон Бадахшонлик Муҳаммаднинг қизига уйлланган. У форс тилида девон ёзган ва “Лаълий” адабий таҳаллуси билан нашр қилдирган¹¹. Турк тилида ёзилган бир неча шеърлар “Равза”да сақланиб қолган, лекин уларни ўқиш анча қийин. Бу шеърларни Йўнусхонга тегишли деб тахмин қилишади. Ўғли Маҳмудхон, Бобурга она томондан тоға бўлмиш, Муҳаммад Тошкент ҳокими Шайбонийхон томонидан Хўжанд дарёси бўйида ўлдирилган (1509 йилда). У ҳам шоир бўлган. Гарчи шеъри “Равза”да чоп қилин-

ған бұлса ҳам, Бобур юқори баҳоламаган. “Бу рубоийни айтиб эдим, маъмул қофиясида тараддудим бор эди, ул маҳалда шеър мусталаҳотиға мунча татаббуъ қилмайдур эдим, хон хуштабъ киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлик ғазали камрок эди, бу рубоийни хонға ўткариб, тараддудимни арз қилдим. Кўнгул тинғудек шофий жавоб топмадим. Ғолибо шеър мусталаҳотиға камрок татаббуъ қилғондурлар” (“Бобурнома”. 156-бет). Бу воқеа хижрий 905 (1499) йили Тошкентда содир бўлган эди.

Йўнусхоннинг ва Бадахшон маликасининг яна бир фарзанди Аҳмад Мирзони Алачахон ҳам дейишади. Султон Саидхон деган ўғли ҳам бор эди. Қашғарда яшовчи бу ҳоким 1533 йил Тибет чегарасидаги жангдан қайтгач, Ёркентда вафот қилган. У ўзининг туркий шеърлари билан машҳур бўлган. Улардан бирини Фаҳри мисол тариқасида ҳам келтирган. Бу байт Заки Валиди Тўғон томонидан буюк турк шоирларидан 1556 йилда вафот қилган Фузулий ғазаллари билан солиштирилган. Ислом қомусида келтирилишича, Саидхон Алишер Навоий таъсирида ижод қилган.

Унинг ўғли Рашидхон ҳам ажойиб хаттот, машшоқ ва шоир бўлган (Қаранг: “Ҳафт иқлим”, 487-бет).

Фаҳри унинг туркий бир матласини мисол қилиб келтирган. Заки Валиди Тўғоннинг ёзишича: “Саидхон ҳаддан ташқари кайфу сафога ружу кўйгани туфайли, Рашидхон отаси ҳаётлигидаёқ Қашқарнинг ҳақиқий ҳокими ҳисобланган. Машҳур “Тарихи Рашидий” ҳам унга атаб ёзилган. Бу қимматбаҳо асарнинг муаллифи Мирзо Ҳайдар Дуғлот Йўнусхоннинг онаси томонидан набираси эди. Унинг тарихий асарида Чигатой сулоласининг 1347 йилгача бўлган тарихи

ва шахсий кечинмалари ҳақида ҳикоя қилинади. Асарнинг иккинчи қисми биринчисидан олдинроқ ёзилган (1541-1544, 1544-1547) кўринади. Бобур ўзининг бу қобилиятли қариндошини, унинг отаси Муҳаммад Хусайн Дуғлот ўзбеклар томонидан ўлдирилгандан кейин, хизмат давомида ёқтириб қолганга ўхшайди. “Хат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва зихгир, ҳар нимага илиги часпондур. Табъи назми ҳам бордур. Манга арзадошти келиб эди, иншоси ҳам ёмон эмас” (“Бобурнома”, 68-бет). Ҳайдар Мирзонинг қаламига мансуб бўлган туркий достонида шоирлик қобилияти ҳам яққол кўзга ташланади. Бу дoston Заки Валиди Тўғон томонидан Берлиндан топилган. Бу “Жаҳоннома”даги ёзувни тушуниш жуда қийин. Шоир “Аёз” тахаллусидан фойдаланган. У ушбу маснавийни Саидхон билан 1528 йили Зафар қальасини забт этиш учун борганда уйқусиз тунлари давомида ёзганга ўхшайди. Сўнгги сатрлари эса 1533 йили Қашғарда ёзилган. 3. В. Тўғоннинг фикрича, Бобур Ҳиндистонда, Шайбонийхон Фарбий Туркистонда, Саидхон ва Ҳайдар Мирзо Шарқий Туркистонда ўзларининг сиёсий қарама-қаршиликларига қарамай, Чигатой адабиётидаги бир хил йўналиш вакиллари бўлишган. Улар Фарбий Осидедаги туркларнинг шеърӣ анъаналари мақомида ижод қилишган. Маълумотларга кўра, 1515 йилда вафот этган. Бадахшонда 2-3 йил ҳокимлик қилган Бобурнинг кенжа укаси Носир Мирзо ҳам шеърӣятни жуда севган. Унинг форсий ғазалларидан бирини Фахри тўлалигича мисол қилиб келтирган.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, фарзандлари ва набиралари Бобур шоҳнинг шеърӣ анъаналарини давом эттиришган. Бобур Мирзонинг форс ва, айниқса,

туркий адабиётга мухаббати, муносабати деярли ҳар бир Овруполик тарихчи томонидан таъкидлаб ўтилган.

Ўрта аср турк тарихи ва филологияси соҳасида кўзга кўринган намояндалардан бири Фуод Кўпрулузода Ислом қомусининг янги нашрларида қисқача таърифлаган Бобурнинг беш асаридан, “Вақоеъ” ёки “Бобурнома” маълум ва машҳур асар ҳисобланади. Чарлз Стори ўзининг “Форс адабиёти” (I-II қисм, 529-бет) “Бобурнома”нинг турли нашр ва таржималарини яхши шарҳлаган. Бу нашр ва таржималар Бобур асарларининг асл нусхасини қайта тиклаш масалаларини мақсад қилиб олган. Асл нусхада баъзи бир кўшимчалар қатори, таржимага киритилган ортиқча кўшимчалар ҳам топилган. Ф. Тойфел ўзининг “Бобур ва Абулфазл” мақоласида Бобур шеърятининг услубини ўрганишга қўл келадиган жуда яхши танқидий материал келтирган. Профессор Рашид Раҳмати Орат томонидан қилинган янги туркча таржима профессор Ҳикмат Бойирнинг кириш сўзи билан берилган бўлиб, кўплаб биографик лавҳалари ва хотиралари билан жуда ҳам керакли ва қимматбаҳо манбадир. “Бобурнома” бутун турк насрининг энг гўзал намунасидир”, деб таъкидлаган Фуод Кўпрулузода ҳақдир. Унинг содда ва раво тили, ёрқин ва ҳаётий саҳифалари асарни ҳақиқий санъат жавоҳири даражасига кўтарган. Бу асар Акбар шоҳнинг фармонида кўра форс тилига Мирзахон Ибн Байрамхон томонидан таржима қилинган. Мазкур таржиманинг чиройли бир нусхаси Ҳиндистон, Покистонда Виктория ва Алберт музейида 648 рақами остида сақланади. “Вақоеъ”га бўлган қизиқшимизнинг боиси ҳам унда кўплаб шеърларнинг берилишидир. Бу шеърлар китобда ёзилган вақти билан

жойланган. Уларни ўқиб биз подшоҳ шеърятга қанчалар муҳаббат қўйганини тушуниб оламиз. Бобур шохнинг девони 1910 йилда Дениссон Росс томонидан нашр қилинган. Эдгар Блошенинг “Туркий қўлёзмалар каталогида” 1230 рақами остида сақланаётган “Девони Бобур подшоҳ” мақоласида Бобур минатйуралари ҳақида маълумот берган. Тахмин қилишларича, бу асар 1515 йилда ёзилган. Девоннинг яна бир нусхаси Истанбулда, Юлдуз кутубхонасида сақланади. Самойлович ҳам бу девонни Ленинградда тўла бўлмаган қўлёзма асосида қайта нашр қилган. Ва ниҳоят, Фуод Кўпрулузода уни Истанбулдаги Холис Афанди кутубхонасидан топишга муваффақ бўлган. Университет кутубхонасида 3743 рақами остида сақланаётган бу қўлёзма асл нусха бўлиб, Бобур шеърларини тўла қамраб олган. У “Муаллиф ўзи тартиб берган табаррук нусхадан ҳеч бир воситасиз нақл қилган асл нусхадан ўгирган”. У 118 ғазал, 8 маснавий, 104 рубоий, 52 муаммо, 18 китъа, 15 туюқ, 75 муфрадот, 29 шеърӣ мусанно (туркийда), “Рисолаи Волидийа”нинг туркий таржимаси, 3 ғазал, 1 китъа ҳамда форсча 18 рубоийни ўз ичига олади. Охирги саҳифалари йўқолган. Фуод Кўпрулузода мазкур қўлёзмани “миллий тааббуълар мажмуъаси”нинг 2, 3, 5-қисмида туркийдаги китъагача нашр қилган.

Бу шеърлар бир тартибда берилмаган. Агарда уларни “Вақоеъ”да келтирилган шеърлар билан солиштириб чиқсак, хронологик жойлашиш тартиби ўзгача бўлиши мумкинлигини тушунамиз. Девондаги биринчи ғазал Бобур 907 (1509) йил воқеаларида эслатиб ўтган 105-бетдаги шеър эканлигини билиб оламиз. Лекин ўшандан бери Бобурнинг бир неча

тўртликлари, ўнлаб муаммолари ва форсий шеърлари Холис Афанди кутубхонасидаги қўлёзмадан чоп қилинган йўқ. Биз хронологик тартиб ҳақидаги фикримизни тўғри деб таъкидлай олмаймиз. Чунки Бобур ана шу бой шеърини меросини тартибга солиб, анъанавий девон шаклига келтиришга улгуролмаган кўринади. Бу, бизнинг фикримизча, келгуси тадқиқотлар учун туртки бўла олади деб ҳисоблаймиз.

Девон ҳам ўзининг тили ва услубига кўра Ҳусайн Бойқаронинг мумтоз газал услубидаги девонидан фарқ қилади ва ажралиб туради. Фуод Кўпрулузода Девоннинг асосий қисми нашр қилинган журналдан яна Убайдулло хожа Аҳрори валий асарининг Бобур қаламига мансуб шеърини таржимаси “Рисолаи Волидийа” ҳам ўрин олган, деб кўрсатади. Хожа Убайлулло Аҳрор ўзининг мистик ғоялари билан Туркистон диний аҳлига таъсир кўрсатган. У ҳақдаги таъриф ва унинг айтганлари Али ибн Ҳусайн Воиз ал-Кошифийнинг машҳур “Рашаҳот айнул Ҳаёт” асарининг асосий иккинчи қисмини ташкил этади. Таржима 1528-29 йилларда амалга оширилган. У оддий уч рукли рамал (Фоилотун, Фоилотун, Фоилун)да ёзилган бўлиб, 243 мисрадан иборат, унча эътиборга лойиқ бадий қимматга эга эмас. Худди шундай фикрни “Мубаййин” ҳақида ҳам айтиш мумкин. “Мубаййин”, фикр қоидаларига оид маснавий бўлиб, у ҳам айтарли бадий қимматга эга эмас. Бу фикр “Бобурнома”да ҳам таъкидланади (399-бет), лекин Бобурнинг фикрға қизиққанлиги ва собит ханафий эканлигини кўрсатади. Асар Березин томонидан Қозонда 1857 йили жуда ёмон нашр қилинган (Қаранг: журнал Азиатик, 1883 йил, 180-183-бетлар).

“Рисолаи аруз” 932 - 934 (1526 - 1528) йиллар орасида ёзилганга ўхшайди. Бу асар ҳам Кўпрулузода томонидан Парижда топилган бўлса-да, ханузгача чоп қилинмаган. Асар 940 (1534) йили қайта кўчирилган. Кўпрулузода “Турк тили ва адабиёти хрестоматиясида” шу асарнинг тахлилини келтирган. 207-саҳифадаги “Туйук” мақоласида Кўпрулузода Бобурнинг турк шеърлятига мансуб тарона, кўшиқ, туйук (тажнис) ва бошқалар ҳақида классик оҳанг ва шеър тузилиши қоидаларининг яхши қўлланганлигини кўрсатади. Бобурнинг шеърлий қобилияти барча шоирлар томонидан юқори баҳоланган. Саид Мирзо ҳам Фаҳри Ҳиравийга ўхшаб унинг бир матлаини келтирган:

Такаллуф ҳар неча сурат тугулса андин ортуқсен,
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен.
(155-бет).

Мазкур матлаъ “Бобурнома”нинг ҳижрий 907 (1501) йил воқеаларида Шайбонийхон Ўратепа навоҳисиға яқинлашиб келган пайтларида ёзилган. Девонда яна биз унинг давомини, 6 байтдан иборат ғазал ва куйидаги сатрлар билан тугаган қисмини топамиз:

Иқомат чунки қилдинг, Бобиро, ул ҳур кўйида,
Мақоминг равзадин авло, ўзунг ризвондин ортуқсен.

Тазкираларда биз Суҳуфи Иброҳимийнинг ҳар бир унсурига эътиборимизни жалб қиламиз. Бу Берлин қўлёзмасида 3263 шоирнинг таржимаи ҳоли мужассамлашган. Навоб Иброҳим Алихон томонидан Банорасда 1205/1790 йилларда тузилган. Қўлёзмада кўрса-

тилишича, Бобур “Бобур Қаландар” сифатида машхур эди деб унинг исмининг ёзилиш тарихи берилган ва Бойсунғур ибн Шоҳрухнинг якин қариндоши дейилади. “Бобурнома”да Кобулдаги жанг тасвирлари туширилган хос хона тилга олинади.

Сухуфи Иброҳимий фақат подшоҳ томонидан Шаҳобиддин Муаммойга ёзилган “муаммо”ларни келтирган. У шоҳ ёқтирган ва суҳбатда бўлган ҳокимлардан бўлиб, “рисолаи дар фанни муаммо”си бағишлови учун ташаккурнома олган.

“Музаккир ул-аҳбоб”да Бобурнинг мистисизм билан кизиққани ҳақида ажойиб эслатма берилади... Бобур нақшбандий бўлганини Хожа Ҳасан Нисорий сўзлари билан қиёслаб кўриш мумкин. Унинг отаси ва бобоси Хожа Аҳрорнинг муридлари бўлишган. Бобурнинг бу ерда совға-саломларни ана шу пири комил авлодларига улашаётган қилиб тасвирлашган. Гўёки Бобур бир бўлак олтинни Маҳдуми Мавлоно Хожакийга қўйидаги тўртлик билан юборган:

Дар ҳавойи нафси гумраҳ умр зое кардам,
Пеши аҳлуллоҳ аз атвори худ шармандаам.
Фалак назар афкан бесўйи мо ки аз рўйи ниёз,
Хожакиро мондааму, хожакиро бандаам.

Адашган нафс йўлида умрни бекор ўтказдим,
Аҳли иймон оллида ўз қилмишимдан пушаймонман.
Ҳожат юзасидан биз томонга бир назар ташлаб

Мен Хожакийни тарк қилганман-у, Хожакийнинг
ўтгилки,
қулиман.

Бирок Бобур бундаин ишқий тасаввуфни кўргани кўзи йўқ эди. Бу каби тасаввуфни Хусайн Бойқарога тегишли деб “Мажолис ул-ушшок”да кўриш мумкин эди. Аслида, бу Бадриддин Ҳилолийнинг маълум ва машҳур маснавийларида, айниқса, унинг “Шоҳ ва Дарвеш” асарида бўлиб, бу тўғрида Бобур ғазаб билан шундай ёзган: “Ҳазаллари ҳамвор ва рангин ва кам хадшадур*. Девони ҳам бордур. Бир маснавийси бор “ҳафиф” баҳрида “Шоҳ ва Дарвиш”қа мавсум, агарчи баъзи байтлари тавре воқиб бўлибтур, вале бу маснавийнинг мазмун ва устухонбандлиғи бисёр ковок ва харобтур. Шуаройи мотақаддам ишқ ва ошиқлик учун маснавийларким айтубдурлар, ошиқликни эрга ва маъшуклукни хотунга нисбат килубтурлар. Ҳилолий дарвишни ошиқ қилибтур. Шоҳни маъшук, Абётеким шоҳнинг афъол ва аҳволида дебтур, ҳосилким шоҳни жалбий ва фоҳиша қилибтур” (“Бобурнома”, 244-бет). Узокни кўра олган Бобур бундаин сохта-мистик шеъриятнинг хафсизлигини кўра билди. У ўлганларни арвоҳи билан гаплашиш мумкин деган бемаъни даъвога ишониб, Ўрта Осиё эшонлари таъсири остида бўлганларни ҳам ёмон кўрарди. Шайбонийхон тўғрисидаги фикри ҳам шу нуқтаи назардан катта қизиқиш уйғотади. “Яна Қози Ихтиёр била Муҳаммад Мир Йусуфғаким, Ҳирининг машҳур ва хуштабъ муллоларидин эдилар, бовужуди омилиқ тафсирдин сабақ айтти... Яна ҳар неча кунда бир бемаза байт айтур эди ва минбарда ўкутуб, Чорсуда остуруб, шаҳр элидин сила олур эди. Агарчи саҳархез эди, ва беш вақт намозни тарқ қилмас эди, қироат илмини тавре билур

* Хадша - тирналган, чандик, ғадир

эди, вале мундоқ гўлона ва аблаҳона ва кофирона ақвол ва афъол андин бисёр содир бўлур эди” (“Бобурнома”, 270-бет).

Бобурнинг ўзбакларни сиёсий ва диний жиҳатдан хуш кўрмаслиги сабаби ўзини она диёридан қувиб чиқарганликлари вазидан янада чуқурлашади. У Шайбонийхоннинг сарой шоири Муҳаммад Солиҳни (941) 1535 да вафот қилган), яъни аввал Ҳусайн Бойқарога хизмат қилган шоирни қаттиқ танқид қилади. Чунки Муҳаммад Солиҳ аввал Ҳусайн Бойқарога хизмат қилган бўлса, кейинчалик ўзбакларга “Шайбонийнома”ни ёзиб бериб, мадҳиячи бўлиб қолганди. “Шайбонийхоннинг отиға бир туркий маснавий битибтур. Рамали мусаддаси маҳбун вазнидаким “Субҳа” вазни бўлғай, бисёр суст ва фурудтур, ани ўкугон киши Муҳаммад Солиҳнинг шеърининг безътикод бўлур” (“Бобурнома”, 243).

Шунга қарамасдан, Муҳаммад Солиҳнинг баъзи шеърлари ёш Заҳириддинга ёқарди:

Ҳар бир ноз-карашмачининг муҳаббатини нима
қилсин киши,
Сен бўлган жойда бошқани нима қилсин киши
(323-бет).

Бу ҳижрий 905 (1506), ҳаттоки 932 (1525) ҳижрийда воқеъ бўлган эди. Унинг шеърлари адабий йиғилишларда ўқиганларида подшоҳ сарой шоирларига шу каби одамни овунтирадиган шеър ўқишни буюрарди. 905 (1500) йил воқеаларида бўлса керак, ўзига диққатни тортадиган болакайни яхши кўриб қолган

пайтда биринчи марта Бобурда шеърга бўлган ҳавас уйғонганга ўхшайди. Бобур шу пайтда 17 ёшда эди. Аввалига у ўз хиссиётларини оддий форсча шеърий услубда баён этади. Туркийда оддий байт Хўжанд яқинида ҳижрий 904 (1498) йил воқеаларида битилган кўринадидек, лекин бу жуда кучсиз эди. Гарчи Бобурнинг форсча шеърлари сарой аҳли шоирлари шеърлари билан бемалол баҳслаша олмади ҳам, туркийда ўз фикрини баён этиш унинг учун яхши восита бўла олади. Аввалги бир байтда бўлса, кейинчалик бутун ғазалларида:

Ошиқ ўлғоч беҳуду девона бўлдум - билмадим,
Ким пари рухсоралар ишқига бу эрмиш ҳавас
(132- бет).

Бу ғазал кейинчароқ ёзилган бўлиб, эслаб ўтилган шеър катта дostonдан бир парча эмаслиги Бобур томонидан таъкидлаб айtilган. Самарқандга бошқалар ва улуғ Алишер ва Мулла Биноий билан 906 (1500) йилда учрашувга келган Бобур шундай деган эди: “Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эдим. Вале ғазал тугатмайдуру эдим. Мулла Биноий ва Хожа Абулбарака Фироқий дедиким, ўшул радиф ва қофияда айтмоқ керак эди” (143- бет). Бунда Бобурнинг шеър ёзишга ҳақиқий юрак бетлагани кўриниб турибди. “Бобурнома”да ҳар бир воқеага бағишлаб ёзилган шеърлар бор. Шеър ёзиш техникасини қолипга солишда жонбоз бўлганини юқорида эслаб ўтган унинг Қашқарга қилган саёҳати ифодалайди. Қашқарда, ҳижрий 907 (1503) йили Бобур ўзининг олти байтдан иборат ғазалини тугатганини ёзади:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим(157- бет).

Унинг бу ғазали Холис Афанди кутубхонасидаги девондан ўрин олган биринчи ғазалдир... “Мўндин сўнг ҳар ғазалким туганди, ушул тартиб била-ўқ битилди”, дейди Бобур.

910 (1505) йил воқеаларида Бобур ишқий ғазал битиб, “Навруз ул ийдқа ёвуқ келиб эди” деб қуйидаги ғазални келтиради:

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шод байрамлар,
Манға юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар.
Юзи наврўзи васли ийддини Бобур ғанимат тут,
Ки мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўз бай-
рамлар.

“Бобурнома”да мазкур ғазалнинг биринчи ва охириги байтлари берилган, холос.

Афгон тоғидан ўтиш пайтидаги, совуқ қорлар натижасидаги қийинчиликлар (912 (1507) йил воқеаларида берилган) Бобурни ўқиниш ғазалини ёзишга мажбур қилади. Шу вақтда яна бир ажойиб ишқий ғазалини тугатади:

Менинг кўнглумки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Агар ёз минг баҳор ўлса очилмоғи не имкондур.

“Бобурнома”даги узилишлар бизнинг Бобурни йиллар давомидаги қобилиятини кузатиш имкониятидан маҳрум этади. Кўриб турганимиздек, қачон бўлмасин, Бобур умрининг охиригача рубоий, шеърлар, ға-

заллар ва китъалар айтишга доим тайёр эди. Унинг дўстларига хатлари ёки бағишловлари доим шеър билан ёзилган. “Бобурнома”даги бир маълумотдан (428) кўриниб турибдики, Бобур девонининг бир нус-хаси, ўзбек хонларидан бири Пўлод Султонға Самарқандга юборилган. Бу унинг шеърларининг эрта чоп қилинган тўплами бўлиб, Э. Блоше қўлёзмаси эса шулардан бири эканлигини билдиради.

Ёши ўтган сари подшоҳ гарчанд ҳаётни севса ҳам, баъзида ўз шеърларида азият чекарди. 932 (1525) йил воқеаларида у касал бўлган пайтида ўз дардаламларини ёзган шеърлари учун жазо деб ҳисобларди... Яна бошдин истиффор ва эътизор мақомида бўлуб, бу навъ ботил андешадин... қаламни синдурдум (323). Лекин бу афсусланиш Бобурни бутунлай шеъриятдан воз кечтира олмади. Бу фурсатда у “Мубаййин”ни назм қилиш билан овора эди. “Бобурнома”да бир неча янги шеърлар ҳам бўлиб, улардан бирида Ҳиндистондаги иссиққа қарши фикр юритилади.

Панипатдаги фатҳдин сўнгра “туғро”да “ғози” битилди. Фатҳномада туғронинг остида бу рубоийни битидим:

Ислом учун овораи ёзи бўлдум,
Куффору ҳунуд ҳарбсози бўлдум,
Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид ўлмоққа,
Алминнату лиллаҳки ғози бўлдум (395).

Безгак касали подшоҳнинг саломатлигини ёмонлаштирарди. У касалликларидан ўзининг рубоийларида, 934 (1527) йил воқеаларида айтиб ўтган. Бироқ касаллик ва урушларга қарамай, шеър ёзиш санъати-

дан хузур қилишни давом эттиради ва мағрур, бунга ишониш қийин бўлса-да, 504 усулда шеърда мисрларни айрим бўлақларга ажратиб, вазнини ўлчадим деб таъкидлайди. Ушбу айёмда бу байтимни:

Кўзу кошу сўзу тилиниму де,
Қаду ҳадду сочу белиниму де,-

беш юз вазинда тақтиъ қилдим. Бу жиҳатдин рисола тартиб берилди (401).

У баъзида ўтган вақт учун ачингудек бўлади, дўсти Хожа Калонга (935 (1529) йилда) юборган хатларида буни кўриш мумкин.

Бобур шеърятни ҳаётнинг барча томонларини - севги ва урушни, ичимлик ва таркидунёчиликни қамраб олади, лекин бу шеърят жуда равон, содда тил билан ёзилгандир ва ҳеч бир қийинчиликсиз баъзида жуда содда, баъзида шеърӣ усулда, сўз ўйини қилган ҳолда очади ва таърифлайди. Шеърятига назар ташлайдиган бўлсак, “Вақоеъ”да акс этган унинг дунёқараши, танқидий фикрлари, шубҳасиз, Бобур сиймосини тўлдиради. Шуни унутмаслик керакки, фаол, жонли мушоҳада қиладиган олампаҳоқ ўзининг баъзи бир қариндош-уруғларига ўхшаб, фақатгина шеърят билан чегараланиб қолмаган, аксинча, у яхши хаттот ҳам бўлган. 910 (1504) йил воқеаларида “Бобурий хатни ихтироъ қилгани”ни ёзади (204- бет). Мурғобда Бобур Қози Ихтиёр билан кўришганда шундай деди: “Бобирий хаттидин сўз чикди, муфрадотни тилади, битидим. Ўшал мажлисда муфрадотни ўқуб қаваоидини битиб, нималар битиди” (241- бет). Бобур истеъдоднинг кўп томонларини ёки ҳеч бўлмаса бир томонини

ушбу мақолада ёритиш қийин. Биз шунчаки кейинги илмий тадқиқотларга туртки бўлар деган мақсадда, Чигатой адабиёти, теурийларнинг фақат адабиёт соҳасидаги ўрнини эмас, балки маданий тараққиётдаги бошқа аспектларини ҳам оз-моз ёритишга ҳаракат қилдик. Бу соҳада мендан аввалги турк олимлари Фуод Кўпрулузода ва Заки Валиди Тўғонлар ҳам диққатга сазовор ишларни амалга оширишган. Лекин ҳали шундай тарихий материаллар, чоп қилинмаган тазкиралар борки, булар кейинги тадқиқотлар учун, Фаҳри Ҳиравийнинг “Равза” асарини қайта нашр қилиш учун бемалол асос бўла олади.

Мақолада фойдаланилган адабиётлар ва иловалар

1. Қаранг: Ғози Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Вақоеъ. Бобур-ун хотироти. 1943 йил, I қисм. 1946 йил, II қисм. Анқара (турк тилида).

2. А.Шиммел ушбу мақолада “Музаққир улаҳбоб”нинг олмонча таржимасидан фойдаланган. Заки Валиди Тўғоннинг маълумотларига қараганда, мазкур асарнинг бир нусхаси Кобулда ҳам бор. Берлин қўлёзмасида Бобур султон ҳақида (32-42), Ҳумойун (34-39), Комрон Мирзо (39-42), Муҳаммад Аскарӣ Мирзо (42-43), Муҳаммад Ҳиндол Мирзо (43), Иброҳим Мирзо Сулаймон шоҳ Мирзо ибн хон Мирзолар (43-44) хусусида маълумотлар учрайди, Сулаймон шоҳ Мирзо Ибн хон Мирзо (44), Мирзо Абул-Қосим ибн Комрон Мирзо ҳақида (44-45) ҳам маълумот берилган.

3. Ҳусайн Бойқаронинг девони 1926 йилда Бокуда чоп этилган. Ушбу китобнинг кўплаб чиройли ёзилган нусхалари бўлиб, улар темурийлар санъатининг ажойиб намунасидир.

4. Ҳамбург давлат кутубхонасида ўн бешинчи рақам остида сақланаётган Шоҳ Ғариб Мирзонинг девони 1959 йилда Турон Генсей томонидан ўрганилган.

5. Фаридун Ҳусайн Мирзо Мир Алишер Навоий кўлида таҳсил кўрган. Ҳусайн Воиз унга ўзининг “Ахлоқи Мухсини” асарини (Шаҳзоданинг исми Абул Мухсин эди) бағишлаган. Ханс Румер 1952 йилда ёзган “Темур давлатининг тарихи” асарида китобхон дикқатини Ҳофиз Шерозий девонининг янгитдан чоп этилишини талаб қилган шаҳзоданинг хатига жалб этади.

6. З.В.Тўғон. Бойсунғур мирзо. Ҳаёти ва асарлари. Гокбурн, 1942. Унинг хаттотлиги ҳақида маълумот берган. Давлатшоҳнинг таъкидлашича, Бойсунғур мирзо Амир Хусравнинг шеърларини йиғишга жуда ҳам қизиққан. Унинг кутубхонасидаги айрим китоблар ҳозиргача ҳам Истанбулда мавжуд. Булар хаттотлик ва миниатюра санъатининг нодир нусхаларидир. Чиройли нусхаларидан намуналар Фаридиддин Атторнинг маснавийларига ишланган.

7. Нафақат темурийлар, балким яқин Шарқдаги кўплаб авлодлар ичидан давлатпаноҳ шоирлар етишиб чиққан. Аҳмад ибн Увайс Жалойир, барча томонидан очкўзлиги ва қаттиққўллиги учун қораланганига қарамасдан, тарихчилар томонидан араб, форс, туркий тилларда ижод қилган шоир сифатида юксак баҳоланади. Отасининг санъатга ихлоси баланд бўлган. У, мусиқани жуда яхши кўрган. Мусиқани Абулқодир ал-

Марағилдан ўрганган. Яхши хаттот ҳам бўлган. Араб тилида ёзган достони Ибн Тангриберди томонидан иқтибос қилиб келтирилган. Фуод Кўпрулузода шу султоннинг турк тилида ёзган мажмуасини топиш бахтига муяссар бўлган. Аҳмад ибн Увайснинг форсий девонининг чиройли безалган нусхаси Вашингтонда санъат галереяси музейида сақланади.

8. Саййиди Аҳмаднинг “Таашшукнома”си Британия Музейида АДД.794 рақами остида сақланади. 19та шеъри Самойлович томонидан 1927 йили нашр қилинган. Ҳар бир ишқий мактуб ғазал билан тугайди. Бутун дoston эса Шоҳрухга бағишланган. Е. Е. Бертелс муаллифни “ибн Умар шайх” деб атайдиган ва у Урганч ҳокими бўлган деб таъкидлайди (Турк тили. 1957, 122 - бет).

9. Қора Қўйунлининг ҳокими Жаҳоншоҳ ибн Қора Йусуф тарихчилар томонидан ёмон ишлари яхшиликларидан устун турадиган қатикқўл киши сифатида таърифланган. Ислom қомусидаги маълумотларга кўра, у ўз даври шоирларини ҳимоя қилган. “Ҳақиқий” таҳаллуси билан ёзилган девонини Минорский ўрганиб чиққан. Британия музейида сақланаётган бу девон Жомийга жуда ёқарди. Жаҳоншоҳ кучли шиа бўла туриб, кейинроқ шоҳ Исмоилга ўхшаб, туркий диний шеърият орқали ўз давлати, халқига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилган. Минорскийнинг фикрича, халқ унинг ғоялари таъсирида бўлган (Қаранг: Жаҳоншоҳ поэзияси, 1940 йил). Унинг душмани Султон Яъқуб оқ Қўйунли ҳам форс ва туркий тилда ижод қилган шоир ва санъат ихлосманди сифатида машҳур бўлган.

10. Давлатшоҳ Иброҳим мирзо ибн Шохрухни яхши хаттот деб юксак баҳолаган. Унинг қўли билан ёзилган Куръоннинг бир нусхаси Машҳаддаги Имом Ризо музейида сақланади.

11. Ислом қомусида келтирилишича, “Тарихи Рашидий” таржимасининг 147-бетига: Давлатшоҳ, Султон Маҳмудни шеърят ва шоирлар дўсти сифатида эсга олади (471-бет).

(Ишни Наманган давлат дорулфунунининг ўқитувчилари Раҳимжон Каримов билан Неъматуллоҳ Нормирзаев жузъий қисқартиш билан инглизчадан таржима қилишган).

* *
*

Муножот

5

“Не қилайин сенинг била, эй тил...”

Не қилайин сенинг била, эй тил,

Жиҳатингдин менинг ичим қондур.

Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър,

Бириси фаҳшу, бири ёлғондур.

Гар десанг куймайин бу журм била,

Жилавингни бу арсадин ёндур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

●→ Одамлар борки, ўлик лотин, санскритни, ушлаб сунъий тилларни биладилар. Сен бўлса, нотавон, ўзинг тирик бўла туриб, ўз оғзингдаги тилингни билмайсан-а.

●→ Она тилида фикрлашга, тоза гапиришга, нутқингизни ҳар хил ёт унсурлардан сақлашга ҳаракат қилинг. Қаерда ва ким бўлмасин, она тилини камситишларига йўл қўйманг. Тил мавсумий либос эмаски, об-ҳавонинг ўзгаришига қараб алмаштирилса. Онаи зор, Ватан, миллат ҳар бири биттадан. Она тили ҳам битта. Агар ўз халқингиз орасида гунгалак-соқов ва ёт бўлиб қолишни истамасангиз, она тилини бошингизга кўтаринг. Киши бошқа тилда билимли бўла олади. Аммо она тилидагина бекаму кўст, комил инсон бўлиши мумкин. Она тилини эъзозлашни, қадрлашни ва асрашни маърифатли миллатлардан ўрганинг.

●→ Бирон киши билан гаплашмоқчи бўлсангиз, шундай бир тилда гаплашингиз, то гаплашгунингизга қадар у Сизга душман бўлса, дўстга айлансин, илло дўст бўлса, душманга айланиб қолмасин.

●→ Сўз Сизнинг ичингизда экан, у Сизнинг қулингиз. Ташқарига чиққанда эса Сиз ўзингиз унинг қули бўлиб қоласиз.

●→ Тил бизни тарбиялайди, биз уни бузамиз.

●→ Икки жағ ва икки бут оралиғига эҳтиёт бўлган одам балодан холи. Араб мақоли.

●→ Тил бировларга “прокатга” бериладиган ашё эмас.

●→ Гапирмасликнинг иложи қолмагандагина гапиринг.

●→ Ҳақоратга сукут билан жавоб қайтаринг.

Кишининг жониға душман, балодур бошиға бу эл,
Агар бошин туфайл айлаб, вагар жонин нисор этса.

Диёру ёрдин Бобур жафоу жавр кўп кўрди,
Хуш ул ким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

●→ Ҳаёт нима эканини ўлимга маҳкум этилган кишидан кўра чуқурроқ ҳис этадиган хилқат бўлмаса керак. Соғлиқ нималиги беморга аён. Ватан қадрини Ватанидан мосуво этилган кишидан сўранг.

●→ Ё Одам сафиуллоҳ. Бунчалар буюк ва майда, тўқмижоз ва тамаъгир, сахий ва суқ бўлмаса Сизнинг қавмингиз. Гоҳо ўз қудратида - ожиз, зукколигида - басир, марду майдонлигида - кўрқоқ, донишмандлигида - риёкор...

●→ Магарам бугун биз зиёлиларни ҳақ таоло ва ўз виждонимиз олдида бирон мўъжиза қутқазиб қола олса, у ҳам бўлса - онҳазрат Истиффор жаноби олийла-

ридир. Кимки Оллоҳ олдида, ўз хаста иймони қарши-сида изтиробли тавба-тазарруни ихтиёр этмабди, егани захар, кийгани кафан. Бўлак ҳеч қандай куч уни машъум мунофиқлик балосидан, юрак тўлғоқларидан, охираат азобларидан қутқаза олмайди. Икки оламда юзи қаро бўлиб қолади.

●→ Ҳаммамизда ҳам ожизлик бор. Ожиз ва ожиза бандалармиз. Зўрлигинг шундаки, ожизлигингни ҳис этсанг. Зеро, ўз ожизлигини эътироф этмас ликнинг ўзи ожизликдир. Бу бизга Одам алайҳис салом билан Момо Ҳаводан мерос. Акс ҳолда, улар шундоқ жанна-тул маъвода, нафс балосига гирифтёр ўларок, бугдой донини еб қўйиб, бовур қилишармиди ва Равзатус са-фодан мосуво бўлишармиди?.. Одамзод қанчалар за-кий фариштамонанд, девкор, кудрагли, қанчалар мўрт. Зиддиятлар тугуни. Яхшилигига ҳам, ёмонлигига ҳам тараф йўқ. Ҳаётда шундай бўладики, бир одамни қанчалик севганинг сайин ундан шунча озурда бўла-сан. Қанча озурда бўлганинг сайин унга талпинасан, уни севасан, кўргинг келади, соғинасан. Зотан, тўғри-да. Ҳар бир кишидан ожизлиги туфайли узоклашавер-санг, ахийри бориб, ўзинг кимсасиз одамови бўлиб, ёлғизланиб қоласан. Одамлар қандай бўлса, шундай-лигича, барча кучли ва заиф томонлари билан, “кўтарасига” қабул қилмоқ керак. Зеро, қара, улар ҳам сени қандай бўлсанг шундайлигингча қабул қи-лишаётибди-ку. “Пуф, сассиқ” демасдан. Ё сен фа-риштамисан? Бе-е!... Қанчалик оғир бўлмасин, ке-чиримли, кўтаримли бўлган маъқул. Камсукумликдан яхшиси йўқ, азизлар. Истиффор туйғуси инсоннинг энг олийжаноб хислатларидан биридир. Тавба-тазарру

қилсанг, бу сенинг ожизлигинг эмас, олийжаноблигинг. Икки дунёда кам бўлмайсан. Кўзингни очиб, атрофга қара: Оллоҳ таоло кечирадию бандасини. Сен билан мен ким бўлибмиз...

Ким кўрибтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.
Бу замонни нафъй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳариз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.
Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнгулма,
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.
Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиғ асру кўл,
Эмди кўз тутмоқ, не яъни, ҳар ёмондин яхшилиғ.
Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.
Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.
Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

●→ Эй дунёи буқаламун. Бирам жилвадорсанки...
Гоҳида ҳақ сўзинг билан тоғу тошларни қоқ ёрасан,
тап-тақир ерда гул ундирасан. Бир қарабсанки, Филни
сичқонга тиз чўктирасан, еру кўкни ларзага соласан,
денгизларни чўлу саҳрога айлантириб, бир томчи сув-
га зор қиласан. Бирида меҳрибон волидам янглиғ азиз
бошимни силайсан, бирида уриб, шўрлик қаншаримни
ёрасан... Бир қарашда ҳозиксан, бир қарашда муно-
фиқ... Намунча нозик адосан, намунча ғариб гадосан,
намунча ғаддору, бадкору, бадкирдорсан... Басирларга
рўшнолик бағишлайсан, кўрар кўзларни кўр қиласан.
Қилни қирқ ёрган энг моҳир соҳиби ҳунар, мусаввири

қилқалам бўлгандаям, сенинг турку тароватингни тўқис ифодалай билмас.

●→ Бир одам дебди:

- Бу ер - меники! Иккинчиси даъво қилибди:
- Йўқ, меники!! Ер дебди:
- Ҳар иккаловинг ҳам - меники.

●→ Замондан ортда қолганларни урадилар. Замон билан баравар қадам ташлаганлар, аксарият, дорилонмон яшайди. Замондан ўзиб кетганларни эса ўша замон ўзи жазолайди.

●→ Ҳаромдан ҳазар.

●→ Шаробдан ҳазар қилинг. Сиз мусулмон фарзандисиз. Ичманг, илтимос. Кайф берувчи нарсаларни ичиш тугул, ҳидлаш ҳам мумкин эмаслиги ёдингиздан кўтарилмасин. Ароқ соғлиқни емириш, асабни бузиш, обрўни тўкишдан ташқари, наслни бузади. Кўзингизни очинг. Ҳалиям кеч эмас. Ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг амрфармонлари фаромуш бўлмасин.

●→ Ароқ ҳаром эмас, кайфи ҳаром, дейдилар. Лаббай? Шароб вужуди макруҳ нарса. Ўзи ҳам ҳаром, кайфи ҳам ҳаром. Зеро, кайф қилмасанг, ичиб нима қиласан? Ўзи кайфидан баттар, кайфи ўзидан баттар.

●→ Ўлиб кетганларни ҳақорат қилғувчи одам ҳалокатга яқин.

Ҳадиси шарифдан.

●→ Нодон билан улфатда бўлгандан кўра, доно билан кулфатда бўлган яхши.

Украин мақоли.

●→ Бизни туғдирган ва туққан ота-онамизни қанчалик севсак, ўз миллиятимизни ҳам шунчалик ардоқлашга тегишмиз. Ўз миллатини, унинг шаън-шавкатини, салоҳияти ва кадриятларини, ор номусини оёқ-ости қилган, дард-аламларига малҳам бўла олмайдиган киши, қандай мавжудот бўлса бордир, аммо инсон эмас.

●→ Ватан тарихини билайлик. Уни ҳар хил муртад талқинлардан, тухмат ва ахлатлардан тинимсиз тозалайлик. Шукуҳли тарихимизни замонавий маҳобатли тарихий ишлар билан бойитишга қўшиш қилайлик.

●→ Қирғинбарот уруш йиллари биноларнинг деворларига, дилдираб турган симёғочларга ғоят маҳобатли бир сурат ёпиштирилган бўларди. Унда муштипар, ўктам, ғазанабок бир аёл, бармоғини бигиз қилиб, ҳар бир кишидан жавоб кутарди: “Сен жангтоҳ учун нима қилдинг?” Ҳеч ким кўзларини жигарсўхта Онанинг қаҳрли нигоҳидан олиб қочолмасди. Ҳозир бизга худди шундай бир хитобнома-сурат керак. Тоқим унда барча туркий халқларнинг отаси, мўйсафид бобокалонимиз, соҳиби даврон, жаҳонгир Амир Темур ибн Тароғой Баҳодир, асрлар оша, ҳаммамизга ва ҳар биримизга юзланиб, десинлар: “Сен Истиқлол учун нима қилдинг?” Тоқим Унинг нажотталаб, ёндирувчи, мағрур ва меҳрибон кўзларидан асрлар давомида тош

қотган дийдамизни, баъзан лоқайд афт-ангоримизни яшира олмайлик. Бугунги кунда, асрлар давомида босқинчлар томонидан топталиб, таҳқирланиб келган, таланган Ватаннинг, дардчил, залворли кўҳна тарих ва аجدодларнинг биз авлодларга хитоби, даъвати, маънавияти шундоқ бўлиши даркор.

Хайр-маъзур олдидан

Агарда кимда-ким “юррак қони билан ёзилган асар” деган таърифда киттак бўлса-да маҳобат йўқлигига ишонч ҳосил қилишни истаса, “Бобурнома”ни ўқисин. Уни ўқиб адоғига етмайсиз. Ҳар гал мутолаа қилганингизда ўзингиз учун янги-янги ноёб маълумотларни топасиз. Ва ҳар гал, китобхон сифатида, ўзи-нгизни янгидан кашф қиласиз... Ҳа, айнан: фақат Бобур Мирзонигина эмас, ўзингизни ҳам!..

Қизиқ. Замонлареки, ҳали “Ўзбекистон” деган давлат шу ном остида дунёга танилмаган асрларда ҳам “Бобурнома”ни маърифатли жаҳон миқёсида танир эдилар...

Роса чорак аср бўлибдики, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент дорилфунуни таржима назарияси ва амалиёти кафедрасида “Вақоеъ”ни ҳамда унинг турли тилларга қилинган таржималарини ўргана бошлаганимизга. Камина мискиннинг илмий раҳнамолигимда асарнинг инглиз, олмон, франсуз, турк, рус тилларига қилинган таржималарини астойдил ўрганишга киришилган эди. Ўтган давр орасида русча таржималарни шогирдларим Лола Хўжаева, олмонча таржималарни - Фулом Хўжаев, франсузча таржималарни - Фотима Салимова, инглизча таржималарни - Сайёра Шукруллаевалар тадқиқ қилиб, номзодлик рисоаларини ёқлаш-ди. Улар орасида икки йирик иш: Лейден-Эрскин билан Аннетта Бевериж хонимнинг инглиз тилига қилинган бой таржималари таҳлили юзасидан Неъматуллоҳ Отажон ўзининг номзодлик ва докторлик илмий рисоаларини ёқлади. Бу орада профессорлик

унвонини ҳам хатм килди. Бу “Бобурнома” таржима-чилиги тарихи ва таҳлили юзасидан олиб борилган илмий изланишлар соҳасида “ғалвирни сувдан кўтариш” палласи келганлигини кўрсатади. Зеро, бу маҳобатли асарнинг бениҳоя бой таржималари тадқиқини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда илмий анжуманларнинг кун тартибига киритишга муваффақ бўлинди.

“Жаҳонгашта “Бобурнома”ни нашрга тайёрлашда ўзининг ғоят қимматли маслаҳатлари ва куйинчақлиги билан муаллифларга узоқ йиллардан буён яқиндан ҳар тарафлама кўмаклашиб келаётган Оминахоним Султоновага чин қалбимиздан ташаккур изҳор этамиз. Шунингдек, олти тилдаги мураккаб матнни чоп этишга ҳозирлашда бизга астойдил беминнат ёрдам кўрсатган азиз Намангон дорилфунуни мутахассислари Нейматжон Нормирзаев, Раҳимжон Каримов, Илҳомжон Холиқов, Акмалжон Умаралиев, Жамшидхон Саидазимов ҳамда Нейматжон ўғли Жаҳонгир Отажоновларга, қўлимизни кўксимизга қўйиб, самимий миннатдорчилик билдирамыз.

Сўнги ғараз. Умидвормиким, зарурат юзасидан ёхуд беихтиёр юз берган айрим такрорлар учун марҳаматли ўқувчиларимиз бизни маъзур тутарлар. Кенг илмий жамоатчилик ва китобхонлар оммасига тақдим этилаётган бу сингари нашрларда муқаррар учрайдиган нуқсонлар ва кам-қўстларни қайд этган барча ўқувчиларга олдиндан раҳмат айтамыз.

Ғайбуллоҳ ас-Салом,

профессор

1972-1996

Тошкент-Намангон-Тошкент

МУНДАРИЖА

Буюкликда якто ёхуд соҳиби саттанат (муқаддима ўрнида)	2
Биринчи боб. Матн ва таржима.....	11
Инъикос назариси ва учинчи адабиёт.....	11
Ўша-ўша ва ўша эмас.....	13
Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айб.....	15
Иллатнинг илдиэлари.....	17
“Назири йўқ киши”.....	21
Ифтихор ва ҳамд ёки шафқатсиз ҳақиқат.....	24
Қилич ва қалам.....	25
Ўзингсан ва ўзинг эмассан.....	27
Ҳийлаи шаръий.....	29
“Худойберди”ми ёки “Додхудо”?.....	31
“Яхшиямки туркийда ёзмишлар. Йўқса...”.....	33
Мунофиклик нима?.....	35
“Таржимон - хоин”?.....	37
Қингиргалбир сўқир ниятга вобаста.....	38
Кўнглингиз нимани тусайди?.....	40
Бадхоҳликка раддия.....	42
“Нур борки, соя бор”.....	44
Муртад фалсафа.....	45
Сен ўлдирмасанг, сени ўлдирадилар. Водариг!.....	47
Тасаннолар бўлсин Ҳақиқат жаноби олийларига!.....	49
Бу тиниб-тинчимас инъилиз мардум.....	50
Оврупо ҳазрат Навоийга мунтазир.....	52
Ўзларидан ранжиган бўларми эдилар?.....	53
“Имитейшн” нима?.....	54
Бадбинлик яхшиликка олиб келмайди.....	57
Иккинчи боб. Матн ва талқин:	
таржимавий ва ғайритаржимавий муҳит.....	62
Матндан ташқарида таржима йўқ.....	62
Таржиманунослик қомусий фан.....	63
Инсоншунослик зикрида	65
Инсон ҳамма жойда ҳам инсон. Бовужуд.....	66

Шир.....	68
Ғарбу Шарқ минтақалари кесинган жойда.....	70
Яна таклид баҳсига қайтиб.....	71
Мунгарақ сйужетлар манбаи.....	74
Адабиёт кимнинг мулки?.....	76
Бобур ва “Бобурнома” синфий-фирқавий исканжала.....	77
Мухаббат фарзанди.....	79
Қиёсий тадқиқот маҳсули.....	81
Сўзлар - муҳтасар, маъно - фаровон.....	84
“Хусусият бисёр экандур”.....	86
Лисоний қардошлиқ ва таржима муаммолари.....	87
Сўз-маъно-тийнат.....	89
Ажаб. Қанча яқин бўлса,шунча йироқ. Ва аксинча.....	91
Ташғри раҳмати ва кори хайр.....	92
Бекор гап.....	94
Учинчи боб. Бобур таржимачилигида узвийлик, давомийлик ва ворисийлик (матн ва шарҳ)..	99
Истиклол маънавияти.....	100
Мавлоно “Бобурнома”.....	102
Изланишлар давом этади	104
Таржима тадрижиёти.....	104
Чингизбачча Чигагойнинг қавмлари кимлар?.....	105
Мўғул эмас, турк.....	107
Бобурийлар салтанати	108
Янги франсузча таржиманинг тарихий негизлари.....	110
Янги туркий таржима.....	111
Номлар, номлар.....	112
Шажарага даҳлдор.....	113
Мўғуллар.....	114
Тарихий мантисизлик.....	116
Мирзо Бобурнинг кимлигини, келини,ўзларидан сўрайлик	118
Тоғ зарралардан таркиб тонади.....	119
Туркистон - умумий хонадонимиз.....	122
Тилимиз ночор деганларнинг ўзлари ношуд.....	123
Кучли шахсларни давр туғди.....	125

Илк мукаммаз инглизча таржима.....	126
Изданиш, умидсизлик, ишонч.....	128
39°41'.....	129
Татарлар?.....	130
Уйдирма.....	132
Кийшиқ мўридан кийшиқ тутун.....	133
Туртинчи боб. “Кайта яратиш” тажрибаси (Кемтик таржимаси).....	139
1-Фасл. Манбага қайтиш сўқмоқлари.....	139
Оёғи бормаган жойга қўли етди.....	139
Таржимонлар миллий маданиятларнинг фавқулудда ва мухтор элчилари.....	140
Даврий фарқлар ва услубий тафовутлар.....	142
Ўн саккиз йиллик кемтик.....	144
Таржимонлар ва тажрибалар.....	145
Бормикан бу дунёда бир бағри бутун.....	146
Қаламларига ҳасанот.....	148
Манбашунослик ва таржима.....	149
“Акбарнома” ва “Табақоти Акбарий”.....	150
Яна уч бебаҳо манба.....	152
1. Хумойун ва Бадахшон.....	153
2. Хумойуннинг кейинги хатти-ҳаракатлари.....	156
3. Бобурнинг Лоҳурга қилган сафари.....	158
4. Мундохирларнинг жазоланиши.....	160
5. Хумойун Мирзони бетобликдан халос этиш учун подшоҳ ҳазратларининг ўз ҳаётини бахшида этиши.....	162
6. Бобурнинг ўғилларини тахтга ворисликдан четлаштириш режаси.....	164
7. Бобурнинг вафоти.....	171
8. Бобурнинг хотинлари (завжалари) ва фарзандлари..	176
9. Жаноб Виллям Эрскиннинг Бобурга бўлган ҳурмати.....	181
2-фасл. Уч таржимавий манба. Сайёр сйужет- га айланган “кемтик” (Воқеий-қолипловчи) типологик (талқин).....	183
Лейден-Эрскин таржимасида ҳижрий 908	

Хоннинг Шайбонийхондан мағлубиятга учраши.....	190
Хожа Абулмакоримнинг тақдири.....	192
Бобурнинг Исфарага келиши.....	193
Фарғонани тарк этиш.....	193
Улугбек Мирзонинг вафоти.....	194
Бешинчи боб. Рисола ва роман мағтики	
I-фасл. Кемгик ва нутқ. Таҳлил ва тасвир.....	200
Шоҳу Дарвеш.....	202
Саккиз фазилат.....	205
Шоҳ Бобур сиймосига дахриёна чизгилар.....	207
Бобурга русиёна улудавлатчилик иддалари.....	209
Хожа Аҳрорга маломат топиларини отманг.....	210
Улугбек Мирзо ва Мирзо Бобур.....	212
Шоҳким, кўнгли гул гунчасидай қон	220
Ўзидин қанф этарму киши?.....	220
Бобуршунослик кўлами.....	222
Хожа Аҳрори валий ва	
Заҳриддин Муҳаммад Бобур.....	223
Халоскор “Волидийа”.....	225
2-фасл. Бобур: Шарқ ва Ғарб (икки тажриба).....	227
Ҳиндни ҳинд учун қанф этди.....	227
Муни Лаъл.....	229
Қоҳи Нур.....	233
“Не исташин ўзи ҳам билмасди” ёки Ваган соғинчи.....	233
Ҳаролд Лэмбнинг “Бобур - Йўлбарс” асари.....	236
Ҳаролд Лэмб: 908 йил воқеалари (фаразия ва ҳақиқат).....	240
Туш.....	240
Муҳаммад Боқирбек.....	242
Тоқай!.. ..	246
Ҳақиқатга яқин фаразия.....	247

Олтинчи боб. Мактуб ва услуб.....	252
Г. фасл. Мунпаот таҳлили.....	252
Уларни уларнинг ўзичалик билмок истасангиз.....	254
Муборак дастхатлар.....	256

А. Тўққиз юз ўттиз учинчи (1526) йил воқеаларида Бобур Мирзoning ўғли Хумойун Мирзога ўзининг қандай қилиб захарлангани таъвиш-тафсилотларини баён этувчи мактуби.....	259
Ўзимни ўзгалар орқали англайман.....	263
Инъикос ва инъикос инъикоси.....	264
Сўз маъноларининг ҳаракати.....	266
Ўзга бир олам!.....	270
Микдор ва рақамлар тилга кирганда.....	271
Б. Комрон Мирзога хат.....	277
Ҳинд - уники, у - ҳиндики эди.....	277
Туркона олийжаноблик, теурий гурур.....	279
“Жоно, Холикдин ўзга сўз йўқ”.....	281
В. Матн: Насихатномаи Бобуришоҳ ба фарзанди худ.....	282
Г. Табдил.....	286
Д. Хат услуби: мураккаблик ва соддалик баҳсида.....	290
Баъзи қайдлар.....	294
Тушунарли бўлгани учун тушунарли эмас.....	296
“Савол”истон мулкига саёҳат.....	298
Гавҳари тугиё.....	303

Сабок

Еттинчи боб.

Тоғнинг салобати-узукдан.....	306
“Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум”.....	306
“Ичкиликдан қочинлар, шоядки нажот тонсанлар”.....	307
Тасаллук.....	310
Боқийликка даҳлдор (“Хусусият бисёр экандур...”).....	316
Таржима. Доктор А. Шиммел (Ғарбий Олмония).....	321
Бобуришоҳ ва оилавий истеъдод ҳақида.....	322

Мақолада фойдаланилган алабиётлар ва илова­лар.....	344
Муножот.....	347
“Не қилайин сенинг билга, эй тил...”.....	347
Хайр-маъзур олдидан.....	355

Тақризчилар: Абдузўхур Абдуазизов,

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори,
профессор.

Султонмурод Олим,
филология фанлари номзоди,
доцент.

Ў 4702620100 — 135 — 96
М 361 (04) — 96

ISBN № 5 — 86484 — 043 — 0

С

А. Қодирий номидаги
Халқ Мероси нашриёти, 1996

Ғайбуллоҳ ас-Салом
Нсъматуллоҳ Отажон

**ЖАҲОНГАШТА
«БОБУРНОМА»**

Муҳаррир **И. ШОЙМАРДОНОВ.**
Бадний муҳаррир **Ю САМАДОВ.**
Техник муҳаррир **А. СОБИРОВ.**
Мусахҳиҳ **Ҳ. СОЮББАЕВ.**

ИБ № 164

Тайёрлашга берилди 20. XI 96 Босишга рухсат
этилди 22. XI. 96.

Наманган вилоят Ибрат номли босмахонада офсет
усулида босилди. Формат а-2. 23,5 босма табоқ

Буюртма 9944

1000 нусхада чоп этилди.

